

*Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий
номидаги Тил ва адабиёт институти илмий кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган*

Улуғбек ҲАМДАМ

ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ

монография

ТОШКЕНТ
«ADIB» НАШРИЁТИ
2012

УДК: 821.512.133

КБК: 84(5У) 7

Х-24

Улуғбек, Ҳамдам

Янги ўзбек шеърляти: Илмий мақолалар /
У. Ҳамдам; – Т.: «Adib» нашриёти 2012. – 304 б.

Ушбу тадқиқот XX аср ўзбек шеърляти тадқиқига бағишланган яхлит монографик иш ҳисобланади. Унда XIX аср адоғидан то Истиқлол давригача бўлган юз йилдан мўлроқ вақт мобайнидаги шеърлятимизнинг бадиий тадриж қирралари, бир-биридан фарқланиб турувчи авлодлар назмининг ўзига хос қиёфалари ҳамда мустақиллик даври ўзбек шеърлятининг асосий хусусиятлари каби қатор масалалар баҳоли қудрат урганилган.

УДК: 821.512.133

КБК: 84(5У) 7

ISBN 978-9943-317-77-2

© У. Ҳамдам.

© «Adib» нашриёти, 2012

Мундарижа

МУҚАДДИМА.....	4
I. ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ҒОЯВИЙ-ТЕМАТИК ЯНГИЛАНИШ ОМИЛЛАРИ.....	11
1.1. Давр, шахс ва шеърият муносабатлари.....	13
1.2. Янги ўзбек шеъриятида идеал муаммоси.....	37
1.3. Лириканинг ижтимоийлашуви.....	63
II. ЛИРИКА ТАБИАТИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР.....	94
1.1. Лириканинг мафқуралашуви.....	96
1.2. Лирикада ижтимоий дарднинг инсонийлашуви.....	128
1.3. Лириканинг мафқура таъсиридан халос бўлиши.....	160
III. ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ПОЭТИК ЯНГИЛАНИШИ.....	193
1.1. Шеъриятда вази алмашинуви ва бунинг амиллари.....	195
1.2. Поэтик ифроданинг такомилли.....	218
1.3. Лирик субъект эврилишлари.....	246
IV. ХОТИМА.....	277
МАҚОЛА.....	284
Истиқлол даври ўзбек шеъриятининг асосий хусусиятлари.....	284

МУҚАДДИМА

Ҳар бир янги давр босиб ўтилган йўл – мозийни англаш эҳтиёжини пайдо қилади, чунки бугун ва эртанинг илдизлари ҳамиша кечанинг бағрида қоимдир.

Сўнгги асрлар мобайнидаги фан ва техника ютуқлари натижасида ҳаётнинг анчайин турғун ва ўта сокин мароми шиддатли тус олди. Ва инсон ўзгарди: унинг тушунчалари, дунёқараши, қадриятлари янгиланди. Бу – биринчиси. Иккинчиси эса мамлакатимизда охириги юз йил ичида рўй берган ижтимоий ўзгаришлар ва уларнинг ватандошимиз тафаккур тарзига таъсиридир. Мазкур икки йўналишдаги омиллар XX аср кишисини аввалги даврларникидан беқиёс даражада фарклантириб юборди. Худди шу ўзгарган инсон адабиётда, жумладан, шеъриятда ҳам акс этди. Модомики, янги юз йилликка ва шу билан бирга, тамоман янги ижтимоий-сиёсий воқеликка кирган эканмиз, XX аср кишисини тафаккур тадрижи ва бунинг ижтимоий-психологик асослари нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш бугуннинг эҳтиёжидир. Айни эҳтиёж XX аср ўзбек адабиётида бадий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик омиллари борасида ҳам изланишлар олиб боришни тақозо этади. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ижтимоий-психологик омилларини, (албатта, бадийлик мезонларини назардан қочирмаган ҳолда) аср кишисининг шеъриятда аксланган қалб тебранишлари, тафаккур тарзи, буларнинг реал ҳаёт билан алоқаси қонуниятларини тадқиқ этиш эса

алал-оқибатда ўтган юз йилликда қандай яшадик, ишонч ва эътиқодимиз, дунёқарашимиз, кайфиятимиз... нималардан иборат эди? – каби ўнлаб саволларга жавоб топилганда ёрдам беради. Шу жиҳати билан мавзу умуммаърифий долзарблик касб этади, чунки жамият ҳаётининг ўтмишини англаш унинг бугуни ва эртаси учун ҳамиша ўғит вазифасини ўтайди.

XX асрда ватандош инсон жуда кўп воқеалар, эврилишларни бошидан ўтказди: оз эмас, кўп эмас, нақ учта ижтимоий тузумни кўрди; иккита жаҳон уруши, инқилоб талотўплари, фуқаролик уруши ва уларнинг даҳшатли оқибатларига гувоҳ бўлди; инқилобий шиорлару порлоқ келажакка бешак ишонадимиз ё шубҳаланадимиз, қатъи назар, инсонликка зид зулм остида ўзи англаб ё англамай эрка ташналик ҳисси билан яшади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги бурилиш ва ўзгаришлар кўпинча адабиётимиз мавзуларини тайин этди, гоҳ эса ижодкор, айниқса, шоир ижтимоий долзарб муаммоларни бир четга йиғиштириб қўйиб, «кўз қорачиғини ичкарига қаратди» (Ортега-и Гассет), ўз кўнгил дунёси кашфига берилди. Яъни шеъриятда ҳам ижтимоий ҳаётдагига монанд эврилишлар кузатилди. Шу маънода, аввало, XX аср ўзбек адабиётининг ғоявий-тематик тадрижи масаласини бугунги ижтимоий ва илмий тафаккур нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарурати юзага келади. Иккинчи томондан, янгиланган ижтимоий-тарихий шароитда яшаётган инсон қалбини акс эттириш учун шеъриятни ҳам шунга мувофиқ ислоҳ қилиш зарурати юзага келди. Шунинг натижаси ўлароқ шеъриятимиз ритмик-интонацион қурилиши, поэтик ифода тарзи, субъектив ташкилланиши каби муҳим жиҳатлардан қатор сифат ўзгаришларига учради. Умуман олганда, XX аср ўзбек шеърияти турли хил тузумларни жамиятнинг ижтимоий,

маиший, маданий ҳаёти заминда туғилган, хилма-хил моҳият ва шаклга эга ғоят мураккаб бир ҳодисаки, уни чуқур тадқиқ этиб, илмий баҳосини бериш асосида адабиётимизнинг кейинги тараққийси учун зарур назарий ҳулоса ва умумлашмалар чиқариш мумкин.

XX аср ўзбек шеърининг тарихи, поэтикаси масалалари адабиётшунослигимизда кенг ва атрофлича ўрганилди ва айтиш жоизки, тадқиқ жараёни ҳозирги кунимизгача ҳам сусайгани йўқ. Бу ўринда, аввало, адабий жараёнга бевосита иштирок этган ҳолда адабий танқид йўналишида яратилган кўплаб мақолалар, конкрет даврдаги долзарб муаммолар тадқиқига бағишланган монографиялар муаллифлари – Фитрат, Олим Шарафутдинов (“Айн”), Усмонхон, А. Саъдий, В. Махмуд, О. Ҳошим, Ойбек, Ҳ. Олимжон, И. Султон, Ҳ. Ёкубов, С. Мамажонов, О. Шарафиддинов, Н. Каримов, Б. Назаров, Н. Худойберганов, Б. Акрамов, Н. Раҳимжонов, И. Ғафуров, И. Ҳаққулов, О. Абдуллаев, Ҳ. Болтабоев, Қ. Йўлдошев, Б. Норбоев, С. Мелиев, Я. Қосим, Ж. Жумабоева каби янги шеършунослигимизнинг шаклланиши ва тараққийсига муносиб ҳисса қўшган адабиётшуносларни тилга олиш жоиз¹. Айни чоғда, кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам дунёга келди. Жумладан, бу йўналишдаги тадқиқотларнинг айримлари XX аср ўзбек шеърининг тараққиётининг маълум бир босқичини тарихий аспектда ёритиб берса², бошқа бирлари айни бос-

¹ “Айн” ўзбек шоирлари. Чўлпон // Қизил Ўзбекистон. 1927. 14 фев.; Ойбек, Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак? // Қизил Ўзбекистон. 1927. 14 май; Усмонхон. Мунаққиднинг мунаққиди // Қизил Ўзбекистон. 1927. 22.23.27 июн.; Ёкубов Ҳ. Ғовийлик ва маҳорат. Тошкент: 1963; Каримов Н. Ойбек. Тошкент: 1985; Назаров Б. Ҳаётиники – безавол мезон. – Тошкент: 1985; Шарафиддинов О. Истеълод жўллари. – Тошкент: 1976; Биринчи муъжиза. – Тошкент: 1979; Ғафуров И. Лириканинг юраги. – Тошкент: 1982; Йўлдошев Қ. Ёник еш – Тошкент: - 2006; Н. Раҳимжонов. Давр ва ўзбек лирикаси. – Тошкент: 1979.

² Бабаҳаджаева М. Борьба за современность в узбекской советской поэзии 20-х годов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1964; Кариев Б. Основные черты узбекской советской литературы 20-х годов (по материалам литературных журналов): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – 1967; Джалалов А. Просветительско-демократическая узбекская литература 1905-1917 гг. (на материале творчества танкентских поэтов): Автореф. Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1972; Джумабаева Дж. Особенности развития узбекской советской поэзии раннего периода: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1977; Жалолов А. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ртвожланиш жараёни (XIX аср охири ап XX бошлари): Филол. Фан. докт. дисс. – Т., 1994.

кичга хос ғоявий-тематик хусусиятларни³, тагин бирлари бўлса поэтик⁴ хусусиятларни ўргандилар. Шунингдек, муайян адабий-назарий масалаларни ўрганишга қаратилган ишлар борки, уларда XX аср шеърияти кўйилган масала нуқтаи назаридан тадқиқ этилади⁵, яъни материал бўлиб хизмат қилади. XX аср ўзбек шеъриятининг етук намояндалари ижоди масалаларига бағишланган тадқиқотларда ҳам мавзумизнинг айрим жиҳатлари ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Хуллас, ўрганилаётган давр шеърияти бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганига қарамай, уни яхлит олган ҳолда муайян муаммо нуқтаи назаридан монографик тарзда тадқиқ этувчи ишларга эндигина қўл урила бошланди.

Бу табиий ҳам. Чунки, биринчидан, истиқлол йилларидан бошлаб адабиётшунослигимиз кўпроқ илгари маълум

¹ Аҳмеджанов Дж. Узбекская сатирическая поэзия 20-годов (на основе материалов журналов "Муштум", "Машраб" и газеты "Янги Фаргона"). Автореф. дисс. канд. филол. наук. - Т., 1963; Джуманов М. Мотивы борьбы за свободу и социальную справедливость в узбекской литературе 1905-1917 гг.: Автореф. дисс. канд. филол. наук. -Т., 1993; Қосимов Я. Узбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгилашиш жараёни: Филол. фан. номз. дисс. -Т., 1993; Жаҳонгирова Н. Миллий уйғониш даври ўзбек шеъриятида озодлик ҳаракатининг бадий талқини (1916 йил воқеаларини ақс эттирувчи асарлар мисолида) - Филол. фан. номз. дисс. -Т., 2009; Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерни шеъриятининг асосий хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. -Т., 2004.

² Камбарова Д. Романтическая тенденция в узбекской поэзии 30-х годов. Автореф. дисс. канд. филол. наук. -Т., 1973; Абсамиев Х. Проблемы традиции и новаторства в узбекской поэзии 60-70 годов. Автореф. дисс. канд. филол. наук. - Т., 1986; Абдукадиров А. Поэтические образы в узбекской советской поэзии периода великой отечественной войны (Проблемы традиции и новаторства): Автореф. дисс. канд. филол. наук. -Т., 1986; Акрамов Б. Проблема поэтического образа в современной узбекской лирике (60-е-80-е годы): Автореф. дисс. докт. филол. наук. -Т., 1991; Жумабаева Ж. XX аср ўзбек шеъриятида психологик тасвир маҳорати: Филол. Фанлари доктори. дис. автореф. - Т., 1999; Курбонбоев И. А. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образлики: Филол. фан. номз. дисс. -Т., 2005; Афокова Н. Ўзбек жалид адабиётида шеърини шакллар тараққиёти тамойиллари: Филол. фан. докт. дисс. -Т., 2005; Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари: Филол. фан. докт. дисс. -Т., 1996.

³ Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармок системаси: Филол. фан. номз. дисс. -Т., 1962; Юнусов М. Ўзбек совет поэзиясида традиция в новаторлик проблемаси (1917-1932): Филол. фан. докт. дисс. -Т., 1967; Тўйчиев У. Система аруза узбекской поэзии: Филол. фан. докт. дисс. -Т., 1987; Иброҳимов М. Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб топшиши. - Т: Фан, 1983; Тулаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қахрамон талқини: Филол. фан. докт. дисс. -Т., 1994; Аҳмедов Ҳ. Ўзбек адабиётида насрий шеър: Филол. фан. номз. дисс. -Т., 1995; Маматова А. Ўзбек адабиётида сарбаст шеърнинг шаклланишива унинг баддий-эстетик хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. -Т., 2000.

⁴ Эшонова З. Идеино художественные особенности поэзии Чулпана: Автореф. дисс. канд. филол. наук. - Т., 1991; Аҳмедов Х. Ҳамза лирикасининг хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. -Т., 1992; Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида суз ва образ: Филол. фан. номз. дисс. -Т., 1993; Абдукаримов Т. Зулфянинг 70-80 йиллар ижодида лирик қахрамон тасвири: Филол. фанлари номзоди дис. автореф. -Т., 1995; Афокова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар: Филол. Фанлари номзоди дис. автореф. -Т., 1997; Ҳамдамов У. 30- йиллар ўзбек шеъриятида "Соф лирика" муаммоси: Филол. Фанлари номзоди дис. автореф. -Т., 1997; Ашурова Г.Н. Абдулла Орипов шеъриятида аънава ва бадий маҳорат - Филол. фан. номз. дисс. -Т., 2008.

сабаблар билан ўрганилмаган мавзулар билан шуғулланди; иккинчидан, XX аср адабиёти, жумладан, шеърляти ўзбек адабиёти тарихидаги ўз чегараларига эга алоҳида бир босқич, яхлит ўрганилиши зарур бўлган тадқиқ объекти сифатида эндигина идрок этила бошланди. Шу маънода, бизнинг ишимиз бу борадаги илк тажрибалардан биридир.

Тадқиқотнинг асосий мақсади XX аср ўзбек шеърляти бадий тафаккур тадрижи босқичларини, ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларни вужудга келтирган ижтимоий-психологик омилларни аниқлашдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилди:

- давр, шахс ва шеърлят муносабатларини, бадий иждода, хусусан, лирик иждода идеалнинг аҳамиятини тадқиқ этиш;

- XX асрда ўзбек лирикасининг ижтимоийлашувига олиб келган асосий ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш;

- давр шеърлятининг ғоявий-тематик тадрижини кузатиш, шеърлят ва мафкура муносабатини ўрганиш ва бунинг XX аср ўзбек шеърлятининг ғоявий-тематик мундарижасига таъсирини очиб кўрсатиш;

- ўзбек шеърлятидаги поэтик янгиланишнинг ички ва ташқи омилларини аниқлаш, шеър поэтикаси ва даврнинг ижтимоий, маиший, маданий шарт-шароитлари орасидаги боғлиқликни очиб бериш;

- ўзбек шеърлятининг ритмик-интонацион ва ифода тарзидаги ўзгаришларни кузатиш ҳамда бунинг омилларини аниқлаш;

- XX аср ўзбек шеърлятида лирик субъект такомилли, лирик асарнинг субъектив ташкилланиши бобида кузатилган силжишларни тадқиқ этиш.

Тадқиқот объекти сифатида XX аср ўзбек шеърляти

бадий тафаккур тадрижига сезиларли таъсир кўрсатиб, ўз ижодида унинг турли боскичларига хос асосий тенденцияларни мужассам этган Ҳамза, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, А. Мухтор Э. Воҳидов, А. Орипов, Ш. Раҳмон, Х. Даврон, У. Азим каби шоирларнинг лирик ижоди танланди. Ишда “XX аср шеърияти” деб юритилган даврнинг хронологик чегараларини 1905-1990 йиллар дея белгилаб олинди. Яъни бу ўринда хронологик аср билан “адабий аср” тушунчалари мос келмайди. Зеро, агар биз тадқиқ қилаётган “Янги ўзбек адабиёти” даврнинг илк “адабий асри” бўлса, ўтган асрнинг сўнгги ўнйиллигидан янги “адабий аср” бошланди ва унинг хусусиятларини ўрганиш алоҳида тадқиқотлар мавзуси бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот предмети сифатида мазкур давр ўзбек шеъриятининг янгиланиши ва ғоявий-бадий эволюциясини таъмин этиб, унинг бадий тафаккур тарзини белгиланган ижтимоий-психологик омиллар аниқланди.

Кузатишларимиз натижаси янги ўзбек шеъриятининг қисқа сатрлардаги умумий манзараси тахминан қуйидагича эканлигини кўрсатмоқда:

1. XX аср бошида Туркистонда юзага келган шароитда шахс мақоми ўзгарди, ижтимоий фаоллашган янги инсон шаклланди. Янги инсоннинг қалб тебранишларини акс эттириш талаби шеъриятдан шунга мос ўзгаришларни – янгиланишни тақозо этди.

2. Янги инсон шахсий турмуши ва жамият ҳаётини ўзгартиришга ўзини қодир деб билди, конкрет ижтимоий мақсад билан, эртанги истикбол ҳақида ўйлаб, амалларини шунга мослаб яшай бошлади, яъни ижтимоий фаоллашди.

3. Шеъриятнинг ижтимоийлашуви биргина мазкур ижтимоий шароит натижаси эмас, айни пайтда ички омил –

инсон фитрати, ундаги рухий мохиятнинг ижтимоийлик шаклида намоён бўлиши билан ҳам боғлиқдир.

4. Мазкур омиллар эстетик идеални ташкил этувчи ибтидоларнинг ўзаро мутаносиб ва уйғун бирикувига путур етказди: XX аср бошларидан эстетик идеалнинг кучайиши, гўзаллик ва ахлоқ қирраларининг эса орқа планга сурилишига олиб келди.

5. Шеърятимиз ижтимоийлашуви жадид ижодкорлар фаолияти билан, унинг мафкуралашуви эса 20-йиллар авлодининг майдонга чикиши ва жадид мафкурасига шўро мафкурасини кескин қарши қўйилиши билан боғлиқдир.

6. Шеърятнинг воситага айлантирилиши унда поэтикадан кўра риторика қонуниятларининг устун бўлишига олиб келди, бу ҳол жадид шоирларида, кейинча 20-йиллар авлоди ижодида кузатилди.

7. Жадид ижодкорларнинг “чин адабиёт” йўлига ўтиши уларнинг фаол ижтимоий-сиёсий фаолиятдан четлашиши билан, 20-йиллар авлодининг “кўнгил шеъряти”га юз буриши эса социализм ғоясига ишонч дарз кетгани билан изоҳланади.

8. Ўзбек шеърятининг ғоявий-тематик янгиланиши шунга мос шаклий ўзгаришларни тақозо этди. Бу ўзгаришларнинг энг муҳимлари ритмик-интонацион сатҳда, поэтик ифода тарзи ва лирик асарнинг субъектив ташкилланишида кузатилди.

Мазкур монографияда XX аср ўзбек шеъряти тараққиётининг асосий тенденцияларини таҳлил қилиш асосида чиқарилган хулоса ва умумлашмалар шеърятимиз тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, босқич ва омиллари ҳақидаги мавжуд илмий қараш ва тасаввурларни бойитади, деган умиддамиз.

І БОБ.

ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ҒОЯВИЙ-ТЕМАТИК ЯНГИЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Ҳар бир давр бошқа даврлардан ўзининг муайян сиёсий-ижтимоий-психологик кайфияти билан фарқ қилади. Шеър, умуман, ҳар қандай санъат асари, ана шу муҳит-кайфиятдан ўсиб чиқади ва биринчи галда ўз даврининг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларига хизмат қилади. Лекин буни бадиий асарни муайян бир даврга боғлаб қўйиш деб тушунмаслик лозим, чунки бадиий асар ўзининг образлилиги, маъно хусусиятларининг кўп қатламлилиги боис бошқа замонлар истеъмолига ҳам кириб бораверади. Шу жиҳатдан қаралса, сўз санъатининг тадрижи, аввало, мазмундаги ўзгаришлар билан характерланади, зеро, ҳар бир авлод ўзига мерос анъаналарни, аввало, мазмунан бойитади. Мазкур қонуниятнинг тағзаминида эса ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ва шу ўзгаришлар натижаси ўлароқ воқе бўлган янги сиёсий-ижтимоий-маънавий кайфият ётади. XX асрда жаҳон халқлари ҳаётида жуда катта ўзгаришлар юз бергани барчага маълум. Бу нарса адабиётга ўзининг бевосита таъсирини кўрсатгани, унинг мазмун-мундарижаси ва шаклида шунга мос ўзгаришларни келтириб чиқаргани ҳам барчага аён ҳақиқат. Энг муҳими, бу ўзгаришлар мажбурий тарзда эмас, балки табиий-қонуний тарзда, ижтимоий-маънавий зарурият натижаси ўлароқ юзага келади. Яъни ижтимоий ҳаётда қачонки зарурат етилса, ижодкорларнинг маънавий-руҳий изланишлари натижаси ўлароқ адабиётда ҳам ўша заруратга мос ўзгаришлар

содир бўлади. Чунки ўзгаришларни амалга ошириш чинакам истеъдодлар учун шахсийланган маънавий-рухий эҳтиёжга айланади. Айни шу эҳтиёж лириканинг мазмуни ва руҳида ўзгаришлар ясайди, кейин унинг бадий қиёфаси ҳам шунга мос ўзгаради, шунга мос поэтик воситалар ишлаб чиқилади ва ҳ.

Шулардан келиб чиқиб, бизнингча, XX аср ўзбек шеъриятидаги бадий тафаккур тадрижини кузатишни айнан шу масаладан, яъни ундаги гоёвий-тематик ўзгаришлар ва уларнинг омилларидан бошлашимиз тўғри бўлади.



1.1. Давр, шахс ва шеъринг муносабатлари

Кўп асрлар оша давом этган ижтимоий муносабатлар инсонни инсон айлаганлигига бугун ҳеч ким шубҳа кўзи билан қарамаса керак. Шунинг учун ҳам бу ҳақиқатни бироз бўрттириб, ижтимоий ҳаёт маймунни инсонга айлантирди, дея эълон қилишди. Аслида узоқ эволюцион йўлни босиб ўтган мавжудот инсоннинг ўзи эди. Маймун меҳнат воситасида инсонга айланди, деган лофни асл маънода эмас, балки кўчма маънода қабул қилсак, сихни ҳам, қабобни ҳам куйдирмаган бўламиз. Чунки шундай қилинганда, одамнинг маймундан тарқамаганлигини айтиш билан бирга инсоннинг ҳозирги ҳолга келишида меҳнатнинг, ижтимоий ҳаётнинг буюк ролини эътироф этамиз.

Маълумки, меҳнат кишиларни кўплашиб, жамоа бўлиб яшашга, жамоалар эса ижтимоийлашувга олиб келди. Инсонни эрамизгача «сиёсий ҳайвон», асримизда (XX) эса «ижтимоий мавжудот» деб атадилар ва бунда ана шу мулоҳазалардан келиб чиқилди. Назаримизда, шу ўринда ўзида масаланинг нозик бир тарафини акс эттирувчи савол қалқиб чиқади: ижтимоийлик инсонни майдонга келтирдими ёки унинг ўзини инсоннинг моҳияти юзага келтирдими? Бу ҳол беихтиёр «товуқ олдин пайдо бўлганми, тухум?» деган ўша қадимий саволни киши ёдига тушириши табиий. Илм-фаннинг ривожини шуни исбот қилмоқдаки, одамзод туғилмасидан илгари – она қорнидаёқ программалаштирилади. Бас, шундай экан, ҳали дунёга келмасидан аввалоқ инсон ҳаётининг моҳияти белгилаб қўйилади. Унга кўра инсон ижтимоий мавжудотдир. Демак, ижтимоийликни, аввало, инсоннинг ўзи майдонга келтирди, ижтимоийлик инсоннинг

фитратидан ўсиб чикди. Бу қараш ижтимоий ҳаётнинг онгни белгилашига асло зид келмайди. Аксинча, уларни бир-бировининг қонуний давоми ўлароқ қабул қилсак, тўғрироқ бўлади. Демокчимизки, агар инсон моҳиятида ҳозир етиб келганимиз ижтимоий ҳаётни яратувчи ва унга мувофиқ келгувчи асослар бўлмаганда эди, одамзоднинг турмуши, масалан, ҳайвонотникига монанд ривожланарди. Мазкур фикримиз одамзод эволюциясининг ибтидосига тааллуқли бўлиб, ҳозир туғилаётган чақалоқ онгини, шубҳасиз, ижтимоий ҳаёт белгилайди дея оламиз. Чунки башарият шу чоққача босиб ўтган йўлни унинг қайта ўтмагига ҳожат йўқ. Бугуннинг кишиси эволюциянинг ҳаракат чизигига нисбатан энг сўнги босқичида турибди. Лекин бугун туғилаётган чақалоқ онги ҳам ўз моҳиятига кўра ижтимоийликни қабул қилишга мойилдир. Ахир, ҳайвонлар орасида яшаган «маугли»ларнинг умри одатдагидан қисқа бўлишига асосий сабаб уларнинг ижтимоий ҳаётдан узилганлиги эмасмикин? 1799 йилда Франция жанубида жойлашган Еверона ўрмонидан овчилар топиб олган 12 ёшли боланинг қисмати бизнинг олдимизга талай саволларни қўяди. Психолог Ж.Годфруанинг ёзишича, Виктор (унга шундай исм беришган – У.Х.) қисқа вақт ичида икки оёқда юришни, одамлар ишлатадиган нарсалардан фойдаланишни ўрганиб олган ва энг муҳими, у биронта ҳам маймун қобил бўлмаган нутқнинг илк шаклларига эга эди. Лекин Викторнинг жамиятга кўникувидаги муваффақиятлари ана шулар билан чегараланган. Ва у 40 ёшида вафот этган. Годфруа савол ташлайдики, агар болада инсонга хос аломатлар бўлса, нега у одамлар орасига қайтгандан кейин ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлана олмади? Айни пайтда, Годфруа Ҳиндистон ва Сальвадор ўрмонларидан топилган беш ёшли «кич-

кина Тарзан»ларни қайта тарбиялаш мумкин бўлганини ҳам қайд этади¹.

Кўриниб турганидек, бу ўринда чиқарадиган хулосаларимиз бироз бошқача бўлади. У олдимизга бир-бирининг зидди бўлган қатор саволларни қўяди: “инсон моҳиятан ижтимоий мавжудотми ёки унинг ижтимоийлашуви фақат муҳит ва тарбия орқали юзага чиқадими?”

Назаримда, битта Виктор мисоли билан, яъни унинг жамиятга бутунлай қўшилиб кетолмаганини айтиш билан ижтимоийлик одамзоднинг илдизида эмас, дея олмаймиз. Бундай хулосага келиш учун бир эмас, балки бириккинчисини айнан тасдиқловчи ўнлаб, юзлаб мисоллар керак бўлади. Қолаверса, туғилгандан бошлаб то 12 ёшгача одам боласи билан мулоқотда бўлмай, ўзи ёлғиз ўрмонда яшаган Викторнинг юқорида Годфруа тан олган муваффақиятлари ҳам бўш жойда пайдо бўлган эмас, балки, бу ҳол, менинчга, инсоннинг моҳиятида барибир ижтимоий ибтидо борлиги билан изоҳланади. Жуда кўп олимлар, жумладан, Годфруа ҳам ҳаётнинг пайдо бўлишини инглиз табиатшуноси Чарлз Дарвиннинг 1859 йилда эълон қилинган «Хилларнинг пайдо бўлиши тўғрисида» (О происхождении видов) деб номланувчи назариясига асосан тушунади. Унга кўра, илк одамлар 8 миллион йиллар аввал шарқий Африкада юз берган геологик катаклизм оқибатида иқлимнинг ўзгариши билан пайдо бўла бошлаган. Ўрмонда қолган гуруҳ олдинги ҳаёт тарзини давом эттирган, иккинчи, кейинчалик баланд уйлар билан қопланган пасттектисликда қолган гуруҳ эса ўзгарган муҳитнинг шартларига мослашиб яшашга мажбур бўлган ва шулар илк одамлар экани айтилади.²

¹ Ж. Годфруа. Что такое психология. – М. Мир. 1992. С.21

² Ж. Годфруа. Что такое психология. – М. Мир. 1992. С.37

Яъни, уларнинг фикрича, маймунни одамга айлантирган бирдан бир куч – мухит, ўзгарган ҳаёт тарзи. Демак, инсониятнинг бугун эришган цивилизация даражаси ҳам мухитнинг меваси, ижтимоийлик ҳам одамзоднинг ҳаёт шартларига мослашиш жараёнида туғилган воқелик, холос.

Ўйланг-а, булардан шундай хулоса чиқарса бўлади-ми: одамзод босиб ўтган эволюцион йўлни сунъий равишда қайта яратиш билан ҳозирги шимпанзе ва орангутангларнинг ҳам инсонга айланишини таъминлаш мумкин. Наҳотки? Бунга кўнгилнинг, унга қўшилиб ақлнинг ишониши қийин. Тўғри, ҳаётнинг аввало сувда пайдо бўлиб, секин-аста курукликка, ҳавога тарқалгани, дастлаб бир хужайрали мавжудот бинога келиб, кейин кўп хужайралига айлангани ва шу тарзда миллиард йиллар давомида миллионлаб мавжудот хиллари ажралиб чиққани ҳақидаги қарашларга эътироз туғилмайди. Бирок икки хил мухитга тушиб қолган битта хилдан маймун ва одам бино бўлди дея инсоннинг бугунги ҳолига келишини ташқи факторгагина боғлаб қўйиш мавжуд ҳақиқатнинг фақат бир томонини кўрсатади. Чунки инсонни инсон айлаган иккинчи, инсон моҳиятини ифода этувчи ички фактор ҳам борки, назаримда, тамаддуннинг бугунги кўриниши, ижтимоийлашув айна шу ердан ибтидо олади. Яъни инсонни, унинг ижтимоий моҳиятини фақат 8 миллион йил аввал Африкада содир бўлган ўша геологик катаклизм оқибати билангина боғлаш уни тасодиф билан боғлашдек гап. Аслида эса мавжудотнинг қайси бир хили маймунга ва фақат маймунга, бошқа бир хилининг эса одамга ва фақат одамга айланишида муайян қонуният бўлиши керак. Агар масалага шу тарзда ёндашсак, ижтимоийликнинг инсон моҳиятидан, уни мавжудотнинг бошқа хилларидан ажратиб турувчи руҳий асосдан илдиз отганига гувоҳ бўламиз. Ва муайян ижти-

мой-психологик кайфиятли даврни ўзида акс эттирувчи адабиёт ҳам ўзининг энг теран томирлари билан ўша асосдан сув ичишини кўрамиз. Демокчимизки, инсон ва ижтимоийetni бир-биридан ажратиб ўрганиб бўлмайди, улар бир-бировини тақозо қилувчи иккита кутбга ўхшайдики, бирисиз иккинчиси ўз моҳиятини йўқотади. Шунинг учун ҳам, айниқса, XX аср аввалига келиб, инсонни асосан ижтимоий мавжудот сифатида ўргана бошлашди, ҳатто баъзи бир мамлакатларда бу ишга шу даражада ружу қўйишдики, оқибатда «инсон – социал мавжудот» деган ақидадан келиб чиққан ҳолда ҳаётни қайта қурмоққа тутинишди. Мен муваффақиятсиз якунланган шўролар ҳаракатини назарда тутаяпман. Нега муваффақиятсиз? Чунки, аввало, инсон фақат социал мавжудот эмас. У яна биологик, руҳий асосларга ҳам эга, ўз ҳаётида айна шу жиҳатларнинг ҳам ифода этилишига эҳтиёжманддир. Лекин шўролар бу билан ҳисоблашмай, К.Маркс «Капитал»и ва бошқа асарларида илгари сурилган ғояларни чала ўзлаштириб, яна-да тўрироғи, Маркс ғояларини ўз мақсадларига мослаган¹ равишда дунёда социалистик мамлакат яратмоқчи бўлишди. Яратишди ҳам. Бироқ у бор-йўғи етмиш йил яшади. Бунинг бир сабаби – собиқ Иттифок мустамлака сиёсатини юргизгани бўлса, яна бири, эҳтимол, асосийси – давлатнинг яшаш тарзи инсоннинг социал мавжудотлиги асосида ташкил этилганидандир. Йўқса, урғуни инсоннинг жинсий майлига, яъни унинг биологик тарафига берган З.Фрейд асарлари таъқиқланмасди. Руҳий илдиз билан боғлиқ соҳалар, қарашлар (хусусан, дин) қувғин этилмасди...

Албатта, инсонни ҳаракатлантирувчи куч фақат унинг

¹ Э.Фроммининг «Душа человека» китобида Маркснинг асл ниҳти инсонни иқтисодий қарамликдан озод этиб, унга табиат ичида, табиатга ҳамоханг, маънан, эркин яшаш имконини яратиш бўлгану, уни негадир хамиша нотугри талқин қилиб келинади, деб эзилади. Қаранг. Э.Фромм. Душа человека. - М. Республика,

социал мавжудотлиги дея иккала оёқни бир этикка тикиб олиш қанчалик янглиш бўлса, инсонни бошқарувчи асосий фактор – жинсий майлгина дейиш ҳам шунчалик хато эди.

Бинобарин, даставвал К.Г.Юнг ва А.Адлер каби олимлар устозлари З.Фрейд назариясини бирёқламаликда айблашган бўлса, кейинчалик психоанализ отасининг ўзи ҳам хатосини тушуниб етган. Инсон шахсини ўрганишнинг энг оптимал варианты дея Фромм инсоннинг дунёга, бошқа одамларга, табиатга ва ўз-ўзига муносабатини тадқиқ этишни ҳисоблайди. Айни пайтда биологик факторлар ролини асло камситмайди. Демак, Фромм Фрейддан фарқли ўлароқ, инсонга биосоциал мавжудот деб қаради ва бир қадам олдинга кетди.

Буларнинг ҳаммаси, асосан, инсонни ўрганишнинг гарбона йўллариридир. Хўш, инсонга шарқ мутафаккирлари қандай қарайди ва уни ким ўлароқ тақдим этади? Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Шарқ уйғониш даврининг барча буюк мутафаккирлари инсонни тушунтиришда унинг руҳий тарафига урғу беришган. Таъбир жоиз бўлса, руҳни инсоннинг илдизи ўлароқ қабул қилишган.

Марказий Осиёда ушбу қарашнинг шаклланишида Ислом дини асосий ролни ўйнаган. Муқаддас китобда «Албатта, биз Оллоҳнинг бандаларимиз ва албатта, биз у Зотга қайтгувчилармиз»¹ дея буюрилади. Демак, фалсафий қарашларимизнинг кейинги ўн асрлик ривожига Ислом руҳи етакчилик қилади. Бу дунёқарашга кўра бани одамни Худо яратди ва ўлимдан сўнг инсон яна Эгасининг хузурига қайтади.

*Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай.
...Кимсаким тарк айлади ўз аслини,
Қайта излар рўзгорин васлини,²*

¹Қуръон карим 2-қура. 116-оят.

²Жалолоддин Румий. Малавийи масъулий. Қуштак. Биринчи ажд. – Т. Шарҳ. 1989. С. 22. 31

– деб ёзади Жалолиддин Румий. Дин фалсафасига кўра, вақтида жаннатда яшаган инсон таъқиқланган мевани еб қўйгани учун ер юзига қувилган. Бинобарин, жаннат – аслий ватанидан йироқ тушгани учун одамзоднинг заминдаги ҳаёти кўпинча ғурбатдан иборатдир. Шунинг учун ҳам най, яъни ризвондан бадарға этилган инсон шикоят айлайди. Худди ўз аслини, рўзгорини тарк айлаган кишининг яна уни қўмсаб ўртангани сингари. Лекин ҳамма ҳам эмас, балки шу ҳолини англаган, руҳий илдизи қўпорилиб кетмаган зотларгина «айрилиқлардан шикоят айлайди».

Хулоса қилиш мумкинки, инсон ҳам ижтимоий, ҳам биологик, ҳам руҳий илдизга эга, уларнинг жамини ўзида жо қилган мураккаб мавжудот. Демак, биз инсон ва унинг фаолияти тўғрисида бирон бир фикрни айтишга чоғланар эканмиз, ана шу илдизларнинг барчасига асосланишга мажбурмиз.

Шеърят эса инсоннинг барча мураккабликларини ўзида жамлаган шундай бир объектдирки, уни тадқиқ этиш орқали биз инсонга яна-да яқин борамиз. Чунончи, Чўлпон шеъряти мутолаасидан сўнг биз поэзияни ижтимоий, Р. Парфи шеъряти билан танишгандан кейин руҳий, аксарият шоирлар ижодида етакчи ўрин тутувчи ишқий лирикага дуч келгач эса уни инсоннинг қоникмаган биологик майлларини ифода этувчи ҳодиса деб аташга мойиллик сезамиз. Лекин ҳақиқат уларнинг биттасидагина эмас, балки ҳаммасида, ҳаммасининг бирлигидадир. Айни дамда мазкур шеърят даражасини кўпинча ва асосан, у ёзилган давр, даврнинг ижтимоий-сиёсий-психологик муҳити белгилаб беради. Даврнинг ўзи эса ҳали тубдан ўзгаришга учрамаган ижтимоий муҳитдир. Ижтимоийликнинг турланиши даврлар алмашилиши, демакдир.

А.Ориповнинг жуда кўп бахсларга сабаб бўлган «Тилла балиқча» шеъри «Менга алам қилар, тилла балиқча Бир кўлмак ҳоҳуз деб билар дунёни...»¹ деган ҳукм-хулоса билан яқунланади. Шеърнинг рамзийлиги ўз йўлига, лекин уни шу ҳолида тушунишга уриниб кўрайлик, яъни умри кўлмакда хас ва ушоқ еб ўтган балиқчани кўз олдимизга келтирайлик. Дарҳақиқат, унинг шу ҳовузчадан бошқа биладиган дунёси йўқ, чунки туғилибдики, шу ерда яшайди, улғайибдики, яна айни кўлмакда. У ўзга сувларни бир бор кўрган бўлсайди, дунёнинг кенг ва ранг-баранглигига дуч келарди. Йўқ-да. Демак, тилла балиқчанинг дунё тўғрисидаги тасаввури шу ҳовуздан нарига ўтолмайди. (Аслида, бу унинг нуқсони эмас, балки аччиқ қисматидир). Худди шундай, инсон ҳам ўз даврининг фарзандидир. Таъбир жоиз бўлса, даврни ҳовузга қиёс этсак, инсон унинг бағрида сузиб юрган балиқчадир. Кўринадики, инсон шахси кўп жиҳатдан ўз даврининг маҳсули: давр кайфияти, йўналиши, ҳоли, умуман, қандайлиги инсонда, унинг хатти-ҳаракатида акс этади. Буни ҳам биологик, ҳам психологик нуқтаи назардан асослаш мумкин. Чунончи, одамзоднинг биологик мавжудот сифатидаги озиғи ҳам, унинг органиزمми қабул қилаётган дори-дармон ҳам, экологик муҳит ҳам у яшаётган давр «истеъмол»ига мувофиқдир. Инсон психологияси ҳам, асосан, давр психологиясининг бир парчаси сифатида намоён бўлади. Одамзоднинг мақсад интилишлари, ўй-фикрлари, қувонч ва ташвишлари, кечинмалари – ҳамма-ҳаммаси яна ўша даврга, даврнинг муаммоларига жудаям боғлиқ ҳолда туғилади. Ойбек ўз ижодининг аввалида, яъни Чўлпонга эргашиб, андак ҳазин шеърлар ёзиб юрган вақтида эмас, балки анча кейин – қачонки ҳаётда социализм тўла ғалаба қозонган

¹ Орипов А. Ёшлар армоғи - Т.: Адабиёт ва санъат. 1987. - б. 102; бу дан кейин ушбу настрадан олинган кўчирмадан сўнг келинчида йА кўчиртмаси ва сахифа кўрсатилган

ва социалистик метод ягона ижодий усул дея тан олинган, қолганлари ҳаётдан сиқиб чиқарилган, адабиётга партия йўл-йўриқ бериб турган ҳамда адабиёт «улуғ келажак» сари отланган жамиятнинг мафкура ўчоқларидан бири ўлароқ майдонга тушган бир паллада шундай деб ёзади: «...Бизнинг лирика ҳам қайғу, аламга сиғинувчи, сукунат ҳаётдан лаззатланувчи «он»ни тутишга, эгоизмга мойил, кишини ухлатувчи, элитувчи лирика эмас. Бизнинг лирика ҳаётнинг, улуғ давримизнинг, курашнинг қайноқ туйғуларини, тошқинликларини, янги турмуш гўзалликларини куйлаш ва ўқувчига ғайрат, завқ, яратиш, ишлаш туйғуларини бағишлови лозим»¹.

Шоирнинг бу фикрлари ё бироз олдин ё бироз кейин эмас, балки айнан давр янги турмуш яратиш ишига жуда зўр бераётган маҳалда туғилди ва айтилди. Шунинг учун ҳам уни бугунги кун юксаклигидан туриб танқид қилишнинг ҳожати йўқ. Чунки инсон туғилар ва ўсиб-унар экан, даврга хос хусусиятларни ўзига сингдиради. Демак, унинг потенциали тахминан давр потенциалига яқин, унга монанд ривожланади. Даврда қандайдир ўзгаришлар: кўтарилиш ё пасайишлар юз бердими, буларнинг ҳаммаси давр кишисининг ҳаётида, ўй-фикрларида акс этади. Лекин бу дегани инсон боласи даврдан кўчирилган нусха дегани эмас. Даврнинг муҳри шахс фаолиятига ўз изини қай даражада қолдириши ҳар бир кишининг ўзига: унинг табиатига, тарбиясига, ахлоқига, мақсад-интилишларига, дунёқарашига боғлиқ. Ўз навбатида, буларнинг ҳаммаси айланиб яна шахс туғилиб ўсган ижтимоий муҳитга – даврга тақалади. Лекин шунга қарамай, ўз даврининг фарзанди бўлиши баробарида ҳақиқий шахс даврлар оша, сарҳадлар оша фикрлаши мумкин ва аслида ҳам шундай. Назаримда шу ўринда шахснинг ўзи ким ёки ҳеч бўлмаганда биз «шахс»

деганда кимни назарда тутишимизни аниқлаб олишимиз керакка ўхшайди.

Ҳар битта одамни индивид деб атасак, инсоннинг навбатдаги – бир поғона баланд босқичи шахс мақомидир. Ҳа, индивидликдан шахсликка қадар бир поғона бор, лекин шундай поғонаки, унга кўтарилиш учун умрлар сарфланади. Шунда ҳам муваффақият юзта, мингта ва баъзан миллионлаб одамлар орасидан санокли кишиларгагина насиб этиши мумкин. Чунки шахслик, аввало, инсоннинг ўз табиатига қулоқ тутиши ва ҳаётини қалбининг эшитганлари измига солиш ёки ҳеч бўлмаса, шунга уринишдир. У ўз фитратига уйғун равишда танлаган йўлидан бошига ўлим келсин, қайтмайди. Чунки шахс ўзликни ифода қилишни саодат деб билади. «Шахс, – деб ёзади К.Г.Юнг, – алоҳида тирик мавжудот туғма ўзига хослигининг тамомий ифода бўлишидир. Шахс – энг юксак ҳаётгий матонат натижаси...»¹. «Ҳақиқий шахс ҳамиша ўз аниқ мақсадига – миссиясига эга ва унга ишонади... Бу (унга) ён бериш мумкин бўлмаган илохий қонундек таъсир килади, кўпчилик ўз танлаган йўлида ҳалол бўлади, деган факт бундай миссияли кишини сескантирмайди. У ўз табиатига бўйинсуниши зарур...»².

Демак, шахс фақат шароитнинг – муайян даврнинггина маҳсули бўлиб қололмайди. У даврга хос хусусиятларни ўзига сингдириши мумкин, лекин ўз миссиясини – анланган вазифасини адо этиш йўлида ҳар қандай давр чегарасини ёриб ўтади. Мунаққид Р.Қўчқоров Шавкат Раҳмон ҳақидаги бир мақоласида шундай ёзади: «Бу шоир вазиятнинг эмас, қисматнинг шоири. (Яъни ўз миссиясининг, ички овозининг таржимони – У.Ҳ.) Унга давр эмас, у даврга мавзу беради...»³.

¹ Юнг К.Г. Конфликты детской души. - М.: Канон, 1995. - С.191

² Уша асар - Ё 196

³ Қўчқоров Р. Қалб табиати. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1996. - 29 март.

Нафсиламрини айтганда, тарихда ҳар қандай соҳада туб бурилишлар ясаш ҳам, оламшумул кашфиётлар яратиш иши ҳам айни шахслар¹ зиммасига тушиб келган. Гарчи бундан қарийб 700 йил аввал шахс дейилмасада, лекин, менингча, биз назарда тутган фазилатлар соҳиби бўлган зотлар ҳақида Жалолоиддин Румий ёзади: «Олим агар амирлар соясида олим бўлишни ўйламаса, унинг билими ибтидо ва интихода Оллоҳ учун қилинган бўлади. Унинг тутган йўли ва кўрсатган фаолияти савоблидир. Чунки яратилиши шундайдир, балиқ сувдан бошқа ерда яшай олмаганидек, у ҳам бундан ўзгасини қилолмайди. Унинг кўлидан келгани шу. Бундай бир олим ҳаракатларини бошқариб йўлга солиб турган нарса ақлдор. Ҳамма ундан кўрқади ва инсонлар баъзан билиб, баъзан билмасдан у таратган нурдан баҳра оладилар. Хуллас, бундай бир олим амир хузурига борса, зоҳиран у зиёрат қилган, амир эса зиёрат қилинган бўлади. Аммо амир олимдан ҳамма вақт юксалишга чорловчи бир қувват – ёрдам олади, олимнинг эса амирга эҳтиёжи йўқ, чунки у бадавлатдор, нур сочаётган қуёш қабидор, иши таъмасиз кўмак бермоқ, эҳсон этмоқдор. У тошлардан лаъл ва ёқут қила олади, таркиби тупроқдан иборат бўлган тоғлардан мис, олтин, қумуш ва темир-маъданлар ясайди. Тупроқни тозалайди, ёшартиради. Дарахтларни турли-туман мевалар билан бойитади. Иш-эрмаги бағишламоқдор, ҳада қилмоқдор»².

Кўриниб турганидек, улуғ мутасаввиф шахс, олим даражасига кўтарилган, ҳаётини иймон амрига бўйсундирган комил инсон ҳақида фикр юритмоқда. Ғарбда эса бундай инсон шахс деб юритилади. Ёки уни Ф.Нитше бироз идеаллаштириб, олий инсон (сверхчеловек)³ деб

¹ Қаранг: У.Ҳамдамов. Бадий тафаккур тадрижи Т, Янги аср авлоди - 2002. Б.165-167

² Жалолоиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. - Т.: Ёзувчи, 1997. - Б.9-10

³ Ф.Нитше Сочинения. В 2 х томах. Том 2. М.: Мысль. 1990. - С.8

атайди. Лекин моҳиятда Ғарб ҳам, Шарқ ҳам ўз индивидлик қобилигини ёриб чиқиб, тор шахсий ғаразлардан умуминсоний манфаатларни ҳимоя этиш даражасига кўтарила олган сара инсонларни назарда тутадими, XX аср ўзбек шеърятининг бўй-бастини ҳам шахслик мақомига эришган ёки ўша йўлда ўша миссияни дея яшаб ўтган, яшаётган шоирлар ижоди белгилайди. Хўш, «ўша йўлда, ўша миссияни дея яшаётган» деган иборани қандай тушуниш керак? Маълумки, «комил инсон» лафзи юксак тушунчани ўзида жамлаган бўлиб, кўпинча у идеал ҳисобланган. Индивидликдан (одамликдан) баланд кўтарила олган ва ўзини ўзи камол топтиришда давом этаётган кишининг манзили камолот, комил инсонлик бўлган. Унга эришиш ниҳоятда камчилик зотларгагина насиб этганига қарамай, ўзини ўзи, ўзи орқали Худони англаш жаждидаги одамлар барибир бу машаққатли йўлдан воз кечмаганлар. Биз шахс табиатидан келиб чиққан ҳолда XX аср ўзбек шеъряти қиёфасини белгилайдиган, унда турли бурилишлар, ўзгаришлар содир этган шоирлар ҳақида фикр юритганимизда, уларнинг ҳам ана шу камолот мақомига эришган дея даъво қилмаймиз. Чунки даъво асоссиз ва янглиш бўлар эди. Зеро, XX асрга келиб юқоридаги тушунчалар ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан бирмунча ўзгаришларга дучор бўлди. Ўрта асрларда комилликкача бўлган йўл:

Ҳар қандай одам	Оллоҳ ва унинг Пайғамбари Муҳаммадга инонган зот, иймон эгаси	Шариат, маърифат, тарикат, ҳақиқат йўлларини босиб ўтаётган зот	Комил инсон
-----------------	---	---	-------------

тартибида тушунилган бўлса, XX асрга келиб Ғарбда у:

индивид	шахс
---------	------

ёки мана бундай:

индивид	шахс	олий инсон
---------	------	------------

шаклларда тушунила бошланган. Албатта, юқоридаги жадваллар жуда умумий нуқтаи назарларни акс эттирган бўлиб, масалани теранроқ ва атрофлича ўрганмоқчи бўлсак, яна бошқа, хусусий қарашларга ҳам дуч келамиз. Жумладан, улуғ мутасаввиф Фаридиддин Аттор камолотга фақат ишқ воситасида эришиш мумкин деб ҳисоблаган ва ҳоказо. Бироқ XX асрга келиб, шарқда «комил инсон» тушунчаси бир қадар ўзгарди, деб ёздик. Бу нарса, аввало, дунёнинг бир-биридан хабардор бўлиб туриш, ҳар томонлама интеграция имконларининг ўсганлиги, ўзаро товар, ахборот алмашиш суръатининг жадаллашгани ва оқибатда бутун ер куррасининг талай қисми яхлит ижтимоий кайфият касб этгани билан изоҳланади. Ўтган асрдан бошлаб бу кайфият Ғарбдан Шарққа томон «юрди». Тарихий ўсишда бир неча асрдан буён турғунлик палласини бошидан кечираётган Шарқ Ғарбга эргашишга, қайсидир ўринларда унга тақлид қилишга, унинг кайфиятига киришга мажбур қолди. Бу кайфиятга кўра энди шарқликлар дунёқарашида реаллик, моддийончи назар кучайди. Чунки техника кириб келган ва у ҳаётга кенг тадбиқ этилганди, жамиятда ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар жадаллашган, асрлар давомида бир жойда депсиниб турган кўпгина шарқ мамлакатлари яна олдинга юра бошлаганди.

Моддий оламнинг ҳаракатга келиши мамлакат инфраструктурасини, жамият кайфиятини, унинг устувор кадриятларини тубдан ўзгартириб юборди. Натижада комил инсон концепцияси инсон ва жамият тарбиясининг асосини ташкил этган кадрият сифатида ўзининг янги мазмунига кўчди. Бу шундай мазмун эди-

ки, энди унда ҳаракатдаги жамият ҳаёти билан чамбар-час боғлиқлик, унинг келажаги учун қайғуриш яшарди. Шахснинг миссияси энди ошиқлик ё дарвешлик эмас ва ёхуд оғир ва шарафли тасаввуфий йўлларни босиб ўтиш эмас, балки фидойилик, ўзликни кўпчиликнинг манфаати, жумладан, Ватан озодлиги йўлида фидо қилиш бўлиб дунёга келди. Биз юқорида «комил инсонлик шундай баланд мартабаки, унга етишиш жуда камчиликка насиб этган» деб ёздик. Аслида бу сўзнинг том маъносида ҳеч ким комилликка дохил бўлолмайди. У – бир идеал. Идеалки, кишини ҳамиша ўзига – юксакликка, юксалишга чорлайди, унга маънавий озуқа, енгилмас ва тоза рух бағишлайди, идеалки, эвазига бутун бошли умрни талаб этади, лекин шунда ҳам етилмайди, у – мангу йўл... XX аср аввалига келиб комил инсон вазифасини давр жароҳатини ўз дарди ўларок қабул қилган ва юрт озодлиги, унинг порлоқ келажаги учун курашган, бу қутлуғ йўлда азиз жонларини-да берган шахслар бажара бошлашди. Бундай шахслар, энг аввало, адабиётда ўзларини кўрсатди: мафкурада Бехбудий, илмда Фитрат, насрда Қодирий, назмда Чўлпон... Улар индивидлик қобиғини ёриб чиқиб, шахслик мақоми сари дадил илгариланган, демакки, комиллик йўлида шахдам одим ташлаган улуг сиймолардир. Шахс яна давр дардини кўради, уларга тўғри ташхис қўйиб, даволаш йўлларини топади, омади чопса даволайди ҳам. Биз Бехбудий ё Фитрат, Қодирий ё Чўлпон ҳақида гапирганимизда шу нарсани англаймизки, улар бутун бир миллат олдида давр қўйган улкан, кечиктирилмас муаммоларни, аввало, тўғри идрок этганлар, сўнгра асосийларини муваффақиятли ҳал этганлар. Ёлғиз Чўлпон мисолида айтайлик. Давр шундай эдики, халқ бир томондан ичдан емирилган, амирлик ва хонликлар қармоғида эзилган бўлса, иккинчи ёндан

чор Русияси боскини аламини тортаётганди. Кўп ўтмай хокимият учинчи бир ёв – шўролар кўлига ўтди. Юртинг мустамлакачилик олови баттар алангаланди. Демак, ботинда ҳам, зохирда ҳам битта зўр муаммо, битта улкан дард пайдо бўлди – Ватан озодлиги. Чўлпон шеърятининг бошдан охирига қадар бир чизик – озодлик ғояси чизиги узилмай ўтади.

Халқ ҳам моддий, ҳам маънавий қашшоқ бўлиб, уни тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўли маърифат эди. Шунинг натижаси ўлароқ Чўлпон шеъриятида яна бир чизик – халқни маънавиятга, маорифга чорлов туғилди.

Давр ҳаёт-мамот даражасидаги сиёсий масалаларни ҳал қилаётганди, Чўлпон шеърияти сиёсий шеърят бўлиб жаранглади.

Ҳаёт ҳали мисли кўрилмаган миқёсда ижтимоий муаммоларни кўндаланг қилиб қўйганди, Чўлпон шеърияти ижтимоий шеърятга айланди. Фақат буларгина эмас, Чўлпон шеъриятида биров кейин Ойбекда давом этган «соф лирика» – кўнгил шеърятининг илк куртаклари очилди. Аслида, мавзулар ўз йўлига. Қайнаб турган симобдек бўлиб турган ана шу давр айна шу моҳиятига яраша янги бир шаклларни тақозо этаётганди. Бу нафақат адабиётда, балки, умуман, ҳаётнинг ҳамма соҳасида шундай эди. Чўпон эса адабиётда Бехбудий, Фитрат ва Қодирийлар билан бирга ана шу улуғ ишни амалга оширди. У давр руҳи билан тўйинган мазмунга ўзга либос, янги ва муносиб шакл кийдирди.

«... 20-йилларда Чўлпоннинг учта шеърий тўплами босилган. Булар – «Уйғониш»(1922), «Булоқлар» (1923) ва «Тонг сирлари» (1926). Муболағасиз айтиш мумкинки, ўша давр адабий ҳаётида катта адабий ҳодиса бўлган бу тўпламлар янги ўзбек шеърияти учун том маънода пойдевор бўлди», деб ёзади¹ профессор О.Шарафиддинов.

¹ XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Тўплам. – Т., 1999. – Б. 173

Бехбудий ва Ҳамза драмада, Қодирий прозада, Фитрат, Ҳамза ва асосан, Чўлпон поэзияда ўзларининг илк уринишлари биланок янги ўзбек адабиётининг тамал тошини қўйдилар.

Демак, давр шахсни тебратди, шахс шеърни. Ўз навбатида шеър одамларга таъсир қилди, одамлар эса даврга. Демак, шахс даврдан олиб, даврга берди. Кўринадики, шахс-шоир аввало давр ва шеър ўртасидадир. Даврнинг руҳи шеърда қандай ва қай даражада акс этиши ўртада турган шахсга, унинг салоҳиятига боғлиқ. Агар таъбир жоиз бўлса, шундай деган бўлардим: даврнинг руҳи, кайфияти нур бўлса, шахс ана шу нурни бир нуктага тўплаб, ўзидан ўтгазгучи шаффоф жисм – линзадир. Бу томонда иссиқлик илинжида турган одамларнинг қачон ва қандай оловга эга бўлишлари ўша жисм(линза)нинг нечоғли ишга ярқилилигига – шаффофлигига боғлиқ. Р. Қўчқор ана шундай шахс-шоир ҳақида «Бу шоир вазиятнинг эмас, қисматнинг шоири. Унга давр эмас, у даврга мавзу беради» деганида, масаланинг факат бир томонини назарда тутди. Юқорида кўрдикки, шоир ҳам даврдан олади, ҳам беради. Олдин олади, кейин беради. Менингча, индивидлик қобиғини ёриб чиқиб, шахслик мақоми сари илгарилаётган шоирларгина даврга нимадир (мавзу) беришга қодирдир. Лекин, аввало, у ҳам ўз даврдан мавзу олишга мажбур, чунки у шу даврда истиқомат қиляптими, унинг оғриқларини ҳар кимдан илгари ўз баданида ҳис этади ва дард қоғозга шеър бўлиб тўкилади. Демак, шоир даврдан олади. Бироқ у ўзгаларга тақлид қилиб, чайналган мавзуларга эргашмайди, балки илк мавзу чизигини унинг ўзи тортади. Эҳтимол, Р. Қўчқор «у даврдан мавзу олмайди» деганда шуни назарда тутмоқчи бўлгандир. Лекин нима бўлганда ҳам, шоир осмондан тушган фаришта эмас, у ҳам шу заминнинг, у

ёки бу жамиятнинг, даврнинг фарзанди экан, унинг асарлари истаса-истамаса, хоҳ тўғридан тўғри, хоҳ айланма йўллар (рамз, истиора, тарихга мурожаат...) ёрдамида, барибир, ўз даврига келиб туташаверади. Фақат у билан битта хавф – давр қобиғида қолиб кетиш хавфи ҳамиша ёнма-ён юрадики, агар шоирнинг фитратида шахсликка даъвогар интилишлар бўлмаса ва айна вақтда, улар парвариш этилмаса. Шахс-шоир ўз даврининг мавзуларини куйлаши мумкин ва зарур, лекин шундай куйлайдики, натижада у умумдаврий, шу билан бирга, умуминсоний моҳият касб этади. Чўлпоннинг машҳур шеърдан ўқиймиз:

*Тириксан, улмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсен;
Кишан кийма, бўйин эзма,
Ки, сен ҳам ҳур тугилгонсен!..*¹

Шеърда, асосан, ҳурлик, озодлик ғояси илгари сурилган, унда инсонни то тирик экан, кишан киймасликка чорлов бор. Бори – шу. Лекин биз уни ҳануз севиб ўқиймиз. Чунки бу шеър ўз даврининг маҳсули бўлиб дунёга келганлиги билан бир қаторда ўзга даврларга ҳам хитоб қила олади. Бунинг асосий сабаби – шеър ифода этаётган мазмун ва уни ифода этаётган шаклнинг мутаносиблигида, энг муҳими, озодлик мавзусининг умрбоқийлиги билан изоҳланади. Бошқача айтсак, башарият бор экан, одамзод хоҳ у, хоҳ бу мазмун ва кўринишда кимгадир ёки нимагадир қарам бўлиб қолиш хавфи билан доимо ёнма-ён яшайди. Яъни ҳурлик, озодлик мавзуси бизнинг ҳар биримизга ҳамиша дахлдор ғоя бўлганидан, биз шундай

¹ Чўлпон. Асарлар. 1-жилд. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. - Б.55;

мавзулар санъаткорона акс эттирилган бадиият намуналарига бефарқ қарай олмаймиз.

Бирок бу бадиий асарнинг таъсир қуввати фақат мавзунинг умумбашарий ва умумзамонийлиги билан белгиланади, дегани эмас. Асло! Чунки бир хил тупроқ ва гил икки хил табиатли, икки хил маҳорат ва тажрибали кулол қўлида икки хил маъно, икки хил шакл касб этганидек, ҳар қандай муқаддас, глобал мавзу ҳам турли хил шоирда турлича акс эттирилади. Қолаверса, ҳар қандай мохирона ишланган мавзу ҳам ҳар қанча умумзамоний бўлмасин, унинг ўқувчига таъсир қуввати турли даврларда турлича кечади. Хусусан, Чулпоннинг юқорида парча келтирилган «Кўнгил» деб аталган шеърининг ўқувчига таъсир кучи ўз даврида (шеър 1922 йилда, мамлакатимиз чоризмдан сўнг Шўролар томонидан қайта истило этилган вақтда ёзилган) бошқача, ҳозир, юртимиз озодликка чиққан паллада яна бошқа хилдир. Шеърни шеър ёзилган давр муҳити етилтирди. Шоирни ҳам давр тарбиялади. Демак, шоир «Кўнгил» шеърига сингдирган дард – озодлик қайғуси билан ёнма-ён ўсди, улғайди. Демак, ўша дардни шоир билан бирга чеккан давр ўқувчиси учун шеърда акс этган руҳ тоза эди, ўз замониники эди. Бинобарин, улар шеърга сингдирилган дардли маънони шоир назарда тутган маънога энг яқин тарзда тушунганлар ва шунга яраша таъсирланганлар. Мен «эстетик завқ олганлар» деб эмас, балки «таъсирланганлар» деб ёздим. Чунки эстетик завқ учун нафақат шоир (умуман, ижодкор)дан, балки асарга материал бўлаётган у ёки бу ҳодиса, нарса ва жараёндан ҳам маълум масофага узоқлашиш лозим. «Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур туғилғонсен!» дея мурожаат қилаётган билан бирга, уни эшитаётган ҳам ўша вақтда ҳақиқатан озод эмас эди. Алалхусус, шеърда акс этган

дарднинг – оловнинг ичида ўқувчининг ўзи ёнади. Бинобарин, у ўз дарди туширилган шеърдан фақат қаттиқ мутаассир бўлиши мумкин эди, холос. Ўқувчининг эстетик завқ олиши учун эса оз эмас, кўп эмас, 70 йил керак бўлди, ўзга ижтимоий-сиёсий-психологик кайфиятга эга бўлган давр зарур бўлди. «Кўнгил» шеъри давр маҳсули ўлароқ шоирнинг ўз замондошларига қарата айтган дардли хитоби ва шеър қандай мақсадда бўлган бўлса, вақтида шундай тушунилган эса-да, бугунги ўқувчи учун унинг маъно сарҳадлари анча кенгайган. Бугун шеърни истило этилган ўлканинг эмас, балки овоз мамлакатнинг фуқароси сифатида ўқиймиз. Аввало, шунинг ўзидаёқ шеърнинг таъсир кучи ўзгаради. Бугун биз шеърга шўролар томонидан босиб олинган қадим Туркистон дардиниңгина эмас, балки умуман, хоҳ у сиёсий-иқтисодий, хоҳ маънавий-мафкуравий моҳиятда, хоҳ бутун бошли мамлакат, хоҳ битта инсон мисолида бўлсин, булардан қатъи назар, ҳар қандай қарамликка, қулликка қарши исён – мурожаатнинг мужассами ўлароқ қараймиз. Бу нарса шуни кўрсатадики, ҳар битта давр бошқа даврдан ўзининг муайян сиёсий-ижтимоий-психологик кайфияти билан фарқ қилади. Шеър, умуман, ҳар қандай санъат асари, ана шу муҳит-кайфиятдан ўсиб чиқади ва баъзан ўз давригагина хизмат қилса, баъзан ўзининг рамзийлиги, маъно кўпқатламлилиги боис бошқа замонлар истеъмолига ҳам кириб бораверади. «Кўнгил» шеъри ана шу иккинчи тоифадаги шеърлар сирасидан. Умуман, Чўлпоннинг бутун фаолиятини эрк ва овозлик учун кураш тимсоли, деб айтса бўлади. Ва шоирни айнан эрк куйчиси этиб майдонга келтирган ташқи омил давр эди, унинг ижтимоий-психологик муҳити эди. «Шеърятда давр тушунчасининг ўзига хос хусусияти бевосита инсон шахси билан уйғунликда тажассум

топди. Гарчанд, давр тушунчаси орқали инсониятнинг ўтмиши, ҳозир, келажаги ёки инсон умрининг мазмуни, моҳияти тўғрисида гап борса-да, у энг аввало, ҳаёт, воқелик ва инсон шахсияти билан алоқадорликда намоён бўлади»¹, – деб ёзади профессор Н. Раҳимжонов. Бундан ҳам шу нарса аёнлашадики, даврга хос бўлган бош хусусиятлар шеърятга бевосита шоир шахси орқали кўчади. Айни пайтда, шоир шахсининг ички қувватини, унинг табиатидан келиб чиқувчи йўналишларни парвариш айловчи ёки уларнинг йўлини тўсувчи ҳам айнан ташқи муҳит – давр кайфиятидир. Чўлпоннинг юрт истило этилган вақтда туғилиши ва камол топиши унинг ижод лейтмотивини инсон эрки ва мамлакат озодлиги масаласи ташкил этиши учун реал замин яратди. 1819 йилда ёзилган «Робинзон Крузо» романи муаллифи Даниэль Дефо ҳақида эса бутунлай бошқа фикрни айтиш мумкин. Д.Дефо чор томони денгиз ва уммонлар билан ўралган, бинобарин, шу факторлар билан боғлиқ турли хил саргузаштлар, ғаройиб ходисаларга бой мамлакат – Англияда туғилди ва ўша муҳитда тарбия кўрди. Унинг ижодининг кагта қисмини айнан саргузаштлар ташкил этади ва улар орасида энг машҳури «Робинзон Крузо»дир. Энди хаёлга эрк берайлик-да, Чўлпонни «Робинзон Крузо» романи, Даниэль Дефони эса Чўлпоннинг юрт озодлиги ғоясига йўғрилган оловли шеърятини билан ёнма-ён тасаввур қилиб кўрайлик. Ҳеч ёпишмайди. Бунинг биринчи сабаби улар яшаган муҳитнинг, воқеликнинг, демакки, даврларнинг турфалигидир. Кўринадики, давр ҳам ижодкорга мавзу беради. Лекин нега унда озодлик ғояси замондошларда Чўлпон даражасида куйланмаган? Айни шу ерда биз шоир шахси – ички факторга дуч келамиз.

¹ Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Т.: Фаң, 1979. – Б. 8-9

Демак, шундай хулоса ясаш мумкин: давр шеъроят деб аталмиш кўзгуда акс этади. Лекин бу акс шоир шахси призмасидан ўтган маҳсулдир. Шу билан бирга, шеъроят нафақат шоир ёки нафақат давр фарзанди, балки у бир вақтнинг ўзида ҳам ички фактор – шоир, ҳам ташқи фактор – давр кесишган нуқталарда туғилган оламдир.

Хуш, бу давр шеъроятда қандай акс этади? Унинг «кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитса» бўладиган, яъни тутқич берадиган жиҳатлари борми? Бошқача айтсак, аср аввалида битилган шеърда акс этган давр руҳини юзйиллик адоғида ёзилган шеърниқидан фарқлаб олса бўладими? «...Давр фалсафий мавзулар ичида энг абстракт характерга эгалиги билан ажралиб туради. Сабаби, унинг моддийлашган конкрет бир шакли йўқ. Бу абстрактликка фақат инсон фаолиятигина конкретлик бахш эта олади»¹. Дарҳақиқат, давр ўз табиатига кўра анча мавҳум тушунча. Уни бошқа тушунчалар – муҳаббат, ҳаёт, ўлим, табиат билан қиёс этилганда ҳам «тутиб оладиган» жиҳатларининг нисбатан камлиги билан ажралиб туради. Биз «нисбатан камлиги» деб ёздик. Профессор Н. Раҳимжонов эса «унинг моддийлашган конкрет шакли йўқ» дея ёзади ва давр мавзусини табиат мавзусига қиёсан олади. «Табиат мавзусини олайлик. У конкрет, аниқ бир моҳиятга эга; яъни табиат ўзининг ранги, бўёқлари, жисми, оҳанги билан, эмоционал ҳис-туйғу ва интеллектуал фикр уйғотиши билан муайян аниқ шакл-шамойилга эга»². Назаримда, ҳар бир даврнинг ҳам хос хусусиятлари мавжудки, улар ҳам ўз навбатида у ёки бу даражадаги моддий кўринишларга эгадир. Чунончи, 60-йилларда инсон космосга учди. Демак, космик кема ҳам шу даврда ихтиро этилди. Мазкур олам

¹ Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси – Т.: Фан, 1979. – Б. 8-9

² Раҳимжонов Н. Ўша асар. – Б. 9

шумул воқеага бағишланган шеърлар ҳам, асосан, шундан кейин ёзила бошлади. Шеърлардаги космик кема — бир деталь, лекин шундай деталки, унда даврнинг руҳи, давр илғор ақллариининг интилишлари тажассум топган. Ёки яна Чўлпонга қайтсак. Шоирнинг табиат ва ҳатто ёр ҳақидаги кўплаб шеърлари ҳам бора-бора юрт қайғуси, озодлик дардига боғланиб кетади. Чунки юрт истило этилган, таланган, хўрланган бир вақтда шоир кўнглига Ватан хурлигидан ўзга дард сиғмаган. Бинобарин, давр руҳи Чўлпон шеъриятидаги эрк ва озодлик сари интилишда бир қадар конкретлашган.

Демак, даврнинг, Н. Раҳимжонов таъкидлаганидек, «моддийлашган конкрет бир шакли йўқ». Бироқ даврнинг руҳи, унинг интилишлари, ғоялари у ёки бу шаклларда моддийлашуви ва конкретлашуви мумкин. Даврнинг абстракт характериға «фақат инсон фаолиятигина конкретлик бахш эта олади» деганида эса профессорға эътироз туғилмайди. Шунга кўра, у давр руҳининг шеърда акс этишини қуйидагича изоҳлайди: «Шеърдаги давр тушунчаси ижтимоий-сиёсий воқелик билан боғлиқликдаги инсон ҳаёти билан белгиланади. Шеърият инсоният учун яратилар экан, шоир учун давр миқёси замондошлари ҳаёти, инсон тақдири билан характерланади; инсоннинг бугунги ҳаёти, тушунча ва тафаккури билан узвий боғлиқликда намоён бўлади»¹.

Албатта, давр руҳи, асосан, шу даврнинг ижтимоий-психологик муҳотида яшаётган шахс — шоирнинг ёки унга замондош бўлганларнинг «назари» орқали шеърға кўчади. Бинобарин, ҳар бир даврнинг сиёсий-ижтимоий-психологик кайфияти ўша давр моҳиятини белгилайди. Қачонки, жамиятнинг ижтимоий-психологик кайфияти ўзгарса, демакки, шу мамлакатда даврлар ҳам алмашади.

Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. — Т.: Фан, 1979. — Б. 8-9

Кўринадики, давр тушунчаси ҳар қанча мавхум бўлмасин, унинг сийратини очиб берувчи моҳияти ҳамиша мавжуд ва шеъриятдаги давр тушунчаси айна моҳиятда яшар экан.

Юқорида юритган мулоҳазалардан келиб чиқиб ва тадқиқотимиз давомидаги масалага ёндашувнинг моҳиятини англатишини ҳисобга олган ҳолда, шу ўринда давр – шахс – шеърият муносабати бўйича асосий илмий концепциямизни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Булар:

биринчиси – шеърият ижтимоий ҳодиса сифатида инсоннинг руҳий моҳиятидан ибтидо олади. Шу маънода одамзоднинг ҳозирги ҳолга келиши, яъни инсоннинг инсонга айланиши фақат ташқи омил – ташқи шарт-шароитларгагина боғлиқ жараён бўлмай, айна пайтда ички омил – инсоннинг зоти билан, унга жойлашган руҳий моҳиятнинг ижтимоийлик шаклида намоён бўлиши билан ҳам боғлиқдир. Яъни ижтимоийлик ташқаридан ёпиштирилган ёрлик эмас, балки инсоннинг қонида мавжуд моҳият бўлиб, унинг узок эволюцион йўлни босиб ўтиши натижасида башариёт бугунги тамаддунни қўлга киритди. Шеърият эса ана шу моҳиятнинг намоён бўлиш шаклларида биридир;

иккинчиси – ҳар қандай яхши шеър марказида ўзининг қувонч ва ташвиши, орзу ва армони билан Инсон туради. Шеър худди шу инсондан, унинг табиати, мақсад ва интилишлари, яна-да тўғриси, инсон ҳақидаги тасаввурдан келиб чиқиб тушунилади. Инсон тўғрисидаги тасаввурлар эса кўп жиҳатдан у ёки бу дунёқарашга асосланган олимларнинг методологиясидан сув ичади. Ўз навбатида, бу методологияларнинг аксари инсонни ё материалистик ёхуд идеалистик нуктаи назардан талқин этишга мойил бўлади. Яъни уларнинг

бири инсон ижтимоий «хайвон» деса, бошқаси унинг биологик асосига кўпроқ эътибор беради, учинчиси эса инсонга рухий мавжудот сифатида қарайди ва шу асосда ўз назарияларини яратишади. Ҳақиқатда эса инсон (хоҳ ҳаётдаги ва хоҳ шеърятдаги бўлсин) ҳақида фикр юритганда ундаги ҳамма жиҳатларни – ижтимоий, биологик ва рухий ибтидоларни бирликда олиш зарур ва шундай қилингандагина инсонга, унинг моҳиятига яқинроқ бориш мумкин бўлади;

учинчиси – инсон моҳияти турли даврлар шеърятда турлича жило беради. Чунки ҳар бир давр алоҳида спецификага эга ижтимоий-психологик муҳит сифатида инсонга – шоирга ўз таъсирини ўтказди ва бу таъсир шоир орқали шеърга кўчади. Шу тариқа шеърят шоир томонидан таклиф этилган давр сийратини акс эттирувчи кўзгуга айланади.

Зеро, шоир шахсини муайян иқлимли давр ёки даврлар етилтиради. Шунга кўра, унинг шеърятини ўзи мансуб бўлган давр (ёки даврлар) руҳи билан тўйингандир.

Бинобарин, маълум маънода шеър давр фарзанди ҳамдир. Лекин шеър муайян бир давргагина боғланиб қолмайди, шундай шеърлар борки, улар даврлар оша яшайди. Бунда шоир шахси муҳим ўрин тутди. Чунки шоир индивидлик қобилини ёриб, шахслик мақоми сари бошловчи йўлга чиқиб олган ёки ўша мақомга эришган бўлади. Чунки шахслик, аввало, бир калла баланд бўлиб дунёга боқишдир, ўтмиш, ҳозир ва келажакни узвий боғлиқликда ва ўзаро қонуний алоқадорликда кўра билишдир, ўзликни кўпчиликнинг манфаати йўлида фидо қилиш ва энг муҳими, ҳаётни қалб амрига мувофиқ куриш салоҳиятидир.

Шоир шахси ана шундай фазилатлар соҳиби экан, шеър ҳам шунга яраша маънан юксалиб боради. Шу-

нинг учун ҳам шахс-шоир қисмат шоиридир ва у даврдан мавзу олиши баробарида ўрни келганда унга мавзу ҳам беради, бера олади. Шу тарзда ҳақиқий шеърият фақат даврнинг фарзанди бўлиб қолмайди, у шахс-шоир кифоасида даврларга ўғит беради, унинг ҳолига у ёки бу даражада таъсир ўтказди.

1.2. XX аср янги ўзбек шеъриятида идеал муаммоси

Шеъриятдаги идеал масаласи жуда мураккаб, кўп қиррали. У ҳамма даврлар учун муҳим ҳисобланиб келган. Фақат ўз кифоасини ўзгартириб-турланиб турганлиги боис идеални ҳар доим ҳам сувнинг юзасида учратиш мумкин эмас. Аслида-чи? Аслида, у гоҳ идеал-қаҳрамон, гоҳ эса идеал-ғоя – мафкура сифатида яшаган, яшайди. Худонинг бошқа махлуқларидан фарқ қилиб, инсон табиат ато этган неъматларнинг ўзи билан қаноатланиб яшай олмаган. У ҳамиша ўз ҳаётини яхшилаш, атрофни ўз хоҳиш-истаклари, орзуларига монанд ўзгартиришга ҳаракат қилган. Ва албатта, унинг бу ҳаракати онгидаги тасаввурдан қувват олади, шу тасаввур унинг учун бир маёқ вазифасини ўтайди. Бу эса биз идеал деб атайдиган нарса жуда қадим илдишларга эга эканлигини кўрсатади. Профессор Комил Имомов «Мифологик афсоналар» деб номланган мақоласида: «Мифологик афсоналар генезисининг қадимий илдишлари оила, уруғ, қабила эътиқодларига бориб боғланади. Хусусан, афсоналар асосини ибтидоий инсон ҳаёти, номаълум ҳодисаларга жавоб топишга уриниш, эътиқодий тушунча, тасаввурлар яратишга, шунингдек, момақалдирик, чакмоқ, бўрон, зилзила, сел каби ғайриоддий кўринган

ходисаларга қарши кураша оладиган **ғайритабийй паҳлавонларни** (таъкид бизники – У.Х.) излаш, ажодлар руҳига сажда қилиш, нотабийй кучга сиғиниш, илоҳий кудратга ишонч, ҳимматига топиниш кабилар ташкил этган»,¹ – деб ёзади. Яъни қадим ажодларимиз яратган мифологик афсоналар дунёни билиш ва воқеликни ўзгартириш эҳтиёжидан келиб чиққан бўлиб, уларда қадимиятга хос идеал акс этган. Хусусан, ўша ибтидоий жамоа одамлари ҳам ҳаётларида юз берган чигал муаммоларни ечишда ўзларига маънан куч берувчи идеал қахрамонларга – ғайритабийй паҳлавонларга ботиний эҳтиёж туйганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Луғатларда идеал сўзи французча бўлиб, юнонча «идеа» калимасидан келиб чиққани ёзилади. «Идеал (юн. Idea – тимсол, ғоя, тушунча) – бирор нарса, воқеа ва ҳодисанинг олий намунаси, камолоти; айрим шахс, шахслар гуруҳи, табақа ва жамият интилувчи олий мақсад. Ижтимоий-сиёсий идеал – мукаммал ижтимоий тузум; ахлоқий идеал – баркамол инсон сифатлари, инсоний муносабатлар; эстетик идеал – ҳар тарафлама камолга етган гўзал кўриниш, хислат, тавсиф»² деб таъриф берилган энциклопедияда. Замоноавий адабиётшунослик ва санъатшунослик фанларида муҳим ўрин тутувчи идеал категорияси XVIII асрдан эътиборан фалсафа ва эстетикага оид тадқиқотларда атрофлича чуқур ўрганила бошланган. Жумладан, француз ва немис олимларидан Дидро, Руссо, Вольтер, Гегель, Кант, Баумгартен, рус танқидчилари Белинский, Чернишевский ва файласуф В.Соловьёвлар идеал муаммосини махсус тадқиқ этганлар. Санъатдаги идеал тушунчасининг илмда бугун истеъмолдаги қиёфаси кўп жиҳатдан ана шу мутафаккирларнинг меҳнатлари ҳосиласи.

¹ Тил ва адабиёт журнали. Т: Фан. 2008. №6

² Ўзбекистон миллий энциклопедиси.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедиси давлат илмий нашриёти, 2002.- Б 76

Вл.Соловьев, П.Флоренский, Н.Лосский, Н.Федоров, И.Ильин, Н.Бердяев каби файласуфлар идеални турмушнинг олий ва илохий ибтидоси деб қарашган. Уларча, санъат – идеалнинг образли тажассуми. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, идеал бу – воқеликка санъаткор (шоир) бадиий муносабатининг образли ҳосиласидир. Бадиий асар, П.Кропоткин таъбири бўйича, «шахсий сажияга эга бўлиб, муаллиф ҳар қанча уринмасин, унинг симпатияси ўз ижодида акс этади ва у ўз таъбига мос келган нарсаларни идеаллаштиради»¹. Дарҳақиқат, олимнинг теран мулоҳазаларида жон бор. Шоир ўз майл ва интилишларидан келиб чиқиб йўналиш, мавзу танлайди. Шунга карамай, бир шоирга тегишли бўлган у ёки бу мазмундаги идеал бир вақтнинг ўзида бутун бошли миллатга, миллат тарихининг муайян бир босқичига хос бўлиши ҳам мумкин. Чунки ўша идеал муайян ижтимоий-тарихий шароитда тўлишиб-конкретлашган. Устига устак, шоир яна чин санъаткор бўлса, унинг шеърлари доврўғи оламларни тутуди, чунки идеал жавҳарини асрлар оша яшаб келаётган умуминсоний қадриятлар ташкил этади. XX аср ўзбек шеърляти мисолида олсак, Чўлпон ижоди 20-йилларнинг, Абдулла Орипов шеърляти эса 60-70-йилларнинг бадиий ҳужжатига айлангани шуни кўрсатади. Зеро, бу шоирларнинг ҳар бири ўз даврининг энг илғор идеали қўйнида яшади ва ижод қилди.

Идеал масаласига оид кўплаб илмий ишлар яратилган, уларда идеалга турлича таърифлар берилган. Гарчи бу тушунча амалиётда кўпроқ эстетик идеал атамаси билан юритилса ҳам, ҳақиқатда у серқирра ҳодисадир. Шунинг учун ҳам ҳозирда кенгроқ оммалашган ва кўпчилик томонидан эътироф этилган Гегель, Чернишев-

¹ Кропоткин П. Русская литература. Идеал и действительность. Курс лекций. – М., 2003. – С.247

кий, Соловьёвларнинг карашларида идеалнинг қуйидаги жиҳатлари алоҳида қайд этилади:

- а) ақл соҳасида – ҳақиқат,
- б) ахлоқ соҳасида – эзгулик,
- в) эстетика соҳасида – гўзаллик.

Шу ўринда “ақл соҳасида – ҳақиқат” дейилган тезисни бироз таҳрир қилиб, “эътиқод бобида – ҳақиқат”, ёки янаям жўялироғи, “дунёқараш соҳасида – ҳақиқат” десак, мақсадга мувофиқ киёфа касб этгулик. Чунки “дунёқараш” “ақл”га нисбатан умумийроқ мазмундаги категория бўлгани боис кенгроқ майдонни ўз тасарруфига ола билади. Бас, шундай экан, унинг ичига ижтимоий идеаллар – одил шох, адолатли жамият, ҳалолу пок инсон, садоқатли дўст каби қатор тушунчалар кириб кетади.

Идеал бобида немис олими И.Кантнинг мулоҳазаларидан келиб чиқиб, бутунлай қарама-қарши нуқтаи назарни ҳимоя қилган И.Ильинский ёзади: “Йўқ. Инсонга идеални табиат берган эмас. Идеални инсоннинг ўзи яратган. Чунки унга воқеликни нуқсонлардан тозалаш ва шуурда у(идеал)нинг ёрқин образини куриб чиқишга интилиш хос”¹. Демак, олимнинг фикрича, идеал тамомила субъектив характерга эга. Адолат юзасидан қайд этиш керакки, идеал тўғрисидаги мазкур субъектив муносабат ҳам қандайдир асосга таянади ва бу асос ҳар нарсадан олдин табиатдир, воқеликдир. Чунки, аввало, табиатда инсон ботинидаги идеалнинг шаклланишига дастлабки чизикларни тортувчи ҳамма шарт-шароит мавжуд, яъни табиатдаги уйғунлик шоир ботинидаги идеалнинг шаклланишидаги зарур омиллардан ҳисобланади. Иккинчи томондан, модомики инсонга “воқеликни нуқсонлардан тозалаш ва шуурда у(идеал)нинг ёрқин образини куриб чиқишга интилиш хос” экан, идеалнинг воқеълик таъси-

¹ И.Ильинский. Постигая идеала. – М., 1981. – С.3

рида муттасил тўлишиб-конкретлашиб бориши ҳам табиий ва қонуний ҳолдир. Зеро, акс ҳолда инсониятнинг тараққий этиши мумкин бўлмас эди. Яъни тараққиётнинг механизми тахминан мана бундай: воқелик билан мулоқот натижасида идеал тўлишиб-конкретлашиб боради – тўлишиб-конкретлашган идеал воқеликни шунга мос ўзгартириш этиёжини келтириб чиқаради – инсоннинг саъй-ҳаракати шу эҳтиёжни қондиришга қаратилади.

XX аср бошларида адабиётимизда содир бўлган “ўзгаришлар орасида энг муҳими – идеалнинг “ерга тушгани” дирки, бунинг натижаси ўлароқ бадиият, гўзаллик тушунчаларига ҳам жиддий таҳрирлар киритилди¹”, деб ёзади Д.Куронов. Бирмунча образли тарзда айтилган бу фикр шарҳланган эмас, лекин бизга шу ўринда шарҳ зарур. Юқорида идеалнинг уч қирраси ҳақида тўхталган эдик. Энди шу жиҳатдан ислом маданиятининг таркибий қисми бўлмиш мумтоз адабиётимиз, хусусан, тасаввуф адабиётининг идеалини қараб чиқайлик. Унинг идеали ақл ёки дунёқараш соҳасида – Ҳақ, Аллоҳ; эзгулик соҳасида – Ҳақнинг буюргангани қилиш ва у қайтаргани қилмаслик; гўзаллик соҳасида – шу иккисига мувофиқлик, яъни нимаики буларга мувофиқ бўлса, ўша гўзалдир. Табиийки, шу идеал асосида умр кечирган аждодларимиз учун фоний дунё боқий дунё туфайлигина қиммат қасб этади.

У – инсоннинг боқий дунёга ўтиши учун тайёргарлик қилинадиган макон, инсон ҳаёти давомида эзгу амалларни бажариб ўтса, боқий саодатга эришади. Демак, инсон ўз ҳаётини амалларини шунга мослайди, ҳаётини жаннатга, яратган жамолига эришадиган тарзда қуришга интилади, бу дунёнинг ўткинчи саодатидан абадий саодатни

¹ Д.Куронов. Чўлпон насри поэтикаси. - Т.: Шарқ, 2004. – Б.

устун қўяди. XX аср бошига келиб “идеалнинг ерга тушиши” деганида Д.Қуронов шуни, аср бошида инсоннинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ ҳолда идеалнинг реал ҳаётга яқинлашгани, унинг ижтимоий-сиёсий мундарижа касб этганини назарда тутди. Яъни ижтимоийлашган инсоннинг ҳаётда (ҳам ижтимоий, ҳам шахсий) қўзлаган мақсадлари ҳам идеал мазмунига сингди. Шу жиҳатдан жадид адабиётининг идеалини юқоридаги тартибда кўриб чиқайлик. Жадид адабиётининг идеали ақл ёки дунёқараш соҳасида – миллат тараққийси. Албатта, гарчи бир сўз билан айтсак-да, бу мақсад миллий озодлик, маърифатли ва муносиб миллий турмуш, адолатли жамият каби қўллаб тушунчаларни ҳам ўз ичига камраб олади. Жадид маърифатпарварлари эзгулик деганда миллат тараққийсига хизмат қилувчи амални тушунганлар. Яъни нимаики миллатни тараққий эттиришга, унинг озод ва фаровон яшашига, дунёда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилса, шу нарса эзгуликдир. Бинобарин, шу иккаласига мувофиқ бўлган нарсагина гўзалдир.

Биз идеал воқелик таъсирида муттасил ўзгаришда бўлади дедик. Бирок бу идеал бутунлай замонга тобе, унга чамбарчас боғлиқ дегани эмас. Чунки идеалда ҳар бир авлод аввалгилардан мерос сифатида оладиган ўзгармас жавҳар бор. Агар башарият тарихига, санъат ва адабиётнинг кўп минг йиллик тараққиёт йўлига шу жиҳатдан назар солсак, юқорида айтилган уч қиррадан биринчиси – ақл ёки дунёқараш соҳасигина тубдан ўзгаришга учраганини кўришимиз мумкин. Катта ўлчамда қаралса, бундай туб ўзгариш биринчи бор маъжусийликдан яккахудоликка ўтишда, иккинчи бор эса “янги замон”га ўтишда – Европада XVIII асрда, Шарқда эса XIX аср охирларидан бошлаб кузатилади. Албатта, бу ўзгариш эзгулик ва гўзаллик тушунчаларига ҳам

таҳрир киритади, лекин бу соҳалар ўзининг ўзак, жавҳар хусусиятларини сақлаб қолаверади.

XX аср инсоният учун ширин келди деёлмаймиз. Биргина мамлакатимиз мисолида мушоҳада қиламиз: аср аввалидаги қашшоқлик, маърифатсизлик, кетма-кет юз берган инқилобларнинг таъсири, хонликлар – совет давлати – “босмачилар” учлиги ўртасидаги урушлар, ниҳоят, шўролар ҳукмронлиги, улар ўтказган қатор сиёсий-иқтисодий тадбирлар (коллективлаштириш, қулоқлаштириш, индустрлаштириш, қатағонлар ва ҳоказолар), иккинчи жаҳон уруши, шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари, Сталиннинг ўлими ва сиёсий илиқлик шабадаларининг эсиши, “туруғунлик” ёки расман “ривожланган социализм” даври, ошкоралик ва қайта қуриш, ниҳоят, Истиқлол...

Бу демакки, XX асрда ватандош инсон ўз ҳаёт йўлида умид ва умидсизлик деган иккита қутб ўртасида жони ҳалак яшади. Натижада у худди ибтидоий жамоа одами – аждоди каби ҳаётдан идеаллар қидирди. У гоҳо идеалларда ўз орзу-армонларини мужассам кўрди, гоҳо рўёбга чиқмаган истакларини санъат ва адабиётдаги қаҳрамонлар зиммасига юклаб таскин топишга (яъни санъатнинг компенсаторлик функцияси¹) уринди.

Идеал тимсолий-ҳиссий шаклда акс эттирилгандагина унинг бадий талқини тўғрисида гап бориши мумкин. Ижтимоий, маънавий, эстетик идеалларни бадииятга айлантириш учун санъаткор анча-мунча йўлни босиб ўтган бўлиши керак. Энг катта шоирларимиз ижодида ҳам баъзан бадий жиҳатдан киёмига етмай шеърга кўчган ижтимоий, гуманистик мазмундаги идеалларга дуч келиш мумкин. Истиқлол, озодлик, юрт қайғуси билан боғлиқ ижтимоий сиёсий-идеалларнинг анчайин

¹ Қаранг: Боров Ю. Эстетика - М., 1988. Б. 121-122.

яланғоч ифодасини кўпроқ XX аср аввалидаги шеърятимизда кузатса бўлади. Демак, ҳар қандай идеал шоир томонидан эстетик англаган бўлиб, бадиий жихатдан камолга етгандагина чинакам санъат ҳодисасига айланар экан. Қандай идеаллардан маънавий куч олганига қараб шоир яшаган давр залворини чамалаш мумкин бўлганидек, шу идеалларнинг қай даражада бадиий талқин топганидан келиб чиққан ҳолда унинг санъаткорлик маҳорати баҳоланади.

XX юз йиллик ибтидосида миллатнинг тафаккур гуллари маърифатсизликни юртнинг энг оғриқ нуқталаридан бири деб билдилар. Улар истеъдодларини элни ўқимишли қилишга бағишладилар, шу йўлда вақтлари, кучлари, маблағларини аямадилар. Улар халқнинг маърифатли бўлиши юрт равнақи ва миллат тараққийсининг асоси деб билдилар.

Оқибат – адабиётда маърифатли киши образи пайдо бўлди. Авлоний, Сўфизода, Ибрат, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон каби қатор шоирларнинг ижодида шу ғоя қайта-қайта ишланди. Чунончи, Фитрат «Ўгут» шеърисида ёзади:

*Оғир йигит, гўзал, нурли кўзингда,
Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқудим.
Ўйлашингда, туришингда ҳамда ўзунгда
Бу юрт учун қутулишининг борлигин кўрдим¹.*

Озодлик, Истиклол, янги давлат қуриш каби ғоялар эса Чўлпон ва Фитрат шеърларида идеал-ғоя даражасида тараннум этилди. Вақти бўлдики, улар ҳаётдан нимаики рўшнолик кутган бўлса, ҳаммасини шу ғоя билан боғладилар. Чунончи, Чўлпон бир шеърисида:

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар.- Т.: Маънавият, 2000.- Б.41;

*Ол байрогингни, қалбинг уйгонсин,
Қуллик, асорат – барчаси ёнсин,
Қур янги давлат, ёвлар ўртансин,
Ўсиб Туркистон, қаддин кўтарсин!*

– деб ёзса, Фитрат:

*Онам, сени қутқармоққа жонми керакдир?
Номусми, виждон била имонми керакдир?*

– дея нола чекди “Юрт қайғуси” шеърида.

Идеал узоқдаги маёқ каби шоирни ўзига чорлаб туради. У кўпинча ана шу маёқдан кўнгилга тушган илиқлик таъсирида ҳаракат қилади. Санъаткор куйлаётган юксак қадриятлар замирида идеалнинг ҳаракати ётади. Фақат бу ҳол ҳамма вақт ҳам кўзга ташланавермайди. Улуғ мутасаввиф Мавлоно Румий «Инсон хаёлидаги нарса уни ўз орқасидан етаклайди. Масалан, боғ хаёли боққа, дўкон хаёли дўконга олиб боради»¹ деб айтади. Ўша хаёл бу ўринда ғоядир, идеалдир. Албатта, ғоя ҳар доим идеалга тенг эмас ва бундай бўлиши шарт ҳам эмас. Баъзан улар тенглашиб-бирлашиб кетади. Шунда ғоя-идеал пайдо бўлади. Бу нарса Чўлпоннинг озодлик йўлида ёзилган шеърларида ўзини яққол намоён этган. Биргина «Бинафша» шеърининг тахлили юқоридаги иддаомизни исбот қилиши мумкиндек туюлади:

*Бинафша, сенмисан, бинафша, сенми –
Кўчада оқчага сотилган?
Бинафша, менманми, бинафша, менми –
Севгинга, қайгинга тутилган,*

¹ Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. - Т.: Янги аср авлоди, 2003. - Б.16

*Бинафша, нимага бир озроқ очилмай,
Бир эркин кулмасдан узилдинг,
Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай,
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?*

Бир карашда сўз фақат бинафша – бир чечак ҳақида кетаётгандек. Тўғри, шеърнинг юзадаги – биринчи қатламидаги маъно айнан озроқ очилмай узилиб, кўчада сотилган гул тўғрисида. Лекин шоирнинг асл муроди шугинани тасвирлашдан иборат эмас. Балки гул билан боғлиқ ғояни рамз ҳолига келтириб, асл – ички муддаони айтишдир. Ички муддао бу – эрксиз, хор-зор бўлиб кўчаларда қолган инсон ҳолининг баёни. Бинафшага мурожаат қилаётган шоирнинг кўнгил кўзи бенаво юрт кишисининг оқчага сотилган гул каби аччиқ қисматида. Қолаверса, шу дардни бутун борлиғида хис қилиб қуяётган шоирнинг ўз тақдирида ҳам. “Бинафша, йиғлама, бинафша, кел бери, Қайғингни қайғимга қўшгил”. Демак, шоирнинг-да қисмати бинафшаникига монанд. Ахир, “қайғингни қайғимга қўшгил” хитоби бежиз айтилмаяпти. Чунки шоир шу гулни, гул тимсолидаги юрт кишиларини чексиз муҳаббат билан севади. Шу туйғу туфайли бинафшанинг бошига келган ҳар кўргилик шоирнинг қайғусидир. “Бинафша, сенинг-чун кўкрагим эрк ери, Бу ердан кўкларга учгил!”. Мана, ниҳоят, шоирнинг асл муддаоси ошкор бўлди – шоирнинг кўкраги чечак учун – тутқун юрт кишиси учун эрк майдони, у бу ердан кўкларга парвоз этиши мумкин. Кўринадики, гап айланиб келиб яна Чўлпон шеърятини ҳаракатлантирувчи бош ғоя-идеал – озодлик, эркинлик мавзусига тақалмокда. Яъни бу ўринда Чўлпон ўзининг идеалини тимсолий-ҳиссий шаклда тажассум эттира олди ва шу боис ҳам гўзал санъат асари дунёга келди.

Одатда, фоже ҳодисалар изсиз кетмай, одамлар онги ва қалбида муносабат пайдо қилади. Идеаллар тахминан ана шу тарзда дунё юзини кўради. Яъни инсон жамиятда, мамлакатда ва дунёда юз бераётган зўравонликка, ёвузликка, қабоҳатга, зулмга қарши курашга бел боғлайди. Баъзан курашдан ҳеч қандай наф чикмаса ҳам, барибир, унинг юрагидаги исён олови сўнмайди. Аксинча, муносабат ўзининг навбатдаги – иккинчи умрини яшай бошлайди: инсон аччиқ-аччиқ орзу қилади. Одамзод тарихига бир қур тафаккур нигоҳини ташлаб қувоҳи бўламизки, у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги бурилишлар нуқтасида юрт қаҳрамонлари зиммасига жуда азим юклар ортилган бўлади. Айниқса, миллатнинг қўли етмай турган асрий орзу-армонлар қонидан бунёд этилган қаҳрамонларнинг ўрни-аҳамияти бекиёс. Ўзбек эпоси – «Алпомиш» достонининг бош қаҳрамони Алпомиш тахминан ана шундай идеал қаҳрамондир. Бу ўринда идеал қаҳрамон – ҳар томондан тўқис, бекаму кўст образ эмас. (Эсланг, инсон сифатида Алпомишнинг ялқовлик, фикрсизлик каби бир мунча камчиликлари ҳам бўлган). Балки миллат ёки унинг алоҳида вакили – шоир яратган асардаги бош ғоя – орзу, армон билан тўйинган идеяни ўзида мужассамлаштирган идеалдир. Демак, идеал ҳаёт сўқмоқларида, унинг бухронли – зиддиятли майдонларида адашиб-улоқиб қолганлар учун йўлчи юлдуздек гап. Идеал шоирнинг ижодий йўлини маълум маънода белгилаб беради. Бинобарин, қайсики давр шоирининг мероси дилга ўт ташласа, билингки, шу ижодкор ўз замонасининг идеалларига ошно бўлган, унга ўз асарлари ёрдамида интилган ҳисобланади.

Шеърятдаги идеал жамиятнинг бурилиш асноларида ўзини яққолроқ намоён этади. Аниқроғи, ўша идеалнинг бир қирраси – дунёқараш билан боғлиқ то-

мони бўртиброк кўзга ташланади. Шу нуктаи назардан қаралганда, XX аср янги ўзбек шеърлятида 20-йиллар алоҳида ўрин тутади. Бу шеърят Фитрат, Чўлпон каби улкан шоирлар номи билан боғлиқ бўлиб, юртнинг аввал чор, сўнгра шўролар томонидан босиб олинишига қарши қайфият билан суғорилган. Уларнинг шеърлярига сингдирилган ғоя – идеал ҳам, асосан, озодлик, истиқлол деган сўзларни ифодалайди. Фитратнинг яна “Юрт қайғуси”, “Беҳбудийнинг сағанасин изладим”, “Шарқ”, “Ўқитғувчилар юртига”, Чўлпоннинг “Бузилгон ўлкага”, “Ёруғ юлдузга”, “Кураш”, “Кишан”, “Кўнгил” каби ўнлаб шеърлари зимнида ана шу рух ҳукмрон.

Албатта, уларнинг идеали замон талабию руҳи билан янгиланган эди. Янгиланган идеал мумтоз адабиётимиздаги идеалдан фарқланади. Чунки уни ташкил этган асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, тизимдаги ўрни ва мақоми энди жиддий ўзгарди. Жадидчилик бағрида етишган бу шоирлар ижодида мумтоз адабиётдаги “комил инсон” тушунчаси ўрнини энди “зиёли”, Ҳаққа интилишни истиқлол ва тараққий йўлидаги кураш эгаллади. Идеалдаги сифат ўзгаришини биргина “зиёли” мисолида қараб ўтамиз. Аввало, жадид ижодкорлар соғинган идеал инсон – “зиёли” шунчаки ўқимишли киши эмас. У замонавий билимлар эгаси, замона аҳволдан яхши хабардор бўлиши ва, энг муҳими, миллатнинг эртаси ҳақида қайғуриши, унинг тараққий этиши йўлида фидойилик билан курашиши лозим. Октябрь тўнтаришидан кейинги воқелик идеал қахрамон қиёфасига сезиларли ўзгариш киритди. Энди ундаги зиёлилик белгилари сусайиб, юрт ҳақида қайғуриш, унинг тақдири учун масъуллиқ, эрка ташналиқ, курашчанлик каби жиҳатлар олдинги планга чиқди. Худди шу идеал, масалан, Чўлпоннинг 20-йилларда ёзилган “Ку-

раш”, “Бузилгон ўлкага”, “Кишан” каби ўнлаб шеърларининг яралишига туртки бўлган.

Хуллас, шу тариқа мумтоз адабиётимизда марказий ўринни эгаллаб келган диний идеал XX аср янги ўзбек шеърлятида бирмунча орқага чекиниб, унинг ўрни дунё ва жамиятни тубдан ўзгартиришга қаратилган ғоялар билан тўлди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида кўрганимиздек, бу ҳол большевиклар атеистик сиёсатини йўлга қўймасидан аввал, жадидчилик билан боғлиқ ҳолда юзага келганди.

20-йилларнинг ўрталаридан қувватга кира бошлаган адабий авлод эса идеалда туб ўзгариш ясагани йўқ, у гўё жадидлардан эстафета таёкчасини олдию идеалга ўзи кўзлаган конкрет ижтимоий мақсадга мос мафкура тўнини кийгизди. Натижада адабиёт жабҳасида ҳам, худди бутун жамиятдаги каби, кескин ғоявий-мафкуравий қарама-қаршилиқ юзага келди: 20-йилларнинг ўрталаридан то 30-йилларнинг охирига қадар адабиёт икки турли идеалнинг тўқнашувидан иборат бўлди.

Шу тўқнашув шиддатида янги авлод ўзи топилган идеални инсоният эришиши мумкин бўлган энг охириги, энг юксак марра деб билди, шу идеал асосида дунё ва жамият ҳаётини тубдан ўзгартиришига ишонди:

Тингла, шоир!

Тарих — кенг бир уфқ.

Чақмоқлар чақнади,

Тўлқинлар ўйнади,

То шу чоққача.

Фақат бу кунги чақнаш, бу кунги —

Тўлқин ҳеч кўрилмаган.

Бу эрк тўлқини.

Ҳаёт: ши, меҳнат!

Бу инқилоб – озод иш инқилоби.

Узоққа боқ!

Юзларча,

Мингларча,

Юз мингларча нозик шоир нималар куйлади?

Сен унут!¹

(Ойбек)

Юзмингларча “нозик шоир”ларникидан тамомила ўзга йўлни танлаётган шоирни бошқариб, йўналтириб турган куч – даҳрийлик ва инқилоб этагини тутган шўролар даври эди. Чунки 30-йилларга келиб Совет ҳокимияти оёққа мустаҳкам туриб олди. Ижоддаги эркинлик ўтмишга айланди. Адабиёт юкоридан туриб бошқарила бошланди.

Натижада тоталитар қадриятлар ижодкорнинг маънавий оламига тикиштирилди. Шоир иккиланиб қолди. У инсон ва ижодкор сифатида бурун меҳр боғлаган ўз идеалларидан воз кечишга, ҳукмрон партия чизиб – дастуриламал қилиб қўлига тутқазган ғояларга, партияга, ғоят мавҳум эшитиладиган умумхалқ манфаатларига, социализм пойдеворини мустаҳкамлашга, ишчи-деҳқонлар синфига сидқидилдан хизмат қилишга йўналтирилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу ҳаракат аввалда ихтиёрий асосда эди. Чунки бу даврда майдонга чиққан авлод буткул янги ижтимоий-тарихий шароитда шаклланган, аксарияти шўро мактабларида таҳсил олган, хуллас, ижодий фаолиятини шўроча ёки шунга мойил дунёқараш билан бошлаган эди. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир, Зулфия каби истеъдод эгалари ижодида пайдо бўлган талай замонасоз шеърлар шунинг маҳсули эди.

¹ Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. -Т., 1975. - Б. 35;

Ҳар қандай адабий авлод ўзидан олдинги авлоднинг инкори сифатида майдонга чиқади, бу – қонуният. Бироқ инкор ғоявий-эстетик асосда кечади. 20-йиллар воқеалиги бу қонуниятни тан олмади: диктатурага асосланган ҳокимият тарафдорлари бўлмиш янги авлод ўзидан олдинги авлодни ғоявий-мафкуравий жиҳатдан инкор қилди. Натижада адабиёт ғоявий-мафкуравий кураш жабҳасига айланди.

XX аср ўзбек адабиёти, хусусан, 30-йиллар шеърияти бир муҳим ҳақиқатни аён кўрсатди. Бу, агар идеалнинг юқорида саналган жиҳатларидан биринчиси – дунёқараш устувор мавқе эгалласа, адабиёт юзини, ўзлигини йўқотади, сиёсатдонлар қўлидаги қуролга айланади деган ҳақиқатдир.

Энг ёмони, агар дунёқарашу мафкура идеалда устувор мавқе эгалласа, эзгулик ва гўзаллик жиҳатлари поймол бўлади. Бунинг натижасида эса “Ёвга ўлим!” каби машъум шиорлар шеърга дўнади. Буни мафкуравий кураш қизиғида майдонга кирган Ҳ.Олимжон, Ойбек, Ғ.Ғулом каби улкан истеъдодларнинг 30-йиллардаги қатор шеърлари яққол кўрсатди.

Масалан, Ғ.Ғуломнинг шундай кураш қизиғида ёзилган шеърларидан бирида пролетар шоирлар тилидан “биз” дея хитоб этилади:

*Миллий фашист,
Оппортунист,
Ишончсиз “унг”, “сўл”ларнинг
Бош устидан
Босиб, янчиб ўтувчи
Беш йилликнинг зўрлари дейилади .¹*

¹ Ғ.Ғулом. Мукамал асалар тўплами. 1-жилд. - Т., 1983. - Б.94;

Зинапоя тарзида тизиб чиқилган бу сатрлар ғоявий мухолифларни “босиб, янчиб ўтиш”га қодирлигидан фахр этаётган лирик қаҳрамонни кўз олдимишга келтиради.

Ҳолбуки, эзгулик хизматчиси бўлмиш санъаткор учун гуманизмдан чекиниш – гуноҳ, лекин мафкура таъсирида бу нарса батамом унутилган.

Натижада инсонпарварликни тараннум этиш, инсоннинг эрки ва шаъни, қадр-қиммати учун курашни ўзининг асосий вазифаларидан деб билиши керак бўлган санъаткор бунга бутунлай тесқари йўлдан боради. Шу шеър давомида ўқиймиз:

*Биламизки,
Ёв лагерининг куйчилари – ёздилар...
Кўп оздилар...
Қидирдилар,
Афсонавий қаҳрамон,
Қон ялайдирган ҳоқон.
Фақат... пучак,
пучак!..
Сўрганлари йирингли
Бир эмчак.*

Бу парчада яққол кўзга ташланиб турган мухолифларга – “ёв лагери куйчилари”га ғайриинсоний муносабат эзгулик доирасига сиғмайди. Шу муносабатни ифодалаш учун танланган сўзлар эса гўзаллик худудидан ташқарида қолади. Аслида, биз мисол қилиб олган парча шу руҳда ёзилган битикларнинг юмшоқроғи. Лекин шунинг ўзи ҳам идеалнинг терс эврилиши, унинг мафкура қобилигига ўралиб қолиши шеърят учун қанчалик ҳалокатли эканига етарли далилдир.

30-йиллар сўнгида тарих сахнасига фашизм балоси чиқди. Бу вақтга келиб “ички душман” батамом маҳв этилган, мамлакатда “социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилган” бир шароит эди. 1941-1945 йиллар оралиғида шоир ўз элига, юртига жўр бўлиб, урушни, котилликни, ёвузликни қоралади. Айтиш керакки, гарчи мафкуравий жиҳати ҳамон устувор бўлса ҳам, бу давр шеъриятида идеалнинг эзгулик томони бўртиб кўринди. Башарият душмани бўлган фашизмга, урушга нафрат руҳи билан йўғрилган давр шеърияти тўлалигича эзгулик томонида турди. У халқни эзгуликнинг ғалабасию ёвузликнинг албатта завол топишига ишонтирди, ўқувчиларда ғалабага ишонч ва умидни қувватлантирди, ватанпарварлик, инсонсеварлик ҳисларини тарғиб этди. Ошкор ташвиқий руҳдаги шеърлар билан бир қаторда оддий кишиларнинг дард-ҳасрати, йўқотиш аламларию ҳижрон изтиробларини акс эттирган асл лирик асарлар (Ғ.Ғулом: “Соғиниш”, “Сен етим эмассан”; Ҳ.Олимжон: “Роксананинг кўз ёшлари”; Ойбек: “Қора хат”).

Шунга қарамай, 40-йилларда ҳам идеалнинг шоир шахсига тегишли томони “эриб” кетди. Тўғрироғи, у партиявийлик, халқчиллик, синфийлик каби ғоявий тамойиллар бағрига сингиб йўқ бўлди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида шоирларимиз ижодида уруш ва тинчлик мавзуси кучайди. Шоирнинг диққат маркази ёв билан маънан олишишга қаратилди, зафар қозониш унинг асосий муддаосига айланди. Лекин барибир, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон сингари ижодкорларнинг бир неча яхши шеърларини эътиборга олмаса, шоирнинг уруш билан боғлиқ кечинмалари чинакам бадий талкин даражасига кўтарилди, дея олмаймиз. Эҳтимол, буни маълум маънода шоирнинг бевосита жанг майдонларида бўлиб, даҳшатли уруш манзараларини ўз

кўзи билан кўрмаганлиги билан тушунтириш мумкин-дир. Чунки ўзи шоҳиди бўлмаган воқеа-ходисаларнинг шоир шахсида персонификация бўлиши бирмунча мушкул иш. Ҳар калай, уруш ва тинчлик муаммоси янги ўзбек шеъриятида идеал даражасида тараннум этилмагани ҳақиқатга яқин. Нима бўлгандаям, Чўлпон, Фитрат янглиғ ўтлиғ шоирларимизнинг нигоҳи тикилган улуғ идеаллардан кейин шоир маълум бир вақт катта ғоясиз қолиб, тараддудланган, излангандек таассурот колдиради. Социалистик ғоянинг чинакам бадиий идеалга айланиши эса дастлабки йилларда тўлиқ кузатилмайди. Гарчанд Ғ.Ғуломнинг “Соғиниш” шеърисида акс этган “Асалдан ажраган мумдай сарғариб, Ини йўқ аридек тўзғиганим йўқ. Улуғ эътиқодда ўламан қариб, Абад-дир ленинча падарий ҳуқуқ” деган мисраларда ленинча ғоянинг эътиқод даражасида куйланаётгани кўриниб турса ҳам, барибир, Бехбудий, Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби Истиклол фидойилари ўз ҳаётини тиккан ўлмас ғояларнинг ёди хотиралардан хали тамомила ўчмаган эди. Шунинг учун бу вақтни маълум маънода шоирларимизнинг депсинган, иккиланган, изланган даври десак бўлади.

Урушдан кейинги тикланиш ва 50-йиллар мобайнида номдор шоирларимиз ижодини партия, Ленин, социализм, умумхалқ манфаатлари каби мавзулар белгилади, демак, шу ғоялар шоирларимиз томонидан ғоя-идеал даражасида тараннум этилди ҳам. Шу билан бирга, бу даврда адабиётга эндигина қадам қўйган Шукрулло, Шухрат, С.Зуннунова сингари ёш бўғин вакилларининг чинакам инсоний туйғулар тараннум этилган шеърлари ҳам яратилди. Бироқ булар, бир томондан, давр шеърияти ҳавосини белгилайдиган салмоққа эга эмас, иккинчи томондан, расмий мафкура қўллаб-қувватлаган руҳдаги

шеърлар соясидан чиқолмасди. Шунинг учун ҳам бу давр шеърятимиздаги депсиниш даври дейишга арзи гулик. Зеро, шу чокқача юксак пафос билан куйланган идеалдаги кемтиклар яққол кўзга ташланиб қолган, энди у шеърят парвозига қанот беришга ожиз, инерция кучи ва партия-хукумат сиёсати туфайлигина ўз мавқеини тугиб келаётган эди. Мудхиш 30-йилларни, урушнинг қора кунларию қатағоннинг иккинчи тўлкинини бошдан кечирган одамлар дилида социализм ғоясига ишонч сусайган, ғоянинг ўзи депсиниш ҳолатига кирган эди.

Идеалнинг “қайта туғилиши” Сталин ўлимидан кейинги вақтга – илиқлик даврига тўғри келади. Нега “қайта туғилган”? Чунки идеалнинг асосида ётган социализм ғояси қайта тирилган, тирилтирилган эди. XX съезддан кейин жамият аъзолари дилида “Сталин даврида ҳақ йўлдан оздик, энди тўғри йўлга тушдик ва албатта коммунизмга етамиз” тарзидаги ишонч барқ урган эди. Муҳим бир томони шуки, 60-йиллар авлодининг идеалга (яъни, идеалнинг дунёқараш жиҳати) муносабати 20-йиллар авлодининг муносабатидан жиддий фаркланади. 20-йиллар авлоди ғоявий кураш ошқора ва кескин кечаётган паллада майдонга чиққан ва тарафлардан бирига қўшилган. Улардан фарқли, 60-йиллар авлоди жамиятда ғоянинг “қайта тирилиши” билан боғлиқ рухий кўтаринкилик ҳукм сурган вақтда ижодий фаолиятини бошлаган. Бу авлод ғояни онгли равишда қабул қилди, уни чинакамига шахсийлантирди, натижада у “Зотан, Коммунизм бугун мен учун, Барча шахсий ишдан кўра шахсийроқ” деган эътиқод билан ижод қилди. Сирасини айтсам, социалистик ғоя 20-30-йилларда 60-йиллар қадар юксак пафос, самимий эътиқод ва бадиият билан тараннум этилмаган.

Иккинчи муҳим томони эса 60-йиллар авлодининг воқеликка идеал орқали қарагани, унга “улуғ мақсад”га мувофиқ ё мувофиқ эмаслигидан келиб чиқиб муносабатда бўлгани. Демак, бу авлод учун 60-йилларда социализм ғояси чинакам эстетик идеалга айланган эди.

Идеалнинг ғоявий кураш воситаси эмас, балки ҳаётий ва ижодий дастуруламал деб билингани, иккинчи ёқдан, “хрущёв баҳори” олиб кирган илиқлик давр шеърияти тематик доирасининг кенгайишига имкон берди. Илиқлик шабадаси кўкрагига теккан шоир, ниҳоят, ўзини бирмунча эркин ҳис қила бошлади. У энди кундалик турмуш ташвишлари билан яшаётган оддий инсоннинг туйғу-кечинмалари, қувонч-ташвишларию дард-ҳасратини қаламга олиш имконига эга бўлди, интим лириканинг салмоғи ошди; ҳаёт, инсон умрининг моҳиятидан баҳс этувчи фалсафий лирика намуналари яратилди. Шу жиҳатлари билан давр шеърияти руҳию мазмуни билан ҳаётга яқинлашди, шеърхонлар ададини бениҳоя кенгайишига сабаб бўлди. Тўғри, ҳали мафкура тазйиқи ғоят кучли эди, шунга қарамай, 60-йиллар шеъриятида кузатилган юқоридагича ўзгариш шеърят тараккиёти бирмунча тўғри ўзанга тушиб бораётганидан далолат эди. Буни биргина қиёс орқали кўриш мумкин. Агар 20-30-йиллардан бошлаб ғоя йўлидаги толмас курашчи ёки коммунизм куриш йўлида ҳормай фидо-корона меҳнат қилаётган одам лирик қаҳрамон бўлиб келган бўлса, 60-йилларда хокисор, камтар кишилар ҳам гоҳ-гоҳ бу мақомга чиқа олди. А.Ориповнинг “Номаълум одам” шеърисида куйланган шон-шарафга, мансаб ва бойликка бепарво “буюк юрак”ли инсон шулар жумласидандир:

*У на шоир эди ва на машҳур зот,
Лекин дунё билан бир эди дарди.*

*У ҳам бошқалардек кечириб ҳаёт,
Шошиб ишга бориб, секин қайтарди...
Тариқдай заминнинг устида беун
Яшаб ўтди шундоқ буюк бир юрак.
Қайдан келганди у? Билмади кимса,
Қабрга ҳам жимжит кириб кетди у.
Менимча, дунёнинг устидан роса
Мириқиб қаҳқаҳа уриб кетди у.*

Бундай шеърларнинг ёзилиши табиий эди, бу ўзига яраша ижтимоий-маънавий эҳтиёж эди. Инқилоблар ва урушларнинг захмлари анча узоқда қолган, мамлакатда тинчлик, осойишталик ҳукм сураётган, маънавий ҳаётда эса турғунликдан энди бош кўтарилган бир палла эдики, шоирларимиз ўз нигоҳларини инсон ботинига қаратиб, уни ҳар жиҳатдан поклашдек эзгу ният билан ёндилар.

Менимча, 60-йиллар шеъриятидаги саналган ижобий жиҳатлар энг аввал эстетик идеалдаги уч жиҳатнинг ўзаро уйғун мутаносибликда амал қилгани билан изоҳлангани тўғри бўлади. Яна бир муҳим қирра шуки, 60-йиллар шеъриятида эстетик идеалнинг дунёқараш жиҳати догматизмдан анча ҳоли бўлди, унинг асосида ётган ғоянинг ўзи ҳам кўнгил призмасидан ўтказилди (“Юзма-юз”). Янги авлод шоирларнинг юртимиз яқин тарихидан эшитиб билганлари, ҳаётда кўраётганлари бунга замин ҳозирлади. Айнан шу даврда, майли ҳукмрон мафкура тазйиқи сезилиб турган бўлсин, юртимиз тарихига назар ташлангани (“Ўзбекистон”, “Ўзбегим”), улуғ аждодларга бағишланган илк шеърлар ёзила бошлагани, халқимизнинг захматли меҳнатию унинг ботинида ётган буюк қудрат қаламга олина бошлангани шундан. Асосийси, бу каби силжишлар ғояга нисбатан шоир-

лар кўнглида иштибоҳ учқунини пайдо қилади, “Равон йўллар қаршингизда турибди мушток, Дерди бизга ҳарф ўргатган ёш бир муаллим...” кабилидаги ўйларга толдиради. Яъни, энди ўша гоё тирилтирилган пайтдаги кўтаринкилик ўтиб бораётгани, идеалнинг янгиланиши тақозо этилаётгани ҳис этила бошлайди.

60-йиллар пайдо қилган иштибоҳ учқуни 70-йиллар авлоди дилида аланга олди, эндигина ҳис этила бошлаган қоникмаслик туйғуси ишончга дўнди. Ҳа, бу авлодга мансуб шоирлар тўпламларини кўздан кечирганда ҳам мафкура таъсири сезилади, пролетариат доҳийсини, партия мадҳ этилган айрим сатрлар учрайди ҳам. Лекин булар мураса йўли. Улар топинган идеалнинг дунёқараш соҳасини энди коммунистик мафкура банд этмаган, аниқроғи уни эрк, озодлик, тенглик, инсон эрки ва қадрқиммати каби мангу қадриятлар босиб тушган. Умумлаштириб айтганда, адолат, ҳақиқат ва эрк учун кураш 70-йиллар авлоди шоирлари ижодининг асосий кредосига айланди. Улар инсон ва жамиятни мукамал кўришни истадилар ва бутун истеъдодлари билан ўз идеаллари томон интилдилар. “Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир!”¹ дея ҳайкиради тоза инсонни кўришни орзу қилган шоир. Юртининг эркисизлигидан:

*Армоним улугдир...
кўзёшим улкан,
ўлсам, жасадимга юртим тўлажак.
Сўнгги зуредимни заҳарлар қўллар,
сўнгги чечакларим айниб сўлажак.
Эй, беклар,
заҳар ич – ўзбегинг қолиб,*

¹ Ш.Раҳмон. Сайланма. - Т.: Шарк, 1997. - Б. 287.

*ўзгага бўйсундинг,
ўлганинг шулдир.
Шунданми, бошида теридан қолип,
саксовул сингари майшиган будун...*

– дея яна куяди бу авлод шоири. Бу авлод идеали ўзгани ташкил қилган мангу кадриятлар ҳаётга теран нигоҳ солишга ундаб, алал-оқибат мавжуд ижтимоий тартиботлардан қониқмасликни келтириб чиқарди, туб ислохотлар заруратини кун тартибига қўйиб, истиклол соғинчини кучайтирди.

Юкоридагилар билан бир қаторда, 70-йиллар авлоди шеъриятида мавжуд воқеликка киноявий муносабат ҳам кўзга ташланади. Киноя, биринчи галда, узоқ вақт топиниб келинган идеалларга қаратилган бўлиб, айниқса, 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб кучли ва очиқ тарзда намоён бўлди. Мазкур ҳол бир неча авлод ижодкорлар сиғиниб келган идеал умрини яшаб бўлгани, охири нафасларини олаётганидан дарак эди.

Ниҳоят, 90-йилларга келиб, империянинг қулаши жамиятда тамомила ўзгача кайфиятни пайдо қилди. Чунки мамлакатнинг истиклолга эришуви билан XX аср шоирлари фикру ёдини банд этиб, гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон яшаб келган асрий орзу-армон ушалган эди. Лекин шоир яна тараддудда қолди. Нега? Чунки унинг тафаккур эшиклари оламга очилди ва шоир истар-истамас модернизм, постмодернизм каби “бегона дунё” оқимларининг “тушуниксиз” ҳавосидан нафас ола бошлади. Натижада шеърият ўзини бир муддат идеалсиз – елкансиз кемадек ҳис қилди. Ташқаридан қараганда, шу холида шоир ҳам, унинг шеъри ҳам майдалашиб кетгандек таассурот қолдиради. Бунинг катта истеъдодларнинг йўқлиги билан изоҳлашга уриниш асоссиз деб ўйлайман. Ҳамма гап

Ўзгариб кетган ижтимоий-маънавий муҳитдаги инсоннинг кайфияти ва бу кайфиятни максимал даражада акс эттираётганини даъво қилаётган постмодернизмнинг аччиқ моҳиятида бўлиб кўринади.

Ўтмишнинг назмий довларига назар ташлар эканмиз, аён бўладики, ҳар бир давр инсоннинг ўз идеалини шакллантиради. Янгиланган сиёсий-ижтимоий, маънавий-психологик муҳитда яқунланган муайян идеал ўрнида бошқа бир идеал етишиб чиқади. Йўқ, у тамомила ЯНГИ бўлмайди. Ижтимоий-сиёсий муҳитнинг табиати-га қараб, у ёки бу идеал вақти-вақти билан актуал мавқе касб этиши мумкин. Шунда биз уни янги деб қарай бошлаймиз. Демак, жамият ҳам, инсон ҳам ўз ҳаёти давомида тинимсиз равишда идеалларга интилиб яшайди. Айни пайтда юртда сиёсий-тарихий эврилишлар юз берган паллаларда жамиятдаги устивор маънавий қадриятларга путур етиши, ҳатто улар бир муддат тарих саҳнасидан туширилиши, йўқотилиши мумкин. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, жамият яна ўз идеал қаҳрамонларига эҳтиёж туюди. Эҳтиёж ўз навбатида бошқа – унутилган идеалларни майдонга чиқаради. Шунда идеал-қаҳрамон гўё халоскор вазифасини ўтайди. Ҳоҳ эпосда бўлсин, ҳоҳ поэзияда, инсониятнинг бадиий-эстетик оламида буюк роль ўйнаган йирик асарки бор, барчасида ҳамма замонлар учун муҳим саналган мавзулар – ҳаётнинг маъноси, эзгулик, гўзаллик, адолат қабилар бадиий асарнинг бош қаҳрамони – идеал образлар зиммасига юклатилиб келинган. Биргина ўзбек шеърляти мисолида айтадиган бўлсак, Навоий, Бобур, Машраб, Оғаҳийдан тортиб то 70-йилларнинг фаол шоирларгача – барча-барчасида асосий бадиий ғоялар шоир-санъаткорнинг идеаллари орқали, уларга сингдирилган ҳолда талқин этилган.

Идеалнинг фалсафий-эстетик асослари Гегель, Кант, Белинский, Чернишевский каби олимларнинг ишларида тадқиқ этилган, дедик. В.С.Соловьев назарича, «Табиатдаги гўзаллик ҳар қандай мазмуннинг ифодаси эмас, балки идеалнинг мазмунидир, бу нарса идеалнинг тажассуми ҳисобланади»¹. У ҳам идеалнинг учта қиррасини таъкидлайди: гўзаллик, эзгулик ва ҳақиқат. Сираси, шеъриятдаги идеалда ҳам ана шу қирраларнинг барчаси иштирок этади. Фақат санъатда ҳамма нарса сиқиқ, маълум қонун-қоидаларга бўйсундирилган, шартли равишда акс эттирилган бўлади. В.С.Соловьев санъатнинг ўзига хос хусусиятларини, воситаларини қабул қилган ҳолда, муҳими, санъат «Инсониятнинг умумий мақсад-муддаосига бўйсунса бўлди» дейди. «Умум аҳамиятга эга бўлган идеалгина чинакам инсоний идеал бўлиши мумкин, у ўзида ҳамма нарсани жо қилмоғи ва ўзи билан ҳаммани бирлаштиришга қодир бўлмоғи лозим»² деб ёзади олим. Албатта, санъатдаги (шеъриятдаги) идеал ҳамма вақт ҳам файласуф истагандек мукамал бўлавермайди. Баъзан шоирнинг лирик қаҳрамони унинг ботиний оламида яшаётган идеал – қаҳрамон билан тўла-тўқис мос тушмаслиги мумкин. Лекин шунда ҳам ҳақиқий шоир ўз йўлидан чекинмайди. Унинг ҳар бир асари ана ўша идеал томон бир қадам яқинлашиш бўлаверади. Зеро, «Ижоднинг идеал томон тинимсиз интилиш эканлигидан келиб чиқсак, чинакам санъаткор учун ҳар бир асари идеалга яқинлашишнинг бир босқичи (тасаввуф мақомлари каби) бўлиши лозимлиги аён бўлади»³ Д. Қуронов. Қўринадики, идеалга интилиш бу етукликка, мукамалликка интилишдир.

¹ В.С.Соловьев. Литертурная критика. – М.,1990. - С 344

² Ўша жойда

³ Д.Қуронов. “Адабиёт надири” ёки Чўлпоннинг мангу саволи.- Т.,2006.- Б 36

Ўз навбатида, шоир ижодидаги энг залворли шеърлар идеал сари элтувчи узун зинанинг поялари бўлиб хизмат қилади. Шоир – субъект ва воқелик – объект муносабатларидаги зиддият кўпинча идеалнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Агар санъаткор – субъект воқелик – объектдан мамнун бўлса, бирининг кутгани иккинчисининг равишига уйғун жарангласа, идеал қаҳрамонга эҳтиёж қолмайди. Демак, идеалда мавжуд нарса эмас, балки бўлиши исталаётган нарса акс этади. Бинобарин, идеалнинг беҳисоб кўриниши бўлиши мумкин. Жумладан, XX аср янги ўзбек шеърлятида озодлик, истиқлол, маърифатпарварлик, янги жамият қуриш, партия, социалистик ғоя, тинчлик, адолатпарварлик, ҳақиқатгўйлик, ўзликни қидириш, комил инсон, муҳаббат каби ўнлаб мавзулар билан боғлиқ идеалларнинг турли-туман бадий-эстетик кўринишларига дуч келамиз. Бадий ижодда ўта муҳимлиги, биз ўрганаётган даврдаги турли ижтимоий эврилишлар туфайли эстетик идеалда ҳам, унга муносабатда ҳам турли эврилишлар юз бергани ва бу шеърлятнинг мазмун-мундарижасига жиддий таъсир қилганини ҳисобга олиб, ушбу масаладаги асосий қарашларимизни таъкидлаш ўринли. Чунки бу қарашлар кейинги бобларда юритадиган фикрларимиз йўналишини белгилаб, уларнинг тушунилишига асос бўлади. Демак:

биринчиси – идеал бадий ижодга туртки бериб, яратилажак асарнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган муҳим омил, у бадий ижоднинг сабаби ва мақсадидир. Эстетик идеал дунёқараш, ахлоқ ва гўзаллик қирраларининг уйғун бирлиги сифатида мавжуд бўлади, агар улардан биронтаси оқсаган бўлса, идеалда ноқислик юзага келади. Идеалнинг воқелик таъсирида муттасил тўлишиб-конкретлашиб бориши, ҳар бир даврнинг унга ўзи учун зарур таҳрирлар киритиши табиий ва қонуний ҳолдир;

иккинчиси – XX аср бошларидаги ўзгарган сиёсий-ижтимоий шароит идеалда дунёқараш жиҳатининг кучайишига олиб келди. Дастлаб жадид адабиётида кузатилган бу ҳол ўзбек шеъриятида то истиқлол арафаларигача етакчилик қилди. Ғоявий-мафкуравий кураш майдонига айланган 20-30-йиллардан эътиборан шўро адабиётида идеалнинг эзгулик ва гўзаллик қирралари ўтмаслашди. Бу ҳол шўро даври шеъриятида яратилган кўплаб асарларнинг санъатдан йироқлашуви, баъзи ҳолларда умуминсоний қадриятларга номувофиқ бўлиб қолишига олиб келди;

учинчиси – жамиятда мафкура якка ҳокимлиги кучайиб бориши баробарида идеал яна қайта ердан узилди. Бунинг натижасида 30-50-йиллар шеъриятида ҳаётдан узоқлашиш кузатилди, воқеликка мафкура нигоҳи билан қаралди. Натижада шеърият туссизлашди, бадий тафаккурда яна “бир хил, бир хил” (Чўлпон) дейдиган турғунлик ҳолати юзага келди. Ҳақиқий ижоднинг табиатига зид бўлган бу ҳолат 60-йиллардан бошлабгина бартараф этила борди ва бу жараён қарийб истиқлолга қадар давом этди.

1.3. Лириканинг ижтимоийлашуви

XX асрга келиб адабиёт, жумладан, шеъриятнинг ижтимоийлашуви тезлашди. Буни биргина шўроларнинг адабиётни ўз измига бўйсундириши билан, яъни адабиётни социалистик ғояни қуйлашга, тарғибу ташвиқ этишга мажбур қилгани билан тушунтириб бўлмайди. Бу – мавжуд ҳақиқатнинг бир қирраси, холос. Бошқа бир қирраси шуки, XX аср арафасидаёқ мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаёт тарзида ўзгаришлар содир бўлганди.

Булардан бири – чор Русиясининг юртимизни босиб олиши билан боғлиқ ўзга ҳаёт тарзининг кириб келиши бўлса, иккинчиси дунё маърифатчилик ҳаракатининг бир қисми бўлмиш жадидчилик ғояларининг ёйилиши эди. Гарчи бу иккиси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлса ҳам, улар лирика табиатида турлича ўзгаришлар ясаган бошқа-бошқа ҳодисадир. Ўзга ҳаёт тарзининг кириб келиши, янгича ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши жамиятда шахс мақомининг ўзгаришига, инсон фитратидаги ижтимоийлик ибтидосининг кучайиши ва шунинг натижаси ўлароқ лириканинг ижтимоийлашувига олиб келган. Ижтимоий фаоллашган шахсларни муайян мақсад – миллатни тараққий эттириш йўлида бирлаштирган ҳаракатнинг шу мақсадга йўналтирилган мафкураси эса адабиётнинг мафкуравийлашувига йўл очди. Яъни мафкуралашув ижтимоийлашувнинг ҳосиласидирки, бунинг шеъриятдаги оқибатлари ҳақида кейинги бобда махсус тўхталамиз. Жамият ҳаётидаги ўзгаришларнинг ҳаммаси тубжойнинг ўз турмуш тарзи, диний эътиқоди, маданияти, дунёқараши билан гўё бир қозонда қайнади. Бу «қайнов» инсоннинг онгигагина эмас, балки қалбигагина кириб борди ва уни ўз таъсирига олди. Хуллас, юракларгагина кириб борган нарсанинг умумий номи мафкура эди, жадидчилик мафкураси эди. Энг муҳими, аср бошидаги Туркистон шароитида ҳақли равишда илғор саналган ғояларни ўзида жам этган бу мафкурани халқнинг илғор қисми англаган тарзда, қалб амри билан танлаб олганди. Шунинг учун ҳам аср аввалидан оқ адабиётга ғоялар кириб келди ва бу ҳеч эриш туюлмади. Чунки энди «қандай яшаймиз, қайси йўлдан борамиз, кимга, нимага эргашамиз?..» деган савол ва унинг жавоби ҳақидаги ўйлар давр кишиси психикасининг ажралмас бир қисмига айланганди. Айни

сабаб адабиётнинг (шеърятнинг) тез суръатлар билан мафкуралашиб боришига имкон яратди. Чунки шеърларда тобора кўп ва чуқур акс этиб бораётган сиёсий-ижтимоий кайфияту қарашлар китобхон эстетик дидига уйғун тушди. Шунинг учун ҳам Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, Авлоний ва бошқа шоирлар шеърятининг асосини ижтимоий мавзулар ташкил этди. Шу даражадаки, масалан, Чўлпоннинг ҳатто ёрга ё табиатга бағишланган шеърлари катида ҳам юрт озодлиги дарди яшириниб ётади: «Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди»¹.

Юқоридагилар билан бирга, шеърятнинг мафкуралашувида адабий таъсирнинг ҳам ўзига хос ҳиссасини инкор этмаслик керак. Чунки адабиётлари ўгирилаётган мамлакатларнинг аксарияти (масалан, турк, рус, айрим араб ва Оврупа мамлакатлари) тараққиётнинг нисбатан юқорироқ поғонасида турган, шу боис, уларнинг адабиётларида «илғорлик» акс этмай қолмасди. «Илғорлик»ни юзага келтирувчи ижтимоий-сиёсий вазият бизда энди энди куртак ёзаётганди. Куртакларни кўриб турган шоир илғорроқ мамлакатлар адабиётидаги мафкуравий кайфиятга ғайр кўзи билан қарамади. Аксинча, уни қонуний бир тарзда қабул қилди. Шоирларимизнинг, айниқса, турк ва рус адабиётига (Номиқ Камол, Муҳаммад Амин, Тавфиқ Фикрат, Ризо Тавфиқ, Абдулҳақ Ҳамид, Яҳё Камол; Александр Блок, Владимир Маяковский ва бошқаларга) эргашишлари шундан.

Назаримда, масала моҳиятини фақат аср аввалида руй берган ижтимоий тарихий ўзгаришлар ва бунинг натижасида жамиятда пайдо бўлган янги кайфиятни тадқиқ этиш билангина очиб бўлмайди. Балки тарихга яна ҳам чуқурроқ кириб бориш зарурга ўхшайди.

¹ Чўлпон. Асарлар. 3 жилдлик. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 79

Аввалги икки фаслда лириканинг ижтимоийлашуви-га асос бўлган иккита муҳим омил – инсон фитратидаги ижтимоийлик ҳамда бадиий ижоднинг мотиви ва мақсади саналувчи идеал масаласида сўз юритдик. Ва XX аср бошларидан идеалда туб ўзгаришлар юз бергани, шунингдек, айти шу даврга келиб инсон моҳиятини ташкил этувчи ижтимоий, биологик ва руҳий ибтидолардан биринчиси – ижтимоийликнинг олдинги планга чиққанини айтдик. Эндиги вазифамиз мазкур жараёнларнинг қай тарзда амалга ошганини кузатишдан иборат.

Аввало шуки, санъат ва адабиётдаги ўзгаришлар, хусусан, уларнинг ижтимоийлашуви бир ёки икки мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида рўй берган воқеалар билангина чекланиб қолмай, дунёдаги илғор халқларнинг цивилизацияон даржаси билан ҳам жипс боғлиқ эканлиги, бунинг кишилиқ жамияти тараққиётдан келиб чиқувчи табиий ва қонуний ҳол эканлиги XX асрга келиб очик кўзга ташланди.

Турк олими Исмоил Порлатир «Янги турк шеърияти» деб номланган фундаментал тадқиқотида XIX асрдан янгиладан бошлаган турк назми ҳақида фикр юритаркан, уни асосан Оврупанинг Туркияга кўрсатган маданий таъсири фактори билан боғлайди: «XVIII аср охириларидан XIX асрнинг илк йилларига кириларкан, турк дунёси янги бир маданий қурилма билан юзма-юз келаётган эди. Ғарб, хусусан, француз маданий ҳаётини XVIII асрнинг бошларидан эътиборан тан ола бошлаган турк зиёлиси, бир тарафдан бу янги дунёда ўзи учун керакли бўлган илм ва техникага оид маълумотларни, иккинчи тарафдан эса француз инқилобини ҳозирлаган ғарбнинг фикр оқимларини изма-из ўрганарди. Бу йўлнинг очилишида Ғарб билан дипломатик алоқалар ўрнатилганининг аҳамияти катта бўлди.

Ҳарбий мактаблар очилиши натижасида халқ таълими ҳам ўзгаришларни бошидан кечирди. Франциядан мутахассислар келтириш ва Оврупага талабалар юбориш ишлари йўлга қўйилди. Йилдан-йилга бу олди-бердиларнинг суръати оша борди ва Истамбулда кенг миқёсда ғарбий ҳаёт тарзи ўзини кўрсата бошлади. Оврупага кетган турк инсони эса, у ернинг сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётини яқиндан таниди ва бу ҳаётни Истамбулга, ўз даврасига ташиб кела бошлади. Бу ўзаро борди-келдилар турк маданий ҳаётига ва адабий дунёсига янги қадриятлар, янги адабий турлар ва хилма-хил санъат маҳсулотларини олиб келиб қўшаётган эди...»¹

Турк олимнинг бу фикри XIX аср охири – XX аср бошларидаги Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётига татбиқан ҳам бемалол айтилиши мумкин. Зеро, шу даврдан бошлаб Туркистоннинг Россия (шунингдек, у орқали оз бўлса-да бошқа Оврупа мамлакатлари) билан ҳамда бу борада ўзидан олдинроққа кетган Туркия, Озарбайжон, Татаристон халқлари билан алоқалари тифизлашган. Ўзаро алоқалар натижасида ҳаётимизга айрим янгиликлар кириб келганки, Муқимий, Фуркат, Завқий, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий каби маърифатпарварлар ўша вақтда уларни ёқлаб, ўз асарларида тарғиб этганлар (масалан: «Таърифи печ», «Ароба», «Гимназия» ва б).

Бу эса ўзга халқларнинг маиший, маданий ҳаётидаги мақбул томонларни миллий ҳаёт ва миллий турмушга татбиқ этиш истагидан юзага келади. Албатта, ижтимоий тартиботлар ва маиший турмушда илғорлаб кетган халқлардан ўрганиш зарурагининг ҳис қилиниши – адабиёт ва санъатдаги ижтимоийлашувнинг муҳим омиллардан бири, унга ташқи таъсир натижаси сифатида қаралиши керак.

¹ Янги турк шеърляти. - Жаҳон адабиёти жур. - 1998. - № 3. - Б. 153

Адабиётимиз тарихида миллий уйғонишнинг маърифатпарварлик босқичи деб кўрсатилувчи бу даврда айнан шу омил устуворлик қилди. Мазкур омил нечоғли аҳамиятли бўлмасин, ўз ҳолича ижтимоий ва бадиий тафаккурда туб бурилишлар яшашга қодир эмас. Айни пайтда, бу ўша туб бурилишларни яшашга тайёргарлик босқичи, ташки омилнинг ички омилни ҳаракатга келтиришини тайёрлаган муҳим босқичдир. Бирок Туркистондаги ўзгаришларнинг илдизини, аввало, сиёсий-иқтисодий заминдан қидириш тўғрироқ бўлади. Чунки Туркистон Чоризмнинг мустамлакаси эди, бинобарин, ҳар қандай маданий қайнашувдан олдин сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, маиший дахлдорлик масаласи ўртага чиққанди. Чунончи, сиёсий-иқтисодий мақсадда қурилган темир йўлни, масалан, наманганлик шоир Ибрат катта умид ва қувонч билан қарши олади:

*Наманган аҳлига хўб бўлди, бир яхши замон келди,
Муродоти халойиқ узра бир жону жаҳон келди,
Дема жону жаҳон, овқат учун бу халққа дон келди,
Дема дон, балки бунларга маишат узра нон келди,
Ажиб бир фоизи арзоқи инсоний вагон келди.*

Бу ҳақда адабиётшунос олимлар Б.Қосимов ва У. Долимов шундай ёзади: «Ибрат маданий-иқтисодий ҳаётда муҳим роль ўйнаган, ўша давр учун нисбатан янги ҳодиса бўлган темир йўлни самимият билан қарши олди ва бу воқеага халқ манфаати нуқтаи назаридан қараб фикр юритди»¹.

Албатта, бу ва бунинг каби транспорт йўлларининг қурилиши бора-бора икки ёки ундан кўп халқлар ўртасидаги алоқанинг тигизлашувига, алал-оқибатда улар-

Б. Қосимов, У. Долимов. - Маърифат даргалари. -Тошкент: Ўқитувчи. - 1990. -Б.161

нинг ўзаро «қайнашуви», таъсирлашувига олиб келди.

Одатда, илғор халклардан энди-энди ривожланиш боскичига кираётган халклар ўрганади. Бу – қонуният. Чунончи, XIII аср аввалида қадим Туркистонни ишғол этган мўғуллар, гарчи юртни идора этган эсалар-да, ўзларидан кўп жиҳатдан илгарилаб кетган маҳаллий элдан ўрганган. Шу маънода XIX аср адоғи ва XX аср бошларида ҳозирги Марказий Осиё ва умуман, Шарқ халклари кўпгина масалаларда, хусусан, фан-техника, саноат, қурилиш, ҳатто маорифу санъат кабиларда Ғарб мамлакатларининг ютуқларига эҳтиёжманд эди. Бинобарин, ўша вақтларда Ўзбекистон ҳам Русия, Туркия ва Оврупадан у ёки бу даражада ўрганди. Собик шўро даврида бу даражани кўтариб кўрсатиш ҳақиқатга қанчалик хилоф бўлган бўлса, уни туширишга уриниш ҳам шунчалик янглишдир. Бундай таъсирланиш эса ўлкада ижтимоий фикрнинг ўсишини тақозо этарди. Русия бу вақтга келиб инқилобий ҳаракатлар, ижтимоий-сиёсий кўтарилишлар палласига кириб бораётганди. Биргина В.Маяковский поэзияси шуни кўрсатадики, рус зиёлиси, рус шоирининг дунёни эстетик идрок этиш тарзида кескин бурилишлар юз бераётганди. Чунки пушкинларни, лермонтовларни, ҳатто бериқоқдаги некрасовларни вояга етказган, тарбиялаган муҳит энди тамомила бошқача характер касб этганди. У симобдек қайнаётган, янгилаётган, навбатдаги, ҳали илгари кўрилмаган боскичга ўтаётганди. Даврнинг юрак уришига қўлини қўйиб турган рус шоири Маяковский, турк шоири Яҳё Камол, ўзбек шоири Чўлпон шунинг учун ҳам янги шеър талаби билан майдонга чиқдилар. Табиийки, бу ҳаракат натижа-сида туғилажак шеърят аввалгисидан фарқ қиларди. У инсон тафаккурига, ақлига хитоб қилиши билан, яъни ижтимоий сажияси, аввало, фикрга ва яна фикрга асос-

ланганлиги билан «гул»ни «булбул»га қофия этиб яратилган ҳамда кўнгилга, хисга мурожаат этувчи, баъзан ҳатто сентиментал доирада қолиб кетувчи бурунги назмдан ажралиб турарди. XIX асрнинг иккинчи ярмида турк адабиётида юз берган ўзгаришларни назарда тутиб Исмоил Порлатир ёзади: «Асрлар бўйи дунёга кўнгил кўзи билан қараган турк шеъри энди тафаккур йўлига ўтаётган эди»¹.

Фақат бундан «XX аср аввалида ёзилган шеърларда хис йўқ эди» дея бир томонлама хулоса чиқариш ярамайди. Чунки биламизки, масалан, Чўлпоннинг ҳатто юрт озодлиги мавзусида ёзилган сиёсий-ижтимоий рухли шеърлари ҳам жуда эҳтиросли жаранглайди. Зеро, бундай шеърлар, одатда, шоирнинг фикр ва туйғуси бир вақтда иштирок этувчи «мен»идан отилиб чиқади. Шу маънода юқорида номлари тилга олинган шоирларнинг энг яхши шеърлари қанчалик рационал бўлса, шунчалик эмоционал ҳамдир. Демак, асрлар бўйи дунёга кўнгил кўзи билан қараб келган инсон XX асрга келганда тафаккур йўлига ўта бошлади деган нуқтаи назарни шундай тушуниш лозимки, унда биз тадқиқотимиз аввалидан бери баҳс этиб келаётганимиз ва мулоҳазаларимизда яна давом этажамиз сиёсий-ижтимоий, маънавий-психологик омиллар боис шоирнинг дунёни эстетик идрок этишида юз берган азим ўзгаришлар назарда тутилган. Ва бу ўзгаришлар, аввало, шеър таркибида ижтимоий фикр салмоғининг тобора ортиб бораётгани билан белгиланиши уқтирилган.

Кўринадики, XX аср ўзбек шеърляти икки – ташқи ва ички омилларга кўра жадал равишда ижтимоийлаша борган.

Ташқи омил. Буни XIX асрнинг интиҳоси ва XX асрнинг ибтидосида дунёнинг илғор мамлакатларида

¹ Янги турк шеърляти. - Жяхон адабиёти жур.- 1998.- № 3.- Б. 151

фан-техника, саноат каби соҳаларнинг тараққийси ва унинг атрофга ёйилиши натижасида одамлар турмуш тарзида пайдо бўлган улкан ўзгаришларнинг ижодкор дунёқарашига таъсири, деб қисқача таърифласа бўлади.

Фикримизни кенгроқ ва ёркинроқ ифодалаш учун Олвин Тоффлерга мурожаат қиламиз: «Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ҳозир содир бўлаётган нарсалар шунчаки саноат инқилобига қараганда қўламлироқ, теранроқ ва муҳимроқ. Кўпгина муътабар одамларнинг фикрига қараганда, ҳозирги давр оз эмас-кўп эмас, инсоният тарихидаги иккинчи буюк ҳудудни ташкил қилади. Узининг аҳамиятига кўра уни инсоният тарихидаги биринчи буюк ҳудуд билан, яъни инсониятнинг ёввойилик давридан цивилизацияга ўтиши билангина таққослаш мумкин...»¹.

«Худолар, мақбаралар, олимлар» номли китоб муаллифи К.У.Карем шундай деб ёзади: «Биз – йигирманчи аср одамлари инсоният тарихида беш минг йил давом этган бир даврни хотималаймиз...

Бу ғаройиб фикрни бир қатор жонли мисолларда янада аниқ кўрсатиш мумкин. Мана улардан бири. Инсоният ҳаётининг сўнги 50 000 йилини авлодлар сони билан ўлчаб кўрайлик. Ҳар бир авлоднинг умрини ўртача 62 йил деб олайлик. Унда шу 50 000 йил мобайнида (қарийб – У.Ҳ.) 800 та авлод ўтган бўлиб чиқади. Улардан 650 авлод ўз умрини ғорларда яшаб ўтказган. Фақат сўнги 70 авлоднинг умри давомидагина ёзув пайдо бўлгани туфайли авлодлар ўртасида маъқул бир алоқа ўрнатиш имкони туғилган, фақат сўнги 6 авлоднинг умри давомидагина одамлар оммавий тарзда матбуот сўзи билан танишдилар. Фақат сўнги 4 авлод умри мобайнидагина

¹ Келажак билан тўқнашув. - Жяхон адабиети жур. - Т.:1998. №4. - Б.104

одамлар вақтни озми-кўпми аниқ ўлчашни ўрганиб олдилар. Факат сўнги 2 авлодгина электромотордан фойдаланган. Кундалик ҳаётимизда биз истифода этадиган ҳамма моддий буюмларнинг кўпчилиги биринчи марта ҳозирги – 800-авлоднинг ҳаёти давомида барпо бўлган»¹. Гапнинг лўндаси шуки, америкалик олим оламшумул саноат тараққиётигача бўлган давр бир ёну бир неча ўн йиллардан бериси, яъни яшаб турганимиз ҳозирги давр бир ён ҳамда энг муҳими, биз супериндустриализм остонасида турибмиз, чинакам улкан ўзгаришлар ҳали олдинда дея уқтирмакда. Дарҳақиқат, тарихга ўзга томондан туриб назар ташланганда ҳам шуни англаш мумкинки, инсоният XX асрдан эътиборан янги бир ҳаёт сари одим ташламакда. Демак, XIX юзйиллик адоғидаёқ тубдан ўзгаришга юз тутган янги шеърият ана ўша ўзгаришлар ҳавосини симириб тўйинган. Албатта, жамиятнинг ижтимоий-психологик кайфиятида ҳамма замонларда у ёки бу даражада ўзгаришлар доимо юз бериб турган. Бироқ ҳамма гап шундаки, XX асрга келганда ўзгаришларнинг суръати мисли кўрилмаган миқёсларга чиқди. Бу ҳақда профессор Собир Мирвалиев шундай дейди: «...XX асрда замонавий ёзувчи бўлиш чиндан ҳам осон эмас. Нега десангиз, ҳаётнинг ўзи улуғ танқидчи Белинский айтганидек «энига ва бўйига қараб» шундай кенгайиб, чуқурлашиб боряптики, кечаги янгилик бўлиб кўринган нарса бугун эскириб қоляпти. Хусусан, фан-техника тараққиётининг ҳаёт ҳаракатига, одамлар онги, психологияси ва дунёқарашига кўрсатаётган таъсирини айтмайсизми? Ёки халқаро воқеалардаги улкан ва кескин ўзгаришларни олиб кўринг...»²

XX аср – шиддатли ўзгаришлар асри, О.Тоффлернинг

¹Келажак билан тўқнашув. - Жаҳон адабиёти жур. - Т.:1998. №4. - Б.105

айтмоқчи бўлгани ҳам, асосан, шу. Ўзбек олими С.Мирвалиевнинг асримизда ёзувчига осон бўлмай қолди дейишининг замирида ҳам шу нарса ётибди. Чунки тез янгиланиб, турланиб бораётган жамиятда бир хил кайфиятни тутиб олиш қийин кечади. Шеърят эса у ёки бу давр кайфияти инъикосидир. Шоир жамиятдаги муайян кайфиятга рухий-психологик жихатдан мослашиб ўн-ўн бешта шеър қоралаб улгурмасидан атрофда ўзга, яна-да янги шеърятга эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Чунки бу қисқа фурсат ичида жамиятга навбатдаги кайфият «ташриф буюрган» бўлади. Шунинг учун ҳам санъат соҳасида методлар тез-тез ўзгариб турди. Яна Тоффлерга мурожаат қиламиз: «XIX асрнинг сўнгги чорагида пайдо бўлган импрессионизм бостириб келаётган залворли ўзгаришлардан хабар берган биринчи қалдирғоч бўлган эди. Агар биз импрессионизм гуллаб-яшнаган даврни тахминан 1875-1910 йиллар билан белгиласак, кўрамизки, у санъатда атиги ўттиз беш йил ҳукмронлик қилган экан. Ўшандан бери футуризмдан бошлаб мовизмгача, кубизмдан сюрреализмгача на биронта мактаб, на биронта услуб лоақал импрессионизмчалик умр кўра олмади. Бир услуб ўрнига бошқаси келади. XX асрда энг узок умр кўрган тасвирий санъат мактаби, яъни абстракт экспрессионизм кўп деганда йигирма йил – 1940-1960 йилларда ҳукмронлик қилди. Шундан кейин росмана тўс-тўполон бошланди: “поп” беш йилча умр кўрди; “оп” томошабинлар эътиборини икки-уч йил жалб қила олди, холос...”

Гап тасвирий санъат ҳақида кетаётган бўлса-да, у умуман санъатнинг ҳамма турларига, хусусан, шеърятга ҳам ғоят тааллуқлидир. Ахир ҳатто аср бошларидаёқ Чўлпон, Ойбек, Боту каби шоирларнинг айрим шеърларини ўлкамизда энди-энди куртак ёзаётган мо-

дернизм йулидаги дастлабки изланишлар деб баҳолаш мумкин. Яъни ўтган аср тонготариданоқ дунёда яхлит бир психологик майдон ҳосил бўлган эдики, унга кўра муштарак бир ҳаёт тарзи, муштарак кайфият, муштарак интилишлар уч бера бошлаганди. Испан файласуфи ва эстети Ортега-и-Гассет оврупаликлар ҳаёт тарзини америкаликларнинг ҳаёт тарзига монанд бўла бошлаганида ҳамма “оврупа америкалашди” дейишган, аслида эса XVIII асрдаёқ америкаликлар учун одатий ҳол бўлган жиҳатларга оврупаликлар орадан анча вақт ўтгачгина секин-аста етиб келишган ҳамда ҳар икки ердаги турмуш тарзининг тенглашув ҳодисаси юз берган, дейди. Бошқача айтсак, олимнинг фикрича, Американинг Оврупага ҳеч қандай таъсири бўлгани йўқ, ҳамма гап шундаки, маълум муддатдан сўнг Оврупада ҳам ички сабабларга кўра турмуш тарзининг яхшиланиши, ўсиши натижасида шу ерлик инсон энди ўзини америкаликлар сингари ўз тақдири ва шахсиятининг хўжайини ўлароқ ҳис қила бошлаган¹. Яъни шундай бир тарихий, ижтимоий-психологик шароит етилиб келган. Бунини ўз заминимизга татбиқан тушунмоқчи бўлсак, Америка ва Европада XVIII асрда юзага келган бундай шароит бизда XX аср бошларида етилди.

Кўриниб турганидек, тараққиётнинг уст қадамлари сари илгарилар эканмиз, гап бу ўринда ҳам мамлакатлар ўртасида яхлит бир кайфиятнинг вужудга келиши ҳақида бораяпти. Демак, XX аср аввалида Ўзбекистонда юз берган ижтимоий-сиёсий, маънавий-психологик ўзгаришларнинг бир учи, умуман, дунёда кечаётган катта маъноли, кенг кўламли янгиланишларга бориб боғланади.

¹ Ортега и Гассет. Дегуманизация искусства. М.: Радуга. – С.54

Ички омил. Тарихдан аёнки, XX асргача ўлкамиз худудида икки хонлигу бир амирлик мавжуд бўлган ва улар ҳукмронлиги остида яшаган халқлар диний эътиқоди-ю урф-одати, дунёқараши-ю анъаналари... жиҳатидан бир-бирига жуда-жуда яқин, айрим ҳолларда деярли бир хил бўлган. Бироқ XIX асрнинг иккинчи ярмида Чоризм томонидан мустамлака этилишининг оқибатида Туркистон ўлкаларининг сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида кескин ўзгариш юз берди. Чунки бир майдонда икки дунёқараш, икки эътиқод, икки маданият, икки анъана, борингки, икки бошқа-бошқа олам бир-бири билан юзма-юз келганди. Натижада прогрессив-реакционлигидан қатъи назар, тубжой аҳолисининг онгида, дунёқарашида бир бошқачалик шаклланди. Албатта, табиий равишда шу давр шеърляти ҳам жамиятнинг бир парчаси бўлган ижодкорнинг оламини эстетик қабул қилишида рўй берган янгиланишлар оқибатида ўзгарди.

Бунинг барабарида ўлкага фан-техника, саноат ютуқлари кириб кела бошлади. Фикри ожизимизча, ўша вақтларда бир туркистонликнинг психологиясига ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий факторлар қанчалик таъсир қилган бўлса, бир темир йўлининг кириб келиши ва ёхуд янгидан-янги саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши, ниҳоят, бутун XX юзйиллик давомида радио, телевидение, компьютер техникаларининг турмушга татбиқ этилиши ҳам шунчалик аҳамиятга молик бўлган. Қолаверса, ўлкада жадал суръатлар билан бошланган жадидчилик ҳаракати, уларнинг Туркистонни озод ва маърифатли кўриш ғоялари, бу йўлда янги услубдаги мактаблар очиб, дунёвий илмлардан таълим-тарбия беришлари, театр-томошагоҳларнинг ташкил этилиши, газета-журналларнинг чоп қилиниши ва ҳоказо бутун

бошли мафкуравий ишлари аср боши халқ онгида чуқур из қодирган. Гап мафкура ҳақида кетганда шунини алоҳида таъкидлаб айтиш жоизки, ўлка чоризмгача Ислом мафкураси билан яшаган, кейин қисман “жадидчилик” ғояларига ошно бўлган эса, сўнг қарийб етмиш йил мобайнида большевистик мафкура остида қолди. Ниҳоят, 1991 йилдан Истиқлол келди: Ўзбекистон ўз миллий мафкурасини яратиш учун реал имконга эга бўлди.

Кўриниб турганидек, бир асрдан мўлроқ вақт мобайнида ўлкамизда мафкура бир неча марта ўзгарди. Ҳар бир мафкура дунёга бошқача қарашлар, бошқача ғоялар билан ёндашув тизими демакдир. Бинобарин, қисқа замон ичида мафкуранинг тез-тез ўзгариб турганлиги ҳам инсон дунёқарашига таъсир қилди. У энди истаса-истамаса ғоялар ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолди. Чунки ўлкада ҳукмрон бўлган мафкура унинг турмуш тарзини у ёки бу даражада белгилаб бераётган эди-да. Шу маънода ана шу катта жараённинг бир бўлаги сифатида шеърият ҳам турли ғояларни тараннум эта бошлади ва натижада поэзия халқ ҳаётига, оддий инсон ҳаётига яқинлашиб қолди. Шеъриятдаги ижтимоийлашувнинг энг қисқа изоҳи, тахминан, шундай. Яъни адабиёт аввалги кўп асрлик тарихидан фарқ қилиб, “ерга тушди”. Мумтоз адабиёт мазмунини кўп жиҳатдан белгилаб берган интим, айни вақтда умуминсоний ва фалсафий мушоҳадалар билан тўйинган шеърият энди даврни, воқеликни англаш ва идрок этишга, ниҳоят, бадиий таҳлил қилишга ружу қўйди. Қолаверса, 30-йилларга келиб коммунистик партия юритган сиёсат ва айниқса, унинг “Адабий-бадиий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида”ги 1932 йил 23 апрелда чиқарган қарори адабиётдаги кўповозиликка барҳам берди дейилади “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” китобида.¹

¹ Н.Каримов ва бошқ. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. - Т.1991. - Б.43

1934 йилда эса социалистик реализм деган сохта метод ўйлаб топилдики, бу энди адабиётга зўрлик билан давр шовкинени олиб киришга қаратилган эди. Эътибор беринг, шу чокқача адабиётнинг ижтимоийлашуви табиий равишда кечаётган жараён бўлса, энди уни сунъий равишда тезлаштириш ҳаракатига киришилганди. Чунки шўро ҳокимияти ўз сиёсатини одамлар онгига сингдириш учун адабиётдан ҳам бир восита ўлароқ фойдаланишни мақсад қилганди. Шу тариқа мамлакатда қандай муаммо бўлса, барчаси адабиётнинг мавзусига айлантирилди: коллективлаштириш, индустрлаштириш, қулоқларни тугатиш, янги ерлар ўзлаштириш, уларга сув чиқариш, ГЭС, кейинроқ АЭС қурилишлари ва ҳоказо ўнлаб, юзлаб давр ишларининг бадиий асарда акс эттирилиши тўғрисида махсус давлат буюртмалари берилди. Иш ҳатто шу даражага бориб етдики, адабиётнинг, шеъриятнинг мангу мавзулари – ишқ-муҳаббат, якка шахснинг кўнгили кечинмалари кабилар бир қадар унутилди ёки унуттирилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса шеърият халқнинг руҳини кўтаришга, уни маънан дастаклашга ҳаракат қилди, турли йўллар билан кўпчиликни душман устидан ғолиб келишга чорлади. Демак, у моҳият-эътибори билан ҳарбий поэзияга ёки сафарбарлик адабиётига, шеъриятга айланди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай санъат ҳам муайян мафкура билан тўйинган, ғоялар билан қуролланган бўлади.

XX асрга келиб шеъриятнинг ижтимоийлашувига замин яратган энг муҳим омиллардан яна бири урбанизациядир. Келинг, яхшиси, шаҳарлашув жараёнини рақамлар орқали тушунишга уриниб кўрган (1970 йилда) яна ўша олим – Олвин Тоффлерга мурожаат қилайлик: “Ҳозир бизнинг кўз ўнгимизда инсоният тарихида энг

кўламли ва энг юкори суръатдаги шаҳарлашиш жараёни содир бўлмокда. 1850 йилда аҳолиси миллион киши ёхуд ундан ортиқ атиги тўртта шаҳар бўлган. 1900 йилга келиб бундай шаҳарларнинг сони ўн тўққизтага етган. Аммо 1960 йилда сайёрамизда аҳолиси миллиондан ошадиган шаҳарларнинг сони 141 га етган. Бутун дунёда шаҳарларда яшайдиган аҳоли йилига 6.5 фоиз ортиб бормокда. Бунинг маъноси шуки, бор-йўғи ўн бир йилдан кейин ер юзидаги шаҳар аҳолисининг миқдори икки баравар ошади»¹.

Хўш, нима бўпти? Шаҳарлашувнинг шеъриятга қандай алоқаси бор? – деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, шаҳар бу – одамларнинг ҳам сиёсий-иқтисодий, ҳам маънавий-психологик, умуман, ҳар жиҳатдан марказлашуви демакдир.

Одамларнинг ўзаро алоқалари тиғизлашуви эса ўзидан ижтимоий муносабатлар суръатини белгилайди. Узоққа бормайлик, асрнинг қоқ ўртасидан ижоди гуркирай бошлаган биргина Асқад Мухтор поэзиясини олиб кўрайлик.

Бу шеърият қайси бир жиҳатларига кўра шаҳар шеърияти ҳамдир. Ҳатто унда тез-тез учрайдиган айрим иборалар, сўзлар, хусусан, магнитофон, аквариум, спектакль, ГЭС, мурват, газета кабилар ҳам шаҳарнинг матоҳи, шаҳар ўйлаб топган нарсалар. Шоирнинг ушбу шеърига қулоқ тутинг:

*Энтикамиз қўмсаб тоғни, дарани,
Дарё кечалари, қиру ўр, ўнгир...
Аммо узоқлашиб борган орани,
Сезиб ваҳимага тушади кўнғил.*

¹ Келажак билан тўқнашув. - Жаҳон адабиёти жур. - Т.:1998. №4. - Б.96-97

*Узоқлаша борар мудҳиш оралиқ,
Димогда шаҳарнинг иси, тутини.
Аквариумларда боқамиз балиқ,
Қафасга соламиз қумри, тўтини.*

*Зангор уфқлар-чи, нилий олислар?
Гарчи уларни ҳам шаймиз қамашга...
Кўкрак қафасида тугён урган ҳислар
Сигмаиди ҳеч қандай олтин қафасга.¹*

Шоир табиатни, унинг табиий гўзалликларини қўмсайди, уларни соғиниб, уларга интилиб энтикади. Бирок у шаҳарда яшайди, қисмати томонидан шаҳарда яшашга маҳкум этилган. Муҳими, у ўз ҳолининг бутун зиддиятини – аросат азобини теран англайди, идрок этади. Изтироблар гоҳо юқоридаги каби шеърга тўғридан-тўғри кўчиб ўтса, гоҳида рамзлар, ташбехлар, шамалар замирида билимсизгина «кун кечиради».

Кўриб ўтганимиздек, XX аср ўзбек шеърятининг ижтимоийлашув жараёни хилма-хил ташқи ва ички омиллардан сув ичар экан. Албатта, ҳар икки омил ҳам юқорида таклиф этилган вариантлардан кўпроқ ва ҳатто баъзан бошқачарок бўлиши ҳам мумкинлигини инкор этмаймиз. Бироқ санаб ўтганимиз факторлар ўз вақтида жамиятда муҳим ижтимоий-психологик кайфиятларнинг туғилишига сабаб бўлгани ва поэзиянинг ижтимоийлашувида катта роль ўйнагани шубҳасиздир. Шеър эса мисли уруғ, уйғун кайфият – тупроқ бағрига тушдими, униб чиқаверади.

Аммо кўрсатиб ўтганимиз омиллар гоят умумий мазмунга эга. Муайян давр етиштирган алоҳида шеърят ҳақида сўз юритилганда эса, табиийки, унинг хусусий

¹ Асқад Мухтор. Йилларим. - Т.: Ёзувчи, 1990. - Б. 68

томонларига эътибор бермоқ зарур бўлади. Айни чоғда муайян шеърятни вужудга келтирган конкрет тарихий-ижтимоий, маданий-психологик муҳит ҳам алал-окибатда умумий манзара чегарасидан узоққа чиқиб кетмайди. Улуғ рус шоири Александр Пушкин ҳақида Генрих Волков «Пушкин дунёси» номли китобида айтган фикри юқоридаги мулоҳазани хар жиҳатдан қўллаб қувватлайди: «Замон руҳи», Пушкиннинг таржимаи ҳоли бошқача бўлганда эди, унинг фитратида яширинган даҳолик эҳтимол дунё юзини кўрмасди. Яхшиямки, бундай бўлмади, Россия ва балки дунё тарихининг шамоли шундай эсдики, оқибатда ушбу буюклик учкунлари алангага айланди».¹

Ҳуш, XX аср ўзбек шеърятдаги ижтимоийлашувнинг илк сезиларли чегараси қандай конкрет омиллардан бошланади? Гарчанд чегарани XX аср дея белгилаётган эсақ-да, аслида, бу ўринда гапнинг индоллосини XIX асрнинг иккинчи ярми, хусусан, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий каби қатор маърифатпарвар шоирлар ижодини келтириб чиқарган ижтимоий-психологик омиллардан бошламоқ ўринлидир. Чунки ўлкадаги ўзгаришларнинг дастлабки белгилари айнан ўша вақтдаёқ уч берганди. Юқорида номлари саналган шоирлар яратган шеърят анъанавий шеърятдан, масалан, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий лирикасидан фарқ қиларди. XIX аср адоғи ва XX аср аввалидаги шеърят рисоладаги аруз, яъни девон шеърятини билан ўзгарган замон кайфиятини ифодалаган бармоқ вазнидаги шеърят ўртасида бир кўприк вазифасини ўтаганини тушуниш жуда муҳим. Шунга ўхшаш бир ҳолат турк шеърятда ҳукм сургани ҳақида Исмоил Порлатир ёзади: «Атоқли олим Меҳмет Човуш ўғли «Де

¹ Волков Г. Мир Пушкина. – М.: Молодая гвардия, 1989. - С.15

вон шеъри» сарлавҳали мақоласида, шеърий анъаналар қандай ташкил топгани ва камолотга эришганини чуқур ўрганиб, бир умумий хулосага келган эди: «Мавзуимиз шеър бўлгани учун умумий хулосамизни айтайлик: Девон шеърининг маълум бир шартлари, чегаралари бор эди, тили ва унга боғлиқ бўлган эстетик низомлар ўзгармаса, янги шеър қодалари қаршисида дош бериб турулмади. Ўзгаришларга учраб вужудга келган шеърни эса девон шеъри деб бўлмас эди. Чиндан ҳам Яхё Камолнинг янги эстетик қарашлар асосида, аммо «эски шеър шабадалари» йўлида ёзганлари ҳам шу туфайли Девон шеъри доирасига қўшилолмасди.

Эски маданиятнинг ҳуқуқ тизими, давлат қурилмаси, шахс тушунчаси каби санъат ва хусусан, шеър тушунчаси ҳам асос-асосларидан ўзгаришга мажбур эди. Лескофчалик Ғолиб, ҳарсақлик Ориф Ҳикмат, Усмон Шамс, янгишаҳарлик Авний сингари сўз усталари Девон шеъри доирасида сўнги сўзларини сўйладилар».¹

Худди шундай, ўзбек шоирлари – Муқимий, Ғуркат, Ибрат, Сиддиқий-Ажзий, Завқий, Сўфизода, Авлоний кабилар ҳам асрлар бўйи давом этиб келаётган мумтоз назмимиз – арузда баракали қалам тебратган энг сўнги шоирлар сирасидан эдилар. Чунки улар шеърияти шаклан ҳар қанча арузий кўринмасин, мазмунан секин-аста давр руҳини, тўғрироғи, унда юз бераётган оламшумул ўзгаришлар кайфиятини акс эттира бошлаганди. (Албатта, XX асрда ҳам Ҳабибий, Чустий каби анъанани давом эттирган шоирларимиз бўлган, бироқ ҳамма гап шундаки, уларнинг хатти-ҳаракатлари индивидуал ташаббуснинггина меваси, асло умумий давр кайфиятининг маҳсули эмасди). Бошқача айтсак, анъанавий шеърият, гарчи асос-асосларидан ўзгаришга ҳали юз тутмаган

¹ Янги турк шеърияти. - Жаҳон адабиёти жур. - 1998. - № 3. - Б. 151

бўлса-да,¹ анъанавий интим мавзулар қаторида ижтимоий мавзуларни ҳам тараннум этишга киришганди. Мисол учун биргина Фурқатнинг “Виставка хусусида”, “Гимназия” каби шеърларини эсланг.

Ниҳоят, ўзбек шеъриятида Чўлпон исми билан боғлиқ чинакам ҳодиса туғилди. Бироқ эътибор беринг, ҳатто у ҳам бармоқ вазнида ўзини мутлақо бемалол ҳис қилмади, ўрни билан анъанавий шаклларда ҳам қалам тебратди, бир сўз билан айтсак, шеърятни “асос-асосларидан ўзгартириш” заруратини теран ҳис қилган ҳолда изланди. Давр руҳига мос оҳанглари шакллар қидирди. Айтмоқчимизки, масалан, шеърятдаги вазн алмашинуви Фитрат, Ҳамза, Чўлпон каби шоирларнинг истаги билангина ўз-ўзидан ва бирданига рўёбга чиқиб қолган воқеа бўлмай, жамиятда етилиб келган янги ижтимоий-психологик кайфият натижасида секин-аста вояга етган адабий ҳодисадир. Чунки янгиланиш ҳамма соҳада кечаётган эди. Қодирийнинг “янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашиш... янгаришга... ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”² дегани, Чўлпоннинг “Кўнгул бошқа нарса – янгилик қидирадир”³ деб ёзишлари шу сабаб билан изоҳланади. Зеро, Қодирий ҳам, Чўлпон ҳам давр руҳини акс эттирувчи янги адабиётни орзу қилмоқда ва уни яратишга чоғланмоқда.

¹ Шу ўринда адабиётшунослигимизда шаклланиб улгурган янги ўзбек адабиётининг чегараларини XIX асрнинг иккинчи ярми (баъзан охириги чораги)дан бошлаб белгилаш анъанасига қўшила олмамлигимизни таъкидлаб ўтиш ўринли. Албатта, адабиётдаги ҳар бир янги босқичга хос хусусиятлар аввалги босқичда куртак ҳолида мавжуд бўлади, лекин бу нарса янги ўзбек адабиётининг хронологик чегараларини бундай белгилашга асос бўлолмайди. Бундай белгилаш учун адабиётда “асос-асослардан ўзгариш» бўлиши керакки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳам, сўнги чорагидан ҳам бундай ўзгариш бўлган эмас. Тўб ўзгаришлар XX аср бошларида юз кўрсатди ва шу боис янги ўзбек адабиётининг илк чегарасини шу даврдан бошлаш тўғрироқ бўлади.

² А. Қодирий. Ўткан кунлар. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. - Б. 6

³ Чўлпон. Адабиёт надири. - Т.: Чўлпон, 1994. - Б. 58

Бирок XX аср ўзбек шеърлятида Чўлпон хоҳлаган чинакам давр руҳи акс этган поэзия ёнида яна жуда улкан ҳажмли мафкуравий назмбозлик маҳсули ҳам дунёга келган. Бундай поэзия намуналари ҳатто Чўлпондек улуғ шоир ижодида учраганидек, Ҳамза, Фафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, кейинроқ эса Асқад Мухтор, Шукрулло сингари ижодкорлар меросларида салмоқли ўрин тутади. Ғайратийга ўхшаб тузумни куруқдан-куруқ мадҳ этувчи шоирлар бутун аср давомида адабиётда бирёқламаликни вужудга келтириб турганлар. Бироқ, ўйлаймизки, санъатдан йироқ мадҳиябозлигу назмбозликлар устида ортикча тўхталиб ўтиришга ҳожат йўқ. Зеро, бугунги адабиётшунослик мезонларидан туриб қаралса, адабиётдаги бундай йўналишлар таҳлилу танқиддан паст ҳаракатлар эканлиги аёнди. Албатта, улар ўз вақтида ҳаёт-мамот масаласи қадар аҳамиятли бўлган. Бирок тубдан ўзгарган бугунги адабий нуқтаи назар назмбозликка маҳсус тадқиқот ҳадафи сифатида эътибор қилишдан ўзини сақлашга уринмоқда.

Шундай қилиб, XX асрда тубдан ижтимоийлашган ўзбек шеърляти бадиийлик даражаси нуқтаи назаридан иккига ажралмоқда: биринчиси давр муаммолари санъаткорона акс эттирилган, кўпнинг дарди шоир дардига, демакки, ижтимоий дард шахс дардига айланган – шахсийланган (персонификация ҳодисаси) шеърлят. Бунга Чўлпон, Фафур Ғулом, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим каби шоирлар шеърляти мисол бўла олади.

Иккинчиси даврга хос муаммоларни бадиийлик мезонларидан туриб эмас, балки уларнинг жамиятда турган ўрни, долбзарблигини қайд этиш ва жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш мақсадида ёзилган, баъзан

назмбозлик ва маддохлик маҳсули сифатида дунёга келган шеърят. Айни пайтда, ҳукмрон мафқурани улуғлаб ёзилган, бадий жиҳатдан эса бўш-баёв шеърларнинг ўрни ҳам шу ерда. Шунини ҳам алоҳида қайд этишимиз керакки, жуда катта ҳажмга эга бўлган маърифатпарварлик руҳидаги шеърларнинг катта қисми ҳам бадий хусусиятларига кўра анча хом. Маърифатпарварлик йўлида ёзилган талай тизмалар борки, уларга, асосан, “ўқи, ўқисанг, яхши бўлади” деган ғоя жўнгина сингдирилган, холос. Чунончи, Авлонийнинг “Илм” деб номланган шеъридан ўқиймиз:

*Илм бир гавҳари ноёб, йўқ ўлмас, битмас,
Илм бир нури зиёдурки, жилоси кетмас,
Илм бир нури илоҳий – кишини хор этмас,
Илм бир қувват эрур – миллатини маҳв этмас,
Яшамак истар эсак, илма равон ўлмалиюз,
Илмсиз қолсак, асоратга нишон ўлмалиюз.¹*

Табиий, бундай руҳли шеърлар уйғонаётган давр учун сув ва ҳаводек зарур эди. Улар вақтида ўз хизматларини аъло даражада ўтадилар. Қолаверса, Шарк адабиёти ўзининг азалий моҳиятига кўра насихат асосига қурилгандир. Бироқ ўша даврдаёқ адабиётга яна бир бошқа, юксак мезонлардан туриб ёндашув ҳам бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу муносабат билан профессор Озод Шарафиддинов ёзади: “... айрим жадид ёзувчиларининг ижодида ғоялар тарғиботига кўпроқ эътибор берилиб, бадиият масалалари кейинги ўринга тушиб қолган эди. Натижада санъатнинг энг

¹ А.Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1- жилд. - Т: Маънавият, 1998 -

муҳим шартларидан бўлмиш мазмун билан шакл бирлиги путур ета бошлаган, ғоявийлик бадиият ҳисобига устувор ўрин эгаллай бошлаган эди. Бу нуқсон нафақат Ҳамза, Сиддикий ёхуд Авлоний асарларида, ҳатто жадидчилик ҳаракатининг энг йирик сиймоси Маҳмудхўжа Бехбудий ижодида ҳам кўзга ташланади”.¹ Шунга ўхшаш, бадиий жиҳатига кўра “ўз араваси”ни XXI аср сарҳадларига олиб киролмаган шеърлар Чўлпон, Ойбекдек улуғ санъаткорлар ижодида ҳам мавжуд бўлганидек, Ғафур Ғулом, Уйғун каби шоирлар ижодининг катта қисмини ташкил этади. Улар Шайхзода, Миртемир, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Шукрулло, Асқад Мухтордан тортиб 60- ва ҳатто 70-йилларнинг энг бакувват шоирлари ижодида ҳам талайгина. Бироқ биз, юқорида қайд этганимиздек, бундай шеърлар устида эмас, балки том маънода XX аср ўзбек ижтимоий лирикаси асосий йўналишларини белгилаб берган шеърлар ҳақида, уларни юзага келтирган ижтимоий-психологик кайфият ҳақида мулоҳаза юритишда давом этамиз.

Шу жиҳатдан ёндашсак аён бўладики, XX асрга келиб лириканинг ижтимоийлашуви қонуният экан, ижтимоий шеърият ҳам поэзиянинг узвий бир қисми, асло адабий меъёрлардан четлашган бошқа ходиса эмас. Шу маънода асримиз аввалидан то 30-йилларгача (ҳатто 38-йилдаги қатағонгача) бўлган вақтни ўзбек шеъриятида ўзига хос бир давр дейиш мумкин. Чунки унда, аввало, юрт озодлиги масаласи ўша палланинг энг йирик шоири – Чўлпон шеърияти тимсолида ўзбек поэзиясининг марказий чизигини ташкил этди. Унинг “Уйғониш”, “Булоқлар”, “Тонг сирлари” тўпламларига кирган кўплаб шеърлари, Фитратнинг “Шарк”, “Ўгут”, “Миррих юлдузига” каби шеърлари улкан ижтимоий

¹ Чўлпон. Адабиёт надири. - Т.: Чўлпон, 1994. – Б.14

дардларни ўз бағрига жо қилгани билангина эмас, юк-сак бадий савияга эгаллиги билан ҳам ажралиб туради. Албатта, Ҳамза ва Элбек сингари шоирлар ижодида ҳам юртга қайғуриб, унинг эртасини ўйлаб ёзилган шеърлар талайгина. Бироқ уларнинг эътибори кўпинча маърифат, маориф, таълим-тарбия, илм-фан, урф-одат, халқ кўшиқлари ва масалларини тиклаш каби масалаларга қаратилганидан шеърларининг аксарияти ҳам шу хил мавзуларга бағишлангандир. Эҳтимол, юртнинг сиёсий мустақиллиги борасида улар сингари зиёлилардаги бир-мунча либерал қарашнинг ҳам ҳиссаси бордир бунда. Қолаверса, гап айланиб бориб яна шахс ва унинг истеъдоди масаласига такалади.

Шу ўринда яна бир масалага тўхташ зарур. Маълумки, аср бошидаги адабий жараён яқраган эмас эди: “Бу даврда жадид адабиётидан ташқари бошқа адабий оқимлар ҳам ҳаракат қилди. Шулардан бири Завқий ва Аваз Ўтар ўғли мансуб бўлган оқим бўлиб, у Муқимий, Турди, Махмур сингари ҳажвнавис шоирларнинг анъаналарини давом эттирди ҳамда жамиятнинг ижтимоий ва маиший ҳаётидаги нуқсонларни, хонлик тузумининг чиркин жиҳатларини фош этиш йўлидан борди.

Бу оқим вакиллари ғоявий жиҳатдан жадид ёзувчиларига яқин бўлсалар-да, улар сафига келиб қўшилмадилар. Яна шу нарсани айтиш зарурки, 1916 йилда мардикорликка олиниш воқеаси муносабати билан ўзбек шеърлятида янги ижтимоий мотивлар пайдо бўлди...

Юсуф Сарёмий, Васлий, Ҳазиний, Мискин сингари шоирлар ижодида эса исломий ғоялар устунлик қилди. Улар ҳаётидаги эзгуликни ҳам, ёвузликни ҳам Оллоҳдан бандаларнинг яхши ё ёмонлиги учун юборилган хислат, деб талқин этдилар ва миллий уйғониш ғояларидан четда, хонанишин шароитда “Фарғонада тонг отиши”ни

пойлаб ижод қилдилар”,¹ – деб ёзади бу ҳақда профессор Наим Каримов. Демак, турли йўналишлар, бир-биридан фарқ килувчи дунёқараш ва мафқуралар мавжудлигининг ўзиёқ адабиёт, хусусан, поэзиянинг ижтимоийлашувига қулай замин ҳозирлаганди.

Тахминан, 30-йиллардан 50-йилларнинг сўнгигача бўлган вақт ўзбек ижтимоий поэзиясида алоҳида бир даврни ташкил этади. Адабиётшунос Қ. Бойбеков: «Агар 20-йилларда бадиий ижод виждон иши ҳисобланиб, адабиётнинг ижтимоий қиёфа касб этиши фақат миллатпарвар ижодкорларнинг шахсий истаклари туфайли рўй берган бўлса, 30-йилларга келиб ижод ғоявий-сиёсий фаолиятга айланди»,² – деб ёзади. Шунга қарамай, бу даврда ҳам чинакам адабиётга дахлдор шеърлар ҳам ёзилганини тўғри қайд этади.

Дарҳақиқат, 30-йилларга келиб, Ўзбекистон собиқ империянинг «ажралмас» қисмига айланиб бўлган, шўро ички ва ташқи душманларини енгиб улгурганди. Энди бутун куч шу янги ва яхлит мамлакатнинг ҳимояси, мустаҳкамланиши ва ривожланишига қаратилганди.

Албатта, буларнинг ҳаммаси совет мустамлакачилари манфаатига кўра режали асосда босқичма-босқич амалга оширила борди. Натижада иқтисодий беш йиллик режалари ўйлаб топилди ва уларнинг рўёбга чиқарилишига зўр берилди. Режалар бўйича мамлакат индустрлаштириш, электрлаштириш, коллективлаштириш каби ўнлаб умум ишларга жалб этилди. Жараёндан шоир ҳам четда қолмади, қололмади:

*Қурашади икки тўлқин,
Қараб турайми?*

¹ Н.Каримов ва бошқ. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – Б.26
² Қ.Бойбеков. Миллий шеър ва янгича тафаккур. Т.: “Фидокор” газ. 2001. 21 июнь

*Ёш тарихнинг темир қўли
Кетга бурайми?*

Икки тўлқиннинг бири советларга қарши курашганлар бўлса, иккинчиси советларнинг ўзлари эди. Бири ота-боболар тутиб келган «эски ҳаёт» бўлса, бошқаси империя хоҳишидаги «янги ҳаёт» эди. Шоир юқоридаги саволига ўзи жавоб беради:

*Йўқ!.. Болгалар нулат сафи
Ила бораман.
Ёнгин, қураш, жанглар сари
Кўкрак очаман.*

(Ойбек)

Ҳа, шоир ўзгараётган ҳаётга овоз бермоқда. Бу унинг фукаролик танловидангина эмас, айти чоғда, худди Маяковский каби шоир сифатида ҳам даврнинг шиддатли ритми-ни куйламоққа ҳозирлигидан-да дарак бераётир. Нафақат Ойбекнинг бу даврда ёзилган ўнлаб, юзлаб шеърлари, балки Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Шайхзода, Миртемир, У.Носир, Зулфия сингари шоирларнинг ҳам кўплаб шеърлари шу руҳ билан суғорилган. Бироқ бадий савиясига кўра уларни икки гуруҳга ажратиш зарур. Биринчи гуруҳга даврнинг сиёсий-ижтимоий, хатто кундалик эҳтиёжларига жавобан ёзилган шеърларни киритиш мумкин ва улар сон жиҳатидан салмоқлироқ. Бундай шеърларнинг моҳир «яратувчилари» Ғайратий ва Ғафур Ғулом каби ижодкорлар бўлади, улар кўнгил поэзияси намояндалари – Ойбеку Ҳамид Олимжондек шоирлар ижодида ҳам кўплаб учрайди. Бизнингча, бу хил шеърлар урчиб кетганининг мафкура таъсиридан ўзга сабаблари ҳам йўқ эмас. Биринчидан, даврнинг қайноқ нафасини янги шеърга олиб кириш ҳали мисоли тўла

ўзлаштирилмаган кўрик, шоир учун бир қадар янги, бинобарин, чинакам изланиш майдони эди. Иккинчидан, ўз даврининг бир парчаси бўлган шоир ўзи тизаётган ҳар қандай ижтимоий мазмун акс этган машқларни янги шеърият намунаси деб ишонди ва ёзишга зўр берди.

Бироқ буларнинг барчасидан қатъи назар, шеърият ўзининг азалий ўзанларидан бутунлай оғиб кетмади. Натижада нафақат муҳаббат лирикаси, балки интимлик жиҳатидан ишқий шеърият билан бир қаторда тура оладиган ижтимоий поэзия ҳам дунёга келди. Булар иккинчи гуруҳни ташкил этади. Бу гуруҳга Ойбекнинг «Ўзбекистон», «Қуёш кўшиғи», «Машраб», «Пушкин», «Шоир билан суҳбат», «Наъматак»; Ғафур Ғуломнинг «Турксиб йўлларида», «Санъатим», «Сарҳисоб», «Сен етим эмассан», «Соғиниш», «Вақт»; Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси», «Ўзбекистон», «Ўрик гуллаганда», «Пушкин»; Усмон Носирнинг «Нил ва Рим», «Қора сатрлар», «Таъзим», «Қушча», шунингдек, Миртемир, Шайхзода, Зулфияларнинг бир қатор шеърларини киритиш мумкинки, улар чинакам ижтимоий поэзияга хос бадий тафаккур маҳсуллари дир.

Албатта, юқорида саналган айрим шеърларда ўша даврнинг сиёсий кайфиятига ҳамоҳанг мисралар ҳам мавжуд. Бироқ уларга давр тақозоси сифатида қараб, шеърларни санъат асарлари ўлароқ тадқиқ этишга киришадиган бўлсак, гувоҳи бўламизки, ҳар битта асар 30-50- йиллардаги ўзбек ижтимоий поэзиясида ўзига хос аҳамиятга эгадир. Чўлпон юраги ўртаниб ва юракларни ўртатиб куйлаган, Ойбек ва Ҳамид Олимжонда юксак пафос билан тараннум этилган Ватан мавзусидаги шеърлар занжирини олайлик. Ахир, Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» ёки Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» сингари ўзлигимиз, юртимиз ҳақидаги юксак тароналар

айнан юқоридаги анъаналарнинг давоми сифатида дунёга келган. Чунки шеъриятда «Ватан» мавзуси ўз-ўзидан бино бўлган эмас, балки бадий тафаккур тарзида содир бўлган муайян ҳаракат-ўзгаришнинг маҳсули бўлиб туғилган. Инсоннинг ўзи яшаб турган маконни Ватан даражасида англаш учун ҳам у ана шундай ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошидан кечирган бўлиши зарур.

Кўринадики, ижтимоий мавзулар ҳам интимлик касб этиши мумкин экан. Бунинг учун ҳар қандай мавзу шоир бадий тафаккури маҳсули сифатида кўнгил призмасидан ўтиб қоғозга тушган бўлиши шарт. Акс ҳолда энг интим ҳисобланган муҳаббат мавзусида ҳам таъсирчан, бадий юксак шеър яратиш мумкин эмас. Бу ўринда идрокнинг субъективлик даражаси бошқа масала. Муҳими, ўзбек поэзияси воқеликни бадий англашнинг янги йўлларида юришга ҳаракат қилаётган эди. Фафур Ғуломнинг «Турк-сиб йўлларида», Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси» (гарчанд бу шеърлар ҳам бирёкламалигу субъективликдан холи бўлмаса-да) сингари бир қанча шеърлар ана шундай ҳаракат намуналари эди. Шеъриятдаги бу изланишлар кейинрок, 60-йиллардан бошлаб чинакам бадииятга дахлдор ижтимоий лирика намуналарининг яратилишига замин бўлди.

Биринчи бобда қўйилган масала – XX аср ўзбек шеъриятидаги ижтимоийлашув ва мафқуралашувнинг омиллари ҳақида юритган мулоҳазаларимиз куйидаги асосий хулосаларга олиб келади:

1. Ижтимоийлик шахснинг фитратидаги азалий ибтидо бўлиб, у ҳамиша бўлган ва барча даврлар адабиётида муайян даражада ўзини намоён этган. Инсоният тарихидаги “янги давр” – унинг бошланиши Европада XVIII асрга, юртимизда XX асрга тўғри келади – инсон моҳиятидаги ижтимоийлик хусусиятини олдинги

ўринга чиқарди. Демак, барча халқларнинг “янги давр” адабиётларида ижтимоийликнинг кучайиши, аввало, шу омил билан изоҳланмоғи керак.

2. Инсоннинг ижтимоийлашуви бадий ижоднинг сабаби ва мақсади бўлмиш идеал табиатини ҳам ўзгартирди. Агар ўзбек мумтоз шеърляти идеалининг асоси ҲАҚ бўлган ва у эзгулик ҳамда гўзаллик тушунчаларининг мазмун моҳиятини белгилаб келган бўлса, XX аср бошида юзага келган сиёсий-ижтимоий шароит таъсирида идеал “ерга тушди”, яъни унинг асосини энди яқин келажакда инсоннинг саъй-ҳаракати билан эришилиши мумкин бўлган мақсад ташкил қила бошлади. Табиийки, эзгулик ва гўзаллик тушунчаларининг мазмун моҳиятини ҳам шу мақсад белгилай бошлади.

3. XIX аср охирларидан бошлаб юртимизнинг Русия ва бошқа мамлакатлар билан алоқалари тифизлашгани, шу билан боғлиқ ҳолда миллий ҳаётимизга иқтисодий-маданий-маиший янгиликлар кириб келгани зиёли қатлами томонидан янгиланиш эҳтиёжининг ҳис этилишига олиб келди. Бу ҳис маърифатпарвар шоирларнинг янгиликларни тарғибу ташвиқ этувчи шеърларида ўз аксини топди.

4. Туркистонда капиталистик ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қарор топа бошлаши билан шахснинг жамиятдаги мақоми ўзгарди. Шахс ижтимоий фаоллашди, ўзини шахсий турмуши ва жамият ҳаётини ўзгартиришга кодир куч сифатида идрок эта бошлади. Янгиланган сиёсий-ижтимоий шароитни идрок этган зиёлиларнинг ислоҳотчилик мақсадлари билан жадидчилик ҳаракатига қўшилдилар. Шу ҳаракат мақсадларини тарғиб этишу халққа англатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган адабиёт – жадид адабиёти ижтимоийлашув ва мафкуравийлашув тўлақонли намоён бўлган илк босқичдир.

5. Ўзбек адабиётининг ижтимоийлашувида ташқи омилнинг ўрни ва аҳамиятини ҳам асло камситмаслик лозим. Зеро, ташқи омил ички омилни ҳаракатга келтирган мотордир. Жумладан, ташқи маданий-иқтисодий алоқаларнинг кучайиши янгилашиш эҳтиёжини туғдирди, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзгартириб, шахс мақомининг ўзгаришига олиб келди – янги инсонни шакллантирди. Шунингдек, жаҳидларнинг Русиядаги туркий халқлар ҳамда Туркиядаги ислохотчилик ҳаракатлари билан маърифий-мафкуравий алоқалари, тараққиётда бирмунча олдинга кетган халқлар билан адабий алоқалар ҳам ижтимоийлашувни кучайтирган муҳим омиллардандир.

6. Туркистон шароитида турли дунёқараш, ижтимоий мақсадларга эга қатламларнинг, хусусан, эскича ва янгича ижтимоий турмуш тарзи тарафдорларининг мавжудлиги адабиётнинг мафкуралашувига замин яратди. Аввалига “қадим – жаҳид” зиддияти асосида шаклланган мафкуравийлик октябрь тўнтаришидан сўнг “жаҳид – шўро” жабҳасига кўчди. Адабиёт ғоявий-мафкуравий кураш майдонига айланди, бу эса шеъриятни санъатдан узоқлаштирди, шўро даври шеъриятида яратилган кўплаб асарларнинг ўткинчи ҳодисалар бўлиб қолишига олиб келди.

7. Жамиятда коммунистик мафкура якка ҳоким мавқеини эгаллаб, муҳолифлар маҳв этилганидан кейин ҳам шеърият мафкура исканжасида қолаверди. Натижада то 50-йилларнинг охирига қадар шеъриятида турғунлик кузатилди: ўтказилаётган сиёсатни, мамлакатда амалга оширилаётган турли тадбирлар (колхозлаштириш, кулоқлаштириш, индустриаллаштириш ва х.), янги урф-одатлару кадриятларни тарғиб этиш, мавжуд тузумни алқаш, уни жаҳонда энг адолатли ва инсон ҳар томон-

лама хур яшаётган диёр сифатида капиталистик дунёга қарши қўйиш ва бошқа шу каби мафкура фойдасига хизмат қилувчи мавзулар қаламга олинди. Ва шу тариқа адабиётга табиатан хос ижтимоийлик бадном қилинди, ижтимоий мавзудаги шеърятдан шахс – “мен” қувиб чиқарилиб, унинг ўрнини “биз” эгаллади.



II БОБ. ЛИРИКА ТАБИАТИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР

XX асрга келиб шахс ижтимоийлашганини айтдик. Ижтимоийлашган шахснинг энг муҳим белгиси – ижтимоий фаоллик, амалий ёки фикрий фаоллик. Бу дега-ни, ижтимоийлашган шахс жамиятнинг жорий ҳолати, унда юз бераётган ходисаларнинг моҳияти, улар эрта қай манзилга элтиши ҳақида фикрлайди; шу асосда шаклланган ижтимоий идеалига эга бўлади, шундан келиб чиқувчи ҳаётий принципларини белгилайди ва ўз фаолиятида (амалий ва фикрий) уларга амал қилади. Шахслик мақоми – оғир. Ҳаётнинг долғали оқимида идеалларига содик қолиш учун кўпинча шахсий манфа-атлардан кечиш, азоб-укубатларга дучор бўлиш, баъзан эса жондан-да кечишга тўғри келади. Муҳими, шахслик жамиятнинг жорий ҳолатини теран идрок этиш, юз бе-раётган ходисаларга идеалдан келиб чиқиб муносабат-да бўлишни тақозо этади. Иккинчи томондан, шахслик ўз идеалларини-да тафтиш қила олиш салоҳиятини тақозо этадики, токи идеалга зарурий таҳрирлар кири-тиб, кемтиklarини тўлдириб борсин, унга сингишма-ган ўринлардан воз кеча олсин. Юртимизнинг XX аср тарихи бу салоҳият идеалларнинг қотиб оддийгина дог-мага, уларни ташувчиларнинг эса мутаассибларга айла-ниб қолмаслиги учун нечоғли муҳим эканлигини яққол кўрсатди.

XX аср шоирдан, истеъдод даражасиyo инсоний салоҳиятидан қатъи назар, шахс-шоир бўлишликни та-лаб қилди. Аср шоири давр қозонида, давр эса шоир қалбида қайнади. Албатта, қайнов даражаси ҳар икки ҳолда ҳам бир хил бўлмайди, бас, у гоҳи меъёрига етди, гоҳи етмади – маҳсулотнинг ҳам шунга яраша бўлгани

табийй. Бироқ нима бўлганда ҳам, аср шеърияти давр-нинг руҳини, унинг шиддатию зиддиятларини ўзида, асосан, акс эттира олди. Шунга қўра, шеъриятдаги ғоявий-тематик тадрижни қузатиш бадий тафаккурдаги силжишларни қузатишда муҳим аҳамиятга эгадир.



II.1. Лириканинг мафкуралашуви

XX аср бошларида Туркистонда “эскилик ва янгиликнинг ажиб қурамаси вужудга келгани”ни айтиб ўтдик. Бу ҳол эса жамиятда турли ижтимоий-сиёсий мақсад ва маслақларга эга қатламларни юзага чиқарди. Янгича яшаш, янгиланган жамиятда янгича тартиботларни қарор топтириш ва шундан келиб чиқиб ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш заруратини теран англаган, шу мақсад йўлида фаолият олиб борган зиёлилар жадиличилик мафкурасига у ёки бу даражада алоқадор бўлган. Айни пайтда, жамиятда янгиланишни истамаган, эски тартибларни тиклашни, ҳамма нарса эски ҳолича қолишини истаган кучлар ҳам бўлган. Ва шу ҳол – жамиятда бўлиниш, турлича маслақ кишилари кўзлаган ижтимоий мақсадларнинг мавжудлиги адабиётнинг, хусусан, шеърининг мафкуралашувиغا асосий сабабдир, унумдор заминдир.

Жадид ижодкорлар адабиётда, энг аввало, ўз мафкураларини оммага синдириш воситасини кўрганлар. Жадид нашрларида чоп этилган шеърлар кўздан кечирилса, улар шеърининг жадиличилик ғояларини тарғибу ташвиқ этишга тўла сафарбар этганларига амин бўлиш мумкин. Шу боис уларнинг шеърларида ғоявий-тематик муштараклик яққол кўзга ташланади. Агар тематик жиҳатдан тавсифламоқчи бўлсак, аввало, маърифатпарварлик анъаналарининг давоми ўлароқ ижтимоий-маиший турмушга кириб келган янгиликларни ёқлаб, тарғиб этишга қаратилган шеърларни кўрсатиш керак бўлади.

Аввалги бобда Ибратнинг темир йўл қурилишини қутлаб ёзган шеърини эслатдик. Шоир темир йўл юртошларим ҳаётига қулайликлар олиб киради (“Сафарни заҳматидин халқлар олди хатти озодий”), юрт обод

бўлади (“Наманганни ниҳодига насими етти ободий”), иқтисодий алоқалар туфайли келган арзончилик халқ фаровонлиги сари дадил қадам (“Бу халқуллолара арзоки арзон ўлди фойиздин, Матое жумла ашё келди, бир кон ўлди фойиздин”)¹ деб билади. Бу эса шоирнинг темир йўл қурилиши фактига жадиличлик идеали – миллат тараққийси мавқеидан туриб қарагани ва баҳолаганини кўрсатади.

Худди шундай ёндашув Ибратнинг яна “Тарихи трактур”, “Газета хусусида”, “Тарихи чопхона”, “Табрик Намангондин” каби шеърларида ҳам кузатилади. Умуман, жадиd шоирлар ҳар қандай янгилик ё ижтимоий ҳодисага идеалдан келиб чиқиб ёндашадилар, идеалдаги умумийлик эса ғоявий-мазмуний муштаракликни пайдо қилади.

Буни, масалан, матбуот ҳақидаги шеърларни қиёслаганда кўриш мумкин:

*Шарқдан Мағрибгача бўлгон ҳаводисни ёзиб,
Не гўзал марғуб хабарлар ошкор айлар газет.
(Суфизода. “Газета тўғрисида”)*

*Газет кўрмаган, беҳабар халқлар
Мисли ўлгандир ва ё ухлаган.
(Ибрат. “Газета хусусида”)*

Бу шеърларнинг ҳаммасида газета-журналларнинг аҳамияти, уларнинг кишини олам аҳволидан хабардор этиши, халқнинг кўзини очиб, жаҳолатдан маърифатга, қолоқликдан тараққийга бошлаши таъкидланади. Худди шу фикрлар жадиd публицистикасида ҳам қайта-қайта

¹Ибрат. Сиддикий-Ажзий. Суфизода. Танланган асарлар.- Т., 1999.- Б.55.

айтилади, бу эса ўша шеърларнинг публицистик мақола-лар билан бир хил “юк” ташиётгани, шоир учун улар во-сита эканини аниқ кўрсатади.

Жадид шеърлятида энг кўп қаламга олинган мав-зулардан яна бири – Туркистоннинг, миллатнинг мав-жуд аҳволи мавзусидир. Мавзу талқинидаги умумий жиҳатни қиска қилиб, мавжуд ижтимоий воқелиқдан кониқмаслик ҳиссининг устуворлиги, дейиш мумкин. Бу мавзудаги шеърларнинг барида Туркистоннинг жаҳолат ботқоғига ботгани, бу аҳволда қоқоқлик домида қолиб кетиши муқаррарлиги таъкидланади ва бундайин яшаш инсонлик шаънига номуносиб деган ғоя ўтказилади:

*Биздек ҳеч миллат борму зиллатга ботган,
Сафоҳатга алдануб ифбат йўқотган.
Фироринда тик ётур ихват ургатган,
Жаҳлу бидъат захрини шарбат кўрсатган.*

(Ҳамза)

*Коримиз шундан иборат булди ушбу чоғида,
Ўнтадан бедона боқиб, ёзу қиш сайротамиз.
Ҳамда ҳар кун такяларда наша, кўкнори чекиб,
Баччага кокил солиб оҳ-воҳ билан ўйнотамиз.*

(А.Қодирий)

*Илму маърифат ҳам хунардан қолди маҳрум бизни халқ,
Маърифатсизлик балосига йўлиққон бизни халқ.*

(Чўлпон)

Жадид шоирлар ҳолатни қайд этиш билангина чек-ланмай, унинг юзага келиш сабабларини таҳлил, му-шоҳада этадилар. Ва шу таҳлилу мушоҳадалар натижа-си ўлароқ яна бир муҳим ғоявий-тематик йўналиш

– юртдаги мавжуд қоқоқлик сабаби бўлган ижтимоий ҳаётдаги иллатларни фош этиш йўналиши вужудга келади. Эътибор қилинса, жадид шеърияти намуналарида кўпинча ошқора ё пинҳон тарзда “нега бу забун ҳолга тушиб қолдик?” деган савол қўйилганини кўриш мумкин. Албатта, ҳар бир шоирнинг ўз нуқтаи назари бор, лекин жадид шоирлар кўрсатаётган сабабларнинг умумий номи – жаҳолат. Жадид шеърияти талқинида бу сўзнинг қамрови жуда кенг бўлиб, зоҳирий сабабларнинг ботикида жоҳиллик ётади. Масалан, энг сермахсул жадид шоирларидан бўлган Ҳамзанинг бир шеърида келтирилган сабаблар мана булар:

1. “Муллоларнинг талоши вақфи масжид, тўй оши...”
2. “Эшонлар тўплаб олтун... Майшатда куну тун...”
3. “Бойлар масрур бидъатдан... Хабарсиздур миллатдан...”

4. Уйин бирла ўғлонлар, зиндонда қиз-жувонлар, Маърифатдан безгонлар...”

5. “Бизни мактаб жадвали – баччабозлик усули, Билмас на дардин йўли...”

6. “Баёз” дур журнолимиз, “Жамшид” дир рўмонимиз, Шул ўқиб билгонимиз...”

7. “Қачон илмсиз қолдик, мақсада етмай толдик, Мундоқ ҳоллара қолдик...” Туркистон ҳаётидаги иллатларни бир-бир санаган Ҳамза “мундоқ ҳоллара қолиш” сабаби илмсизлик – жаҳолат деб кўрсатмоқда. Айтиш керак, Ҳамза ҳам илмсизликни бошқа жадидлар каби тушунади. У халқ буткул саводсиз ёки ўқимайди демайди, ўқигани “баёз” лару “Жамшид” қиссаларидан нарига ўтмаганига қуяди. Жадидчилик ғоялари контекстида фикрлаётгани учун Ҳамза “Баёз” дур журнолимиз, “Жамшид” дир рўмонимиз, Шул ўқиб билгонимиз...” дейиш билан чекланади. Чунки жадид адабиёти, публи-

цистикаси контекстида бу сатрларнинг маъноси кенгайди. Жадид нашрларида газета-журналлар, “театру ва рўмон китоблари”нинг аҳамияти ҳақида кўп ёзилган. Яъни, янги шароитда халққа янги билимлар зарур, уларга эга бўлиш учун журналлар, рўмонлар ўқимоқ керак, шундагина дунё аҳволидан хабардор бўлинади, акс ҳолда ғафлатда қолинади. Шоир афсус-ла қайд этмоқдаки, аксарият юртдошлари ҳамон эски кизиқишлар доирасидан чиқа олмайди ва бу жаҳолат омилларидан биридир. Ҳамзанинг бу сатрлари Чулпоннинг машҳур “Адабиёт надир?” номли мақоласидаги “Агарда “баёз” ва бемаъни бир-икки дона китоблар ила қолсак, маҳву инқирозий бўлурмиз”¹ деган ташвиш билан ҳамоҳанг. Иккала шоир ҳам, бошқа жадидлар каби, илмсизлик орқасида одам мавжуд аҳвол ҳақида ўйламайди, уни тузатиш тадбири-ни тутмайди ва натижада шахсий манфаатлари, маишати қулига айланади деб ҳисоблашади. Шеърда танқид қилинган муллолару эшонлар, бою боёнлар илмсизлик, жаҳолат сабабли шу кўйга тушганлар. Шу ўринда жадид шоирлари бойлар ва руҳонийларни анча кескин танқид қилганларини таъкидлаш ва, айни чоғда, бу танқиднинг шўро адабиётидаги танқиддан тубдан фаркланишини айтиб ўтиш зарур. Фарқ шуки, шўро адабиётида булар синфийлик ва даҳрийлик мавқеларидан танқид қилинган бўлсалар, жадид ижодкорлар бу ўринда ҳам ижтимоий идеалдан, миллат тараққийси нуқтаи назаридан келиб чиқадилар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бошқа жадид шоирлари ҳам юртдаги таназзул омилларини, асосан, Ҳамза кўрсатган сабабларда деб биладилар. Бу эса яна улардаги ижтимоий мақсад-интилишларнинг умумийлиги, уларни бирлаштирувчи ғоялар тизими – жадидчилик

¹ Чулпон. Адабиёт надир.- Т.: Чулпон, 1994.- Б.35-36

мафкураси бўлгани билан изоҳланади.

Жадид шеъриятидаги юқоридагилардан келиб чиқувчи яна бир ғоявий-тематик мотив таназзулдан чиқиш йўлларию ҳаётни ислоҳ қилиш ҳаракатига даъватдир. Таназзулдан чиқишнинг бош йўли масаласида жадид шоирларда яқдиллик кузатилади, уларнинг ҳаммаси жаҳолатни маърифат воситасида енгиш мумкин деб билишади.

Жумладан, Ҳамза “Энди илмсиз яшамоқ гумон” лигини таъкидлаб, “Чора шул мактаб очайлик...” дейди.

Авлоний “Маориф-ла фунун таҳсилина қил раҳнамолиғ сан, Қоронғуда қолан миллатни нури илма иршод эт” деса, Фитрат “Орқадешлар, тўпланайлик жаҳлнинг уйин йиққали, Эл кўзин олған қоронғу пардаларни йирткали” деб ёзади. Учала шоир даъвати ҳам ҳаммаслақларга қаратилган: Авлоний уларни “соҳиби ирфон”, Фитрат “илм эрлари” деб атайди. Замона бу одамлардан, умуман, кўзи очик виждонли инсонларнинг баридан фидойилик талаб этади, жадид шеърияти шунга даъват қилади:

*Миллат деган кимса суймас дунёни,
Мол ила жон ила бўлур қурбони”.*

(Ҳамза)

*Ватан меҳри агар бўлса – дилингда ишқ савдоси,
Отил нури маорифга, ўзингни мисли Фарҳод эт!*

(Авлоний)

Ҳамзанинг миллат учун дунёни унутишга даъвати, Авлонийнинг Ватан меҳрини “дилдаги ишқ савдоси” дея аташи бежиз эмас. Бу Ватан, миллат тушунчалари жадид шеъриятининг идеалига айлангани, мумтоз ада-

биётдги поэтик образлар янгича, ижтимоий мазмун касб эта бошлаганидан далолатдир. Агар буларга Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг профессор Бегали Қосимов диққатини тортган “Эй гузал маҳбуб – фан, қилма юзинг биздан ниҳон, Барчамиз ошиқлигимиз сенга эълон айладук!”¹ деган фикрларини, Ҳамзанинг шеърларидан биридаги “Ҳақ йўлида жон берсак, бўлсак миллат қурбони” тарзидаги даъватни қўшсак, менимча, юкоридаги фикр етарлича далилланади.

Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти баравж ривожланган давр сифатида тақрибан октябрь тўнтаришигача бўлган ўн йилликни кўрсатиш мумкин. Қисқа, лекин ғоят шиддатли ва зиддиятли ҳодисаларга бой бўлган бу давр жадид зиёлилар дунёқарашида жиддий ўзгаришлар ясади, оқибатда уларнинг бир қисми шўро томонига ўтди, бир қисми унга муҳолифатда турган бўлса, бошқа бир қисми муроса йўлини танлади.

Бунинг сабаби, Б.Қосимов айтганидек, бевосита “шонли инқилоб” йиллари унинг фожиали оқибатлари жуда кам кишининг ҳаёлига келди. Деярли ҳамма инқилобнинг тантанавор оҳангларига масту мустағрик эди, ихтиёрсиз у билан баравар қадам ташларди”.²

Иккинчи томондан, шўро жар солиб эълон қилган мақсадлар ва энди-энди амалга оширила бошлаган ишлар қай бир жиҳатлари билан жадидлар кўзлаган мақсадларга мувофиқ ҳам эди.

Жумладан, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ва ўзаро тенглиги, хотин-қизлар тенг ҳуқуқлигининг эълон қилиниши, ер ислоҳоти, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар ва х.

Б.Қосимов. Миллий уйғониш. - Т.: Маънавият, 2002. - Б.269

Б.Қосимов. Миллий уйғониш. - Т.: Маънавият, 2002. - Б.289

Масалан, Ҳамзани олайлик. Унинг 1918 йилда ёзилган “Уйғон” номли шеърдан олинган қуйидаги парчага қаранг:

Яшасун мактаб, шогирдлар ўқисун.

Эски турмушлар, ваҳшатлар йўқолсун!

Эру қизлардан етишиб ходимлар,

Элга ҳақиқий маориф тарқатсун!

Менимча, агар шу парчанинг ўзини жадид шеър-ияти намунаси сифатида тақдим этилса, кўпчилик эътирозсиз қабул қилса керак. Ёки шу шеърдаги “Бит-сун қонхўрлар, мустабид тўралар, Бир тўп доқа салла, узун сурралар!” сатрлари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Шоир Туркистонни уйғонишга чорларкан, “Бу кунда ҳам истиқболдан кўз юмсақ, Биздан ному нишон сўнгра қолурми?” дея огоҳлантиради. Ва ўша истиқбол, халқининг келажаги йўлида “Шахсий ишларимиз ташлов кун бугун, Қора элларни оқартирмоғлиг учун, Белни маҳкам боғлаб ишлов кун бугун” дейди. “Ер ислоҳоти” шеърда ернинг фойдаси илгари “Бой эшонлар кассасига”, энди эса “Ишчи-деҳқон фойдасига” кетишини таъкидлайди. Жадидлар Туркистоннинг унумли еридан келадиган фойданинг ҳузурини миллатга иона бермайдиган, унинг равнақини ўйламайдиган бойлар кўраётганидан кўп афсус чекканлар. Демак, шоир ер ислоҳотидан ҳам маълум қаноат ҳосил қилиши ажабланарли эмас. Айтмоқчиманки, Авлоний, Ҳамза, Сўфизода каби жадид ижодкорларнинг шўрога хайрихоҳ бўлганлари қарашлардаги муштарак томонлар билан ҳам изоҳланиши керак. Улар шўро сафидаги фаолиятларини маълум даражада жадидчилик фаолиятларининг давоми ўлароқ тушунганлар. Табиийки, уларнинг октябрь тўнтаришидан кейинги Туркистон воқелигига муносабати ҳам шунга мос. Жумладан, ҳамон ўзини юрт

истикболи учун курашда ҳис этаётган Ҳамза “попок кийган қахрамон”га қарата “Темур панжанг бирлан тўк Душманингдан қон!” дея хитоб этади. Чунки:

*Басдур шунча йил чеккан
Кулфату хўрлик!
Золим бойлар ҳақинга
Қилди ҳар зўрлик.*

– деб биладикки, бунда шоирнинг ўзи ҳақ йўлда эканлигига ишончи барқ уриб туради. Шоирнинг бу ишончи эса “Бузамиз эски турмушни, хурофотни, бидъатни, Тузамиз янги турмушни замон ичра” қабилдаги мақсад билан белгиланадигани, у моҳиятан жадиличлик кўзлаган мақсадга зид эмас. Лекин бу сиртдан қарасагина шундай. Аслида, энди Ҳамза шеърларида ҳаётдаги ўзгаришларга мос ғоявий-тематик силжишлар юз берган ва уларнинг асосийлари мана булар: 1) илгари у миллат манфаатларини кўзлаган бўлса, энди ишчи-деҳқон манфаатини кўзлайди; 2) илгари мақсадга етиш воситаси деб маърифатни тушунган бўлса, энди кучга – зўрликка топинади.

Ҳамзадан фарқ қилароқ, масалан, октябрь тўнғаришидан кейинги йилларда Чўлпоннинг ижтимоий фаоллиги сусайди. Сусайди деганда мен амалий фаолиятни назарда тутаман. Яъни Ҳамза бевосита курашчи сифатида амалий фаоллашган бўлса, шу йилларда газеталарда ишлаб турган Чўлпон фикрий фаоллашган эди. Демак, унда мушоҳада қилиш имкони кенгрок ва шунинг учун ҳам у воқеликни бир томонлама (яъни шўроча нигоҳ билан) эмас, яхлит кўра олар, бу эса моҳиятни тўғри илгашга имкон берарди. Шу каби ҳолат фаолияти кўпрок Бухоро амирлиги билан боғлиқ кечиб турган Фитратга ҳам хос эди. Ва шу туфайли иккисининг ижоди ғоявий-

тематик жиҳатдан Ҳамзадан фарқли, ўзаро эса яқиндир.

Фитратнинг 1917 йилда ёзилган “Юрт қайғуси” туркуми учта сочма ва битта тизма шеърдан таркиб топган бўлиб, у Туркистон тақдири ҳақидаги ташвиш-қайғу маҳсулидир. Таъкидлаш керак, туркумда даврнинг энг ўткир ижтимоий дарди чинакам шахсийланган бўлиб, уни XX аср ўзбек шеърлятидаги ижтимоий, гражданлик поэзиянинг илк яхши намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Ғоявий-тематик жиҳатдан туркумдаги шеърлар бир-бирини тўлдиради, ривожлантиради. Туркумдаги шеърлар шу жиҳатдан ва ёзилиш санаси тартибида кўриб чиқилса, қуйидаги ҳол кузатилади:

биринчисида буюк аждодларга бешик бўлган Турон “қуллик чуқурларига недан тушди?” деган савол қўйилади ва “арслонлар”нинг йитиб кетмаган, улар бирлашишса, улкан куч деган ғоя олдинга сурилади;

иккинчисида забун ва аянч аҳволдаги “бир хотун хаёли” – она Ватан тимсоли қаршисида айбдорлик, жавобгарлик ҳисси туюлади, “бутун борлиғи билан унга қумак килурға ҳозирлик” изҳор этилади;

учинчисида лирик қаҳрамон Темур руҳи олдида “омонатга хиёнат” қилгани учун тазарру қилади ва “Туроннинг эски шараф ва улуғлигини қайтариш”га онт ичади;

тўртинчисида, Туркистон мухторияти эълон қилинганидан кейин ёзилган тизма шеърда лирик қаҳрамон ўша онтни бажаришга киришган, “Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир” деган қатъият билан “Темур била Чингиз қони тошди томримиздан” дея “оёққа қалққан”лардан бири сифатида гавдаланади.

1917 йил давомида ёзилган бу шеърлар муайян бир қараш, ижтимоий-сиёсий мавқенинг тобора барқарорлашиб, ниҳоятида Ватан учун курашиш заруратига имон келтирилганини яққол кўрсатиб турибди. Ҳа, ғоят

шиддатли ўзгаришларга тўлик 1917 йил бунга қадар бутун саъй-ҳаракатлари ягона мақсадга йўналтирилган зиёлиларимиз учун танлов имкониятини тақдим этган чегара ҳолати эди. Фитратнинг юкоридагича қарорида собитлашуви ҳам, Ҳамзанинг қарашларида бурилиш юз бериши ҳам ўзининг ижтимоий-шахсий ва маънавий-рухий асосларига эга. Шу асослардан келиб чиқиб ўз танловини амалга оширгани учун улардан бирини оқлаб, иккинчисини қоралашга ҳожат йўқ – иккиси ҳам юртим, халқим учун танлаган йўлим тўғри деб ҳисоблаган.

Худди Фитрат каби, 20-йиллар ўзбек шеърятининг етакчиси Чўлпон ижодида ҳам Ватан озодлиги мавзуси асосий ғоявий-тематик мотив бўлиб қолди. Бу икки шоирнинг рухий яқинлиги “Юрт қайғуси” туркуми билан “Бузилган ўлкага” шеърини ёхуд “Миррих юлдузига” билан “Ёруғ юлдузга” шеърларини киёслаб кўриб амин бўлиш мумкин. Бу шеърлар юрт ва миллат тақдири ҳақидаги тегран изтиробли мушоҳадалар, Ватанни Она деб тушуниш ва унинг ҳақини адо этолмаганликдан келувчи изтироб, мавжуд ҳолати учун жавобгарлик ва унинг учун жон фидо қилишга ҳозирлик каби ғоявий-тематик асосларда ўзаро муштарақлик касб этади. Ва шу ҳислар ҳосиласи ўлароқ 20-йиллар Чўлпон шеърятининг асосий ғоявий-тематик лейтмотивини ЭРК тушунчаси ташкил қилади. Бу мотив гоҳ бевосита (“Қураш”, “Кўзғолиш”, “Кишан”, “Кўнгил”), гоҳ бўлса бавосита – шоирнинг табиат ҳақидаги (“Кўклам келадир”, “Пўртана”, “Зарафшон”), Шарқ мавзусидаги (“Шарқ нури”) ёки интим (“Қаландар ишқи”, “Ишқ”, “Хаёли”) лирикасида; гоҳ хитоба шаклидаги реалистик (“Тортишув тонги”, “Бас энди”), гоҳ эса рамзий-мажозий (“Бинафша”, “Қушнинг ҳадиги”, “Юрт йўли) шеърларда қайта-қайта ўз ифодасини топаверади. Энг муҳими, Чўлпон шеърятисида эрк тушунчасининг

маъно кўлами кенгаяди. У энди фақат мустамлакачилардан қутулишнигина англамайди.

Аксинча, Чўлпон шеъриятида миллат эрки ва шахс эрки тушунчалари бир бутунлик касб этади, бир-бирини тақозо этувчи боқий умуминсоний қадрият даражасида бадий талқин этилади.

Чўлпон тўнтаришдан кейинги даҳшатли хунрезликлару вайроналик, очарчилик офатларини юрагидан ўтказди. “Кўнгим каби йиқик уйлар, қишлоқлар” дейди у “Ёнгин” шеърида, сўнг наҳотки “Шундай катта бир ўлкада ёнмаган, йиқилмаган, таланмаган уй йўқми?” дея бонг уради. Бу бекорга эмас. Шеърга газета хабаридаги “Таланмаган, йиқилмаган ер йўқ. Гўдақлар найза бошида” деган сўзлар эпиграф қилиб олинган. Афсуски, бу шоир гувоҳ бўлиб турган воқелик эди. Фарғонадаги очлик муносабати билан ёзилган “Қурбон” номли сочма шеър ҳам бу воқелик шоирни қанчалик изтиробга солганини кўрсатади. Бир томонда, иссиқ Арабистонда мингларча кўйлар сўйилиб қурбонлик қилинаётир, ундан “мингларча чақирим узокда”, яъни Туркистонда эса “шу динга ишонган бечоралар очликдан кўй каби қирилалар, кўчалар, толалар ва чўлларга ташланалар”, лекин “шунча олингон жон, шунча суюлгон ҳайвон бир мўмин-мусулмонни очликдан қутқара олмайди”.¹ Бу Фарғонадаги очарчилик оқибатларидан даҳшатга тушган ҳассос қалбнинг инсониятга, ислом оламига қаратилган ҳайқириғидир.

Умуман, Чўлпоннинг 20-йиллар шеърияти шундай ҳайқириқлардан иборат десак хато бўлмайди. Даврни қалбида яшатгани учун ҳам Чўлпоннинг 20-йиллар шеъ-

¹ Қаранг: Чўлпон. Қурбон. “Қизил байроқ”, газ. 1922. 4 авг.

рияги даврнинг бутун зиддияту фожеаларини ўзида акс эттирган бадиий ҳужжат бўлиб қолди. Иккинчи ёқдан, бу шеърят гоҳ умидлар қанотида юксакларга парвоз этган, гоҳ эса умидсизликдан ўртанган, гоҳида қувончу гоҳида изтиробларга тўлган, бир сўз билан айтсак, ҳаракатдаги қалбни акс эттирди.

Шоир ижодига хос бу хусусиятни ўз вақтида А.Саъдий “Чўлпон чин маъноси билан рўмантик бир юрак шоири (лирик)дир. Лекин унинг юраги шахсий ҳиссиёт билан эмас, ижтимоий ҳиссиёт билан тўлгон ва қайнагон бир юракдир”¹ дея таъкидлаб кўрсатган эди.

Бу мулоҳазалар аввалги бобнинг биринчи фаслида айtilган шеърятда давр руҳининг шоир шахсияти орқали аксланишини Чўлпон мисолида яна бир бор намойиш этади. Бироқ, менимча, худди шу гапни Ҳамза шеъриятига нисбатан айтиб бўлмайди. Агар Ҳамзанинг октябрь тўнтаришидан кейинги шеърларини кўздан кечирсак, уларни ғоявий-тематик жиҳатдан, асосан, тўртта гуруҳга ажратиш мумкин бўлади:

1) янги тузумни олқишлаш, унинг ғалабаси учун қурашга даъват руҳидаги (“Ҳой ишчилар”, “Биз ишчибиз”, “Ишчилар уйғон”, “Уйғон”, “Яшангиз ишчи деҳқонлар”, “Қизил аскарларга бағишлаб” ва б.) шеърлар;

2) жамиятдаги айрим ислохотлар (“Ер ислохоти”, “Ол, деҳқон ўртоқ, қўлингга ерни”) мавзусидаги шеърлар;

3) хотин-қизлар озодлиги мавзусидаги (“Ўзбек хотини тилидан”, “Ўзбек хотин-қизларига”, “Озод хотин-қизлар қўшиғи”, “Бу кун – 8 март”, “Хотин-қизлар овози” ва б.) шеърлар;

4) янги тузум нуқтаи назаридан ёзилган ҳажвий-сатирик (“Бир шарманда тилидан”, “Бир кўрқок “масъул ишчи”нинг тилидан”, “Ёдимга тушди” ва б.) шеърлар.

¹ Қаранг: Чўлпон ва танқид.-Т.,2004.- Б.20

Албатта, Ҳамза шеърлятида давр вокелиги, рухи акс этмади эмас, акс этди. Лекин қандай? Менимча, бу шеърларда вокелик алоҳида шахс – Ҳамза нигоҳи орқали эмас, балки у мансуб ижтимоий гуруҳ нигоҳи орқали акс этди. Яъни уларда шеърнинг жавҳари бўлган лирик “мен”ни лирик “биз” сиқиб чиқарди. Бу эса вокеликнинг бир ёқлама кўрилиши ва баҳоланишига олиб келди. Йўкса, Чўлпонни ўртаган “кўнгли каби йиқик уйлар, кишлоқлар”у “найза бошидаги гўдақлар”ни Ҳамза ҳам кўрган эди. Аммо, Чўлпондан фарқ қилиб, “биз” сафида курашга кирган Ҳамза бундай ҳолларга “кураш курбонсиз бўлмайди” ақидасидан келиб чиқиб ёндашади. Натижада ижтимоий дард шахсийланмайди, Ҳамзанинг шеърлари чинакам ижтимоий лирика даражасига кўтарилолмай, мафкуравий шеърят даражасида қолиб кетади. Бошқача айтсак, Ҳамза инкилобдан кейин шахс-шоир мақомига кўтарила билмади, бу мақомнинг бадиий ижодда қанчалик муҳимлиги ҳақида эса биринчи бобда тўхталганмиз.

Шу ўринда бир нарсага алоҳида эътибор қаратишни истардим. Қарашлари Фитрату Чўлпонлардан қанча фарқланмасин, Ҳамза ҳеч бир шеърда кечаги ҳаммаслақлари – жадидларга муҳолиф сифатида қарамаган, уларга қарши фикрий уруш очмаган. Бунинг сабаби, менимча, Ҳамза ўзининг шўро сафидаги фаолиятини маълум маънода жадидчилик фаолиятининг давоми ўлароқ тушунгани билан изоҳланиши мумкин. Яъни Ҳамзада ҳамон ўша мақсад йўлида ҳаракат қилмоқдаман, фақат унга етиш йўлини ўзгартирдим, деб ҳисоблашга асос бор.

Ҳамзадан фарқ қилиб, шеърятга 20-йилларнинг ўрталарида кириб келган авлод Фитрату Чўлпонларда ўзининг ғоявий муҳолифини кўради. Жумладан, шу авлод вакили бўлган Ғайратий “ғоявий кураш кескин да-

вом этаётган бир даврда адабиёт майдонига кириб келди ва ижодининг илк саҳифасидаёқ ҳеч қанақа иккиланмай марксистик позицияда мустаҳкам турди”.¹ Профессор Л. Қаюмов 1973 йилда буни таҳсинга лойиқ амал сифатида тақдим қиларкан, Ғайратий “социалистик революциянинг туб моҳиятини тўғри тушунмаган ёки тушунишни истамаган баъзи шоирлар, бузуқ адабиётчилар билан дадил музокарага кирган”ини² таъкидлайди.

Албатта, Л.Қаюмов фикрлари тенденциоз эканлигига бугун ҳеч ким эътироз қилмайди. Лекин нега ўшанда, 1973 йилда бу ва бунга ўхшаш фикрлар илмий фикр сифатида қабул қилинган? Чунки адабиёт илмининг ўзида тенденциозлик ҳукм сурарди. Йўқса, октябрь тўнтаришини етилтирган шароитда яшаб, унинг қандай амалга ошганию оқибатларига гувоҳ бўлганлар тушуна олмаган “туб моҳиятни” эндигина шеъриятга кириб келган йигирма ёш чегарасидаги йигит “тўғри тушунди” дея даъво қилинмас эди.

Аслида, олимнинг юқоридаги гапларидан унинг ўзи истамаган ҳулоса ҳам келиб чиқади. Зеро, йигирма ёшли йигит кураш давом этаётган пайтда ҳеч иккиланмай бир томонга қўшилган экан, бу унинг ғояни маълум даражада формал қабул қилганини³ ҳам кўрсатади.

Фикримни ҳаётий бир мисол билан асослашга уриниб кўраман.

Тасаввур қилинг: йигирма яшар йигит иккита гуруҳнинг аёвсиз муштлашаётгани устидан чиқиб қолди, томонлардан бири унга кўз таниш йигитлар дейлик. Йигит муштлашув сабабию оқибатини суриштириб-ўйлаб ўтирадимиз? Менимча, йўқ, у “ҳеч иккиланмай” ўша танишлар томонида туриб муштлашади.

¹ Л.Қаюмов. Давр ардоқлаган шоир // Ғайратий. Танланган асарлар. 2 томлик. Т.1. - Т., 1973. - Б.5

² Ўша жойда.

³ Бу ҳақда қаранг: Д Куронов. “Адабиёт надири” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. - Т., 2006. - Б.

Айтмоқчиманки, Ғайратийнинг ғоявий мавқени эгаллаши мохиятан шунга ўхшайди. У ҳам сабаб-оқибатни, томонлардан қайси бири ҳақлигини етарли мушоҳада қилгани йўқ, зудлик билан “кўз таниш”лар сафига турди-да муштлашаверди.

Айтиш керакки, мазкур ҳол шеърятга 20-йилларда кириб келган авлод вакилларининг барига у ёки бу даражада хос бўлиб, ғоявий кураш шиддатини белгилаган муҳим омиллардан биридир. Бу авлод воқеликка ўзлари эгаллаган ғоявий мавқедан назар солди, шу боис ҳам Чўлпонга “бузилган” бўлиб кўринган ўлка унга “тузалган” кўринди.

Ғайратийнинг Чўлпонга жавобан ёзилган “Тузалган ўлкага” шеъри мавжуд воқеликка шўроча нигоҳ билан қарашнинг ёрқин намунасидир. Ўлкада Ғайратий кўрганлар Чўлпон кўрганларнинг буткул тескараси:

*Тухтаб қолган, қовжираган булоқлар
Шарақ-шарақ яна қайнаб чиқмишидир.
Аздарилган, вайрон бўлган қишлоқлар
Чиндан бугун гўзал тусга кирмишидир.¹*

Албатта, “Бузилган ўлкага” билан “Тузалган ўлкага”нинг орасидаги беш йил давомида уруш етказган жароҳатлар бита бошлаган, тиклаш ишлари бошланган, бу ҳақда Чўлпоннинг ўзи ҳам кўнгли тўлиб ёзган.² Ғайратийнинг ҳам Чўлпон каби бу ўзгаришлардан қувониши ҳеч айб эмас.

Лекин шеърда қувонч изҳори эмас, Чўлпонни, унинг тимсолида ғоявий муҳолифларни айблаш руҳи устувор. Унинг талқинида муҳолифлар ўлканинг “пок кўксига таҳқир тошин отарлар”, сабаби эса оддий:

¹ Ғайратий. Танланган асарлар. 2 томлик. Т.1 - Т., 1973. - Б.22; бундан кейин шу нашрдан кўчирма олинганда қавс ичида саҳифа кўрсатилади.

² Қаранг: Чўлпон. Вайронлар орасидан. // Чўлпон. Адабиёт надири. - Т., 1994. - Б.

*Табиийким улар сенинг яшнашингни кўролмас,
Оламшумул ўсишингга қарашларин буролмас.*

Онгу тафаккури мафкура исканжасида бўғилган шоир Чўлпоннинг беш йил аввалги вокелик туғдирган изтиробларини тушунишга ожиз қолади, унда юртининг “пок кўксига оғу-ўқ отмоқ истаган” душманни кўради. Ва душмандек муносабатда бўлади:

*Майли, сени газаб билан аччиқ-аччиқ сўксинлар,
Оғу каби тиллари-ла аламларни тўксинлар,
Пролетарнинг нўлат қўли янчиб ташлар, сурадир,
Синфий кураш ўти албат ўз ишини кўрадир.*

Аслида, Ғайратийнинг ушбу шеъри Чўлпон ва “чўлпончилик”ка қарши қаратилган компаниянинг узвий бир қисми бўлиб, бу компания “Партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида”ги қарори (1925 йил 18 июнь)га Ўзбекистондан берилган “лаббай” жавоби эди.

Бу “лаббай”га жўр бўлганлар сирасида Элбек, Ғ.Ғуллом, Ҳ. Олимжон каби қатор шоирларни ҳам санаш, шеърларидан шу мазмундаги сатрларни келтириш мумкин, лекин гап санокда эмас.

Асосийси шуки, Чўлпон ижодига танкидий ёндашув янги авлоднинг ўз ғоявий-эстетик мавқеини тасдиқлаш йўлидаги уриниши эди. Шу жиҳатдан Ғайратийнинг “Шоир” номли шеъри характерли бўлиб, унда шоирга бир қатор талаблар қўйилади:

1) яшаш йўлида “оммадан узоқ бўлмасин”;

2) “турмуш саҳфасин варақлаб очсин, Малаклар билан учишдан қочсин”;

3) “Ҳеч фойда бермас куйиб йиғлашлар”;

4) “Эркин меҳнатнинг нашъасин сезсин,

*Мавҳум ва сирли йўллардан безсин,
Синфий ётларнинг кўксини эзсин,
Қурашда қолоқ бўлмасин шоир”.*

Янги авлоднинг шеърият, унинг вазифаси ҳақидаги қарашларини Ғ.Ғулом “Ҳеч қандай бир қўрғон бормикан, большевиклар қўлга олмаган!” шеърида:

*Шу гигант даврдан юз буркаб
Қочмоқлик уятдан уятдир,
уятдир!
Бу тўрт йил, беш йилнинг
Сиқилган мазмуни
Ишлар ҳам, сўзлар ҳам,
Шеър ҳам мазмунча
Салмоқдор – симобдай,
кўп тийрак бўлсин.*

– тарзида ифода этади. У пролетар шоири яратган ижоди “тракторнинг эҳтиёт бўлагидай ардоқли” бўлганида ўзини бахтли сезади (“Сельмашнинг бир дегрез шоири”) деб билади.

Янги авлод шоирлари ғоявий-эстетик қарашларининг шаклланишида шўроча мафкура таъсири жуда кучли. Бу табиий ҳам. Чунки ижодий фаолияти 20-йилларнинг ўрталаридан бошланган Ғайратий, Ғ.Ғулом, Боту, Ойбек, Уйғун, Ҳ.Олимжон, К.Яшин, Миртемир каби ўнлаб шоирларнинг ўсмирлик даври инқилоб йилларида тўғри келган (саналган шоирлар 1902-1910 йиллар орасида туғилганлар), уларнинг кўплари шўро мактаблари, билим юртларида ўқиганлар (яъни, гарчи И.Ғафуровнинг “шўро ўқув даргоҳларида миясига сингдирилган ғояларга шеър либосини кийдиради”¹ деган

¹И.Ғафуров. Мунис хол ва шарпа // ЎзАС, 1990, 18 май
8 - 394

гапи Ҳ.Олимжон ҳақида бўлса-да, бу авлоднинг барига маълум даражада тааллуқли). Жамият ҳаётида шиддатли ўзгаришлар юз бериб, кескин ғоявий курашлар кечган давр шароити уларни тез улғайтирди – муайян ғоявий мавқеда туриш ва ҳаётда ўз ўрнини эгаллашга ундади. Жумладан, ижод соҳасида ҳам: мазкур шоирлар 20 ёшга етиб-етмай шоир сифатида танилган, 25 ёшга етмасидан битта-иккитадан шеърий тўплам муаллифи бўлган. Албатта, ҳар бирининг шахсияти, шахсий ҳаёт йўли билан боғлиқ ўзига хосликлар бўлиши табиий, лекин битта ижтимоий-психологик шароитда шаклланган ғоявий-эстетик қарашларда умумийлик бўлиши ҳам шубҳасиздир.

Янгича ғоявий-эстетик қарашлар билан адабиётга кириб келган бу авлод қарийб то 60-йилларга қадар ўзбек шеърияти ҳавосини, унинг ғоявий-тематик мундарижасини белгилади десак хато бўлмайди. Албатта, жамият ҳаётидаги ўзгаришларга мос равишда тематик кўлам кенгайиб борди, лекин унинг мазмун-моҳияти, асосан, шўро мафқураси доирасида қолаберди.

20-йилларда бу авлод ўзини янги тузумнинг фидойи ҳимоячиси ва тарғиботчиси сифатида намоён этди. Янги тузум ҳаётни тубдан ўзгартириши, инсониятни саодатга етаклашига бешак ишонч бу авлод шеъриятига ҳоким мафкура истаган оптимистик руҳни берди. Шу боис унинг лирик қаҳрамони собит ишонч билан улуғ йўлда “Олға қараб ботирларча бораман. Умидларим йўлин бўққан қора куч, Тоғ бўлса-да парчалайман, ёраман” (Ғ.Ғулом. “Тилак”); партия раҳбарлигида “Юлдузларга етажакмиз, Йўлимиз ҳақ, нурли ва оқ” (Ойбек. “Йўқлаш” “Биз олов, ўт каби кураш севамиз, Янги турмуш, улуғ жаҳон кураммиз” (Ҳ.Олимжон. “Янги турмушга”)¹ дейди.

¹ Ҳ.Олимжон. Асарлар мажмуаси. 5 томлик. 1-том. - Т., 1970. - Б.14.

Мафкуралашган шеърятнинг даъватлари биринчи галда ёшларга қаратилди, зеро, у ёшларда янги турмуш қуриш йўлидаги жонбоз қурашчиларни кўрди, шундай бўлишга чақирди. Давр шеъриятида ёшликка хос шижоат билан янги турмуш қуриш ишига киришган комсомоллар ҳақида ўнлаб шеърлар яратилди. Жумладан, Ғайратий қатъий ишонч билан “Комсомол турмушда янгилик яратар, Комсомол дунёга номини таратар” деб, Ҳ.Олимжон бўлса “Эскиликдан юз ўгирган, Зулмат билан қураш қилган, Ҳар қадамда нурлар сепган, – Ёш юракнинг тилагидир” деб ёзади. Мазмуни ва руҳига кўра шундай шеърлар сирасига яна Ҳ.Олимжоннинг “Зафар достони”, “Комсомол киз”, “Ёш куч”, “Ҳужум” гулига” шеърлари, Ойбекнинг “Ёш кўнгил”, “Ёш куч толмасин”, “Ёш куч”, “Ёш йўлчи”, “Ёшлик ва қураш” каби шеърларини киритиш мумкин.

Давр шеъриятида кенг оммалашган ғоявий-тематик мотивлардан бири сифатида “ўтмиш – ҳозир” тарзида қаршилантириш орқали янги тузум, янги турмушни алқашдир. Бу тарздаги қаршилантириш шеърятдаги энг асосий бадий усуллардан бирига айланди десак, муболага бўлмайди. Юқорида Ҳамзанинг “Ер ислохоти” шеърида буни кўргандик. Худди шу мавзуда ёзилган Ойбекнинг “Ер кимники?” шеъри “Яшил ува, олтин тупроқ Ёлғиз меҳнатники бу чок” мисралари билан бошланиб, унга учинчи банддаги “У бир тўда бойқушларди Ерда яйраб қанот қокқан” мисралари қарши қўйилади. Ва шу тариқа эски тузум парчалангани, энди эзилганлар устида “даҳшатли мушт” йўқлиги айтилиб, асосий хулосага келади:

*Ҳой, эрк олган деҳқон, ишла!
Сен ҳам эрк-ла экмак тишла!
Олтин тупроқ сеникидир,
Яйра, яшна ёзу қиш-ла.*

Шунга ўхшаш, давр шеъриятида -юртнинг ўтмишдаги ва ҳозирги қиёфаси, эскича ва янгича турмуш тарзи, хотин қизларнинг илгариги ва ҳозирги тақдири, яккахўжалик ва колхоз турмуши, эски ва янги урф-одатлар ва ҳ. тарздаги қаршилантиришлар замонани бадий тасдиқлаш мақсадига хизмат қилдирилди. Бундан ташқари, аксар шеърларда ўтмиш тилга олинмаса ҳам, уларнинг ифода йўсини тасаввурда беихтиёр “ўтмиш – ҳозир” қиёсини уйғотади. Бунга, айтайлик, октябрь озод қилган хотин-қизларнинг бахтиёр ва ижтимоий фаол ҳаёти, эркин меҳнат шавқи тараннум этилган юзлаб шеърларни ўқиб амин бўлиш мумкин.

20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб шеъриятимизда меҳнат мавзуси кенг ўрин эгаллай бошлади. Озод меҳнат шўро адабиёти эстетик идеалининг муҳим узвларидан бири бўлди. Бекорга Ғ. Ғулом илк шеърларидан биридаёқ “Ғўзаллик – ишлайиш, манглайни терлатиш, ғўзалдир унган иш, мақтанса ярашар” деб ёзган эмасди. Миртемир эса “Меҳнат” номли сочма шеърини “Меҳнат – шеър, нафосат ва яратувчи...”¹ сўзлари билан бошлайди ва шу қарашни лирик асослашга ҳаракат қилади. Меҳнат мавзусидаги шеърларнинг тематик доираси ҳам жамиятдаги ўзгаришларга мос тарзда мутасил кенгайиб борди. Аввалига кўпроқ эзувчиларидан халос бўлиб ўз ерида ишлаётган деҳқон (қўшчи) меҳнати, кейинча эса индустрлаштириш билан боғлиқ ҳолда завод-фабрика ишчилари, коллективлаштириш билан боғлиқ колхозчи меҳнати қаламга олинди. Албатта, бу мавзу ҳам мафқура нуқтаи назаридан ёритилди, ташвиқий-тарбиявий мақсадларга бўйсундирилди. Озод, яъни социалистик меҳнат поэтикаштирилди, ишчи-деҳқоннинг меҳнатидан завқ-шавқ топаётгани,

¹ Миртемир. Танланган асарлар.-Т.,1958.- Б.5

уз меҳнати билан турмушни фаровон, социалистик ватанни обод ва қудратли қилаётганидан бахтиёрлиги, бу йўлда жонбозу фидоийлиги, ишга онгли муносабати бўрттириб тараннум этилди.

Масалан, “Роҳатдир яшашим” шеърида Ғайратий талқинидаги деҳқон кетмонни “энг севган ўртоғи” деб билади, саҳарлаб туриб далага боришию “ҳар ишни ишлаши”дан масрур, “Меҳнатдир қадрли йўлдошим Шу учун роҳатдир яшашим – Ёз қишим...” дейди. Ёки “Кутганда” шеърида: ҳар тонг заводга ошиғи билан бирга кетувчи маъшуқа узоқ куттириб қўйди – “гудок фурсати яқинлаб қолди”. Сабаби, “Иккинчи смена иш чокда” дастгоҳининг “энг муҳим нуқтаси” синган, то мастер келиб тузатиб бермагунча вақти кетган: “Шу жиндек воқеа, кечаги савдо Тонггача кипригим жуфтлаштиради”. Маъшуқа ушбу изоҳни айтгач, шеър ошиқ тилидан шундай хотималанади:

*Меҳнатин, дастгоҳин ишқига тутқун
Даврнинг талабин қучоқловчи қиз.
Зорлиқнинг ишини кўзимга илган,
Англади шу ишқ-ла ўсдик иккимиз.*

Кўриб турганимиздек, ҳар икки ҳолда ҳам ташвикий-тарбиявий мақсад талқинни сунъийлаштиради.

Ғ.Ғулом “ғўзалдир унган иш” ёки Миртемир “меҳнат – яратувчи” деганларида, шубҳасиз, ҳақлар. Тунтариш ва ундан кейинги урушлар келтирган вайроналикларни, иқтисодиётни тиклаш йиллари, беш йилликлару зарбдор қурилишлар даврида чиндан-да улкан ишлар амалга оширилаётган, яратувчилик меҳнатининг кучи, қадри ва аҳамияти яққол намоён эди. Шу боис ҳам 20-30-йиллар шеъриятида меҳнат мавзусининг салмоқли бўлгани, Ғ.Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон каби шоирларимиз бу

мавзуда юзлаб асарлар яратгани табиий. Лекин меҳнат жабҳасидаги улкан ютуқларнинг қуюқ фониди зиммасига меҳнат мажбурияти юкланган алоҳида шахслар фожиаси, меҳнат аҳлига “темир интизом” келтирган шуришлар, бу борадаги сиёсат оқибатлари кўринмай кетди, шеърият воқеликка бир томондан, мафкура кўзи билан каради. Бунга амин бўлмоқ учун ҳатто Ойбекдек буюк истеъдод эгасининг айрим шеърларига эътибор бериш кифоя. Шоирнинг 1933 йилда ёзилган “Хумдонда” номли шеъри бор. Унда “қуннинг қизиган чоғи” енг шимарганча ғишт қуяётган “ёш қорача бир хотин” тасвирланади. Шу аёл “дудли тандир, ўчоқда қўллари косов, сочлари супурги” бўлган пайт “бўш, баёв” аталган, энди бўлса:

Энди ўз эрк севгинг-ла

Улуғ ишда ишлайсан.

Турткисиз меҳнатинг-ла

Экканингни тишлайсан.

Шоир “Кечаги асиралар – Буқуннинг саркардаси” дея фахр этади, шу аёл қуяётган ғиштлар “мамлакатнинг буюқ қурилишларини юксалтиради”, улуғ ва бахтиёр келажакка пойдевор бўлади, дея қувонади, “Нафис асар яратган Санъаткор хотин каби Севаман сени жондан” дея унга самимий хурмат ва муҳаббатини изҳор этади. Булар ҳаммаси яхши, лекин шоир талқинида шеърдаги аёл “Вақти билан эмизар Ёш ўғли – Қулунтойни” деталли шу кўтаринкиликка асло соя солмаётгани таажжубга солади кишини. Менимча, эмизикли аёлнинг саратон қизиғида қолипга лой уриши на инсон физиологияси, на инсоний ва на миллий қадриятларга мос келади, бу хотин-қизлар озодлиги ҳам эмас. Лекин, начора, давр

руҳи, онг-қараши шунақа эди, аксарият қадриятлар чап-пасига айланган эди.

30-йилларга келиб меҳнат мавзуси зарбдор социалистик қурилишлар, беш йиллик зафарлари мавзуси билан бирлашиб кетди. Мамлакатни индустрлаштириш йўлида эришилган ютуқлар шоирларимиз томонидан юксак пафос билан куйланди. Ғ.Ғуломнинг “Турксиб йўлларида”, “Мижжа қоқиб улгура олмайсан”; Ойбекнинг “Днепрострой”, Ҳ.Олимжоннинг “Биз енгдик”, “Тарих кўрганми?” каби шеърларида ғалаба пафоси авж пардаларда янгради. Эришилган ютуқлардан сархушлик, фахр туйғуси шу даражада баланд эдики, бунинг натижаси ўлароқ Ҳ.Олимжон шеърида ифода топган “Нима бизга, Америка?! Нима бизга, унинг суръати”, биз “Ундан ўтиб кетамиз” деган кайфият юзага келди. Шеърият кенг омма онгу руҳида шу кайфиятни ҳосил қилиш, танлаган йўлимиз тўғри ва албатта саодатга элтади деган қарашни сингдириш ишига камарбаста бўлди.

30-йилларга келиб ўзбек шеъриятида публицистиклик хусусияти тўла устуворликка эга бўлди. Шеъриятда лирикага хос бўлган ўзак хусусият – қалб кечинмаларини тасвирлаш кейинги ўринга сурилди: у ўз вазифасини, асосан, жамиятда юз бераётган ҳодисаларни тезкорлик билан акс эттириш ва уларга ғоявий-ҳиссий муносабат билдириш орқали оммага таъсир этиш, ижтимоий фикрни шакллантиришда кўра бошлади.¹ Буни шундан ҳам билса бўладики, масалан, 12 жилдлик Мукамал асарлар тўпламининг 1-томига Ғ.Ғулом 1930 йилдан 1940 йилгача ёзган 79 номдаги шеър киритган бўлса, шулардан 34 таси конкрет бир воқеа муносабати билан ёзилган,

¹ Бу ўринда Ойбек ва Ҳ.Олимжонлар ижодида шеърий публицистика соясида бўлса ҳам кўплаб яратилган кўнгиш шеърияти намуналарини истисно қилиш керак бўлади.

4 таси эса ҳажвий публицистик шеърлардир. Биз ушбу ҳисобни фақат ёзилиш сабаби муаллиф ёки ноширлар томонидан аниқ кўрсатилган шеърлар асосида амалга оширдик. Ҳолбуки, бу санокқа кирмаган бошқа айрим шеърлар ҳам конкрет воқеа муносабати билан ёзилгани яққол кўриниб туради. Албатта, бу шеърлар ичида чинакам ижтимоий поэзия даражасига кўтарилганлари ҳам бор, лекин аксарият қисми шеърӣй йўлда ёзилган публицистика даражасида қолган.

Публицистиклик шеърятнинг партия-ҳукумат қарорлари, сиёсатига ҳозиржавоб муносабатда бўлганида ҳам яққол кузатилади. Шўро ҳукумати амалга оширган коллективлаштириш, индустрлаштириш, беш йиллик режалар, ташқи ва ички сиёсат соҳасидаги тадбирлар – буларнинг ҳеч бири унинг эътиборидан четда қолмади. Жумладан, шеърятда колхоз тузумининг афзалликларини англатиш мақсадини кўзлаган кўплаб шеърлар ёзилди, колхоз туфайли бахтли ва фаровон турмуш кечираётган кишилар образларининг бутун бошли силсиласи яратилди, бу “ўта муҳим” тадбирга қаршилик қилган “зараркунанда”лар беаёв фож этилди, колхозчилар эришган ютуқлар муттасил тарғиб қилиб борилди. Ҳолбуки, коллективлаштириш жараёнида кўплаб бузилишлар бўлгани, деҳқонлар кўп ҳолларда колхозга англаб-англамай, ихтиёрий-мажбурий тарзда киритилгани, “зараркунанда” сифатида сургуну қамокқа ҳукм қилинганларнинг кўпчилиги ҳатто шўро меъёрларига кўра ҳам бегуноҳ бўлганлари ҳозирда ҳеч қимга сир эмас.¹ Бундан келиб чиқадики, шеърятимиз ҳақиқатан ҳам “бугунги ҳаётни эмас, балки унинг ўрнида барпо этилажак эртанги ҳаётни акс эттир”ди.²

¹ Бу ҳақда қаранг: Шамсутдинов Р.Т. Кишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун.-Т.:Шарқ, 2003 - 420 б.

² Каримов Н. Чўлпон.- Т.: Фан, 1991.- Б.47

Ва шу тарика жаид иждокорлар саъй-ҳараклари билан ҳаётга яқинлашган адабиёт 30-йилларга келиб яна ундан сезиларли узоқлашди.

Шуро йўлбошчилари ва уларнинг кўрсатмаларини жойларда амалга оширганлар наздида синфсиз жамият барпо этиш юрт тарихини унуттириш, аждодлар эътиқодидан тондириш, миллий маданият, урф-одату кадриятларни барбод қилиш орқали амалга ошади. Мафкура измидаги шеърият, афсуски, ўзига номуносиб ишларга ҳам бош қўшди. Аввало, юрт ўтмишини қора рангларда тасвирлаш урф бўлди, тарих зўрлигу зулм, хурофоту жаҳолат, қайғу ва алам, қон ва кўз ёшлардан иборат деб тушунилди (Ғ.Ғулом. “Турксиб йўлларида”; Ҳ.Олимжон. “Бахтимиз тарихига”; Ойбек. “Регистондан ўтганимда...” ва б.). Ёш бўғин кўпинча динни хурофотдан фарқламай, аждодлар топинган тушунчаларга мазохли, таҳқирли муносабатда бўлди, шеърларида даҳрийлик нафаси уфурди. Миллионлаб кишилар Аллоҳга иймон келтириб яшаётган юртда “Асли йўқ уйдирма, Асрлар чайналган “Якка” деб ном бериб, Топиниш рабгами?” тарзида саволлар қўйишга, ота-боболари уйларининг тўрида сақлаб, таҳоратсиз қўлга олмаган Куръони Каримни “уйдирма тўплами” дейишга андиша қилмади (Ғайратий. “Нимага?”. Худди шу руҳдаги сатрлар Ғ.Ғуломнинг кейинроқ, 1941 йилда ёзилган “Мен яхудийман” шеърида ҳам учрайди: “Куръон оятлари менинг ақлимдан Туя тўқимидай минг куроқланиб, Ўғирланиб, ямалиб... фақат Араб саҳросида тентиган соя”. Ниҳоят, буларнинг ҳосиласи ўлароқ, миллийликни инкор қилиб интернационализм байроғини кўтарган 30-йиллар шеърияти Ваган тушунчасини ҳам ўзгартириб юборди. Жаидларга Турон – Туркистон – Ўзбекистонни англаган бу сўзнинг жуғрофий кўлами кенгайди, “бе-

поён советлар мамлакати”ни англатадиган бўлди. “Мен-ким, СССР меҳнаткаш халқининг ўғлиман; Шимолдан жанубга, Шарқдан ғарбгача Қўзилгандир менинг Ва-таним” деб ёзади Ҳ.Олимжон. Худди шундай ўйлай бошлаганидан Ғ.Ғулом челюскинчиларга бағишланган шеърини “Шунингдай қаҳрамонларни туғолган улка – бизнингдур” дея фахр-ла яқунлайди. Тўғри, шу йил-ларда Ойбек, Ҳ.Олимжонларнинг машҳур “Ўзбекистон” номли, Ғ.Ғуломнинг “Боғ”, “Бари сеники” каби бевосита Ўзбекистон мадҳ этилган гўзал шеърлари ҳам яратилди. Лекин уларнинг 30-йиллар ижоди контекстида қаралса, Ўзбекистон шўролар мамлакатининг ажралмас бир қисми сифатида тушунилаётгани, “катта Ватан – кичик Ватан” тарзидаги англам қарор топиб улгурганини кўриш мумкин.

Юқорида жадид адабиёти мафқуралашган адабиёт эканини айтдик. У билан ғоявий курашда ғолиб бўлган шўро адабиёти, айниқса, шеърятти 30-йилларга келиб росмана сиёсий тус олди. Зероки, шеърят шўро сиёсатини амалга оширишга қўмаклашган экан, шундай дейишга ҳақлимиз. Маълумки, “халқлар отаси” жамият ривожлангани сари синфий кураш ҳам кучайиб боради деган ғояни олдинга сурган ва бу кенг миқёсдаги “тозалов”у катағонларга йўл очган эди. Афсуски, шўро ички сиёсатидаги ушбу мудҳиш амалиётга шеърят ҳам бош қўшди: қулоқлаштириш, “ёт унсур”ларни тугатиш, партия-хукумат органларидаги “тозалов”лар, катағон сиёсати шеърят томонидан қўллаб-қувватланди. Айниқса, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжоннинг “зинапоя”лари 30-йиллар ша-роитида нечоғли кучли сиёсий жаранг топганини ҳис қилиш қийин эмас. Хусусан, Ҳ.Олимжоннинг 1951 йилдан кейинги нашрларга кирмаган “Ўлим ёвга” шеърисида хужжатлар “Ботулар, Олтойлар бўлароқ бир тан, Шўрога

қарши бир ташкилот тузган”идан гувоҳлик бериши, “Уч ҳарф-ла ҳар душманга титрок берган ГПУ!!!” бунга қарши қилич яланғочлагани айтилади-да, сўнг алоҳида сатрда “Ўлим ёвга!” хитоби янграйди. Энг афсусланар-лиси, шоир ушбу ҳолни табиий ва қонуний деб билади: “Бу – синфнинг, Партиянинг, Бу – тарихнинг йўли бу!”¹ Бу билан катта истеъдодларни айблаш, қоралаш фикри-дан йироқман, лекин уларнинг фаолияти издошлар учун сабоқ бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ўзбек шўро шеърятининг илк авлоди етакчилари – Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжонларнинг мукамал асарлар тўпламларига кирган шеърларни ўрганиш асносида бир нарса эътиборни тортади. Ҳ.Олимжон 1934 йилдан кейин, асосан, “кўнгил шеърятини” намуналарини яратган. 30-йил-лар адоғига яқинлашган сари Ойбек кўннинг долзарб ма-салаларига ғоявий-ҳиссий муносабатни тақозо этаётган лирикадан эпик тафақурни маъқул кўрган. Лирикада ўта фаол ижод қилган Ғ.Ғулом 1937-1939 йиллар давомида ати-ги 14 та шеър ёзган бўлиб, уларда илгариги сиёсий пафос у қадар бўртиб турмайди.* Албатта, бунга турлича шахсий, ижтимоий-психологик сабаблар борлиги шубҳасиз. Лекин шулардан бири, менимча, бу ижодкорларнинг юз бераёт-ган ижтимоий ҳодисалар таъсирида ўзлари бешак ҳақ деб билган қарашларида бирмунча тараддудланиб, иккиланиб қолганларидир. Шу боис “Муқанна”ни ёки Ойбекнинг та-рихий мавзудаги асарларини янгича ўқишга уринишда² озми-кўпми асос бордек кўринади.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши мазкур та-раддудланишни орқа планга суриб қўйди, уруш факти-

Қаранг: И.Ҳасан. Ҳақиқат турланмайди, тусланмайди... // Ёшлиқ. - 1991. - № 7. - Б53

* Албатта, бу ўринда, И.Ҳасан мақоласидан келиб чиқиб, уларнинг “Мукамал асарлар тўплам”ларига барча шеърлари ва аслича кирмаган бўлиши эҳтимолини ҳам инкор қилмаймиз.

¹Қаранг: Шарк юдузи.- 2002.- №2; Шарк юдузи.- 2004.- №2; Миллатни уйғотган адиб.- Т., Университет. 2005

нинг ўзи шеъриятнинг ғоявий-тематик мундарижи-
си ва етакчи пафосини белгилаб берди. Шеърият ўзи-
ни урушга сафарбар этилган билди, шоирларимиз, кўп
бора айтилганидек, “фашизмга қарши қалам билан
жангга кирдилар”. Фашист босқинчиларига нафрат ва
ғалабага чексиз ишонч давр шеъриятининг асосий лейт-
мотивини ташкил қилди. Урушнинг бошиданок “Тарих-
нинг ҳукмидир бу: бизникидир зафар чин” (Ҳ.Олимжон,
“улуғ байрам кун Бўлар ёв ерида худди эртага, Ўлур Гит-
лер, фашизм, ўлур даҳшат – тун...” (Ғ.Ғулом каби руҳ
билан йўғрилган шеърлар яратилди. Албатта, нафрат
эзгуликдан, ишонч эса эзгулик муқаррар ғалаба қилади
деган эътиқоддан озикланади. Айни чоқда, мафкура-
лашган шеърият партиянинг, дохий Сталиннинг доно
раҳбарлиги ғалабага элтади, деган фикрни ҳам алоҳида
урғу билан таъкидлади: “Модомики, Партиянинг ўзи
қўмондон, Мутлақ ғалабага етарли гаров” (Ғ.Ғулом. Маз-
кур умумий руҳга йўғрилгани ҳолда уруш даври шеъри-
яти тематик жиҳатдан хилма-хил. Табиийки, мавзулар
доираси уруш шароитининг ижтимоий-маънавий талаб-
эҳтиёжлари билан белгиланди, айни шароит шеърият-
дан публицистикликни ҳам тақозо этди. Жумладан,
унда Ватан ҳимоясига чорлов (Ҳ.Олимжон. “Қўлингга
қурол ол”; Ойбек. “Ёвга ўлим”, “Йигитларга”), жангчи-
лар билан фронт ортида қолган жигарларнинг маъ-
нан бирлиги (Ғ.Ғулом. “Соғиниш”; Ойбек. “Сенинг
қувончинг”), уруш келтирган офату инсоний фожеалар
(Ғ. Ғулом. “Сен етим эмассан”; Ҳ.Олимжон. “Роксана-
нинг кўз ёшлари”; Ойбек. “Изсиз қишлоқ”), ҳақ ва эзгу-
ликнинг муқаррар ғалабаси (Ғ.Ғулом. “Бизнинг кўчада
ҳам байрам бўлажак”) каби мавзулар қаламга олинди.
Хуллас, агар шу йилларда ёзилган шеърлар кўздан кечи-
рилса, шоирларимиз ғалабага қўшган ҳиссаю уларнинг

қаламини қуролга айлантирганлари ҳақидаги гаплар шунчаки лутф эмас, балки айти ҳақиқат эканига амин бўлиш мумкин.

Юқорида айтганимдек, 30-йиллар охирига келиб 20-йиллар авлодининг ғояга муносабатида тараддуланиш сезилади. Ишонч мисоли бир биллур идиш-у, энди у дарз кетган ва олдингидек жаранг беролмас эди. Албатта, уруш йиллари ўша ғоявийлик яна кучайгандек кўриниши мумкин. Лекин бунда умуман ғоя эмас, унинг умуминсоний томони устувор бўлди. Демокчиманки, шоирларимиз ўзларини ғоявий-синфий душмангина эмас, фашизм тимсолидаги инсоният душманига, Гитлер тимсолидаги ёвузликка қарши жанг майдонида ҳис этдилар. Шунинг учун ҳам уруш даврида ёзилган шеърларда даъваткор руҳ билан бирга инсоний ҳис-туйғулар ҳам самимий ифодасини топди, “Соғиниш”, “Сен етим эмасан” (Ғ.Ғулом), “Роксананинг кўз ёшлари” (Ҳ.Олимжон), “Қора хат” (Ойбек) каби қатор шеърларда оддий одамларнинг дарди, алами, умиду қувончлари реалистик акс этди.

Шуларга қарамай, барибир, ишонч дарз кетиб бўлган эди. Энди уни олдингидай авж пардаларда куйлашга овоз етишмай қолган, аниқроғи, энди ғоя овозни юксак пардага кўтарадиган қувват манбаи бўлмай қолган эди. 20-йиллар авлодининг биз таҳлилга тортган учта йирик вакили ижодий тақдири айнан шуни кўрсатади. Умри қисқа экан, Ҳ.Олимжон бевақт ҳаётдан кетди. Хасталикка чалинган Ойбекнинг урушдан кейинги йиллар ижодида кўпроқ фалсафий мазмундаги лирика устувор бўлди. Булардан ёлғиз Ғ.Ғуломгина урушдан кейинги давр шеърлятида чинакам фаол иштирок этди. Шоирнинг бу даврда ёзилган шеърларига разм солинса, уларнинг ғоявий-тематик мундарижаси сезиларли ўзгарганига

гувоҳ бўламиз. Жумладан, ёши улғайган шоирнинг қатор шеърларида фарзандлар камолини кўриб қувонган, уларнинг порлоқ эртасига умидвор нигоҳ билан боқиб турган лирик қаҳрамонни кўриш мумкин. Бу лирик қаҳрамон фақат ўз фарзандлари эмас, бутун халқ болалари камолига қувонади (“Олтин медаль”, “Фарзандларга”), уларга оталарча насиҳатлар қилади (“Ўқи”, “Имтиҳон”), кичкинтойларга аталган шеърларида жужукларни суйиб эркалайди. Айни чоқда, бу шеърлар шундай бахтли замона ва келажакка умидворлик берган партия-ҳукуматга шукроналик ҳислари билан тўлик (“Авлодлар”, “Бугуннинг шеъри”, “Бахтли болалик”). Бу бахтиёр турмушнинг асоси бўлган тинчликни ёқлаб, унга раҳна солувчилар, уруш ўтини ёқишга чоғланганларга нафрат руҳи билан ёзилган шеърлар (“Биз тинчлик истаймиз”, “Яшасин тинчлик”) ҳам талайгина. Шунингдек, Ғ.Ғуломнинг урушдан кейинги йиллар шеърий ижодининг асосий қисмини календарь шеърлар ташкил қилади. Ҳеч бир тадбир – партия съездию пахтакорлар, механизаторлар, ирригаторлар ва ҳоказолар қурултойлари, пахта планининг бажарилиши каби воқеалар – шоир эътиборидан четда қолмайди, уларга албатта шеър бағишланади.

Шу жумладан, доҳий туғилган кун, янги урф бўлган байрамлар (1 май, 7 ноябрь, 8 март, Янги йил) ҳам шеърсиз қолмайди. Натижада шоир кўп ҳолларда ғоянинг, тузумнинг оддийгина маддоҳига айланиб қолади, аслида мақола ёки нутқ шаклида айтилиши мумкин бўлган гапларни шеърга солади. Албатта, ҳатто шу шеърларда ҳам ўрни билан Ғ.Ғуломга хос бадий маҳорат, ўткир поэтик идрок ярқ этиб кўзга ташланади. Яъни Ғ.Ғуломнинг бу даврда битилган шеърларидан бадий мукамал фрагментларни исталганча топиш мумкин.

Бирок, афсуски, шеърлардаги давр мафкураси бевосита ва яланғоч тарзда ифодаланган ўринлар оёққа боғланган тош мисоли юксакларга парвоз этишга йўл қўймайди, уларни даврнинг мафкуравий ботқоғи томон тортаверади.

Афсуски, бу шўро даврида қалам тебратган кўплаб шоирларда кузатиладиган ижодий қисматдир. Ғояга бешак ишонч ва ўзини унинг хизматига камарбаста билиш Ғ. Ғуломга берилган улкан истеъдод кучининг катта қисми “ўтин ёришга” сарфланишига олиб келган экан, бошқаларнинг санъаткор сифатидаги фожеаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Юқорида 20-йиллар авлодининг фаолияти издошлар учун сабоқ бўлиши лозимлигини айтдим. Сабоқнинг қисқа мазмуни шуки, янги давр шоири ҳамиша шахслик мақомида туриши лозим, шундагина унинг шеърлари ўз даврини акслантиргани ҳолда замон ҳукмидан ҳоли бўлиши, ижтимоий пафосга йўғрилгани ҳолда умуминсоний мазмун-мундарижа касб этиши мумкин бўлади.

2.2. Лирикада ижтимоий дарднинг инсонийлашуви

60-йиллар шеърияти XX аср ўзбек поэзияси тарихида алоҳида ўрин тутди. Чунки айнан 60-йилларга келганда шеърият халққа, инсонга яқинлашди. Бу дегани шуки, у аввалги мадҳиябозлигу мафкурабозликдан, расмиятчилигу буйруқбозликдан, риторикадан, насихатбозлигу куруқликдан, волонтаризмдан, тантанадан, ўринсиз ғурурдан халос бўла бошлади. Шоир “совет халқи” деб номланган кўпчилик орасидан ўз “мен”ини қидириб топди ва унга бир инсонга қарагандай қарай олди. Қ.Йўлдошев тўғри таъкидлаганидек, А.Ориповга қадар “шўро шоирининг қулоғи замон юрагида, кўзи партия оғзида бўлиши лозим эди. Шеърият олам ҳодисаларини ифодалаш воситаси, чақириқ, даъват саналарди. Абдулла Ориф эса одамнинг ўзини, унинг шахси, туйғулар оламини асосий қадрият деб билди. Шу боис инсоннинг қалбини тадқиқ этиш эҳтиёжини туйди”¹. Натижада 60-йилларгача шеъриятда урф бўлган “ура-урачилик” ўрнида бутунлай бошқа бир моҳиятли поэзия – мунг тўла бир шеърият туғилиб келди. Бу шеърият яна инсонпарвар ва ҳақиқатпарвар бўлиб майдонга тушди. 60-йиллар авлоди шеъриятининг бош хусусияти ана шундай эди. Улар орасида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва Рауф Парфилар шеърияти янаям ажралиб туради. “Олтмишинчи йиллар Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг йиллари эди. Олтмишинчи йилларнинг янгилиги Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов бўлди... Шеърият бу йиллар ва айниқса, олтмишинчи йилларнинг илк пайт

¹ Қ.Йўлдошев. Ёниқ сўз.-Т., 2006.-Б.250

лари волонтиаризм ва расмиятбозлик тугал шаклланган бирёқламалик асоратларидан қутулиш палласига кириб кела бошлаган эди. Ҳа, бирёқламалик унча-мунча нарса эмас, у – асорат. Расмиятчилик ва буйруқбозлик унча-мунча нарса эмас, у – асорат. Поэзия мана шундай маънавий асоратлар исканжасида анча қисилган эди. Абдулла Ориповнинг кўлига соз олган пайти мана шундай асоратлардан халос бўлишга уриниш даврига тўғри келди. Бу шоир асоратдан халос бўлган овоз билан шеър айта бошлади. Унинг эркин-хур куйи ҳаммамизни ром қилиб олди. Олтмишинчи йиллар ҳар бир ёзган шеъри чин овоза бўлди. Ҳар бир шеъри бир воқеа каби қабул қилинди”,¹ – деб ёзади Иброҳим Ғафуров.

Ҳақиқатан ҳам Абдулла Орипов 60-йиллар шеърятининг энг забардаст вакилларида бири. У шеърятимизда дабдаба ва мадҳиябозлик расм бўлган, шоир ҳам, ўқувчи ҳам шунга кўниккан бир пайтда “қўққисдан йиғлаб юборган” ижодкор.

XX аср ўзбек шеърятига биринчилардан бўлиб энг ёқимли, энг хуш мунгни олиб кирган шоирдир у. Шунинг учун ҳам ўша вақтдаги расмий доиралар ва ҳатто адабий танқидчилигу жамоатчилик бир қадар тараддудланиб қолганига қарамай, бу шеърят кўпчилик томонидан қабул қилинган, ҳатто севиб қолинган эди.

*Қайтгим келди, онам, ёнингга,
Юрагимда исмсиз дардлар.
Совуқ хонам, соат чиқ-чиқи,
Ташқарида хазонрез боғлар,
Ёмғирнинг жим хонши қилиши...
Бариси ҳам нечундир бу дам
Туширмоқда сени ёдимга...*

¹ Иброҳим Ғафуров. Дил эркинлиги. - Т. Маънавият, 1998. - Б. 119

Шеър 1963 йилда ёзилган. Якин ўтмишимиздан яхши биламизки, бу вақтда собиқ Иттифоқ бўйлаб социализм қурилиши авжида, оддий одамдан раҳбарларгача, етти ёшдан етмиш ёшгача ушбу улкан қурилишга маънан ва жисман сафарбар этилган, инсон қайси соҳада ишламасин, кайфият-ҳоли нуқтаи назаридан ўша азим ишларга монанд руҳда бўлмоғи талаб қилинган вазият эди.

Шеърятда улкан шоир Ғ.Ғуломнинг ўқтам, улуғвор, ғурур ва ифтихорга тўла, айна пайтда сиёсий-мафкуравий ҳозиржавоб “календарь” шеърлари баралла янграётганди, ўқувчи ҳам шунга кўникканди. Бироқ бирдан атрофни мунгли бир нола тутади-да юрагидаги исмсиз дардлардан, онасини қаттиқ соғинганидан, унинг ёнига қайтгиси келганидан, чунки табиат ҳар доим ҳам киши бошини она бўлиб силамаслигидан тўлиб-тошиб ёзади.

Ҳа, Абдулла Орипов 60-йилларда мафкуравий тарғиб-ташвиқот остида қайсидир даражада “темир одам”га, “робот”га айланиб бораётган замондошига унинг ўз, аслий туйғуларини ёдига солган шоирлардан биридир. Бироқ айна пайтда ва энг аввало, асосан, Абдулла Ориповнинг ўрни улкан ижтимоий шеърятга билан белгиланади.

Ҳамма гап шундаки, кўпнинг дарди – ижтимоий дард “мен”нинг дардига, шоир дардига айлангани учун ҳам Абдулла Ориповнинг ижтимоий шеърятга бир вақтнинг ўзида кўнгил лирикасидек қабул қилинади.

*Парво қилма, дўстим, эзилма сира,
Ғамгин кўшиқларни куйласа шоир.
Мисралари гарчанд маънос ва хира,
Лекин барчаси ҳам калбига доир.
Буюк замонанинг оташин зарби
Унинг қаламига ёт эмас асло.*

*Агар керак бўлса, Шарқни ва Ғарбни
Ёлғиз бир шеърига эта олар жо.*

Дархақиқат, Абдулла Орипов шеъриятида даврнинг, замонанинг оташин зарби – қайноқ нафаси уфуриб турадики, назаримда, бадий асарнинг кенг муваффақият қозониши шартларидан бири айнан шу ерда мужассам. Лекин давр нафаси шеърятда Абдулла Ориповгача, Эркин Воҳидовгача, Рауф Парфигача йўқ эдими? Нега энди 60-йилларда келган ёш авлод поэзияси ўқувчилар қалбини бунчалар ром этди? Ахир Ойбеку Ғафур Ғулом, Шайхзодаю Миртемир, Асқад Мухтору Шухрат, Зулфияю Саида Зунунова каби бошқа ўнлаб забардаст шоирлар ижодида ҳам замона нафаси баралла сезилиб турар эди-ку! Гап шундаки, 60-йилларга келиб нафақат ўзбек, балки ўша вақтдаги умумиттифоқ поэзиясида ҳам улкан эврилишлар юз берди. В.Вознесенский, Н.Рубцов, Р.Рождественский, Қ.Кулиев, Р.Ҳамзатов, Ў.Сулаймонов каби етук шоирлар ижоди шундан дарак беради. Ўзгариш ва эврилишларнинг туб сабаби, табиийки, И.Сталин вафотидан кейин мамлакат ижтимоий ҳаётида юзага келган “илиқлик” билан изоҳланади.

Шоир теграсидаги олам, ундаги ҳаёт, одамлар, муносабатлар ўзгаришига юз тутаётган эди. Бунинг натижасида шоир ўз асри билан, замондоши билан юзмаюз, бақамти келди ва самимий куйлай бошлади. Унинг шеърлари она заминга, одамга, унинг муаммоларига яқинлашиб келди. Е.Евтушенко бир шеърда “Келди ўзга замонлар, Кўринди ўзга номлар”¹ деб ёзади ўзгариб бораётган замондошларини кузатар экан. Бошқа бирн шеърда “Қўлланган услублар сийқадир энди, Билмай қолдим нима қиларимни ҳам”² деб айтадики, “ўзга

¹ Ложувард осмон Тўплам. М.Мирзо таржимаси - Т., 2008 - Б. 65.

² Ўша асар. - Б. 61

замонлар” келганлиги услубларнинг янгиланишига эҳтиёж туғдирган, замин яратгандек таассурот колдиради. Ёки А.Вознесенский ёзади:

*Тинглар сангдил аср ҳам...
Юракдан теран жушиб,
Ўзга фикрли одам
Куйлар ажиб бир қўшиқ.¹*

Кўринадики, 60-йилларда ёзилган бу шеърларда шоир инсоннинг ўзгариб бораётгани, бунга сабаб – унинг фикрлари, қарашлари бошқа мазмун, характер касб этаётганидан сўз очаяпти. Шундай мазмунга яраша ўзга услуб ҳам қидирилмоқда. Тахминан мана шундай кайфият 60-йиллардаги ўзбек шеърлятида ҳам ҳукм сурди. Натижада Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матчон каби шоирларимизнинг янги мазмунни янгича оханглар, ифодалар билан тараннум этган шеърлари майдонга келди. Албатта, бу ўриндаги “янги мазмун”, “янги оханг”, “янги ифода” каби иборалар ғоят баҳсталаб. Чунки шеърлятидаги чинакам янги мазмун ва шунга муносиб янги шакл ХХ аср аввалида пайдо бўлган. Шунга қарамасдан, 40-60 йиллар оралиғида ўзбек поэзиясида ҳукм сурган умумий баландпарвозлик ва схематизм қаршисида 60-йиллар шеърляти шартли маънода назмимизнинг қайтадан жонланиши, янгиланиши эди. Профессор О.Шарафиддинов: “А.Орипов янги ўзбек шеърлятини яратгани йўқ. У шеър тузилишини ислоҳ қилмади, аксинча, унинг ҳамма шеърлари традицион воқеалар асосида туғилган.

У поэтик тафаккурнинг янги қонуниятларини кашф этгани йўқ”...² деб ёзса ҳам, барибир, А.Орипов мансуб 60-йиллар авлодининг ўзбек шеърляти бадий тафаккур

¹ Ўша асар. - Б. 101.

² Озод. Шарафиддинов. Ҳаёт билан ҳамнафас.Т., Ёш гвардия. 1983 Б156.

тараккиёти силсиласидаги улкан вазифасини беҳато илғайди: “Чинакам шоир доим адабиётга шеърятнинг янгича талқинини олиб келади ва бунда замоннинг эстетик эҳтиёжлари ифодаланади.

Шундай вазифаларни янгича тушуниш, шоирнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янгича талқин қилиш А.Орипов учун ҳам характерли” .

60-йиллар аввалида А.Орипов кўпроқ инсон қисмати, муҳаббат, армон, умрнинг шошилинич оқиши, табиат каби мавзуларда қалам тебратди, кўнгил манзараларини чизди. Унинг ижодига чинакам ижтимоий ноталар Ватан мавзуси билан бирга кириб келди ва бу мавзу шоир поэзиясининг лейтмотивига айланди.

Хусусан, 1964 йилда ёзилган “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърини олиб кўрайлик. Сарлавҳага чиқарилган савол шунчаки риторика эмас, балки ўз Ватанига бўлган муҳаббатини тушуниш мақсадида қўйилган мулоҳазакор саволдир. Савол шу тарзда қўйилганиёқ муаммо шоир учун ижтимоий-шахсий долзарблик касб этгани, мавжуд қарашлар уни қониктирмаганидан бу борада ўз ғоявий-эстетик мавқеини белгилаш эҳтиёжи туғилганини кўрсатади. Шу эҳтиёж шоирнинг лирик-фалсафий мушоҳадаларига туртки беради:

*Аслида, дунёда танҳо нима бор,
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.*

Демак, Ўзбекистоннинг серқуёшлиги ёки унда пахта ўсиши шоир севгисига етарлича сабаб эмас ва айна ҳол мавзу талқинида уни салафлардан фарқлайди.

Шоир изланишда – Ватан муҳаббатига омил бўлган бош сабабни қидиришда давом этади. Ниҳоят, топади ҳам:

*Хуш, нечун севаман Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин десалар менга,
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга.*

Шоир йўл юради, йўл юрса ҳам мўл юради, охир ўзи кўзлаган – қалбига таскин бағишлайдиган манзилга етиб келади. Лекин бу йўл шунчаки йўл эмас, балки рамзийдир. Унинг маъноси – ёш шоир тафаккур йўлини, англаш йўлини босиб ўтади. Ватанни тушуниш сари улоққан йўл уни халқининг қошига олиб келади.

*Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?*

Демак, шоир учун Ватаннинг қаерда жойлашганлиги, боши устидаги куёш нурининг оз-кўплиги аҳамиятсиз. У ҳатто “Мангу музликлар”да бўлса ҳам – барибир, шоир Ватанни севишда давом этаверади. Чунки бунга биринчи ва асосий сабаб – халқи! Халқни ўйлай бошлаган шоирнинг эса унинг ўтмиши, бугуни ва келажаги тўғрисида мулоҳаза юритмаслиги мумкин эмас. Бундай йўлни – фикр йўлини, мулоҳаза йўлини босиб ўтган шоирнинг қаламидан чиққан лирика, табиийки, ижтимоий мазмунга тўйинган ҳисобланади. Юқорида ижтимоий дард “мен”нинг дардига айланганини айтдик. Агар шу шеърга татбиқан олсак, бу давр кишиларида Ватан туйғуси ўзгаришга учрай бошлаган ва айни ҳол шоир орқали аксланган деганидир. Худди шу туйғуни давр шеърятининг бошқа бир йирик вакили Э. Воҳидов:

*Йўқ, муътабар эмас асли ер,
Қутлуг эмас тупроқ ҳеч қачон.
Муборақдир инсон тўккан тер,
Муътабардир қутлуг тоза қон,¹*

– дея ўзгачароқ йўсинда ифода этади. Яъни Ватан аждодларнинг тер ва қони тўкилган маъво эканлиги билан муқаддас, муътабардир.

Ватанга бу тарз қиммат берилиши табиий равишда унинг ўтмишига назар солишга, тарихни қайта идрок этишга ундайди. Бу эса 60-йилларда шеъриятимизда Ватан мавзусидаги энг гўзал шеърлардан иккитаси дунёга келишига замин бўлди. Мен А.Ориповнинг “Ўзбекистон” шеъри ҳамда Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасини назарда тутмоқдаман. Салафлардан фарқ этиб, бу шеърларда иккала шоир ҳам юрти тарихига ҳолис назар солишга интилади: агар 20-йиллар авлоди ўтмишда фақат қора саҳифаларни курган бўлса, бу авлод унинг шонли саҳифаларини ҳам варақлай бошлади. Ва бириси “Олис тарих қадамим маним, Ўзбекистон, Ватаним маним” дея, иккинчиси “Сенга тенгдош Помиру оқсоч Тиёншон, ўзбегим” дея фахр ҳиссини туйди. Шонли саҳифаларни варақлаш асносида буюк аждодлар – ўзбек тарихида ёрқин из қолдирган сиймолар амалга оширган улуғ ва хайрли ишлари қаторида ёдга олинади. Бу дегани ўша номлар ва уларга ёндош тарихий воқеалар шоирлар тафаккурида бир ерга жам этилиб, замондош инсон онгида қайта таҳлилдан ўтказилди. Агар Ватанга муҳаббат ўзи мансуб халққа муҳаббатдан келиб чиқишининг англаниши илк қадам бўлса, бу шеърларда Ватан муҳаббатига сабаб бўлган ҳадаф конкретлашади. Негаки, энди илдизларга назар солинмоқда: иккала

¹ Э.Воҳидов. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Муҳаббатнома. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б.72.

шоир ҳам узини буюк аждодларга ворис деб билади, бундан фахр туяди. Бу шеърларда иккала шоир ҳам олабий микёсда фикрлайди десак, хато бўлмайди. Чунки уларнинг ўтмишни идрок элагидан ўтказиши Ватани, халқининг дунёда тутган ўрнини, бошқача айтсак, миллий ўзликни англаш йўлидаги эҳтиёткорлик билан қўйилган илк қадамлардир.

Эҳтиёткорлик деганим бежиз эмас, замон шуни тақозо этарди. Хусусан, шеърларидаги шу хил янгича кайфият туфайли А.Ориповнинг хушёр мафкурачилар томонидан нишонга олингани ҳам шуни кўрсатади. Иккинчи томондан, ўз даври учун олға кетиш санаётганимиз бу шеърлар ҳам мафкура тазйикидан ҳоли эмас эди. Жумладан, шонли ўтмиш билан ҳар қанча фахрланмасин, А.Орипов юрти хомталаш бўлмай туриб “бош устига инқилоб келгани”, “Ленин беғараз қўл чўзгани” ва “қилич серпаб толе тонгида” ўзлигини таниб қолганини айтса, Э.Воҳидов “бўлди осмонинг чароғон толе хуршиди билан” дейди. Ҳар икки ҳолда ҳам инқилобнинг Ватан тақдирида буюк бурилиш эканлиги таъкидланади. Шунингдек, А.Орипов “улуғ совет оиласида мангу ёруғ пешонанг сенинг” деса, Э.Воҳидов “Ватанни бир боғ”у Ўзбекистонни “унда бир гул” дейди. Лекин барибир бу шеърлар ботинида “Мен буюк бир юрт ўғлидурман, Мен башар фарзандиман, Лекин аввал сенга бўлсам содик ўғлон, ўзбегим” тарзидаги орзу-истак устунлик қилади.

Хоҳ шоир, хоҳ тарихчи, хоҳ файласуф бўлсин, тарихни шу тарзда кўз олдига келтириб, унда юз берган жаҳоншумул воқеалар туб моҳиятини англашга тиришар экан, тадқиқотчи ўзи ўрганаётган объектнинг ижтимоий моҳияти билан юзма-юз келаверади.

Худди шундай, А.Орипов ҳам, Э.Воҳидов ҳам Ватан мавзусидаги шеърларини ёзар экан, ҳеч шубҳасиз, ижти-

моиётга рўбарў келишган. Ҳа, 60-йиллардаги эркинлик эпкинлари ижодкор ботинидаги туйғуларни кўзгатиб юборганди. Образли қилиб айтганда, эркинлик шабада-си Алоуддин каби кўзани силаб ўтган ва оқибат унинг ичида ухлаб ётган дев уйғониб қолганди. Шунинг учун ҳам ўша давр поэзиясида ифода этилган ҳис-туйғую фикрлар, тарихимизнинг олдинги босқичига нисбатан олинса, чиндан ҳам мўъжиза. Масалан, рус шеърятидан биргина В.Высоцкийни олайлик. У ҳеч қандай келишувчиликка бормади, даврни, жамиятни, тузумни, ундаги кайфиятни аёвсиз танқид қилади:

*Нечун мен жамият қалби бўлайин,
Қачонки, унда қалбнинг ўзи бўлмаса.¹*

Шоир ўзи яшаётган жамиятни қалбсизликда айб-лайдики, бу ўз даври учун жуда кучли танқид эди.

Албатта, ўзбек шеърятисида бундай очикдан-очик радикал кайфият маҳсули бўлган шеърлар ёзилмаган. Лекин шунга қарамай, тарих ва бугунни идрок этиш шоирни анча-мунча кўз юмилмас ҳақиқатлар майдонига чиқариб қўйган десак, янглишмаймиз. Ҳа, А.Орипов бу даврда 1981 йилда ёзилган “Мени олиб кетинг...” шеърисидаги каби:

*Талпинган диёрим – у Ўзбекистон,
Сеҳрини айтишга борми ҳеч имкон!
Йўқ, ўзга юртларда беролмасман жон,
Мени олиб кетинг Ўзбекистонга,*

– дейишга ҳали тайёр эмас ва бу имконсиз эди. Оғир ҳасталик билан юзма-юз келиб Москва касалхоналари-

¹ В. Высоцкий, Стихотворения. - М.: Эксмо, 2008. - С.24

дан бирида даволанаётган шоир энди Ватанни илгаригидек – кўпларнинг ичида, “улуг Совет оиласи”да ҳис қилмайди. Энди у ўз диёрини – Ўзбекистонни айириб, сайлаб севаяпти. Унинг Ватанга бўлган муносабатида энди ўзгачалик мужассам. Бир қарашда сезилмайди.

Лекин айни шеърдаги лирик мен кайфияти ўша даврнинг кўп миллатли ягона мамлакат ғоясига соя ташлаб туради.

Эҳтимол, вақтида буни шоирнинг ўзи ҳам билмагандир. Лекин ҳақиқат шундан иборатки, бетоб шоирнинг Ватанга муносабати зимнида жуда улкан ижтимоий-сиёсий асос, қарийб йигирма йиллик изтиробли изланишлар ётибди. Яъни мазкур ғоя жамиятдаги илиқлик эпкинлари таъсирида илк ижодидаёқ ниш берган, унинг қуртак ёзиши учун кўп вақт керак бўлди.

Фарҳод Ҳамроев “Ҳаёт фалсафаси ва шоир муҳаббати” (А.Орипов ва Н.Рубцов ижодининг муштарак ва ўзига хос хусусиятлари) тадқиқотида ҳар икки шоир ўртасидаги муштаракликни, аввало, “сокин лирика”даги адабий яқинликда кўради. Айни чоғда ижтимоий мавзулардаги уйғунликни ҳам эътироф этади: “А.Орипов ва Н.Рубцов ўзларигача бўлган даврдаги ижодкорларнинг бутун бир авлоди заминида шаклланган ноёб салоҳият эгаларидир...

Бу шоирлар ижоди адабий омилларнинг ўзи билангина чекланмасдан, бошқа каттароқ миқёсдаги таъмоиллар самараси бўлган дунёқарашнинг ўзига хос кўринишидир... Бу ҳол ҳар иккала шоирнинг Ватан ҳақидаги таъсирчан шеърларида, айниқса, яққол намоён бўлади”.¹

¹ Ёшлар китоби. Тўплам. - Т.:Шарк, 2008. - Б.398

Тарихга – мозийга қайтиш, уни хаёлан сайр этиш, шунинг баробарида, замондош инсон сийратига боқиш А.Орипов шеърларининг ижтимоий-психологик асосини белгилайди. “Асримиз одами” шеърдан ўқиймиз:

Менинг кўз унгимда жонланар тарих,

Ғамлардан тўқилган шу кўҳна олам.

Асрлар бирма бир утар ва ахир.

Юксалар қаршимда энг бахтли одам.

Лекин шу бахтли одам “Бахтининг ёнида ғами кўринар, ғами кўринади бахтида унинг”. Нега? Чунки у XX аср одами. Маълумки, бу аср техника асри, атом асри, югур-югур, чоп-чоплар асри. Аслида, адабиётни ижтимоийлаштирган омиллардан бири ҳам – шу. Асримиз одами бой-бадавлат. Унинг ҳамма истаги муҳайё. Лекин “унинг чехрасида ташвиш бор, нечун?” Чунки у бир зум жим турмайди, иши бошидан ошиб ётибди. Барчасининг сабаби битта – асримиз одами “ўзи банди бўлган олам устидан Ҳоким бўлмоқни у истар ягона!” Мана, ниҳоят, мақсад юзага чиқди, аёнлашди. XX аср одами жонини жабборга бериб, шу кунгача ўзи банди бўлган олам устидан яккаю ягона ҳоким бўлишни ўйлаб ҳаловатидан, тинчидан айрилган. Ва, энг қизиғи, аср одамининг ўзи ҳаловат истаётгани йўқ: А.Ориповнинг лирик қаҳрамони “Менга ором истаманг, дўстлар” деса, Э.Воҳидовники “Йўқ ҳаловат истамайман” дея жўр бўлади. Нега? Негаки, иккиси ҳам курашга ташна, курашчиларнинг сафида бўлгиси, яратиш шавқи билан жўшиб яшагиси келади уларнинг. Эгизакларнинг бири Э.Воҳидов 1960 йилда ёзган “Йўқ, ҳаловат истамайман” шеърида, иккинчиси А.Орипов 1964 йилда ёзган “Шундай яшар одатда одам” шеърида бўй кўрсатади. Талқиндаги умумийлик, албатта, даврнинг ижтимоий

кайфияти билан, иккала шоирнинг уни бирдек илғгани билан боғлиқ.

Мен ўша “хрущёв баҳори”, жамиятда куввати “гўдак уҳича” бўлса-да эса бошлаган эркинлик эпкиnlари юзага келтирган кайфиятни назарда тутмоқдаман. Маълумки, у 1956 йилдан кейин, XX съезд Сталин шахсига сиғинишни қоралаганидан кейин пайдо бўлган. Эътибор беринг, бу бурилиш нуктасида Э.Воҳидов йигит ёшида, А.Орипов эса ўспирин ёшда бўлган. Жамият аъзолари онгида социализм ғояси қайта тирилган вақтда иккала шоир ҳам энг қайноқ – бири талабалик даврини кечираётган, бошқаси юқори синф ўқувчиси бўлган. Демокчиманки, иккаласида ҳам қалбларига сепилган ишонч уруғининг униши учун барча шароит муҳайё эди. Ва юқоридаги шеърлар худди шу кайфият маҳсули ўлароқ дунёга келган. Бироқ, маълумки, бу кайфият бардавом бўлолмади: 60-йилларнинг ўрталарига келиб жамиятда фасл алмашди. Айни ўзгаришни, айниқса, А.Орипов юракка яқин олди. Жамиятдаги фасл алмашishi 60-йилларнинг ўрталаридан унинг шеъриятида ижтимоий асосдаги маънавий-руҳий изланишлар кучайганининг ижтимоий-психологик омилidir. Шу даврда яратилган “Альбомга”, “Юзма-юз”, “Ўйларим” шеърлари 60-йиллар ўзбек шеъриятидаги ижтимоий поэзиянинг бақувват намуналари бўлиш билан бирга, шоирнинг ижтимоий кечинмалари тадрижини кўрсатиши билан ҳам характерlidir. “Альбомга” шеърида лирик “мен”нинг коммунизм ғоясига беғараз муҳаббати, унга эътиқод даражасида ишонгани яққол кўзга ташланади. Шоир “ҳар ким ўз дардини айтиб бўзлаган” альбомнинг “ҳали из тушмаган оппоқ varaғига” ўз дардимни ёзаман дейди:

*Аммо кеча кўрган тушимни эмас,
Коммунизм сўзин ёзаман, ўртоқ!
Зотан, Коммунизм бугун мен учун,
Барча шахсий шидан кўра шахсийроқ!*

Авалло, ўсмир чоғидан жамиятда ҳукм сурган кўтаринкилик шароитида онгию қалбига инган коммунизм ғояси шоир учун чинакам эътиқод даражасида бўлганини таъкидлаш керак. Шу сабабли ҳам коммунизм унинг учун “барча шахсий ишдан кўра шахсийроқ” ва ҳамманинг шундай деб билишини истайди. Чунки шоир учун бу сўз эзгу, “унинг замирида энг олий қисмат” ётади:

*Унда мен ахтарган энг порлоқ Инсон,
Унда мен истаган синмас ҳақиқат*

Эътибор беринг, бу сатрларда инсоният минг йиллар давомида соғинган идеал – мукамал жамият ва комил инсон соғинчи барқ уради. Шу жиҳатдан қаралса, шоир коммунизм ғоясига алданди дегандан кўра ўша минг йиллик соғинчни “коммунизм” сўзи билан атади ёки бу сўз остида айнан ўшани тушунди дейиш тўғрироқ бўлади. Худди шундай тушуниш Э.Воҳидовнинг кейинроқ ёзилган “Илтижо” (1974) шеърида ҳам кўринади: “Менга маслак бердинг, ҳур инсоният Ойдин истиқболи умримга маъно”. Яъни иккала шоир учун ҳам инсониятнинг “ойдин истиқболи” умр мазмунига айланган. Шу сабаб ҳам А.Ориповнинг лирик қаҳрамони коммунизм сўзини альбомга қалб амри билан ёзади, “Қалбим буюрмаса, бирон сўзни ҳам Ёзмасман ҳеч қайда, ҳеч вақт, ҳеч қачон!” дея ҳайқиради. Иккала шоир ҳам бу сўзларни чин дилдан ёзганига шубҳа қилиш ўринсиз. Чунки улар мансуб 60-йиллар авлодининг ғояга муносабати 20-йиллар авло-

ди муносабатидан фарқ қилади. 20-йиллар авлоди ғояни кескин ғоявий курашлар шароитида қабул қилган ва унга байроқ мисол муносабатда бўлган. 60-йиллар авлоди эса уни урушдан кейинги тикланиш ишлари ниҳояланиб, ижтимоий турмуш, халқ ҳаёти изга туша бошлаган, кўзланган мақсад яқин кўринган бир шароитда қабул қилган. Айтмоқчиманки, ижтимоий-психологик омиллар бу авлоднинг ғояни қалбан ҳис этган ва англаган тарзда қабул қилишини таъминлаган. Иккинчи ва энг муҳим томони, бу авлоднинг диққат-эътибори ғоянинг умуминсоний жиҳатлари – мағзидаги Хурлик, Тенглик, Адолат каби ўлмас қадриятларга қаратилган. Шу маънода, менимча, уларни коммунизм ғоясини қуйлаган деб айбиситиш ҳам, ғоянинг моҳиятини тушунмай алданган дейиш ҳам илмий жиҳатдан ҳолис ва тўғри бўлолмайди. Аксинча, уларнинг ижтимоий-маънавий изланишларини ўзида акс эттирган лирик ижоди ўша моҳиятни идрок этишга қаратилган эди дейиш ҳақиқатга яқинроқдир.

А.Орипов “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” шеърда Ватанга муҳаббати боисини излагани каби “Юзмаюз”да ғояга эътиқоди сабабини тафтиш этади. Аввало, шеърда мунозара руҳи бор. Шоир коммунизм ғоясига ишончсизлик билан қараши мумкин бўлган мухолифларга қарата дейди:

*Эй нозик ўқувчи, учмасин ҳушинг,
Буюк мақсад сари етса мисралар.
Фарёд солманг тагин, қизил гап, дея
Элга фарзанд элнинг гапин дер.*

Шоир учун бу қизил гап эмас, унинг назарида “Ўзимиз ахтарган бахтлар, Бўғзимизда ҳар эзгу армон, Барчаси бир сўзда жамланди, агар Ёқмаса топингиз бошқа бирор

ном!” Яна шоир ўзи учун сўз шакли муҳим эмаслиги, мағизга қараётганини таъкидлайди. Мағизга қарагани ҳолда истиқболни қуйлаган шоир унда “Ер юзида кезган зулмату ваҳшат, Чекинар-ку ахир, пок бўлур дунё!” дея умидланади, ўшанда “ул эзгу ният Халқимга бахтини айлар ҳадя” дея ишонади. Эътибор беринг, Ватанга муҳаббати халқига муҳаббатдан озикланган шоирнинг коммунизм ғоясига ишончу умиди ҳам шу халқ билан боғлиқ экан. Шу боис ҳам “миллион эгатларга сочилган ўзбек” нигоҳини қайта-қайта ўзига тортади, халқига қараганида “кузги япроқдайин маънос ўсган”, турмуши оғир меҳнат билан кечаётган рангпар сингисини кўради, “Сингилга – халқимга боқсам доимо, Улуғ келажакни айладим орзу” дейди.

Шу ўринда 20-30-йиллар шеъриятидаги талқин билан А.Орипов талқинидаги асосий фарққа эътибор қилиш зарур. 20-30-йиллар шеъриятида октябрь тўнтариши халқнинг бахтиёрлиги ва фаровонлигини таъминлади қабиллидаги талқин устувор эди. А.Орипов эса қарийб ярим асрдан кейин ҳам “сингиси – халқи”нинг аҳволдан қониқмайди, чекаётган машаққатларини ўйлаб эзилади, истиқболда яхши бўлишига умид қилади. Фарқ шуки, 20-йиллар авлоди ғоя бағрига сингиб кетади ва шу туфайли фақат ўша жойдан туриб ҳаётга назар солади; А.Орипов бўлса ғоя бағридан туриб ҳаётга, ҳаётнинг қайноқ қўйнидан туриб ғояга ёндашади. Яъни салафлар учун, юкорида айтилганидек, ғоя бир байроқ – сиғиниладиган ашё, А.Орипов учун эса – ҳаёт ва ижоддаги дастуриламал. Шу боис салафлар аксар ҳолларда ҳаётдан узилиб, ғоянинг оддийгина маддоҳига айланса, А.Ориповнинг 60-йиллар ижодида ғоядан келиб чиқиб ҳаётни, ҳаётдан келиб чиқиб ғояни тафтиш этишга ҳаракат кузатилади. Натижада кунгли умид

ва умидсизлик орасида талош бўлади, гоҳ кувониб, гоҳ изтиробга тушади – тулақонли яшайди ва шу нарса шеърларига ҳаётийлик беради. “Ўйларим” шеърисида умидсизлик ғолиб палладаги изтироблар акс этган. Бу изтироблар идеал билан ҳаёт, тасаввурдаги олам билан реаллик орасидаги номувофиқликдан туғилган. “Мактаб бордик – оғир бўлиб қолдик дафъатан” деб ёзади шоир. Негаки, энди мурғак шуурга Ватан, одам ва олам, дўстлик, одамийлик... каби залворли тушунчалар сингиб боради. Шоирнинг “Бу дунёда алам бўлмас, бўлмас деб фироқ Даста-даста китоблардан ўқирдик таълим” деганида, менимча, 56-йилдан кейинги кайфият зухур этади. Шу кайфият таъсирида ёзилган мактаб дарсликлариди 80-йилларга келиб СССРда коммунизм қурилади деган чўпчаклар комил ишонч билан ёзилган, мурғак қалбларга шу ишонч сингдирилганди. Кишиларда эртанги кунга собит ишонч туғилган:

*Равон йўллар қаршингизда турибди муштоқ
Дерди бизга ҳарф ургатган ёш бир муаллим.*

Лекин ҳаёт бошқа, ҳаёл бошқа дейдилар. Энди, “йиллар она кучоғидан юлиб олган” лирик қаҳрамон ҳаёт билан тўқнашганида, “Юрагига бир маҳаллар кирган туйғулар Энди сендан кетгаймиз деб сўрайди жавоб”. Мана, изтиробнинг сабаби. У инсонни “нурдан яралган” деб ўйларди, лекин “разил одамлар” ҳам кўп экан, “олам пок” деб ўйларди, разолатга тўла экан... Ёшлиқда юксак ва эзгу мақсадлар билан ёнган юрак энди тўниб қолган, “Ўт беролмас қалбга энди у ёшлиқ дамлар”. Лирик қаҳрамон дилидаги изтироб юқорида айтилган жамиятдаги фасл алмашиши билан боғлиқ. Айни шу кайфият А.Ориповнинг 1966-68 йилларда ёзилган бошқа айрим

шеърларида ҳам кузатилади. Жумладан, “Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси” номли пейзаж шеъри:

*Атрофимда ётар гариб бир виқор,
Билмам нега ўчди қалбим сафоси.
Нима ҳам қилардим, на иложим бор
Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси.*

деб тугалланадики, бунда ҳам ижтимоий оҳанглар бордек. Ёки “Жаннат” номли ҳазил шеър. Унда укасига эрмак учун афсонавий жаннат ҳақида эртак сўйлаганию сўнг боланинг “топиб бер” дея қилган ҳархашасидан қанд-қурсу боқчани жаннат деб кўрсатиш билан аранг қутулгани ҳикоя қилинган, шундай яқун ясалади:

*Майли, болага бу ўйин бўлади,
Лекин катталарга сўйламанг эртак.
Улардан қутулиш қийин бўлади.*

Назаримда, бу шеърда шоирнинг ўз-ўзига коммунизм ғоясига юрак-юракдан ишонган “ғўр” пайтига нисбатан киноя бор. Албатта, кейинги иккита шеърни бундай талқин қилишимга эътироз қилиш, ўзига мослаб талқин қилганликда айблаш мумкин. Лекин, менимча, бундай талқинга изн берадиган асослар етарли. Аввало, “Ўйларим” ёзилган пайтдаги ижтимоий кайфиятнинг уларда ҳам шоир шахси орқали акс этган бўлиши табиий. Демак, алоҳида шеър ўзининг мазмун-моҳиятини шоир ҳаётининг маълум бир босқичида ёзилган бошқа шеърлар контекстида тўларок очади.

Юқоридаги шеърлар таҳлили 60-йиллар охирига томон А.Ориповнинг ғояга муносабати муттасил ўзгариб борганини, бу ўзгаришлар жамиятдаги ўзгаришлар билан

боғлиқ ҳолда юз берганини кўрсатади. Бундай кайфият биргина А,Ориповга хос бўлмай, балки фикрловчи кишиларнинг кўпига хос эди. 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб собиқ иттифоқда диссидентликнинг кучайгани шу ўзгаришлар билан боғлиқ эдики, бунинг бадий адабиётда акс этмаслиги мумкин эмасди. Жумладан, Э.Воҳидовнинг юқорида зикр этилган “Илтижо” шеърида лирик қаҳрамон “мўъжизий кудрат”га “Ёруғ ишончимдан қилмагил жудо” дея илтижо қилади. Бу ўзининг ғояга ишонч-эътиқоди соб бўлаётганини ҳис этиб турган одам кайфиятидир. Лекин бу 60-йиллар авлоди, хусусан, унинг икки йирик вакили маслаксиз, ғоясиз қолди дегани эмас. Аксинча, уларнинг маслаги, ғояси конкретлашди. “Ўйларим”даги мана бу мисраларга диққат қилинг:

*Юрагимга бир маҳаллар кирган туйғулар
Энди сендан кетгаймиз деб сўрайди жавоб.
Мени бир зум ҳол-жонимга қўймайди улар,
Қўймайдилар, ваъдаларинг чиқди деб сароб.
Кўз олдимда собит турар фақат шу Ватан,
Кулбаси ҳам кенглик қадар чулғайди мени.
Туйғуларим фақатгина унга берар тан,
Юртим мен ҳам умрим қадар севгайман сени.*

Шеърлар таҳлилидан кўриняптики, изтиробга тўлиқ ижтимоий-руҳий изланишлари натижасида бир маҳаллар шоир онгу шуурини эгаллаган ўй-туйғулар йўқолди, собит қолгани биргина Ватанга муҳаббат бўлди. Ватанга муҳаббат эса, юқорида кўрдик, халққа муҳаббатдан келиб чиқади. Халққа муҳаббат унинг бугуни ва эртаси ҳақида қайғуртиради, унинг истиқболи ёруғ бўлиши ҳақидаги орзуларни туғдиради. Идеалнинг конкретлашиши деганда биз шуни назарда тутган эдик. Яъни

шоир мавхум ғояни идеал билиб унинг қобиғида ўралиб қолмади, ҳаётдан келиб чиққан ҳолда иктидор кучи билан уни ўзи учун аниқлаштириб олди. Ва унинг идеали ВАТАН – ХАЛҚ – ИСТИҚБОЛ отлиқ бир-бирига чамбарчас боғлиқ учта асосга қурилди. Шу маънода, А.Ориповни коммунизм ғоясининг ёхуд мафқураининг куйчиси деб бўлмайди, зеро, шоир луғатидаги “коммунизм” сўзида Ватан, халқ ва истиқбол маънолари доминантлик касб этгандир. Бошқа ҳолатлар, масалан, турли саналар муносабати билан ёзилган қутлов типидagi шеърлар эса муроса қабилдан саналиши мумкин. Зеро, эл назарига тушиб улгурган шоир ҳатто ўзи истаса-да доим ҳам жим туrolмайди.

Шеър – шоир ўй ва кечинмалари, тафаккурининг меваси. Шундай экан, айна уни синчиклаб текшириш орқалигина масала моҳиятига чуқурроқ кириб бориш мумкин бўлади. Чунончи, А.Орипов шеъриятидаги ғоявий-тематик тадрижни босқичма-босқич кузатганда ижтимоий фикр эволюциясини илғаб оламиз. Бу тадриж куйидагича тартибда кузатилади: Ватанга муҳаббат – халққа муҳаббатни Ватанга муҳаббатнинг омили сифатида тушуниш – халқнинг истиқболи ҳақида қайғуриш, истиқболини ёруғ кўриш истаги. Шу учала асос А.Орипов ижтимоий поэзиясининг ғоявий йўналиши ва тематик мундарижасини белгилаб беради. Аввало, унинг ижтимоий шеърияти тематик жихатдан рангбаранг: шоир ҳаётнинг турфа муаммоларини қаламга олиб ўз шахсий дарди мақомида ёниб куйлади. Зеро, унинг ижодий принципи шундай: “Буёқ замонанинг оташин зарби, унинг қаламига ёт эмас асло” деб билади, замона шоири шундай бўлиши керак деб ҳисоблайди. Ҳа, XX асрда шеърят мавзу эътибори билан ўзгарган, энди у ёр, маҳбуба, ақиқ лабу камон қошлар сингари

мумтоз шеърятдаги анъанавий мавзуларидан бир қадар йироқ тушиб, тарих, жамият, Ватан, инсон, меҳнат, идеал ҳақида куйлай бошлаган. Албатта, шоир буни шеърга ҳисобламайдиганлар ҳам борлигини яхши билади ва уларни кўзда тутиб “Майлига шеъримни севмас даврлар, Ошиқлар сатримдан чекмаслар фарёд” дейди. Чунки бу даврга келиб шоир қалби Ватан, юртнинг бир парчасига айланган, ўзини Ватаннинг бугуни ва эртасига масъул ўлароқ ҳис қила бошлаганди.

Шуларга кўра, А.Орипов воқеликка ўзи учун конкретлаштириб олган идеал нуқтаи назаридан қарайди ва муносабатда бўлади. Яъни Ватан, халқ манфаатлари учун фойдали, уларнинг порлоқ истиқболига хизмат қиладиган жиҳатларни ёқласа, бошқаларини ёқламайди. Бу, демак, ғоявий йўналишнинг асоси. Мавзу томонига келсак, маълумки, ижтимоий поэзиянинг тематик доираси даврнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бу эса А.Орипов шеъриятидаги мавзулар замондош шоирлар ижодида ҳам у ёки бу даражада ишланган демакдир. Шу жиҳатдан шоирни ўзига жалб этган мавзулар доирасини кўздан кечирамиз.

Аввало, шоирнинг илк ижодиданоқ Ватан, халқ мавзулари кенг ўрин тутуди, бу тушунчалар А.Орипов шеъриятида энг олий қадриятлар сифатида ва бир-бирига узвий боғлиқ тарзда талқин этилади. Шоир талқинида инсон қисмати Ватан билан чамбарчас боғлиқ (“Юзма-юз”, “Ўйларим”), ҳамма нарса ўткинчи – Ватан боқий қолади, у – аждодларнинг тер ва қони тўкилган муқаддас маъво (“Ўзбекистон”), ниҳоят, у бетакрор гўзал ва мафтункор (“Баҳор”, “Юртим шамоли”, “Ўзбекистонда куз”). Ватан жуғрофий тушунча эмас, у дарахт танаси мисоли илдизлар ила япроқларни – аждодлар ила авлодларни бирлаштиради ва халқ аталмиш

шу бирлик маконни Ватанга айлантиради (“Мен нечун севаман Ўзбекистонни?”). Халқининг буюк ўтмиши бор (“Ўзбекистон”), лекин мозий ўтиб толе кўрмаган, инқилоб унга толе йўлини очди (“Юзма-юз”). Яна бу халқ ғоят жафокашу меҳнаткаш, лекин мавжуд ҳолати шунга яраша эмас (“Ўзбекистон”, “Юзма-юз”), ўтмиши ва фазилатларига хос яшаётгани йўқ. Ватан ва халқни порлоқ келажак кутади, бу йўлда саъй-ҳаракат қилиш, унинг учун фидо бўлишга тайёрлик инсонлик бурчи... Хуллас, Ватан ва халқ мавзусидаги шеърларида асосий ғоявий тенденциялар шулар бўлиб, улар гоҳ очикча, гоҳи ишора йўли билан ифода этилган. Булар 60-йиллар шеърлятида ушбу мавзулар талқинида жиддий ғоявий ўзгаришлар бўлганини кўрсатади. Тўғри, бу шеърларда давр таъсири йўқ эмас, лекин шунга қарамай, булар бадий-ижтимоий тафаккурда муҳим янгиланиш эди.

60-йиллар шеърлятида кенг ўрин тутган яна бир тематик гуруҳни “аср одами” деб аташ мумкин. Бу мавзунинг кенг ўрин тутиши ҳам бевосита ижтимоий-маънавий эҳтиёж билан боғлиқ эди. Зеро, янгиланган замон талабини ҳис қилган шоирларнинг бу масалага алоҳида эътибор қилишлари табиий ҳам эди. Агар 60-йиллар аввалида, юқорида қисқача айтилгани каби, А.Орипов ва Э.Воҳидовлар ижодида порлоқ келажак куриш ишида жонбозлик қилишга чоғланган, ўз ҳаракатларини аср шиддатига мослашга интилаётган кишилар қўрилган бўлса, шароит ўзгариши билан уларнинг қиёфаси ҳам ўзгариб борди. 60-йилларнинг ўрталаридаёқ бу авлодни шижоат ва куч қудратга яраша мақсад йўқлиги (А.Орипов. “Бургут”; Э.Воҳидов. “Тилак”), ўз қобиғига ўралиб қолиш ва лоқайдлик (А.Орипов. “Тилла балиқча”; Э.Воҳидов. “Бонг уринг”), инсоний ҳислардан мосуволик (А.Орипов. “Темир одам”; Э.Воҳидов. “Темиртан

даҳолар”) каби жамиятда уч бера бошлаган фожеалар ўйга толдира бошлади. Одамлардаги бундай ўзгариш, албатта, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар маҳсули эди. Шу ўзгаришларга мувофиқ энди шартли равишда “инсон манзаралари” деб аташ мумкин бўлган тематик йўналиш пайдо бўлди. Зеро, “одамзод нурдан яралган” қабилдаги романтик ишонч-кайфият абас бўлган, атрофдагиларни Ватан, халқ, порлоқ келажак каби тушунчалардан кўра турмуш ташвишлари кўпроқ банд этиши яққол кўриниб қолган, ҳаёт бир хил зерикарли маромга тушиб қолган эди (А.Орипов. “Турмуш ташвишлари”, “Авлодлар хикояси”; Э.Воҳидов. “Ўйлар”, “Бўронлар авлодига”). Ҳаётда катта мақсаднинг йўқлиги инсонни ҳам майдалаштиради, молпарастлик, мансабпарастлик, иғво, ҳасад, мунофиқлик каби одабийликка зид иллатларни урчилади. Шеърят бундай ҳаёт тарзига нисбатан ҳамиша исён ҳолатида яшади, иллатларни аёвсиз фoш қилди (А.Орипов. “Тарбия”, “Тулки фалсафаси”, “Сув”, тўртликлар; Э.Воҳидов. “Икки эпитафия”, “Манфаат фалсафаси” ва б.). Ҳаётда шундай номарғуб ҳолатлар, кишилардаги манфаати шахсияга бурканган лоқайдликни кўраверганлик гоҳ “Қачон халқ бўласан, эй, сен – оломон!” (А.Орипов) каби ўтли хитоблар, гоҳ “асли худди бизнинг ҳасратларимизни қадим аجدод қояга ўйиб ёзган – дунё ўзи шу” қабилдаги фалсафий таскинларга (Э.Воҳидов. “Бу кўҳна ҳасрат”) олиб келади.

60-йиллар авлоди замона шиддати ва янгиланган олам табиатини аввалгиларга қараганда теранроқ ҳис этди. Зеро, жадидлар замона ва дунё аҳволидан хабардор бўлишга, “жаҳон инқилоби” ғоясига мафтун 20-йиллар авлоди оламга қизил тус беришга даъват билан яшаган бўлса, бу авлод ирқи, эътиқоду маслагидан қатъи назар дунёдаги барча халқлар тақдири бир-бири

билан боғликлиги, дунёнинг олис бир бурчида содир бўлган ходиса ўз юртида садо беришини амалда кўриб яшади. Давр шоири ўзини “башар фарзанди”, сайёра-мизни она деб атайди. А.Орипов сайёрага илк бор самодан назар солган давр кишиси ҳайратини “Наҳотки еримиз бир кичик соққа? Наҳотки биз шунга жо бўлсак, хайҳот!” тарзида изҳор қилади. Ҳайрат ортидан англов келади: “Балки хув кўринган мовий тўлқинда Сув ичган гўдакнинг нафаси ҳам бор”. Гўзал ифода дунёда ҳеч бир ходиса йўқки, у шахсан сенинг ҳаётингга алоқасиз бўлса, деган ҳақиқатни бизга етказди. Давр кишиси дунёнинг нечоғли турфа, одам боласига тамом тушуниксиз ва унинг ихтиёридан ташқаридаги қонуниятлар асосида яшаётгани, унда турли замон, лисону маданиятлар қоришиқ яшаётгани – барини самода кўз илғамас шиддатла айланиб турган курраи замин бирлаштириб турганини идрок этди. Буни Э.Воҳидов қуйидагича ифода этади:

*Бунда бор қанча ирқ ва қанча миллат –
Бунда бор ёнма-ён нодонлик, даҳо.
Бунда бор ваҳшийлик ва маданият,
Ўқ-ёйдан самовий кемагача то.
Бу – йигирманчи аср аталган фурсат,
Бу – курраи олам аталган бино.*

Матбуот, радио ва телевидениенинг ривожланиши башариятнинг бирлиги ҳиссини янада чуқурлаштирди. Ҳа, мамлакат чор тарафдан темир қўрғон билан ихоталанган бўлса-да, бизда ҳам жаҳон маданиятида юзага келаётган “постмодернистик кайфият” аломатлари юз кўрсатаётган эди. Йўқ, бу тўғрида ҳали ҳеч гап йўқ пайт эди, бундаин кайфият ҳақида ғарбда 15-20 йиллардан кейингина гапира бошлайдилар. Чин иқтидор эгалари

булган шоирларимиз буни уйлашмаган ҳам, фақат замона руҳини теран ҳис этиб, уни шеърларида акс эттиришга интиланлар, холос.

Иккинчи томондан, энди шоир ахборот алмашуви тезлашган, ҳар қандай хабар, шеър бир кун, бир соат ичида мамлакатга, керак бўлса, дунёга тарқай оладиган бир паллада яшаётганди. Сўз, бадиий каломнинг таъсири кечмиш юзйилликларга солиштирганда мисли топилмайдиган даражаларга етганди. Шоир ҳам шоир, ҳам адолат, тинчлик, эзгулик учун жанг мақомида эди. Бежизга А.Орипов “Вулқон” номли шеърида ўз даврини инқилоб ғафлатдан уйғотган даврга қиёсламайди. Унинг талқинича, ўшанда:

*Шоир ҳам жанг чоғи
Етганин пайқаб,
Ахтара бошлади
Ўтли сўзларни.
Эндиликда эса:
Мана, эллик йилки,
Тинмасдан сира,
Отилиб турибди
Бу буюк вулқон.
Дунё бўлаётир
Пок ва бокира,
Шоир ёзаётир
Улуг бир дoston”.*

Албатта, бу ўринда “жаҳон инқилоби” ғояси ёхуд жаҳон икки лагер – социалистик ва капиталистик дунёларга бўлинган деб билишнинг таъсирини инкор этиб бўлмайди. Лекин дунёда “совук уруш” кечаётгани шеърятни жанг майдонига айлантиргани, ўзини жанггоҳда ҳис қилган ижодкор учун дунё яна иккига ажралгани ҳам ҳақиқат. Ойбекнинг “Қурашади икки тўлқин”и кайфи-

ят ўн йиллар ўтса ҳам ҳамон долзарб эдики, А.Орипов унга замонавий мазмун берди. Унинг талқинида бу тулқинлардан “Бири машъум ғоясини Қурол билан ўтказар, Бири эса адолатнинг Дастурини тутқазар”.

Аслида Эзгулик ва Ёвузлик, Кун ва Тун, Қора ва Оқ, Яхшилиқ ва Ёмонлик иккилиги инсон билан эгиз туғилган тушунчалардир. Мазкур антоним карашлар қадимда бўлган, бугун ҳам яшайпти ва мутлақо эртага ҳам бўлади. Шоир ҳам ўзи мансуб юрт ва давр кайфияти ва манфаатидан келиб чиқиб, бу тушунчаларга ўз мазмунини бағишлайди. Юқоридаги шеърда эса мазмун шоир назаридаги адолат, ҳақиқат ва эзгулик учун курашда кўринади.

XX асрда шеърнинг тематик диапазони тинчлик ва уруш мавзуси билан яна-да кенгайди. Шунинг учун ҳам 60-йиллар авлоди ижодида уруш мавзуси кенг ёритилди. Чунки XX асрга келиб каерда бошланишидан қатъи назар, уруш дунё афкор оммасини ўйлашга мажбур қилиб қўйди. Чунки уруш ҳаммани ўз таъсирига ола биладиган мудҳиш моҳият касб этганди.

Замон нотинч, қуролланиш пойгаси авж олган шароитда замин ва башарият тақдири кўп бор қил устида бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Э.Воҳидов ёзганидек, инсон “Заррани ижод этиб, даҳшат бало бунёд этиб, Оқибатни ёд этиб ҳайрон”у лол ўтирган вақт эди бу. Худди шу мавзу А.Ориповнинг “Сўнги уруш” шеърисида махсус қаламга олинган. Юз бериши мумкин бўлган даҳшатли фалокат шоир қалбини ларзага солади:

Бир қадам қўйсанг бас – нарёғи ўлим,

Бир қадам қўйсанг бас – шаксиз ҳалокат.

Одамзод бошида турибди шу зум

Қазойи муаллақ, мудҳиш фалокат.

Шоир бежиз сўнгги уруш демайди. Чунки хавф солиб турган уруш “наинки одам, ҳаётнинг ўзи”ни ҳам қабрга тиқиши, кўхна тамаддунни кунпаякун қилиб, умуман башарият келажагини йўқликка юбориши мумкин. Аср “кашф этган” бало қаршисида қалби ларзага келган шоир “сўнгги шеърини ёзишга-да рози”, фақат уруш бўлмаса бас.

Шеър руҳидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўтган асрнинг 60-70-йилларида дунёда ҳукм сурган совуқ уруш ваҳимаси, унинг юракларга етказган даҳшати – буларнинг бари шоирнинг хаёлот оламини ёриб кирган, уни ўз таъсир доирасига олган эди.

Бундай кайфиятда, “бир қадам қўйса – нарғи ўлим” эканлигини, бошларимиз устида “бир соч толасига боғланган шамшир” осилиб турганини ҳис қилган ҳолда яшаётган ижодкорнинг дунё тўғрисида, унинг бошқаруви, равиши ҳақида ўйламаслиги мумкин эмас эди. Булар бари эса ўтган аср иккинчи ярми ўзбек шеърятининг ижтимоийлашув жараёнига жиддий таъсир кўрсатган муҳим омиллардан ҳисобланади.

XX аср яна интеллект даври бўлди. Одамзод космосга чиқди, денгиз тубига шўнғиди, ўзга сайёрага қадам қўйди, телефон, телевизор, радио, компьютер кашф этилди.

Натижада ақлга эътибор шоирнинг ботинидаги климга қадар ўз таъсирини кўрсатди. Э.Воҳидовнинг “Юрак ва ақл” деган шеърида шу хусусда сўз боради:

*Мени бир ён бошласа, ақлим,
Бошқа ёзига етаклар юрак.
Билолмайман, қайбири ҳақли,
Қай бирига ишонмоқ керак?*

Яъни ақл ва юрак ўртасида талош бўлаётган инсон ўйлари ақс этган ушбу шеърда. Ақлнинг устуворлиги ортиб бораётган шароитда ёзилган шеърда шоир ақл ҳақлигини тан олгани ҳолда юрак измига юрмоқни беҳроқ билади, фақат унга ишонади. Албатта, бу шоирнинг рационалистик қарашлар устуворлик касб этиб, ҳисларга эътибор сусайгандек бўлаётган шароитга муносабати, таъбир жоиз бўлса исёнидир. Айни чоғда, шоир асло ақлнинг ролини инкор этмоқчи эмас, фақат меъёрни, инсоннинг онг фаолияти ақлий ва ҳиссий томонлар бирлиги эканлиги унутилмаслигини истайди.

Э.Воҳидов интеллектуал лириканинг қатор яхши намуналарини ярата олгани ҳам юқоридаги фикримиз далилидир. Шоирнинг “Пўлат” деб номланган шеърини ўқиймиз:

*У даставвал ойболта бўлди,
Сўнг замбарак бўлиб қуюлди.
Қилич ҳам у, милтиқ ва наган,
У бомба ҳам бўлиб портлаган
Лекин олган жаҳонни фақат
Перо бўлиб қуюлгач пўлат.*

Жажжигина шеър. Лекин шу кичик шеър майдонида инсониятнинг пўлат билан боғлиқ ўтмиши ғоят қисқа шаклда баён этилган. Умуман, башарият темир, мис ва пўлат каби тараққиётга туртки берган тенгсиз ашёларни кашф этгунга қадар минглаб йилларни бошидан кечирган. Маъданлар ихтиро қилинган эса эволюцион йўлдаги ҳаракат мисли қўрилмаган даражада тезлашиб кетган. Лекин пўлатнинг ойболта бўлиб қуюлганидан то бомба бўлиб портлагунича ҳам инсон яшаган, изланган, фикрлаган.

Айнан шу вақт қайсидир маънода инсониятнинг онгли, анланган ҳаётини белгилайди. Айнан шу даврларнинг қайси бир нуқтасида пўлатдан шоир айтган перо қуюлган. Перо эса одамзод турмушининг маданий босқичидан дарак берувчи бир деталь. Умуман олганда эса ойболта, замбарак, қилич, милтиқ, наган, бомба каби деталларнинг ортида ҳам башар аҳли босиб ўтган ижтимоий сиёсий тарих бўлаклари ётади.

Ниҳоят, XX асрга келганда шу пўлат перо шаклида адабиётга, хусусан, шеърятга кириб келди. Адабиётда гап пўлат ҳақида кетар экан, демак, мавзу ўзга, ижодкорнинг дунёни бадиий эстетик қабул қилиши ўзга. Бу ўзгачалик шоир бадиий тафаккур тарзидаги ижтимоий кайфият билан изоҳланиши, тушунтирилиши мумкин. Пўлатнинг тадрижий такомил натижаси ўлароқ инсоннинг оёғи Ойга, Марсга етди. Шеърятга эса космонавт, космос мавзулари кириб келди. Чунончи, “Космонавт ва шоир” деб номланган шеъри шу руҳнинг маҳсули.

Биз 60-йиллар авлодининг ижтимоий поэзияси ҳақида фикр юритаркан, асосан, А.Орипов ва қисман Э.Воҳидов ижодига мурожаат қилиш билан чекландик. Албатта, бу йўлни тутганимиз айрим эътирозларни уйғотиши ҳам мумкин. Лекин бундай йўл тутишимизга сабабларимиз борки, шу ўринда уларни қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Авалло, ҳар бир адабий авлодга хос энг муҳим жиҳатлар шу авлоднинг пешқадам вакиллари ижодида мужассам ифодасини топади. Шу маънода, биз объект сифатида олган шоирлар ижоди улар мансуб авлод ижодидаги ижтимоий поэзия, унинг ғоявий-тематик хусусиятлари ҳақида етарли тасаввур уйғотади.

Иккинчидан, агар шу авлодга мансуб шоирлардан кўпроғининг ижодига тўхталганимизда, ишда санокнинг

салмоғи ортиб, обзор характери кучаяр, алоҳида шеърлар таҳлилига кам ўрин қолур эдики, бу тадқиқ усулини маъқул кўрмадик.

Шунга қарамай, 60-йиллар авлодига мансуб шоирларнинг бари биз тўхталган ижтимоий ва адабий-бадиий жараёнларга бевосита гувоҳ бўлган, уларда иштирок этган. Табиийки, уларнинг ижодида ҳам ижтимоий оҳанглар сезиларли ўрин тутуди, буни инкор қилиш фикридан йироқмиз. Жумладан,

О.Матжон, Х.Худойбердиева каби шеъриятимизнинг йирик вакиллари ижодини кузатганимизда ҳам таҳминан юқорида А.Орипов шеърятининг ижтимоийлашиш жараёнига ўхшаш манзарага дуч келамиз. Шунингдек, шеърларининг мавзу доиралари ва ғоявий йўналишлари ҳам кўп жиҳатлари билан муштараклик касб этади. Бунинг сабаби эса давр руҳининг, замона зайлининг муштарақ оқимида мужассам.

Аср ва давр равиши тобора турланиб борар экан, шоирнинг атрофни хис қилиш, уни ўз ботинида акслантириш тамойили ҳам ўзгариб борди. Беш юз йил олдин ёр, унинг ҳижрони, ағёр, гул, булбул, чархи кажрафтор, комил инсон каби мавзулар қанчалик юракдан қуйланган бўлса, XX асрга келиб, истиклол, озодлик, маърифат, тинчлик, адолат, ҳақиқат янглиғ мавзулар шундай пардаларда тараннум этилди. Чунки ўтган асрнинг сиёсий тарихий эврилишлари оқибатида ижтимоий мавзулар интим характер касб этиб улгурганди. Яъни улар шоир томонидан персонификация қилинди, ижодкорнинг қалби призмасидан ўтиб, шахсийлашди. Жумладан, О.Матжоннинг ҳаёт ва санъатдаги бутун ўзгаришларга ишора этилиб битилган “Аввалгиларга ўхшамас” шеърдан ўқиймиз:

*Чарх авзойи бу дам аввалгиларга ўхшамас,
Котибу давру рақам аввалгиларга ўхшамас,
Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас,
Кўнглим ичра дарду гам аввалгиларга ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларга ўхшамас.*¹

Шеърдаги биргина “аввалгиларга ўхшамас” сўз бирикмаси ҳам давр, ҳам шу давр фарзанди шоир кўнглидаги кайфиятнинг бошқача эканини таъкидлаб тургани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, шеър айна тарихий сиёсий, ижтимоий психологик дунёқарашлар илдизан ўзгаришга юз тутган паллада – 1988 йилда битилган. У ўзида давр руҳини акс эттирган, даврнинг муайян ижтимоий ҳодисаларига ғоявий-ҳиссий муносабатни ифодалаган. Айна шу шеър муносабати билан айтиш керакки, бу хил ижтимоий шеърларга адабий жамоатчиликнинг муносабати бирдек бўлмаган.

Шуни назарда тутган профессор У. Норматов ёзади: “кейинги пайтларда адабиётимизнинг қизил империя истибдоди давридаги, жумладан, 60-70-йиллардаги ривож теваарагида қизгин баҳслар кетяпти.

Сўнгги ўн йилликлар адабиёти ҳақида гап борганда ўша кезлари яратилган асарлар, хусусан шеърятга хос етакчи хусусиятлар, чунончи, шеърятдаги ижтимоий гражданлик руҳи, ошкора публицистик талқин, “гап айтиш”га, даврнинг ўткир масалаларини кўтариб чиқишга мойиллик тамойиллари хусусида гоҳо бирёқламароқ фикрлар ҳам билдириляпти; адабиёт, шеърят, кундалик ҳаёт муаммолари билан ҳаддан ташқари банд бўлиб кетиб, инсон қалбининг илоҳий, сирли сеҳрли томонлари таҳлили, мангу умуминсоний,

¹ О. Магжон. Иймон ёғдуси. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. - Б.341

умумбашарий қадриятлар ифодаси эътибордан четрокда қолган демокдалар...”¹

Ҳақли эътироф. Гарчанд XX аср ўзбек шеъриятида ижтимоий лирика деб аталмиш ҳар томонлама асосли ва бақувват тамойил шаклланиб, ўз ҳаракати йўналишида бадий санъат дурдоналарини яратиб улгурган бўлса ҳам, бошқа ёқдан унинг санъатга алоқаси кам бўлган “гап айтиш” русумидагина битилган публицистик тизмаларига дуч келамиз.

Албатта, бундай тизмалар шеър, бадий адабиётга алоқадор асар саналиши мумкин эмас. Айни чоқда, бундай шеърлар (масалан, календарь шеърлар, партия-хукумат, доҳийлар мадх этилган шеърлар ва ш.к.б.)нинг урчиб кетгани чинакам санъатга дахлдор ижтимоий поэзияни, қайсики ижтимоий дард шахсий дард даражасида қуйланган поэзияни инкор қилишга асос бўлолмайди.

¹ О. Матжон. Иймон ёғдуси. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. - Б.369

2.3. Лириканинг мафкура тазйикидан халос бўлиши

Ҳар давр ўзидан аввалги ёки кейингисидан қайси бир жиҳати билан ажралиб туради. Ҳар даврнинг ўз қиёфаси, юриш-туриши бўлади. Айни ўзгачалик кўпинча шу даврда яшаган инсоннинг умумий кайфиятини белгилайди. Зеро, одамзоднинг хаёли ҳар қанча учқур бўлмасин, у ўз даврининг кўринмас ришталаридан батамом узилиб кетолмайди. Шу маънода XIX асрнинг қарийб иккинчи ярмидан XX асрнинг сўнгги ўн йилига қадар давом этган узун муддат ҳар хил шаклларда турланишига қарамай, моҳиятан истибдод даври бўлди. Ва бу истибдодни англаб етган шоир хоҳ у, хоҳ бу кўринишда бўлсин, қатъи назар, озодликни куйлади, истиклолга етишни орзу қилди, халқни шунга чорлади. Чунончи, асримиз аввалида Чўлпон «Кишан кийма бўйин эгма, Ки сен ҳам хур туғилонсен!» деб ҳайқирган бўлса, аср поёнига яқинлашганда Шавкат Раҳмон «Сурилар бу темир пардалар, Истибдоднинг туғлари қулар» деб башорат қилди.

Ҳа, Шавкат Раҳмон мансуб 70-йиллар авлоди истиклол соғинчини баланд пардаларда куйлаш насиб этган авлод. Мен бекорга “насиб этган” демадим. Зеро, яхши маълумки, истибдод деганлари энг аввал сўз ва фикр эркинлигини бўғади. Аммо, қанча қудратли бўлмасин, истибдод умри боқий эмас, чунки у инсон табиатига зид. Бас, унинг умрида ҳам болалик, ёшлик, етуқлик ва кексалик паллалари бор. 70-йиллар авлоди истибдод кексалик палласига кирган вақтда майдонга тушди. Яъни бу авлоднинг ижодий ўзига хослигини белгилаган ижтимоий-психологик омиллар ҳақида гапирганда, ме-

нимча, энг аввал жамиятда гоёга ишончининг сўниши, мамлакатнинг “турғунлик” деб аталган даврга киришини кўрсатиш лозим бўлади. Зеро, айти шу авлод мазкур ўзгаришларни жуда ўткир хис этган. Чунки бу авлод вакиллари жамиятда фасл алмашган ўша 56-йилда эндигина мактабга борган, “ижтимоий баҳор” кайфиятига яраша сабоқлар тинглаган, шунинг нафаси уфуриб турган дарсликлару газета-журналларни мутолаа қилган, радио-телевидение орқали ер юзидаги жаннатдан репортажларни тинглаб-томоша қилиб улғайган. Ва шу боис ҳам бу авлод ўзи тўқнаш келган ҳаёт билан гоёнинг, сўз билан амалнинг бир-бирига номувофиқлигини 60-йиллар авлодига нисбатан теранроқ ҳис қилган. Шунинг учун ҳам 60-йиллар авлодининг илк ижодида фаолиятга ташналик, “қуриш, яратиш” иштиёқи устувор бўлган эса, 70-йиллар авлодининг илк ижодида ўзгача кайфият кузатилади. Жумладан, Х. Даврон “Оппоқ эди бошда бу дунё...” (1976) номли шеърида болалик даврини кўмсаб, оппоқ дунё аввалига яшилланиб мовийланганию сўнг барча ранглар қоришиб, “кейин аста хира тортди нур” дейди:

Фақат баъзан бу азиз ранглар

Тушларимга солар қасирга.

Оппоқ болиш устида ёнар

Кўздан оққан томчи – исирга.¹

Умуман, бу авлод айти йигит ёшида болаликни бот-бот кўмсайди. Албатта, бу барчага хос туйғу, лекин уларнинг кўмсаши оғрикли, изтиробли. Чунки йўқотиш салмоғи улкан, бошда оппоқ кўринган дунё энди нурсиз.

¹ Х. Даврон. Болаликнинг овози. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. -Б. 16.

Яъни бу шеърда шоирнинг интим кечинмалари билан ижтимоий кечинмалари ўзаро ҳамоҳанг, аниқроғи, унда ижтимоий кайфият шахсий кайфиятга дўнган. Зеро, бу авлод ижоддаги илк қадамлариданоқ кучли ижтимоий дард билан оғриди, буни Ш.Раҳмон “Юракнинг энг чуқур жойида Оғриққа айланган туйғу”¹ дея ифодалайди. Туйғунинг исмини эса шоирнинг илк тўпламига очкич қилиб олинган тўртликдан билиб оламиз:

*Жойлашгансан шунчалар чуқур...
Ўз тубига яширган юрак.
Сенга етиб бормоқлик учун
Узун умрим етмаса керак.*

1975 йилда ёзилган тўртликнинг “Ватан” деб номлангани бежиз эмас, оғриқли туйғуларнинг бари шу тушунча билан боғлиқ. Айни шу даврда ёзилган бошқа бир шеър лирик қаҳрамони эса “кечалар оғриқдан инграб ётиши”ни айтаркан, “ўша оғриқни беғам, бўғриққан – Оғриқсиз юзларга отаман” деб айтади. Ким улар – “оғриқсиз юзлар” ким? Ахир, шеър умумга мурожаатдан бошланган:

*Кўзингизни очинг, кўрқманг,
Зиёдан қамашсин, оғрисин, майли.
Майлига яшамоқ бўлсин қийинроқ –
Очиқлиги тўфайли.*

Шоирнинг хитоби аксарият замондошларига – тўқликдан бўғриққанча туриш-турмушидан мамнун, атрофида юз бераётган ҳодисаларга лоқайд қараб яшаётган кишиларга қаратилган. Аслида, бу “уйғониш”га даъват

¹ Ш.Раҳмон. Рангин лаҳзалар. – Т. 1978. – Б. 10.

тарихимиздаги миллий уйғонишнинг иккинчи тўлки-
нидан таралган сас эди. Сираси, 70-йилларда жамияти-
мизда юзага келган ҳолат бир пайтлар жадидлар ғафлат,
жаҳолат деб атаган шароитнинг бошқача бир кўриниши
эди. Гуё ҳаммаси яхшидек: юрт тинч, элнинг қорни тўқ,
турмуш борган сари фаровонлашиб бораётгандек... хул-
лас, яшашдан мурод шугина бўлса, индамайгина яшай-
верса бўладиган. Лекин “кўзи очик” кишиларга – Ватан,
миллат, тил, эътиқод каби тушунчалар ҳақида уйлашга
қобил кишиларга яшаш ҳақиқатан ҳам қийинлашиб
бораётган, мавжудлик юракда оғриқ ҳосил қилаётган
палла эди бу. Миллатнинг истеъдодли ва албатта кўзи
очик кишилари сифатида бу авлод шоирларининг мав-
жуд ҳолдан кўнгли тўлмайди, аксинча, юракларидаги
дард чўнглашиб боради. Мазкур ижтимоий ҳол-кайфият
Ш.Раҳмоннинг “Бахтиёрман деган биргина сўзни ... бир
умр айтмай яшадим”¹ деган сўзларида ўзининг яққол
ифодасини топган. Зеро, бу сўзни “элнинг бахти учун
умрин тиккан шоирлар” биринчи бўлиб айтмаслиги ке-
рак. Фақат эли-халқи тўлақонли бахтиёр бўлганидагина
шоир бу сўзни айтишга ҳақли бўлади. Яъни бу сўзларда
Ш.Раҳмоннинг ҳаётий ва ижодий позицияси жамулжам.
Масаланинг бу тарзда қўйилиши бежиз эмас: 70-йил-
ларнинг ўрталарида шеъриятимизга янги нафас олиб
кирган 60-йиллар авлоди ҳам депсиниб қолган, хусу-
сан, А.Орипов ижодида ҳам замонасозлик кўринишлари
уч бера бошлаган эди. Шеърият кейинги одимни таш-
лай олмай тараддуланиб қолган паллада бу вазифани
70-йиллар авлоди ўз зиммасига олди.

Эътиборли жиҳати шуки, 70-йиллар авлоди илк ижо-
дидаёқ ўз гоёвий-эстетик позициясини аниқ белгилашга
интилади.

¹ Ш.Раҳмон. Гуллаётган тош. - Т., 1985 - Б.5.

Шу сабабли шоир қисматию вазифаси, шеър ва шоирлик мавзусида талайгина шеърлар яратилди. Аввало шуки, бу авлод шоирликни қисматгина эмас, яшаш тарзи деб билди. Бу шундай яшаш тарзики, дунёда юз бераётган ҳар неки бўлса шоир юрагида садо бермоғи, шоир буларнинг бари учун ўзини масъул улароқ хис қилмоғи даркор. Жумладан, Ш.Раҳмон 1974 йилда ёзилиб, рус шоири Е.Евтушенкога бағишланган шеърига худди шу фикрни сингдиради:

*Ором бермас ҳар лаҳза, ҳар дам,
Ўзингизни севмасиз букун –
Ҳаққингиз йўқ, энди ҳар одам
Жавобгардир мажруҳ ер учун.*

Орадан кўп ўтмай Пабло Нерудага бағишланган шеърида Ш.Раҳмон бу фикрни янада чуқурлаштиради, шоирлик ва яшамок сўзларини бир-бирига маънодош (синоним) сифатида талкин қилади:

*Шоирман –
Бораман зулматга тикка.
Сира ҳам ҳаққим йўқ букун дунёда
Шоир бўлмасликка.
Яшамасликка!*

Демак, унинг назарида яшамок ва шоирлик сўзлари маънодош, иккисининг ҳам моҳияти зулматга қарши бориш, бефарқ бўлмасликдадир. Яъни бу ўринда юқорида айтилган “кўзи очиқ” ҳолда яшашлик шоирга қўйилаётган энг бирламчи шарт сифатида тушунилади. Шунга ўхшаш, Х.Даврон тушунчасида ҳам шоирдан ижтимоий фаоллик талаб этилади. Шоир бефарқ бўлмасликка, мавжуд воқеликка нисбатан муносабати – ди-

лидаги ўй-ҳисларини изҳор этишга, бонг уришга бурчли. Зеро, “Энг даҳшатли сукунат – Шоир жим юрса”. Х.Даврон эътиқодича, шоирлик бекордир, агар “Кулфат панжасида қолган инсонга Қалбини бахш эта олмаса”, чунки унинг учун шоирлик аввало инсонпарварликдир.

Бунгача кўриб ўтдикки, XX аср ўзбек шеърлятидаги барча авлодлар адабиётни кураш майдони деб билган. 70-йиллар авлоди ҳам истисно эмас. Фақат унинг кураш мақсади ўзга.

Хусусан, Х.Даврон “Адабиёт – она халқ учун, Ватан учун, севги учун жанг” деб ёзади.¹ Ш.Раҳмон эса “Ёш ўзбек шоирларига” номли шеърда кураш мақсадини бундай аниқлаштиради:

*Сўзларни қайрайлик,
Дўстлар, жўралар,
Ғафлат тўшагида ётмай шошайлик:
Яшамоқ, курашмоқ, ўлмоқ сирларин
Болакайлар учун очайлик.
Битта дунё қолсин мустаҳкам
Унга посбон бўлсин ўткир шеъримиз,
Токим бу дарёлар бемалол оқсин,
Болаларга қолсин жаннат еримиз.*

Албатта, 80-йиллар аввалида истиқлол ғоясини бундан-да очиқ ифодалаш мушкул эди.

Қолаверса, “болаларга қолсин жаннат еримиз” деганида шоир мустақил Ўзбекистонни назарда тутаётганини англаш ҳам қийин эмас. 70-йиллар авлоди салафлари журъат топганида ўз-ўзига шивирлаб, аксар эса ичида

¹ Х.Даврон. Қакнус.- Т.: Ёш гвардия, 1987.

гина айтолган гапларни ҳайкириб айтишга имкон топдики, бу унинг илғорида турган шоирларга хос жасоратдан дарак беради.

Сираси, 70-йиллар охирига келиб бу уларнинг анланган ижодий принципларидан бири булиб қолганди ҳам. Ш.Раҳмоннинг:

*Ҳаётим маънисин жуда кўп ўйлаб,
сайладим сузларнинг
сараларини.
Ҳар бир суз
юз сузнинг урнини босар:
Ватан Халқ Жасорат Қураш Озодлик*

– деб ёзиши бунинг ёрқин далилидир. Анланганлик Х.Давроннинг “Чилилик дўстларга” номли шеърда ҳам яққол кузга ташланади. Шеър “Эрк нима? Озодлик нима? Буни анлаганга қийин булади” деган сузлар билан бошланади. Шоир фикрини тадрижий давом эттиради, шеър қурилиши қуйидагича тартибда амалга оширилган:

*“Эрк нима? Озодлик нима?
“Юрт нима? Ватан нима?”
“Халқ нима? Миллат нима?”
“Бурч нима? Виждон нима?”*

Бу суроқларнинг ҳар биридан сўнг “Буни анлаганга қийин булади” мисраси такрорланиб, фикр изоҳланади. Охирги икки мисра шеърда тадрижий ривожлантирилган фикрни умумлаштириб, буларни анлаган одам “Ўлимдан сўнг тириладан деб, Ўлимдан қўрқмасдан улади” деган хулосани ифода этади. Кўриниб туриб-

дики, Ватан ва Миллат Эрки учун курашни иккала шоир ҳам Бурч, Виждон иши, ҳаётининг мазмуни деб тушунади. Бу эса уларнинг ҳаётий ва ижодий позицияси англанган эътиқод даражасига кўтарилганини, улар чинакам шахс-шоир мақомида туриб қалам сурганини кўрсатади. Албатта, океан ортидаги ҳодисаларга муносабат ифодаланган шеърда ижтимоий буюртма таъсири борлиги шубҳасиз. Ва шундан келиб чиқиб юқоридаги талқинга эътироз қилиниши ҳам мумкин. Лекин олис Чили воқеалари шоир учун бир восита, дилидагиларни ифодалаш воситаси, холос. Зеро, давр руҳи ва шоирнинг шу даврда ёзган шеърлари контексти шунақа талқинга изн беради.

70-йиллар авлоди ижодида Ватан мавзуси етакчи ўрин тутади. Шу жиҳати билан бу авлодни ўзидан олдинги авлод бошлаб берган анъананинг давомчиси ўлароқ тушуниш мумкин. Айни чоқда, унда мавзунинг талқини салафлардан ўзгачароқ. Менга қолса, бу авлоднинг Ватанга муҳаббати оғриқлироқ деган бўлардим. Хўш, бу оғриқ нимадан? Унинг ижтимоий-психологик илдизлари қайдан озикланади? Менимча, буни англаш учун 60-йиллар авлоди билан қиёслаб кўриш керак бўлади. А.Орипов ва Э.Воҳидовлар Ватанга муҳаббатни баралла изҳор этишди, унинг буюк ўтмиши туфайли туйган фахру ифтихорни имкон даражасида ифодалай олишди. Аввалги бобда кўрдикки, Ватан ҳақида мушоҳада этганларида уларнинг дилидан ҳам гоҳи-гоҳида оғриқ симиллаб ўтган. Хусусан, А.Ориповнинг “миллион эгатларга сочилган ўзбек”, “рангпар сингил” ҳақидаги оғриқли мушоҳадалари бунинг ёрқин далили. Бироқ уларда бу оғриқнинг дафъи учун самарали дори – Ватаннинг порлоқ истиқболига ишонч бор эди. Майли, бу ишонч шўро кўзлаган мақсад билан муштарак бўлсин,

майли, баъзи-баъзида сусайиб дилларига изтироб солган бўлсин, барибир, ишонч бор эди. 70-йиллар авлоди майдонга кирган вақтга келиб бу ишонч чилпарчин бўлган, энди Ватан, унинг ўтмиши, ҳозир ва келажак гини қайта бошдан тафаккур ва қалбдан ўтказиш тақозо этиларди. Ш.Раҳмон юқорида эслатилган “Ватан” номли тўртлигида “Жойлашгансан шунчалар чуқур... Ўз тубига яширган юрак. Сенга етиб бормоклик учун Узун умрим етмаса керак” дейиши шундан. Эҳтимол, бир қарашда бу сўзлар шоирона лутф, навқирон йигирма беш ёшдаги истеъдод соҳибининг Ватанни англашим учун умрим етмаслиги мумкин, деган икрори муболағадек туюлар. Балки. Лекин орадан қарийб ўн йил ўтиб Ш.Раҳмон “Сендан-да улуғроқ нарса йўқлигин сочим оқарганда англадим, Ватан!”¹ дея хитоб этади. Ҳа, “сочим оқарганда” деганида у 34 ёшда эди, бу эса ҳали навқирон ёш. Шунга қарамай, «сочим оқарганда» деяпти, чунки Ватанни янаям аввалроқ англаш керак эди, зеро:

*Англасам лоақал ўттиз йил аввал,
Лоақал туғилмай туриб англасам...
Кўрган булармидим сени мукаммал.*

Бир қарашда “туғилмай туриб англасам” дегани мантиққа хилофдек ёхуд муболағадек кўринади. Тузукроқ назар солинса, парчадаги биринчи ва иккинчи мисраларнинг ўзаро боғланишида ҳам мантиқ бузилган: уларнинг ўрин алмашгани мантиқан тўғрироқ бўлади. Наҳотки, шоир шун пайқамасми? Йўқ. Бу ерда атайинлик бор, алогизм ёрдамида ўқувчи диққатини жалб этишга ҳаракат бор. Ўқиш жараёнида шоир “мен”и ҳар бир ўқувчига

¹ Ш.Раҳмон. Уйғок тоғлар.-Т., 1986.- Б.141;

кўчиши эътибор қилинса, бу ердаги ўзига мурожаат халкка мурожаатнинг ўзига хос йўли экани аён бўлади. Яъни мантиқий ғализлик ёшидан қатъи назар, ҳар бир ўқувчининг шеърдаги ўй-ҳисларни “меники” деб қабул қилишига замин ҳозирлайди. Ва ҳар бир ўқувчи Ватани мукаммал кўрмаётгани учун, аввало, ўзини жавобгар деб ҳис этади. Демак, бунга, аввало, ифода усули деб қараш жоиз. Айни чоқда, Ш.Раҳмоннинг илк китобиغا очқич бўлган «Ватан» номли тўртлигидан тортиб охирги – “Айт, эй, хаста булбулим, Ўшга қачон етамиз” деб бошланувчи шеърига қадар Ватан ҳақида, унга бўлган муҳаббату тақдирига қайғуришдан туғилган десак, янглишмаймиз. Жумладан, шоирнинг бирон-бир ўринда Ватан сўзи ишлатилмаган кўплаб шеърлари ҳам моҳиятан она-диёрнинг у ёки бу шакл ва тарздаги тараннуми деб қаралиши мумкин.

Худди Ш.Раҳмон сингари Х.Даврон ҳам 1984 йилда чоп қилинган “Болаликнинг овози” тўпламига очқич сифатида Ватан ҳақидаги шеърини қўйган, шеърнинг илк банди:

*Мен кўксингга бошимни қўйдим,
Сен чеккан гам, ҳасратда куйдим.
Суйдим сенинг Оқдарёнгни ҳам,
Ҳамда Қорадарёнгни суйдим,
Эй, қалбимнинг онаси, Ватан.*

Эътибор беринг, Оқдарё ва Қорадарё сўзлари ўзгача маъноларга ишора қилади. Шоирнинг Ватанига муҳаббати онага муҳаббат каби – уни бор ҳолича, яхшию ёмон томонлари билан бир бутун ҳолида севади. Шунинг учун ҳам, “Сен ўтган йўл – юрагим йўли, Изтироб ёшлари чўккан йўл” дейди шоир. Ва шу нуктада биринчи байтдаёқ сезилган Ш.Раҳмон билан қарашлар муштара-

клиги бўртиб кўзга ташланади: иккисининг ҳам Ватанни англаш йўли умрга тенг ва изтиробларга тулик. Улар учун Ватан жуғрофий ёхуд мавхум тушунча эмас, жонли мавжудот. Х.Давроннинг бошқа бир шеърида “Ватан ҳам одамдек олади нафас” дейилгани шундан. Унинг талқинида Ватан сизу биз билан баробар нафас олади, шундай экан, фарзандлар ҳар вақт ва ҳар жойда унинг ёди билан яшамоғи шарт, зеро “Ватан – бу дилдаги қувонч, қайғу, шашт, Уни тирик сақлар юракдаги сас”. Яна бир жихати, Х.Даврон Ватанни ўтмиш – ҳозир – келажак кесимларида идрок этади, унинг учун халқаларнинг бари бирдек муҳим. Шу сабаб айтадики: “Ўтмишингга йўл солиб гоҳо, Келажанинг билиб қайтурман”. Шоир тасаввурида Ватани келажани нурли: “Болақайлар қоғоздан ясаб Оқизган оқ кемачалардай, Сўлим тонглар, ол тонглар ясан Оқиб чиқар кечаларингдан”. Х.Даврон, ўзи айтмоқчи, Ватан келажани ўтмиш орқали идрок этаётир ва шу сабаб ҳам уни порлоқ, шавкатли ўтмишга муносиб қиёфада кўради. Менимча, айна шу ҳол 70-йиллар авлодини Ватан келажани коммунизм ғоясига боғлиқ тасаввур этган салафлардан фарқлаб туради.

Мазкур фикрга қарши “наҳотки бу авлод мафкура таъсиридан буткул холи бўлса?! Ахир, улар ҳам Ленин, коммунизм ҳақида ёзмаганми?!” тарзида эътироз қилиниши мумкин ва табиий. Гап шундаки, бу авлод шўролар замонида туғилди, шўро манфаатини ҳимоя ва ташвиқ қилган муҳитда ўсди, вояга етди. Ҳаётининг қайси бир паллаларида деярли ҳамма катори шўро мафкурасини туғри деб билди, унга самимий ишонди. Булар ҳаммаси бор гап. Лекин, масалан, Ш.Раҳмоннинг 1975 йилда чоп этилган илк шеърий тўплами “Рангин лаҳзалар”нинг бирон-бир ўрнида коммунизм, партия, Ленин деган сўзлар учрамайди. Буни мен иккита сабаб

билангина изоҳлаш мумкин деб биламан: биринчидан, бу вақтга келиб 70-йиллар авлодига мактаб партасидан бошлаб сингдирилган ғояга ишонч чилпарчин бўлиб улгурган; иккинчидан, партия ва пролетариат доҳийси мадҳ этилган ёхуд коммунизмга даъват қилинган шеърлар ҳамманинг жонига тегиб бўлган эди. Қолаверса, мазкур тушунчалар учраган ҳолларда ҳам талқин салафлардан сезиларли фарқ қилади. Жумладан, Ш.Раҳмоннинг 1983 йилда ёзилган “Шоиранинг саволи” деган шеъри бор. Аввало, агар айти шу даврга келиб, ижодида исёнкор рух ғоят кучайгани эътиборга олинса, шу пайтгача бу мавзуларга қўл урмаган шоирнинг бирдан шу шеърни ёзгани ғалати туюлади. Ва шеърни хушёрроқ ўқиш керак деган фикр туғилади. Шеър шоирнинг йўл қўйи ҳамма жойда Ленин суратларию ҳайкаллари учрашига ҳайрон бўлган қизчасига жавоби тарзида ёзилган.

*Қизим, ҳали ёшсан,
Англарсан ҳали,
бу йўллар – мошинлар юргувчи йўлмас,
бу кураш йўлидир,
толе йўлидир,
Ленин бу йўлларда турмаса бўлмас...*

Чунки, шоир қизчасига тушунтиришича, агар Ленин “посбондай ҳар жойда турмаса” толенинг равон йўлларини “қилвири ўғрилар, олабўжилар” босиб кетади. Улар қулай вақт келишини пойлаб юрибди, ҳозирча эса Ленин кўзларига дош беролмай пана-панада яширинганлар. Яна шундайлар ҳам борки, “тик қарарлар-у, тесқари бажарар доҳий сўзларин”.

Эътибор берилса, бу ерда ўша вақтларда анча кенг оммалашган жайдари фалсафа, “Ленин бобо йўлни тўғри

кўрсатган-у, раҳбарлар йўлдан оғмоқда” кабилидаги қарашлар шеърга солингани кўринади.

Мухими, бу гаплар жажжи қизалоққа эртак мисоли сўзлаб берилаётир. Агар шуни, шоирнинг шу даврда ёзилган бошқа шеърлари контекстини ҳамда ушбу шеър Ш.Раҳмон ўзбек «ленинномасига» қўшган илк ҳисса эканини эътиборга олсак, менимча, бу ўринда яширин киноя бор дейишга етарли асос бўлади. Бундай дейишимизга яна бир сабаб – шеърнинг мана бу финали:

*Қизим,
Битта ёвнинг икки юзини
мен сенга хаёлан чизиб кўрсатдим,
Бу ҳақда кейинроқ...
Булар, албатта,
Бафуржа ўйламоқ учун фурсатинг.*

Эътибор беринг, “бу ҳақда кейинроқ” дейилгач кўп нуқта қўйилгани, “бафуржа ўйламоқ учун фурсат бўлади” деган фикрнинг “албатта” билан таъкидланаётгани – булар тағмаънога ишора эмасми? Менимча, шундай. Агар шундай бўлса, унда “ёвнинг икки юзи” деганида ҳам ишора бўлиши ва унинг бевосита Лениннинг ўзига қаратилгани ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу йўсин фикрласак, Ш.Раҳмон шунча вақт қаламга олмаган мавзуга 1983 йилга келиб қўл уриши сабаби бирмунча ойдинлашгандек бўлади.

Х. Давроннинг “Дохий сурати қаршисида” (1980) номли шеърида ҳам инқилоб дарғасига муносабат ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шоирнинг “Қани, дохий, ўйга чўмиб англайлик бирга, Қандай маъно англатади Ленин дегани?!” тарзида савол қўйишиёқ мавзу талқинидаги ноанъанавийликни кўрсатади. Ахир, неча ўн йил-

лар шеърият Ленин деганда пастдан тепага – илоҳга қарагандай қараб келган бўлса-ю, шоир унга ошнасидек мурожаат қилса, янгилик бўлади-да.

Аслида, шу мисраларнинг ўзида асосий мақсад жам этилган – шоир “Ленин дегани нима маъно англатишини” аниқлаб олмоқчи. Яъни вақтида А.Орипов ўзи учун “коммунизм” тушунчасини аниқлаб олишга интилгани каби. Шоирнинг эътирофича, дохий “юрагининг қонида”, “номи худди жондек яшар вужудда”. Лекин шу эътирофи учун шоирни “ашаддий ленинчи”га чиқариш ҳам тўғри эмас. Негаки, унинг учун Ленин дегани – “тун кўйнида адашиб юрган Одамларни тонгга олиб келинг дегани!” Яна бу “асрларким соқов элларга Сўз ўргатинг, улар куйлаб, ёнсин дегани, Сахро каби қақраб ётган чанқоқ дилларга Сув чиқаринг, зиё сочинг, қонсин дегани!” Худди А.Орипов каби, Х.Даврон ҳам айтганларини “қизил гаплар” дейишларини билади. Шоир бунини тан олади ва қизиллик уларда қурбонлар қони қайнагани туфайли деб билади. Бир қарасанг, бу 20-йиллардан оммалашган талқиннинг ўзидек-у, аслида фарқли. Фарқ шуки, бу ўринда инқилобчилар тўккан қонгина эмас, қадимдан ҳозирга қадар Ватан учун қурашганлар қонини назарда тутуди шоир, шу сабабли шеърларида тарихга қўп мурожаат этади. Шоир талқинига кўра, шеъриятнинг иккинчи номи эътиқод, у эса – “Прометейнинг қалби, тилагида биринчи бор уйғонган орзу”. Ва бу эътиқод “Халким дея, Ватан дея айтилган ҳар бир Ҳақиқатнинг сўзларида тирик”дир. Яъни шоир эътиқоди Ватан, Халқ, Озодлик тушунчаларидан таркиб топади, дохий эса шунга сингиб, унинг бир узвига айланиб кетади.

Юқоридаги икки шеър 70-йиллар авлодининг ғояга муносабатида жиддий ўзгаришлар юз бергани, ғоянинг маъно сифими ғоят кенгайганини кўрсатади. Бу авлод

ғояга тарихан кенгроқ қарайди, ўзи топинган эътикод “инқилоб тонги”дан эмас, инсониятнинг тонгидан бошлаб шаклланганини идрок этади. Табиийки, бундай қараш шу ро мафқурасининг таянчи бўлган синфийлик тамойилига соя ташлайди. Яъни бу дунёқараш бобидаги жиддий силжишдир. Ушбу силжишдаги энг муҳим жиҳат ғояда умуминсоний кадриятларнинг устуворлик касб этиши ва айни чокда, унда миллий манфаатларнинг ҳам буртиб акс этишидир.

70-80-йилларга келиб бирмунча муътадиллашган сиёсий-мафқуравий иқлим шароитида собиқ империяда кўзи очик, ҳақиқатпарвар зиёлиларнинг, айниқса, ижодкорларнинг адабиёт ва санъатнинг ўзга соҳалари во ситасидаги Умумий Катта Ёлғонга қарши кураши янги босқичга кўтарилди. Шавкат Раҳмонлар авлодининг Ҳақиқат, Ватан, Жасорат, Озодлик ҳақида куйлай бошлаши ана шу Катта Курашнинг бир парчаси ўлароқ намоён бўлди. Бунинг учун тарихий асослар ҳам мавжуд бўлиб, бу асос, аввало, жадидларнинг ватан озодлиги йўлидаги курашлари билан, хусусан, Чўлпон билан, унинг исёнкор шеърияти билан, Э.Воҳидов, А.Орипов ва Р.Парфилар анъаналарини давом эттириш билан боғлиқ эди.

Инчунун, Чўлпон ва Ш.Раҳмонлар шеъриятидаги ҳамоҳанглик айнан шу ердан туғилди. Улар ижтимоий дардни куйлаш нуқтаи назаридан бир-бирига яқинлашиб келади. Бирок уларда тафовутли жиҳатлар ҳам мавжуд: Чўлпон шеъриятида ҳамма нарса айланиб келиб юрт озодлиги муаммосига тақалаверади. Унда ҳатто гул ва ёр ҳақидаги шеърлар ҳам охир-оқибат Ватан хурлиги ҳақидаги орзу-армонларга йўғрилиб кетаверади. Яъни Чўлпон шеърияти ўзининг ибтидосидан интихосигача асосан юрт озодлиги қайғусига бағишлангандир. 70-йиллар авлодининг бош қайғуси ҳам шу, лекин унга Ҳақиқат

ва Жасорат зиналари орқали чиқилади. Яъни мақсадга етмоқ учун, Ш.Раҳмон юқорида эслатилган шеърда даъват қилганидек, ҳар қанча қийин бўлса-да, “кўзни очиб” – ҳақиқатга тик боқиб яшамоқ талаб этилади. Айни шу нарса кўп жиҳатдан бу авлод шеърятининг мавзулар доираси ва ғоявий йўналишини белгилаб берди.

Ҳақиқатга тик боққан ҳолда мавжуд воқеликка назар солганда, Ватан равнақию миллат эрки йўлида тўғаноқ бўлаётган иллатлар кўзга яққол ташланади. Ш.Раҳмоннинг бир туркум шеърлари борки, уларда моҳияти ва руҳи жиҳатидан жаҳид ижодкорлар кескин танқид қилган ғафлату жаҳолат қўйнидаги турмуш манзаралари, ундаги инсонларнинг манфур кийёфалари тасвирланган. “Бир хонадонда” (1980) шеърисида имон, инсоф, эътиқод каби юксак тушунчалардан мосуво, “болаларнинг юрагида ҳам фақат пул ўстириб”, бир-бирини алдаш билан машғул ҳолда умр кечириётган оила ҳақида гап боради. Шоир нафратга йўғрилган алам билан:

*Юрак, бунда тўхтама асло,
Қара, қандай ёмон анқийди
Сўлиб қолган орзу-хаёллар,
Чириётган туйғулар ҳиди,*

– дея хотималайди шеърни. Шеър руҳи машхур “Тилла балиқча” руҳига муштарак, фақат А.Орипов рамзлар воситасида умумлаштиради, Ш.Раҳмон маддалаётган яраларни очиб кўрсатади, реал турмушнинг аянчли манзараларини чизади. Шундай аянч манзара 1981 йилда ёзилган “Давра” шеърисида ҳам чизилган. Даврадаги “улфатларнинг кайфлари чоғ: гап сотишар юксак аъмолдан, ичларига қуяркан ароқ”. Аламли томони шуки, даврадаги зотлар “қайлардадир кимларнидир идора қилади”.

Оғизда гўё олам тақдирини хал қилишади, “гоҳ ўтмиш, гоҳ келажакка йўл-йўлакай кириб чиқишади” – ҳақиқатда эса ўз маишатидан бошқа нарсани ўйлашмайди. Шоир ҳақли равишда уларни одамиятдан йироқ санайди. Шу боис ҳам “кўзин катта очган” улфатлардан бирови наздида “даврадаги оёқлар аста кирар туёқ, човут шаклига. Бирида мол, бирида эшак, биттасида тўнғиз туёғи, бўри панжа ўсар бирида, бошқасида тулки оёғи...”

Аслида халқ тақдири учун масъул кишилар аҳволи ва бунга шоирнинг ғоявий-ҳиссий муносабати яна жадидларни, уларнинг миллат тақдирига қайишмайдиган бефарқ бою амалдорларга муносабатини ёдга солади. “Автобустаги ўйлар” (1984) шеъри ҳам шу мавзунини тўлдирди. Шоир одам тўла автобуста “бир бутун одамни кўрмадим, кўрдим мен одамнинг зарраларини” дея ўкинади.

Чунки улар лирик қаҳрамонни изтиробли ўйларга толдирган юрт манзараларига мутлақо бефарқлар, гўё ўзи шундай бўлиши керакдек беғам-бепарволар: “Кўнгил ағдарилар латифалардан, орзулар, қарашлар нақадар калта”.

Шоир буларнинг “кўзи очиклигича ухлаётгани”га куяди, мабодо шу “беғам давра”да “жоним она ерим” деган сўз янграгудек бўлса, “юрагини юлиб бериш”га да тайёр. Ва шоир дилини ўртаб турган саволни қўяди: “шулар кўтарарми элнинг юкини?!”

Яна халқни ғафлатдан уйғотишга чоғланган жадидлар ёдга келади, беихтиёр Ш.Раҳмон ва у мансуб авлоднинг энг сара вакиллари ҳам шу ният билан қалам тебратгани, ижодий миссияларини шундан иборат деб билганига амин бўласан.

70-йиллар авлоди ўзбек халқи турмушига расмий мафкурадан тамом бошқа тарафдан қаради.

Маълумки, урушдан кейинги йилларда иктисодий манфаатларни кўзлаб пахта етиштириш муттасил ортиб борди: киска давр ичида 3, 4, 5, 6 миллионлик марралар забт этилди. Марказнинг “яна, яна”сига жавобан ўзбек уйининг сахнига довур пахта экди: она заминимиз тупроғи зўрланди, зилол сувлару мусаффо ҳаво ифлосланди.

Хуллас, марказнинг бу борадаги сиёсати моҳиятини киска қилиб “пахта ўзбек халқи учун яратилмайди, лекин ўзбек халқи пахта учун яратилган” тарзида ифода-лаш мумкин.

Матбуот, радио ва телевидение пахтакор меҳнатини кўклар қадар шарафлаб, романтиклаштиришга ҳарчанд уринмасин, 80-йилларга келиб пахта яккаҳокимлигининг халқимиз турмушига салбий таъсири тобора кучли сезила бошлади.

Бирок булар ҳақда оғиз очиб бўлмас, пахта сиёсий масалага айланган эди. Ва айна шу ҳолатда 70-йиллар авлоди байроғидаги ҳақиқат ва жасорат сўзлари амалларига мос келди. Х. Давроннинг 1981 йилда ёзилган “Куз-ни ўйла” номли шеъри бор. Шеърда пахта сўзи асло тилга олинмаган, лекин пахта яккаҳокимлиги оқибатларига эътибор қаратилган:

*Саратон офтоби тигида
Меҳнат қорайтирган болаларнинг
Кўзларига тик қаролмасдан
Кузни ўйла.*

Шеърда қайта-қайта такрорланувчи “кузни ўйла” хитоби, албатта, тескари маънода, албатта, аламли киноя. Бу ҳаммадан олдин кузни – пахта ҳосили йиғиштириб олинадиган пайтгни ўйлаган, бутун саъй-ҳаракатини шунга йўналтириб, унинг қаршисида бошқа ҳар нени

бир пулга олмаган давр сиёсатига аччиқ киноядир.

Мана бу мисраларда тасвирланган манзара эса, купчилик яхши: эсласа керак, давр колхозларидаги “социалистик турмуш” тарзи учун типик ходиса эди:

Кузни уйла

Икки тол овутолмаётган

Беланчакдаги боланинг бугилиб йиглаши,

Кун иссигида куксида сути қуриб қолган аёлнинг

Изтироби аро кузни уйла,

Кузни уйла,

Кузни уйла...

Шоир шўро даври пахта сиёсатида болаларга, демакки, халқнинг келажигига нисбатан жиноятни кўради ва 1981 йил шароитида буни ифода этади. 1985 йилда ёзилган бир шеърида эса шундай сатрлар бор:

Совуқларда оғриси суяк,

Соглиқ тила ўзингга ўзинг.

Совуқларда оғриси суяк,

Ишқдан ёниб товлансин кўзинг,

Яшнаса бас Ватан даласи,

Янграса бас она алласи.

Эътибор беринг, гап Ватаннинг эмас, “Ватан даласи”нинг яшнаши ҳақида бормоқда, яъни киноя пахта тайёрлашни “пахта фронти”га айлантирган сиёсатга қаратилган.

Шеърнинг “Ўлим келса уйга киритма, Далаларга олиб чиқ уни. Далаларда узилсин жонинг...” мисралари билан ниҳояланиши инсонни қадрсизлантирган сиёсатга исён ўлароқ жаранг топади.

Шунга ўхшаш, Ш.Раҳмоннинг “Ғуза” (1982) шеъридаги:

*Бир парихон
каби сўзладим
Тупроқ ёрган гўзага қараб:
“Авлодларнинг ҳаққи-ҳурмати
ўсгин,
ўсгин, пакана дарахт”*,

– дея қилган илтижоси замирида исёнга миллатнинг эртаси ҳақидаги ташвиш қоришиқ намоён бўлади.

Шоир миллионлик хирмонлар ўзича эмас, балки кўпчилик сезмаётган қурбонлар эвазига: кирза этикли қизларнинг “минг бора эгилиб, минг бор ялиниб, ҳар митти гўзани сизлаб” уйғотишлари, “саксовул сингари чидам-ли, чайир” одамларнинг олтинга менгзалса-да, асли “ерга ўхшаб кетган” қўллари билан, “қанчадан қанча ўктам асрлар қаддини ростлаёлмай ўтаёгани” ҳисобига барпо этилаётганини биледи.

Ш.Раҳмоннинг “Кузги ер кўриниши” (1983) шеъри эса пахта сиёсатининг яна бир оқибати – она ерга етказилган озор ҳақида. Шеърнинг илк мисралари йиғи йўқлов оҳанглари эслатади:

*Саргайган
баҳайбат япрогим – ерим,
ерим,
қовжсираган гиёҳванд ерим.*

Бу бекорга эмас. Она замин “бағрига бағрини бериб” ётган лирик қаҳрамон унинг йўқликка кетган жаннатий гиёҳларию ўрмонлари, зилол сувларию ранг-баранг чечаклари, қушлару турфа ҳашаротларини кумсайди. За-мин эса, она-да, ҳамон бошига тушган шўришлар сабаб-чиси бўлмиш фарзандни ўйлайди: “майсамни хидлама,

ичма сувимни, сарғайган бағримда ётмагин, болам”. Менга қолса, юртини шунчаки лутф учун эмас, дилдидан “она” деб билган, байроғига ҳақиқат сўзини битган инсонгина шундай сатрларни битиши мумкин. Зеро, бунинг учун ижтимоий дарднинг шахсийланиши, яъни она заминга етказилган озорни ўзига етказилган озордек ҳис қила олиш, оғриқларини вужуддан ўтказа олиш талаб этилади. Агар Ш. Раҳмон ва Х. Давронлар бу шеърларни 80-йилларнинг ўрталарига қадар ёзишгани, бу вақтда ҳали “ошкоралик” бошланмаганини ҳисобга олсак, 70-йиллар авлодининг миллий ижтимоий тафаккур ривожига нечоғли улкан ҳиссаси борлигини тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Ҳа, 70-йиллар авлодининг энг сара вакиллари воқеликнинг негатив томонларига кўпроқ диққат қилишди. Лекин бу асло уларнинг шеърлятида тушкунлик кайфияти акс этди дегани эмас.

Аксинча, негатив томонларга урғу беришдан мурод халқнинг “кўзини очиш”, унга бу алфозда яшаб бўлмайдиган қарашни сингдириб, улкан кучни ҳаракатга келтиришдан иборат эди.

Яъни бу 80-йилларга келиб ижтимоий тафаккур илғорига чиққан шоирларимиз англаган ижодий принципининг муҳим қирралари – Кураш ва Озодлик ғояларининг амалга татбиқи эди. Уларга бу борада куч бағишлаб турган асосий омил Ватаннинг шонли ўтмиши эди десак, асло янглишмаймиз. Чунки улар қадим ўтмишимизга фикран қайтиб, ундан “оққан дарё оқади” нақлига амин бўлиб қайтдилар ва шу ишонччи оммага сингдириш пайида бўлдилар. Бу авлод ўтмишга порлоқ келажак пойдевори деб қаради.

Ш.Раҳмоннинг 1980 йилда ёзилган бир шеърда “минг йиллар қаъридан келаятган” минора тасвирлана-

ди. Туплар ўқидан миноранинг бош қисми учиб кетган, жони “шарқона безаклар битилган жисмида” омон қолган ва:

*Бу йил ҳам минорда, ҳайрият,
шарқона безаклар сўнмабди.
Минорнинг бошига бу йил ҳам
Ҳайрият, қарғалар қўнмабди.*

Шеърнинг мазкур хулоса банди сўз санъатидан хабардорки кишига мажозан келажакка умидворликни аниқлаштириши айтмаса ҳам бўлади. Минора ҳали ўзлигини буткул йўқотмаган миллат, унга эзгулик рамзи бўлган лайлақлар қўнгани – озод эртасидан башорат. Зеро, энг муҳими асос – “шарқона безаклар битилган жисмида” жоннинг омон қолгани. Худди шундай руҳ-кайфият Х.Давроннинг “Барокўх тоғига чиқдим тирмашиб...” мисраси билан бошланувчи шеърда ҳам устувор. Шоир тоққа Бобур қурдирган уйни кўриш учун чиқмоқчи. Лекин унга “Шошилма, Бобур уйи йўқ, Фақат пойдевори қолгандир омон” дедилар. Шоирнинг жавобини қаранг: “Уйнинг пойдевори омон бўлса бас, Уйни бўлса ўзим қилгум тасаввур”. Шоир пойдевор омонлиги учун мағрур, шод. Чунки:

*Пойдевор омондир,
Демак, уй омон.
У яна тикланар, токи бор фироқ,
Токи бор бошимда бу қадим осмон,
Токи бор боболар қон тўккан тупроқ.*

70-йиллар авлоди тарих идрокида салафларга нисбатан бир неча одим олдинлади. Агар А.Орипов, Э. Воҳидовлар буюк ўтмишдан фахр туйғусини ифода

этганлари ҳолда унга муносабатда мафкура тазйикидан ҳоли бўлолмаган бўлсалар, булар ўтмишни ўз қарашларига мувофиқ талқин қилиш имконига эга бўлдилар. Бу қараш расмий мафкура нуқтаи назаридан жиддий фарқланади. Масалан, Х. Давроннинг “Қочок. 1868 йил. Савр” номли шеъри, тўпلامда қайд этилишича, 1971 йилда ёзилган. Унда рус истилоси вақтида қуролини ташлаб қочган қочок қисмати қаламга олинган. Қочок одамлар нафратига учраган, ёлғизликка маҳкум, хатто она заминдан унган анғиз ҳам уни ўзидан итаради; уни қурбон бўлган дўстлар руҳи ва яна “бир жуфт қора кўз” мудом таъқиб этади. Ўша “бир жуфт қора кўз” дегани “она ер – У ҳимоя қилмаган тупрок”. Агар шеър ёзилган даврда “Ўрта Осий Россияга ихтиёрий кўшиб олинган” қабилдаги ёлғон зўр бериб сингдирилиб тургани эсга олинса, талқиннинг расмий қарашга зидлиги яққол кўринади. Шоирнинг “Ханжар” (1982) шеърида зидлик янада яққол кўринади: унда ёғийни пинҳон йўллардан Кўконга олиб кирган хоин қисмати тасвирланган. У ўз халқига урган хиёнат ханжари ўзининг “қўксига абадий ботган”. Хоин бу ханжарни хизмати учун оқпошшодан олган кумуш нишон билан кўшиб кўтариб юришга мажбур. Эл ундан ҳазар қилади: Болалар кўчада кўриб қолишса, Ўзини ҳовлига уради қушдек, Чоллар ўзларини четга олишса, Йигитлар ғазабдан қисарди муштин”. Агарки элнинг хоинга муносабати шунчалик – ўлигини кўммас даражада экан, унинг ёғийни қучоқ очиб кутиб олмаганлиги ҳам аниқ, албатта. Рус истилоси мавзуси Х.Давроннинг яна “Верещчагин” (1982), “Жангчи ҳақида ривоят” (1983), “Тютчев ўлими” (1986) каби шеърларда ҳам поэтик акс эттирилди. Бу шеърлар ўз даври учун нафақат бадиий-эстетик, балки улкан маърифий ва ғоявий аҳамиятга молик эди.

Ҳа, 70-йиллар авлоди тарих идрокига миллий ўзликни англаш ва англаштиришнинг муҳим шартлари сифатида қаради. Ҳоким мафкура эса омма онига сохталаштирилган тарихни сингдиришдан манфаатдор эдики, айти шу нуктада манфаатлар тўқнашуви юзага келади. Ш.Раҳмон бир шеърда:

*“Ғапириб бўлмайдими мозий ҳақида,
мозий юки оғир –
ташлаб кетарли,
ҳали бузғунчи деб,
қўпоровчи деб,
ёқангдан олгучи гумроҳ етарли”*,

– деб ёзиши бежиз эмас эди. Адабиётдаги юқоридагича тенденцияни илғаб олган мафкурачилар дарҳол сергак тортишган, бунда ўзлари сингдираётган мафкура мақсадларига буткул зидлигини, унинг кушандаси бўлиши мумкинлигини англаб қолишганди улар. Шунинг учун ЎзКП МКнинг юксак минбарларидан туриб тарихни идеаллаштириш ҳоллари кескин танқид қилинди¹. Мафкурачилар аюҳаннос солиб айтган “идеаллаштириш”, аслини олганда, тарихга холис назар эди.

Тўғри, Ш.Раҳмон айтмоқчи “Мозий қора маскан – заррача нур йўқ” деб тушунтирган мафкура қаршисида бунинг “идеаллаштириш” бўлиб кўриниши ҳам ажаб эмас.

¹ Қаранг: “Постановление ЦК КП Узбекистана от 29 января 1985 года “О состоявшихся мерах по дальнейшему улучшению литературно-художественной критики в республике в свете решения июньского (1983) Пленума ЦК КПСС” // Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и Пленумов ЦК. Т.4.- Т.,1989

Агар 60-йиллар авлоди ўтмишни юртимиз бошига тушган кулфатлар тарихидан иборат деб билса, 70-йиллар авлоди уни Ватан озодлиги учун курашлар тарихидан иборат кўрди. Салафлар учун ғурур-ифтихор сабаби кўпроқ буюк алломаларимиз бўлган бўлса, булар учун эрк ва озодлик учун курашчилар фахр-ўрнатма объекти бўлди. Хусусан, биргина Х.Давроннинг 70-80-йиллар ижодида Широқ, Тўмарис, Спитамен, Қурбонжон додхо, Намоз Пиримқул ўғли сингари курашчилар образларининг бутун бошли галереяси яратилди. Менга қолса, Х.Давроннинг бу йиллардаги ижодини кўпроқ бадиий сўз воситасидаги тарихчи-маърифатчилик фаолияти деган бўлардим. Назаримда, шоир тарихимизнинг фахр-ўрнатма бўларли саҳифаларини бир-бир очиб, ўқувчи омма кўз олдида ҳижжалаб кироат қилди, уни ҳис қилишга, уқишга ўргатди. Ш.Раҳмон, У.Азимларнинг тарихий мавзудаги шеърлари ҳам мақсад-моҳиятига кўра шундай. Зеро, бу шеърларнинг бари тарихга “кўзни очиб қараш”га ўргатиш билан миллатга ўзлигини танитиш, олиб борилаётган мунофиқона сиёсатга нисбаган тўғри мавқени эгаллашга кўмаклашиш мақсадига қаратилган эди.

80-йилларнинг ўрталарида “ошкоралик” “қайта қуриш” жараёнлари бошланиши билан жамият сиёсий-лашди: сиёсат ҳақида ўйламаган, гапирмаган, ёзмаган одам қолмади ҳисоб. Бу, албатта, ўзини “қайта қуриш”га чоғлаган жамиятнинг маънавий-руҳий эҳтиёжлари билан боғлиқ эди. Аслида, “қайта қуриш” дегани социализм ғояси ва улкан империяни сақлаб қолиш йўлидаги бир уриниш, сиёсий тадбир бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Лекин нима бўлганда ҳам, буткул бошқа мақсадларда тақдим этилган сўз эркинлиги мустабид тузум илдизига урилган болта бўлди. Ва албатта, ўта ижтимоийлашган ва ошкор публицистиклик касб этган

шеърят ўша болта билан нақ ўқ томирни мўлжалга олди. Бунгача шоирларимиз бўғзида қолиб келган ҳақиқатнинг ярми энди шеърларга шиддат-ла қуйилди. Ўзбек халқининг мустамлака шароитидаги фожеали ҳаёти, мустабид сиёсат оқибатлари давр шеърятининг етакчи мавзусига айланди.

У. Азимнинг “Роса қирқ ёшингда тўхтадинг, юрак” шеърининг лирик қаҳрамони – қирчиллама қирқида ҳаёт билан видолашган одам, уни биргина савол қийнайди: “Мени нима учун ўлдирдинг, ўлим?” Лирик қаҳрамон ўлимга ёзғирадики, “Аmmo мен ҳеч нарса қилганим йўқ-ку! – Меҳнат қилавердим бошимни эгиб”.¹ Аслини олсак, унинг ўзи англамаётган фожиаси шунда – мутеликда. Чинданам бу – бошидан учоқлар оғу сочганида ҳам, боласи кузги япроқ мисоли хазон бўлганида ҳам, хотини кўксидан сут ўрнига заққум келганида ҳам “ҳеч нарса қилмаган” одам. У ҳамма шиорларга дилдан ишониб, ҳамма буйруқларни сўзсиз бажариб, ташаббус талаб қилганларида “Мен – тайёр!” дея унсиз бош силкиб... га-зетада ёзилгандан бошқани кўрмай, ўзи етиштирган пахтадан қулоғига тикин қилиб – яшамасдан яшаган одам. Унинг бошида ўтирган – Ватан, бўлганда ҳам “ўттиз йил пахтазор кечиб Пушти қуйиб кетган опаси”нинг худди ўзгинаси. У-да ожиз, “Қандай олиб қолай сени ўлимдан, Нимага ҳеч нарса қилмадинг, Болам?”. Бу – Ватаннинг мавжуд ҳоли учун ўзини тўлиқ масъул санаётган авлод иқрори, бу иқроп “кўзни очиш”га, энди “нимадир қилиш, хатоларни тузатишга даъватдир. У.Азимнинг “Пахтага қасида” шеъри биргина “Менинг таржимаи ҳолим йўқ – гап шу! Менинг ўтган умрим пахтаники-ку!” банди билан бошланиб, шу банд билан якунланади.

¹ У.Азим. Уйғониш азоби. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1991-

Шунинг ўзидаёқ шўро сиёсати натижасида пахта қулига айланаёзган миллат фожеаси жам этилган. Шеърнинг “Кимлар орден олган ва кимлар қамоқ” мисраси давр ўқувчиси кўз олдига қарийб йигирма йиллик тарихни – “олтин қўллар” дея шарафлашу бунинг ортидан келган “ўзбеклар иши”, “пахта иши” қабалидаги сохта айбловларни шундоқ келтириб қўйгани шубҳасиз. Марказ матбуоти “ошкоралик”ни рўқач қилган ҳолда ёруғ оламга жар солиб, халқимиз ҳақида мутлақо бўҳтондан иборат тасаввурни сингдира бошлади. Бу – миллатга тухмат, унинг ҳамиятини кўзгаган энг сўнгги томчи эди. Ш.Раҳмон “шоирлар уйғота олмаган элни уйғотиб юборди маломат, тухмат”¹ деб ёзганида тўла ҳақ эди. Шоир масаланинг туб моҳиятини теран илғаган ҳолда жасорат билан “юксак қалъалардан боққан ўғрилар улкан мамлакатнинг бутун айбини содда ўзбекларга қўйди тўғрилаб” дейди. Шунга ўхшаш, шоир “қайта қуриш”нинг юқорида айтилган моҳиятини ҳам ўз вақтида теран англай олди. Бироқ аксарият кишиларимизда бу сиёсат умид уйғотгани ҳам сир эмас. Шу боис ҳам Ш.Раҳмон халойиқ “айбдор болтамас, айбдор қунда” дея ишониб, “кўз ёшдан ийгани”га қуяди. Шоир юзага келган ҳолатни “Уйқу” шеърида мана бундай ифодалайди: “Қайдадир булбуллар толиқиб сайрар, хавода учгандай милён малоик. Бир четда жаллодлар тигларин қайрар, уйқуни уради шўрлик халойиқ”. Ш.Раҳмоннинг 80-йиллар ўрталаридан бошлаб ёзилган қатор шеърлари мана шури мана шу уйқудан уйғотишга қаратилган. Шоир “ўтар ошкоралик ҳаш-паш дегунча” дея бунинг ҳам ўткинчи бир сиёсий кампания эканлигини

¹ Шавкат Раҳмон. Сайланма. - Т.: Шарк, 1997- Б.318

укдиришга интилди. “Шохрух Мирзо суҳбати” шеърида бу кампаниянинг ўзига аён бўлган моҳиятини янада очикроқ ифода этди: “Жобир мустабидлар иродаси-ла не сирлар янграйди улкан кенгликда”. Ш.Раҳмон “ошкоралик” аслида мустабид тузум ихтиёри билан бошланганини таъкидларкан, алам билан “Қотиллар сўз айтди биродарликдан, ишонган йўқсуллар қолди тангликда” дейди. Шохрух Мирзо тилидан берилган “бу замин сизларда бормиди, болам?! Эрк қани, эр қани, ер қани?” сўроқлари уйғонишга даъват, бонгдир. Лекин алам қиладигани – “заҳарга қорилган аччиқ тиллар бор”. Шу ўринда шоирнинг Шохрух тилидан берилган хавотири англашилади: у мустабид тузум етказган озорларни “заҳар тил” билан айтиб-бўшаниб олган халқ хотиржам тортиб қолганидан ташвишда. Ахир, “жавр ҳам шунча бўлур, сабр ҳам шунча” – бундан ортиғига чидаб бўлмайди. Лекин шоирда яна бир улкан хавотир борки, у “Омманинг аҳволи” шеърида акс этган:

*Бу дунё маккордир...
Бир-икки сўздан
Қариндош элатлар ит-мушук бўлар,
Гул каби ўсмирлар ётар юзтубан,
Ўн йилга етгулик мозорлар тўлар.
Уйи куйган омма тўяди эрқдан,
Тўйдирар зойибдан келган адоват,
Мол-эжони таланиб
Номаълум ердан
Қидириб топмайди сира адолат.
Оқибат, жимгина ҳайкал пойига
Қайтару барини қайтадан бошлар...*

Йук, бу тушкунлик эмас, аксинча, бу ҳам уйғонишга даъват, фақат у шўро ҳукумати олиб бораётган сиёсат мақсад-моҳиятини очиб бериш орқали амалга ошмоқда. Омманинг буни англаши муҳим, акс ҳолда, “ушбу қолар янги даврдан: тагин тут тагида бувак биғ-биғлар, ҳамманинг холига ҳар ёқдан қараб, эшаклар кулару хўтиқлар йиғлар...”

Умуман, Ш. Раҳмон “Сайланма”сининг “Қоп-қора чечаклар” фаслига киритилган шеърлар 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб содир бўлган ижтимоий-сиёсий ходисаларни юракдан ўтказиб онг тарозусига солиш натижасида дунёга келган. Улар юз бераётган воқеалар моҳиятини англаувчи маърифат нури билан бирга курашга даъват руҳига йўғрилгандир. Зеро, чинакам эркака эришиш учун “зулфиқор рух керак, керак чин ёғду”. 80-йилларда халқимизга ёғдирилган тухматлар, миллат шаънининг топталишию унинг боқиманда аталиши, “пахта иши” аталган янги қатағон даҳшатлари, қирпичоқ бўлаётган қон-қардош элатлар, ёнаётган аёллар, “қабрлар оғзигача келган пахта”, “бутун борлиғи-ла хомашё”га айланган юрт, ўз юртида мусофир мақомида яшаётган юртдошлар... – “Қоп-қора чечаклар” фаслидаги шеърларда шу дардларнинг қўламли акс этгани шоир назарда тутган “ёғду” эди. Шеърларида буларни ўз шахсий дардидек акс эттирилган шоир “жувонмарг бўлгурлар, жўмардинг борми?” дея ҳайқиришга ҳақли эди. Шоир шўронинг “темир интизом”га асосланган даврини қўмсовчилар (“Баттол орзуси”), юртини қиёматга қадар мустамлака холида ушлаб турмоқчи бўлганлар (“Жез отлиқ”) мавжуд бир шароитда Бехбудий каби “ҳақ олинур, берилмас” деган фикрда собит бўлди. Керак бўлса истиқлол учун, мустақиллик учун жангга ва бу йўлда қурбон бўлишга ҳозир бир руҳий ҳолатда турди:

*Бир бошга бир ўлим демаган эрмас,
Шаҳидлар ўлмайди,
Бир қараб тўйинг:
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!*

Шу тариқа истиқлол соғинчи билан шеърятга кириб келган 70-йиллар авлоди ўзининг ёрқин ижтимоий-маънавий мавқеига кўра нафақат миллий бадиий тафаккурни ривожлантирди, балки миллий ижтимоий тафаккур ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди ва шу асосда юртимизнинг мустақилликка эришишида ўз хиссасини кўшди.

Ушбу бобда XX аср ўзбек шеърятининг ғоявий-тематик тадрижини кузатиш асосида юритган фикрларимиздан қуйидагича асосий хулосалар келиб чиқади:

1. Ўзбек шеърятининг мафкуралашуви XX аср бошларидан кузатилган ижтимоийлашувнинг табиий ҳосиласи ўлароқ юзага келди. Аср бошидаги Туркистон шароитида турли ижтимоий мақсадларни кўзлаган қатламларнинг мавжуд бўлгани адабиётнинг мафкуралашуви учун замин бўлди. Ўзбек адабиёти тарихида мафкуралашган адабиётнинг илк кўриниши сифатида жадидчилик ғояларини тарғиб этган жадид адабиётини кўрсатиш мумкин;

2. 20-йиллар авлоди шеърятимизга шўро мафкурасининг тарафдори сифатида кириб келди ва илк қадамлариданок жадидчиликка қарши ғоявий кураш мавқеида турди. Бу авлод шоирлари онгига социализм ғояси мактаб партасиданок сингган бўлиб, ғоялари ҳали ҳаётий тажриба асосида анланган эътиқод даражасига етмай турибоқ ғоявий курашга кирди. Кураш қизиққонлиги аксар ҳолларда бу авлоднинг ғоялари ҳаётдан узилиб қолаётгани, юз бераётган ҳодисалар моҳияти билан ғоя

моҳияти орасида тубсиз жарлик ҳосил бўлаётганини англашига ҳалақит берди. Шу сабабли бу авлод ҳаётни мафкура кўзи билан кўрди, унга мафкурадан келиб чиқиб муносабатда бўлди. Натижада, бадиий талқин ҳаётдан узилиб-узоқлашиб, ижодлари ғоявий-тематик жиҳатдан чекланганлик касб этди;

3. Таҳлилларимиз ҳаётий тажрибанинг ортиши баробари бу авлоднинг ғояга муносабатида ҳам силжишлар юз берганини кўрсатади. 30-йиллар воқелигида ўзлари гувоҳ бўлган ижтимоий ҳодисалар таъсирида бу авлоднинг ғояга ишончи дарз кетди, ижодий фаолиятларида тараддулланиш кузатилди. Урушнинг бошланиши уларни мазкур ҳолдан чиқарди, чунки урушнинг ўзиёқ шеъриятнинг ғоявий-тематик мундарижасини белгилаб берди. Бунда ғоянинг умуминсоний асоси ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Ғалабадан сўнг, ғоявий кураш сокин кўриниш касб этгач, шеърият ўзининг вазифасини мавжуд тузум ва у таянган мафкурани алқашда кўрди. Бунинг натижаси ўлароқ шеъриятимизда тузум ва мафкурани, партия-ҳукуматни кўқларга кўтарувчи маддохлик лирикаси, турли саналар муносабати билан ёзилган календарь лирика, шеърий публицистика салмоғи ортди;

4. 60-йиллар адабий авлодининг шахс ва шоир сифатида шаклланиши, ижоддаги илк қадамлари 1956 йилдан кейин юзага келган “илиқлик” даврига тўғри келди. Бир томондан, ожизгина эсан эркинлик эпкинлари, иккинчи томондан, жамиятдаги руҳий кўтаринкилик шароитида сингган социализм ғоясига самимий ишонч бу авлод шеъриятининг ғоявий-тематик ўзига хослигини белгилаган асосий омиллардир. Бу авлод шеъриятни ҳаётга яқинлаштирди, шеърият ғоя кўкидан ерга тушиб, оддий инсоннинг ҳис-кечинмаларини тараннум эта бошлади. Шунга қарамай, бу авлод шеъриятида ҳам ижтимоий

поэзия салмокли ўрин тутди. Бирок 20-йиллар авлодидан фарқ қилиб, ушбу авлод шоирларнинг илғорида борган А.Орипов, Э.Воҳидовларнинг ижтимоий поэзияси публицистика даражасида қолиб кетмади, улар чинакам шеърятга дахлдор бўлиб, буни таъминлаган бош омил ижтимоий дарднинг шахсийлантирилганидир;

5. Таҳлилларимиз 60-йиллар охирига томон А.Ориповнинг ғояга муносабати муттасил ўзгариб борганини кўрсатади. Зеро, ҳаётга чуқурроқ кириб боргани сари илк ижодида кузатилган ғояга самимий ва бешак ишонч-этиқодни тафтиш этиш этиёжи қалқиб чиқаверади. Бу эса ғояга кўр-кўрона эмас, балки онгли муносабатдан дарак беради. Ғоя билан ҳаёт мувофиқлигини текшириш орқали идеал конкретлаштириб борилган ва натижада шоир идеали бир-бирига чамбарчас боғлиқ Ватан – халқ – истикбол тушунчаларидан иборат яхлит қиёфа касб этган. Ижтимоий шароит ва у ҳосил қилган ижтимоий кайфиятнинг умумийлиги бу каби ғоявий тадриж 60-йиллар авлодининг бошқа вакилларига ҳам у ёки бу даражада хос дейишга асос беради;

6. Шеърятимизнинг 60-йиллар авлоди ўзбек ижтимоий поэзиясини даврининг ижтимоий муаммолари ила бойитиш билан бирга, ундаги анъанавий мавзуларни, хусусан, Ватан, халқ мавзуларини янгича талқин қилди. Янгилик, аввало, 20-йиллар авлоди талқинига нисбатан мафкура зуғумидан бирмунча ҳоли бўлгани билан белгиланади. Жумладан, Ватанга муҳаббат халққа муҳаббат билан чамбарчас боғлиқлиги, шеърятда халқнинг буюк ўтмишидан фахрланиш туйғусининг ифода этилганию унинг мавжуд ҳолатидан қониқмаслик ҳиссининг сезилар-сезилмас акс этгани, замонанинг ўзига хос томонларини теран ҳис этилгани – булар талқиндаги янгиланишнинг асосий белгилари бўлиб, коммунистик мафкура

таъсиридан тўла фориғ бўлмаса-да, ижтимоий-бадий тафаккурда жиддий қадам саналади;

7. Шеърятимизга 70-йилларда кириб келган авлоднинг ижодий фаолияти узоқ вақт адабиётимизни ўз исқанжасига олган мафкура тазйиқидан бирмунча эркин тарзда бошланди ва 80-йиллар ўрталаридан бошлаб ундан, асосан, халос бўлиб борди. 70-йиллар авлоди юртимиздаги мавжуд ҳолат, халқнинг фоже аҳволи, ўтмиши ва келажакига янгича назар солди. Шунинг натижасида бу авлод, салафларидан фарқли ўлароқ, Ватан истиқболини коммунизм ғояси билан боғлиқ ҳолда кўрмади. Аксинча, у ғоя ўз умрини яшаб бўлганини, расмий мафкура ширлари билан ҳақиқий ҳолат орасида тубсиз жар ҳосил бўлганини теран ҳис қилди ва шунинг натижасида юртининг истиқболини истиқлол билан боғлиқ ҳолда тасаввур қила бошлади;

8. Жамиятда ҳоким мафкуранинг асоси бўлган социализм ғоясига ишонч сусайган ва кейинча “турғунлик даври” деб аталган давр қатор жиҳатлари билан жадидлар “ғафлат, жаҳолат” деб атаган шароитга ўхшаш эди. Мавжуд аҳволни теран бадий идрок этган бу авлод ўзининг асосий вазифасини халқни “уйғотиш”да деб билди. Ва бу мақсадга эришиш учун жамиятдаги маддалаб бораётган иллатларни очиб кўрсатди, халқнинг фоже аҳволи ва бунинг асл сабабларидан баҳс юритди, ўқувчиларни бу ҳақда фикрлашга йўналтирди, шунга ўргатди. Шу маънода 70-йиллар авлоди адабиётимиздаги миллий уйғонишнинг иккинчи тўлқинидир.

3. ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ПОЭТИК ЯНГИЛАНИШИ

А.Қодирий илк романига ёзган сўз бошида: “Мо-домики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашишимиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга, халқимизнинг шу замоннинг “Тоҳир Зухра”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”¹ – дейди. Адиб фикрини шеъриятга татбиқан олинса ҳам ҳеч хато бўлмайди. Чунки янгиланиш жараёни ҳамма соҳада кечаётган вақт эди. Жумладан, Чўлпон худди шу вақтда “Кўнгил бошқа нарса – янгилик қидирадир”² – дея изланди ва кўнгил эҳтиёжини босадиган янгиликни қисман Ризо Тавфиқ ва Яҳё Камолдан, асосан эса, “улуғ хиндий” Рабиндранат Тагордан топгандек бўлди. Чунки янги даврнинг ўзгарган кайфияти, ижтимоий ўзгаришлар, масалан, “Шарқ ва Ғарб ўртасидаги олтув кўпрук” – Тагор шеърларида тўлароқ акс этган эди.

Демак, Қодирий ҳам, Чўлпон ҳам давр руҳини акс эттирувчи янги адабиётни орзу қилмоқда ва уни яратишга чоғланмоқда. Янги адабиётни, масалан, Чўлпон қайсидир маънода ижтимоий дард акс этган адабиёт бўлишини ёқлаган, бироқ унинг фақат ғоянинг яланғоч тарғиботчисига айланиб қолишини ҳеч қачон истамаган. Профессор Озод Шарафиддинов “Адабиёт яшаса – миллат яшар...” деб номланган мақоласида ёзади: “Чўлпоннинг 20-йиллардаги бир қанча мақолаларида тилга

¹ А. Қодирий. Уткан кунлар. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1994 - Б. 6

² Чўлпон. Адабиёт надири. - Т.: Чўлпон., 1994 - Б.58

олинган ва “Улуғ ҳинди” мақоласида анча тўлиқ ифода-ланган масала – янги ўзбек адабиётини яратиш масаласи эди. Чулпоннинг назарида бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун Тагордек буюк санъаткорлар тажриба-сидан келиб чиқиб, Шарқ ва Ғарб адабиётларини син-тез қилмоқ ва мазмун билан шаклнинг уйғунлигига эришмоқ керак, зинҳор-базинҳор санъатни курук ғоялар мажмуасига айланиб қолишига йўл қўймаслик зарур”.

Дарҳақиқат, чинакам санъаткор гап айтиш билангина қаноатланмайди, унинг учун нимани айтишгина эмас, қандай айтиш ҳам муҳим.

Гарчи XX асрда аввалига жадидчилик ғоялари, ке-йинча шўро мафқураси таъсирида адабиётни восита деб билиш устуворроқ бўлса-да, шеъриятимизнинг иқ-тидорли вакиллари мазкур заруратни ғоят теран ҳис ва идрок этдилар. Уларнинг шакл бобидаги ижодий изланишлари ўзбек шеъриятининг бадиий арсеналини янгилаб, ифода ва тасвир имкониятларини кенгай-тирди. Ушбу бобда биз бадиий шакл бобидаги ўзга-рйшларни асосий тамойиллари ва уларни келтириб чиқарган ижтимоий-руҳий омилларга тўхталамиз.

3.1. Шеърятдаги вазн алмашинуви ва бунинг омиллари

Ўзбек шеърятдаги ижтимоийлашув XX асрдан бошланган дея белгилаётган эсак-да, аслида, гапни XIX асрнинг иккинчи ярмидан, хусусан, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий, Ибрат, Сўфизода, Авлоний, Шавкат каби қатор демократ ва маърифатпарвар шоирлар ижодини келтириб чиқарган ижтимоий-психологик омиллардан бошламоқ ўринли бўлур эди. Чунки ўлкадаги ўзгаришларнинг дастлабки белгилари ўша вақтдаёқ уч берганди. Юқорида зикр этилган шоирлар яратган шеърят анъанавий шеърятдан, масалан, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий лирикасидан бирмунча фарқ қиларди. XIX аср адоғи ва XX аср аввалидаги шеърят рисоладаги аруз, яъни девон шеърятини билан ўзгарган замон кайфиятини ифодалаган бармоқ вазнидаги шеърят ўртасида бир кўприк вазифасини ўтаганини тушуниш жуда муҳим.

Шунга ўхшаш бир ҳолат турк шеърятда ҳукм сургани ҳақида фикр юритаркан, Исмоил Порлатир атоқли олим Меҳмет Човуш ўғлининг фикрини келтиради: «Девон шеърининг маълум бир шартлари, чегаралари бор эди, тили ва унга боғлиқ бўлган эстетик низомлар ўзгармаса, янги шеър қоидалари қаршисида дош бериб туролмасди. Ўзгаришларга учраб вужудга келган шеърни эса девон шеъри деб бўлмас эди.

Чиндан ҳам Яхё Камолнинг янги эстетик қарашлар асосида, аммо «Эски шеър шабадалари» йўлида ёзганлари ҳам шу туфайли Девон шеъри доирасига қўшилолмасди. Эски маданиятнинг ҳуқуқ тизими, давлат қурилмаси, шахс тушунчаси каби санъат ва хусусан,

шеър тушунчаси ҳам асос-асосларидан ўзгаришга мажбур эди. Лескофчалик Ғолиб, ҳарсақлик Ориф Ҳикмат, Усмон Шамс, янгишаҳарлик Авний сингари сўз усталари Девон шеъри доирасида сўнгги сўзларини сўйладилар»

Худди шундай, ўзбек шоирлари – Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Анбар Отин, Ибрат, Сиддиқий-Ажзий, Камий, Тавалло, Юсуф Сарёмий Сўфизода қабилар ҳам асрлар бўйи давом этиб келаётган мумтоз назмимиз анъаналари давоми ўлароқ арузда баракали қалам тебратган энг сўнгги шоирлар сирасидан эдилар. Чунки уларнинг шеърляти шаклан ҳар қанча арузий кўринмасин, мазмунан секин-аста давр руҳини, тўғрироғи, унда юз бераётган оламшумул ўзгаришлар кайфиятини акс эттира бошлаганди.

Шунга кўра, бизда ҳам “шеър тушунчаси асос-асосларидан ўзгаришга мажбур” эканлиги аён бўлиб қолган, шеърлят шунга эҳтиёж сезаётган эди.

Мазкур эҳтиёжни тасаввур қилиш учун, масалан, Фурқатнинг “Виставка хусусида” шеърини эслаш ўринли. Аруз вазнида, мумтоз шеърлятимиздаги манзум шеърлар учун энг мақбул маснавий шаклида яратилган бу асар.

Маълумки, у 1890 йилда ёзилган, худди шу йили шоирнинг яна “Гимназия”, “Суворов ҳақида”, “Акт мажлиси хусусида”, “Нағма базми хусусида” каби шеърлари ҳам яратилган.

Ушбу шеърларнинг бари маърифатчилик руҳида бўлиб, шоир ўқувчисини ўзга маданиятнинг мақбул томонлари билан таништиришни ният қилган. Бироқ, агар разм солинса, ўшандаёқ ижодий ният билан анъанавий шакл бир-бирига унчалик мувофиқ келмаётганини сезиш мумкин. “Виставка хусусида” шеърининг бошланишидаги мана бу банд (III-V)ларга қаранг:

*Ажаб богики, руҳафзо ҳавоси,
Эрам рашки насими жон физоси.
Оқиб ҳар соридин оби равонлар,
Эди андогким ул жисм ичра жонлар.
Муаттар боғ саҳни очилиб гул.
Томошобинлар эрди анда булбул.*

Кўриниб турибдики, таъриф тамомила анъанавий йўсинда ёзилган: вазн, тил унсурлари, ифода тарзи, поэтик образлар – ҳаммаси мумтоз шеъриятга хос. Шу сабабли виставка ўтказилаётган боғ тасвири ҳам мумтоз шеъриятдаги жаннат боқчалари тасвирига монанд. Яъни тасвир реалистик эмас ва бу шеърнинг дастлабки икки банди билан зиддият ҳосил қилади:

*Мингу саккиз юзу тўқсон эди йил,
Иккинчи сентябрь ойи яна бил.
Қуриб виставкани қилдик тамошо,
Ҳама ашё экан анда муҳайё.*

Мазмун мундарижасига кўра “Виставка хусусида” шеъри публицистик асар, яна ҳам аниқроғи – виставкадан олиб борилаётган репортаж. Шу жиҳатдан қаралса, кейинги парча ижодий ният ва у билан боғлиқ маърифий мазмунга мосроқ. Айни чоқда, у давр тушунчасидаги шеърдан йироқ, яъни диди мумтоз шеър гўзалликлари билан тарбияланган давр ўқувчиси уни шеър эмас дейишга ҳақли. Қуйидаги бандларни ўқиганида эса унинг фикри янада қатъийлашади:

*Ипак мошинаси бирла тегирмон,
Кўр, анда айлади оламни ҳайрон.
Яна мошина оташ ароба*

*Турур ҳикмат тилисмоти масоба.
Ўн ики оғзи бор мошиналик тўп,
Ажойиб тўп яна андин булак кўп.*

Эътибор беринг, шоирнинг айтмоқчи, ифодаламоқчи бўлганлари аруз мусиқийлигига уйғунлашиб кетмаяпти. Хуш, нимага шундай? Кейинги иккита шеърини парчани биринчиси билан қиёсласак, сабаблардан бирини кўришимиз мумкин бўлади. Биринчи парчада араб-форс тилларидан ўзлашган сўзлар кўпроқ бўлса, кейинги парчаларда соф ўзбекча ва рус тилидан ўзлашган сўзлар кўпроқ. Яъни биринчи парча анъанавий шеър тилига, кейингилари жонли сўзлашув тилига яқин. Шу сабаб ҳам, биринчи парча арузий оҳангда табиий ўқилади, кейингиларининг ўқилишида бир қадар сунъийлик сезилади.

Бунинг сабабини, менимча, ифодалаш кўзда тутилган янгича мазмуннинг мавжуд шаклга мувофиқ эмаслиги билан изоҳлаш керак. Мазмундаги ўзгаришлар эса, аввалги бобларда айтилганидек, ҳаётдаги ўзгаришлар билан, даврнинг ижтимоий кайфияти билан боғлиқдир. Янги мазмун поэтик шаклдан шунга мос ўзгаришларни тақозо этади. Ва бу бир қонуният.

Фурқатдан мисол қилиб келтирилган шеърнинг 1890 йилда ёзилганини айтдик. Энди шундан кейинги йиллар давомида ижтимоий ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар шиддати, миллий турмушга кириб келган янгиликлар кўламини тасаввур қилаверинг.

Ахир, “Виставка хусусида” шеъри билан ўзбек жаҳид матбуоти фаоллашган 10-йилларга қадар қарийб чорак аср ўтган. Давр руҳини акс эттириш, янги мазмунни ифодалаш эҳтиёжи шоирларни англаб ё англамай шеър поэтикасида ўзгаришлар яшашга олиб келиши табиий.

Шу маънода, XIX аср охири – XX аср бошлари ўзбек шеърляти шакл бобидаги изланишлар давридир. Тўғри, бундай изланишлар бадий ижод табиати билан боғлиқ ҳолда адабиётда хамиша бор. Бироқ XIX аср охири – XX аср бошларидаги изланишлар ислохий характерга эгаллиги билан фарқланадики, уларнинг натижаси ўлароқ янги ўзбек шеърляти вужудга келгандир.

Шакл бобидаги изланишлар энг аввал шеърнинг ритмик-интонацион сатҳида кўзга ташланади. Ушбу изланишлар аввалига аруз доирасида амалга ошди десак, тўғри бўлади. Бу ўринда шеър ўлчовлари ва шеър шаклларида жонли тилга, халқ ижодидаги оҳангларга энг яқинларининг кенг истифода этилишини назарда тутмоқдаман.

Масалан, Муқимий лирикаси. Шоир меросида салмоқли ўрин тутувчи мураббалар оҳанги халқ қўшиқларига жуда яқин. Халқда ғоят машҳур ва “Тановар” куйида ижро этиб келинадиган “Кўнглим сандадур” мураббасини олайлик:

*Энди сендек, жоно, жонон қайдадур,
Кўриб гул юзингни боғда бандадур,
Сақлай ишқинг токи жоним тандадур
Ўзим ҳар жойдаман, кўнғлум сандадур.*

Эътибор қилинса, арузда ёзилганига қарамай, келтирилган мурабба банди 11 бўғинли 6 + 5 тарзида туюқланган бармоқ ўлчовига ҳам тўлиқ мос келиши кўринади. Худди шу нарса, менимча, мураббанинг бир неча жойида чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг тартибли такрори бузилгани сезилмай ўтишига замин бўлади. Албатта, арузда ёзилган шеърда вазн талаби билан чўзиқ ҳижони қисқа ва аксинча ўқишни талаб этувчи ҳоллар

булади. Лекин бу мураббаънинг ўқилишида, менимча, ўша қоидалардан кўра кўпроқ бармоқдаги халқ қўшиқлари ритмик контексти асос бўлиб хизмат қилади. Худди шу гапни кейинроқ яратилган Ҳамза мураббалари ҳақида ҳам айтиш мумкин. “Девони Ниҳоний”га киритилган бешта мураббаънинг учтаси бармоқ ўлчовларига ҳам бирдек мувофиқ келади. Масалан, мураббаълардан бири 10 бўғинли 5 + 5 тарзида туроқланган қуйидаги банд билан бошланган ва шеър охирига қадар шу ўлчов сақланган:

Ҳайрона бўлдум / ул қиз балога, 5 + 5
Сарву санубар, / қоши қарога, 5 + 5
Кўрсотиб ўзни / мандек гадога, 5 + 5
Мунча суханлар / солди арога. 5 + 5

Айнан шу ўлчов “Ногаҳ йўлукдим бир қиз болога” мисраси билан бошланган мураббада, 6+5 тарзида туроқланган ўн бир бўғинли ўлчов эса “Муҳаббат боғидин тотлиғ хабардур” мисраси билан бошланган мураббада бошдан-оёқ сақланади. “Назарларда қай кун жавлон айладинг” деб бошланувчи мураббанинг дастлабки икки банди ўн бир бўғинли (6+5) ўлчовга мос. Лекин бу ўлчов шеър охирига қадар сақланмайди. Учинчи банднинг “Жон бағишлар тўтиларга гуфторинг”, олтинчи банднинг “Тоҳ аразлаб, гаҳ ўйнашуб, уёлуб, Акола-ринг оғушига суёлуб” ва ниҳоят, саккизинчи банднинг “Айб этмагил Ниҳонийни, жонона” мисраси бармоқ ўлчовига тушмайди. Бундан кўриняптики, мураббани бармоқда ёзилган дейишга монелик қиладиган биргина сабаб бор. У ҳам бўлса, айрим мисраларда аруздаги каби сўзнинг рукн билан бўлиниши. Яхши маълумки, ўзбек арузида мисраларда ҳижола-сонининг тенглиги, яъни

бармоққа хос бош хусусият, асосан, сақланади. Шу хусусият туфайли ҳам шеър тили жонли сўзлашув тилига яқинлашгани сари арузнинг бармоқ томон силжиши кузатилади. Тил жиҳатдан жонли сўзлашув тилига яқин бўлган Муқимий “Саёҳатнома”лари бунинг ёрқин далилидир. Тўғри, “Саёҳатнома”ларнинг ражази мусаммани солим вазнида ёзилгани қайд этилади. Шунга қарамай, “Саёҳатнома”нинг аксарият бандлари бармоқнинг 4+4 ёки 5+3 тартибида турокланган 8 бўғинли ўлчовига мувофиқ. Масалан:

<i>Хайру саҳо / ваъҳига қар,</i>	4+4
<i>Бир пулни юз / ердин тугар,</i>	4+4
<i>Келса гадоӣ / ногоҳ агар,</i>	4+4
<i>Бир нон чиқиш / душвор экан.</i>	4+4
ёки:	
<i>Белни Муқимий / боғладим,</i>	5+3
<i>Шундоғ юришни / чоғладим,</i>	5+3
<i>Оламни таҳқиқ / айладим.</i>	5+3
<i>Дунё қурилган / дор экан.</i>	5+3

“Саёҳатнома”да бармоқ ўлчовига мос келмай қолган ўринлар эса худди мураббалардаги каби рукн айрим сўзларни бўлиб юбориши туфайлигина юзага келади ва шунда ҳам мисралардаги бўғинлар тенглиги сақланиб қолаверади.

Аруз доирасидаги изланишларнинг биз юқорида кўриб ўтган йўналиши мумтоз шеър ўлчовлари ва шеър шаклларида жонли тилга энг яқинларини сайлаб ишла-тиш билан чекланган бўлса, иккинчи йўналиши энди ўша ўлчов ва шаклларга муайян ўзгартиришлар киритишда, яна ҳам аниқроғи, мумтоз поэтиканинг қатъий белги-ланган қоидаларидан чекинишда намоён бўлади. Жадид

шеърляти поэтикасини махсус тадқиқ этган Н. Афокова ундаги аруз вазни, қофия қоидаларига зид ўринларни изчил кўрсатиб беради ва буларни “аруздан бошка вазнга ўтишолди жараёнини акс эттирувчи ўзгаришлар” деб айтади. Албатта, вазн ва қофиядаги ўзгаришларнинг бош омили мазмундаги ўзгаришлардир. Профессор Б. Қосимов “аруз мураккаб, бўронли даврнинг гоҳ шиддаткор, гоҳ бўғиқ нафасини кенг оммага етказишда унча қулай эмас эди” деб ёзади. Демак, ноқулайликнинг сабаби, мазмунда давр руҳи акс этиши билан боғлиқ экан. Аслида, давр руҳи энг аввал тилда акс этади. Шу жиҳатдан қарасак, жадид шеърлятида тилнинг халқчиллашуви бармоқ томон силжишнинг энг муҳим сабаби сифатида кўрсатилиши мумкин. Зеро, юқорида Фурқат, Муқимий асарларида кўрилган анъанавий шеърлят тилидан чекиниб жонли тилга яқинлашиш тенденцияси жадидчилик даврига келиб кучайди, жадид шеърляти учун англаган ижодий принцип бўлиб қолди. Негаки, “миллатни уйғотиш” мақсади имкон қадар кенг оммага мурожаат этишни, бу эса тилнинг халқчиллашувини тақозо этади. Нагйжада, мумтоз шеърлятда қатъий амал қилинган қоидалар ўз кучини йўқота бошлади, ижод амалиёти норматив поэтикани инкор қила бошлади. Мазкур тенденцияни Ҳамза ва Авлонийларнинг ижодий тадрижида яққол кузатиш мумкин.

Жумладан, “Девон”ида мумтоз поэтик қоидаларга асосан амал қилган Ҳамза “миллий шеърлар”идан бошлаб улардан чекина бошлайди ва бу чекиниш йилдан йилга, тўпландан тўпламга кучайиб боради. Худди шунга ўхшаш ҳолни Авлонийнинг “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” мажмуасининг 1909 йилда чоп қилинган биринчи жузъи билан кейинги жузъларини қиёслаганда ҳам кузатиш мумкин. Ҳолбуки, масалан,

девон Ҳамзанинг мумтоз шеър техникасини мукаммал эгаллаганини кўрсатади. Яъни шоир анъанавий йўлда ҳам яхшигина шеърлар ёзавериши мумкин эди. Бирок, бир томондан, давр руҳини ифодалашдек ижодий-руҳий эҳтиёж, иккинчи томондан, шоир кўзлаган ижтимоий мақсад уни анъаналардан чекинишга олиб келади.

Ҳамза “Қизил гул”га ёзган сўзбошида тўпламга кирган “шеърларда баъзи узун-қискаликларни ҳамда адабиётдан йироқлиғини кўруб, адабиёт илмидан бутун деярли хабарсиз киши эканми дегувчи зотларга қарши бу адабиётдан хабарсизлик эмас, қора элимизни тушунувина ўнғай бўлсин учун” дея изоҳ бериб ўтишни лозим топади.

Жаҳон адабиёти тарихига умумий бир назар солинса, янги давр миллий адабиётларига хос хусусиятлардан бири норматив поэтикадан, у белгилаган поэтик канонлардан қутулишга интилиш бўлганини кўриш мумкин. Хусусан, классицизмдан кейин майдонга чиққан роман-тизм адабиёти ижодкор эркинлигини ёқлаган ҳолда бадий тафаккур парвозини чекловчи меъёрларни инкор қилди. Шу каби янгиланиш жараёнлари Шарқда бирмунча кейинроқ кечган. Жумладан, турк адабиётида бу XIX аср охирларига тўғри келади. Мазкур давр турк шеъриятида кузатилган ритмик-интонацион ўзгаришлардан бирини мутахассислар “эркин аруз” деб аташган. Унинг моҳияти шуки, шеърда бир хил рукнлар такрорлангани ҳолда уларнинг мисралардаги сони тенг эмас. Адабиётшунос Н.Афоқова жадид шеъриятидаги ўзи “вазнлар гулдастаси” деб атаган ҳодисани ҳам моҳиятан “эркин аруз” деб билади. Худди шундай ҳодиса рус шеъриятида ҳам кузатилган. Рус силлабо-тоник шеъриятида аввалига шеър мисраларида ямб стопалари эркин тарзда такрорланган (бундай шеърлар “ямблар” деб аталган) бўлса,

кейинча ямбдан бошқа стопаларнинг эркин такрорланиши ҳам одатга айланган ва шу тарика эркин шеър (“вольный стих”) вужудга келган. Ўзбек шеърлятида эркин шеър бармоқ асосида шаклланган деган фикр устувор. Бирок бу фикр, менимча, бирмунча баҳсли ва аниқлаштиришга муҳтождир. Зотан, эркин шеър томон силжиш шеърляти-мизда XX аср бошларида ва аруз доирасида бошланган. Бунга амин бўлиш учун Ҳамза ижодига мурожаат этамиз.

Ҳамзанинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси” деган умумий ном остидаги шеърлий тўпламлари давр шеърляти ритмик-интонацион сатҳидаги ўзгаришларни кенг кўламда кўрсата оладиган манбадир. Ушбу тўпламларга кирган шеърлар ритмик ранг-баранглиги, мумтоз шеър шакллари янгилаш йўлидаги ижодий изланишларни намойиш этиши билан аҳамиятли. Биласиз, жаҳид ижодкорларнинг турк адабиёти билан тифиз алоқаси кенг эътироф этилади. Фақат бу ўринда умуман турк адабиёти эмас, балки XIX аср охири – турк шеърляти янгиланиш йўлига кирган давр ва унинг И.Сафо, Т.Фикрат, Р.Тавфиқбек, А.Ҳамид, Я.Камол каби илғор намояндалари назарда тутилади. Шу давр турк шеърлятида, К.Меликов таъкидлашича, ўзгаришлар мустанадни ислоҳ қилишдан бошланган. Маълумки, мустанад туркийлардаги қўшиқ шакли, шунинг учун ҳам А.Навоий “Мезон ул-авзон”да: “Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф вазнида анга байт бошлаб битиб, анинг мисраидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотига рост келтирурлар эрмиш ва ани “мустанад” дерлар эмиш”, – деб ёзади. Ҳазратнинг “суруд нағамотига рост келтирурлар” дегани қўшиқ оҳангига мослайдилар деганидир. Яъни, шу жиҳатдан қарасак, аслида, турк шеърляти ҳам мустанадга мурожаат қилиш билан халқ қўшиқларига

хос оҳангларни такомиллаштириш йўлини тутган дейиш мумкин. Ҳамзанинг мазкур тўпламларига кирган қатор шеърлари ҳам моҳиятан мустазодни эслатади. Моҳиятан деганда, мен уларда узун ва қисқа мисраларнинг такрорланишини назарда тутмоқдаман. Масалан, “Раббано додимага ет” ашуласи оҳангида ёзилган “Сидқидил бирла дуо” шеърини олайлик. Шеър бандларидаги барча тоқ мисралар узун, жуфт мисралар қисқа, шу жиҳати билан шеър мустазодга ўхшаш. Шеър саккизта олти мисралик банддан ташкил топган бўлиб, ҳар бир банд охирида тўрт мисралик нақорот такрорланган. Унинг қурилишидаги қатор жиҳатлар, жумладан: 1) мисралар тенгўлчовлиги (изометрияси)нинг йўқлиги; 2) банддаги жуфт мисраларгина қофияланиб, тоқ мисраларнинг очик қолгани; 3) мумтоз қофия қоидаларига амал қилинмагани мумтоз шеър поэтикасидан чекиниш сифатида кўрсатилиши мумкин. Шунга карамай, шеър арузда ёзилган, унинг узун мисралари рамалда, қисқалари ражазда:

Сидқидил бирла дуо қилмакда бўлса йиғлашуб,

— V — — / — V — — / — V — — / — V — —

Ҳар тун саҳар қолгонимиз.

— — V — / — — V —

Дарғаҳида мақбул ўлса айлаган ёшу қари

— V — — / — V — — / V — — — / — V —

Гар оҳ ила афгонимиз.

— — V — / — — V —

Биз мусулмонларни шояд очса бахтини ўзи,

— V — — / — V — — / V — — — / — V —

Ул пуркарам султонимиз.

— — V — / — — V —

Шеър давомида шу ўлчов барча бандларда сақланади. Яъни арузга хос изометрия шеър бутунлигида банд даражасида, банд доирасидаги изометрия эса қўшмисра (бир узун ва бир қисқа) даражасида таъминланади.

Бу жиҳати билан шеър ўқови бармоқдаги қўшма вазнга¹ ўхшайди. Шу жиҳатдан қаралса, шеърнинг асосий бандлари 8+7 / 8 ёки 7+8 / 8 қўшма вазнига тўғри келади. Фақат шеърнинг иккинчи (“Занжири таъни маломатга қули боғланмағай” = 9+6) ва бешинчи (“Давлатингизда ёзуб кўкрак юрайлук бизларам” = 9+6) бандларида биттадан мисра бу вазнга мос келмайди.

Яъни бармоққа қанча яқин бўлмасин, шеър арузда битилган, шу боис ҳам арузий оҳангларда ўқилиши хуш оҳангроқ.

“Додимга етсанг-чи” ашуласи оҳангида ёзилган “Бизни тўпда излама” шеърида бир оз ўзгачароқ хол қузатилади. Бунда ҳам бандлардаги барча тоқ мисралар узун, жуфт мисралар эса қисқа, яъни қурилиши мустаоздга ўхшаш; бунда ҳам банд ичида жуфт мисралар ўзаро қофиядош, тоқ мисралар бўлса очиқ қолган.

Бу шеърда мумтоз поэтика меъёрларидан чекиниш яна ҳам сезиларли.

Биринчидан, саккиз банддан ташкил топган шеър бандларидаги мисралар сони бир хил эмас: биринчи ва тўртинчи бандлар беш мисрالي, қолганлари олти мисрالي. Яъни бунда мумтоз шеъриятга хос қатъий банд қурилишидан чекинилган.

Бандларнинг охириги мисралари ўзаро қофиядош, лекин қофияланиш банд охирида “ҳали” сўзини такрорлаш ҳисобигагина юзага чиқади.

Яъни такрорланаётган “ҳали” сўзи радиф эмас, чунки унинг олдида қофия йўқ. Бу ҳам мумтоз шеъриятга хос қатъий қофияланиш тартиби ва қофия талабларига мос келмайди. Шунингдек, шеър вазни, умуман олганда,

Қаранг: У.Тўйчиев. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. - Т., 1966. - Б. 76-80

арузга мойил, бироқ унда фоилотун асли ва зиҳофларининг такрорида қатъий тартибга амал қилинмайди:

Бизни тўнда излама, ўз йўлига ачингон

— V — — / — V — — / V — — / V — —

Бир киши йўқдур.

— V — / — —

Боригуна қоринни тўйгазувдан бошқага

— V — — / V — — / — V — — / — V —

Ҳеч иши йўқдур.

— V — / — —

Майли ухласун, тўқтур ҳали.

— V — V — / — — V —

Биринчи бандда кузатилаётган ушбу ритмик манзара кейинги бандларда ҳам такрорланганида эди, шеърга аруз ўлчови асос дейиш мумкин бўлур эди. Бироқ кейинги бандларда рукнларнинг такрорланиши эркин тарзда амалга ошади. Шунинг учун ҳам арузий оҳанглар таъсири ҳар қанча сезилиб турса ҳам, шеър бармоққа асослангандир. Бундан кўриняптики, аруздан бармоққа ўтиш жараёнида арузий оҳанглар асос бўлиб хизмат қилган. Бу эса бармоқни эстетик қабул қилиш учун тайёргарлик босқичи сифатида ғоят муҳим эди. Шу жиҳатдан қаралса, Н.Афоқова “Ўзбек адабиётида шеърини шаклларнинг том маънода янгиланиш жараёни арузда ва қофия ичидаги ўзгаришлардан ташқари халқ кўшиқлари йўлидаги шеърларнинг пайдо бўлишидан бошланди”¹ деганида тўла ҳақ. Бироқ бу ўринда ўша шеърларнинг ҳам аксарияти арузда битилгани, аруз ичидаги ўзгаришлар билан халқ кўшиқлари йўлидаги шеърларнинг пайдо бўлиши бошқа-бошқа эмас, балки ўзаро сабаб-натига муносабатидаги ҳодисалар эканлигини ёдда тутиш лозим.

¹ Афоқова Н. Жаҳид шеърини поэтикаси. - Т.: Фан, 2005. - Б.38

Фикримча, бу ритмик-интонацион сатҳдаги ўзгаришларнинг иккинчи босқичи. Агар мавжуд шеърий шакл ва ўлчовларни сайлаб ишлатиш биринчи босқич бўлса, халқ кўшиқлари йўлида шеърлар ёзиш ва шу жараёнда мавжуд шеърий шаклларга ўзгартиришлар киритиш иккинчи босқичдир. Ҳар икки ҳол ҳам янги мазмун ва руҳни ифодалаш эҳтиёжи билан юзага келган бўлиб, иккинчи босқич эҳтиёжнинг ва шунга мос ҳолда ижодий фаолликнинг кучайганини кўрсатади. Яъни халқ йўлидаги шеърларнинг ёзилиши аруздаги ўзгаришларни ҳамда шеъриятнинг бармоқ ва эркин шеър томон силжишини тезлаштирган сабабдир.

Шеъриятимизнинг ритмик-интонацион жиҳатдан янгиланишида ташқи таъсир омилини ҳам унутмаслик, унга тегишлича аҳамият бериш зарур. Яхши маълум, жадид шоирларимизнинг турк адабиёти, хусусан, шеърияти билан алоқалари тигиз бўлган. Албатта, мазкур ҳол шеъриятимизга ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Хусусан, янги турк шеърияти ёзма адабиётга кўчирган шарқиларни олайлик. Шарқи – турк халқ оғзаки поэзиясида кенг тарқалган шеър шакли, бармоқда ёзилувчи тўртликлардан таркиб топади ва куй басталаб ижро этишга мўлжалланади (хуллас, ўзимизнинг бахшилар ижро этадиган аксар термаларга монанд).

Жадид шоирлари, умуман, зиёлилари орасида шарқилар машҳур бўлган. Буни февраль инқилобидан кейинги оммавий тадбирларда, шўронинг илк даврларида ўқув муассаларида шарқилар куйланганидан ҳам билса бўлади. Жадид шеъриятида, хусусан, Авлоний, Ҳамза меросида шарқилар таъсирида ёзилган шеърлар бор.

Кузатишларимиз жадид шоирларнинг изланишлари шеъриятда бармоқ вазнининг қарор топишига, унда кўшма вазнларнинг кенг истифода этилишига ва эркин шеър

бобидаги изланишларига замин бўлганини кўрсатади. Шунга кўра, ўз вақтида замона талаби билан шеърятимиздаги бу жараёнлар хронологик жиҳатдан бироз ортга сурилиб, унинг совет даври билан боғлангани тўғри эмас.¹

Адабиётшунослигимизда бармоқда шеър битишни ким бошлагани хусусида турлича фикрлар мавжуд. Айрим адабиётшунослар бунда Ҳамзани, бошқа бирлари Авлонийни, баъзилари Фитратни, тагин бирлари Чўлпонни кўрсатишади.² Лекин, юқорида кўрганимиздек, аруздан бармоққа ўтиш анча илгари – XIX аср охиридан бошланган жараён бўлиб, бунда Муқимийдан бошлаб юқорида саналган шоирларнинг ҳаммасининг ҳам ўзига яраша катта хизмати бордир.

Бироқ эътибор беринг, улар ҳам бирданига бармоқ вази уммонида қулайлик билан сузиб кетишмади, балки изланишди. Ҳаммалари арузда ҳам ёзишди, аруз имконларини кенгайтиришга интилишди, бироқ барибир пировардида бармоқ янги шеърятнинг бош шеър тизими мақомида қарор топиб бораверди. Жадид ижодкорларнинг бармоқдаги илк машқлари мусиқийлик, хушоҳанглик жиҳатидан арузга тенглашолмаслиги шубҳасиз. Лекин бошқа томони, зикр этилган шоирларнинг арузда бемалол ижод қила олишлари ҳам шубҳа уйғотмайди.

Масалан, «Қаландар ишқи» номли бадиийлик мезонларига ҳар жиҳатдан юксак даражада жавоб бера оладиган, пишиқ-бутун ғазал ёза билган Чўлпон нега ижодий қувватини яна шундай арузий мужизалар яратишга сарф этмади?

¹ Қаранг: Қаранг: У.Тўйчиев. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси - Т.,1966 - Б.18, 80,177

² В.Қосимов. Оқ tonglarni orzulagan shoir // Abdulla Avloniy. Tanlangan asarlar. 2 jildlik. 1-jild. - Т.,2009. - В.61; Ш.Ахмедов. Ҳамза лирикасининг хусусиятлари. Фил. фан.ном...дисс. - Т.,1992; Фитрат. Аруз хақида. - Т.,1936. - Б.20; А.Саъдий. Ўзбек ёш шоирлари. Фитрат. / Туркистон.-1923.- 10,12 декабрь; Афоқова Н. Жадид шеърятини поэтикаси.- Т., 2005.- Б.48-50

Жавоб яна уша ерда: даврнинг ижтимоий-психологик кайфиятида. Аср бошига келиб у ўзгарган эди: симобдек қайнаб тургани, бинобарин, шундай ҳаракатни арузнинг вазмин, салобатли, йунилган вазнига солишдан кура анчайин эластик ва шиддаткор бармоққа тизиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ келарди.

Масалан, Чўлпоннинг “Кузғолиш” шеърини олайлик:

*Ай! Сен – мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!
Ай! Устимдан бир умр хўжа бўлмоқ истаган!
Ай! Бўйнимга кишан солиб ҳалокатга судраган,
Кўзларингни заҳарлатиб уйнатмагил, бас энди!*

*Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узитур;
Томиримда кўзғолишининг ваҳший қони гупирди.
Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди,
Ё битарми ёки сенинг салтанатинг бузилур!*

*Эй! Сен – мени қул ўрнида ишлатгувчи афанди!
Титра, кўрқким, боғлиқ қуланг бош кўтарган куч энди*

Ватани ёв томонидан босиб олинган, инсонлик иззатнафси ҳақорат этилган, бинобарин, бирдан-бир мақсади озодлик бўлиб қолган жўмард юрт ўғлонининг оловли хитобидир – бу! Уни арузнинг тиниб қолган оҳангига солиш бир қадар сунъийликни юзага келтириши баробарида шеър бағрига жо этилган ҳароратни, шиддатни, нафратни... маълум маънода бўшаштириб қўйиши мумкин эди. Шу билан бирга арузни бутунлай истеъмолдан чиқариб бўлмаслигини Чўлпоннинг уша «Қаландар ишки» шеърдан ҳам, Ҳабибий, Чустий, 60-йилларга келганда эса, масалан, Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Абдулла Орипов ижодларидаги гузал ғазаллардан ҳам

тушунса бўлади. Бироқ, барибир, давр бошқа эди. У ўзини энг максимал даражада акс эттира оладиган шакл – ўз либосини талаб қилаётганди. Шу ўринда ўз вақтида Вадуд Маҳмуднинг Чўлпон “ўзбек адабиётига янги тўн кийгизди”¹ дея таъкидлагани ёдга келади. Мунаққид топиб айтган бу гапни. Ахир, тўнни кийдиришнинг ўзи бўлмайди, ўша тўнни тайёрлашга неча-неча одамлар меҳнати сингган. Шунга ўхшаш, шеърятимиздаги XIX аср охирларидан бошланган шакл бобидаги изланишларни қиёмига етказиш, жумладан, бармоқда нафақат мазмуни, балки хушоҳанглиги билан ҳам чинакам поэзия намуналари дегулик шеърлар битишда биринчилик Чўлпонга насиб этди. Мен бекорга “насиб этди” демасим. Зеро, адабиётдаги янгиланиш маълум вақт давомида кўплаб ижодкорларнинг саъй-ҳаракатлари билан етилади ва пировардида бир улкан истеъдод ижодида мужассам ифодасини топади. Худди адабиётимизда “Кутадғу билик”дан бошланган изланишларни ҳазрат Алишер Навоий ёки рус адабиётида XVIII асрдан бошланган изланишларни А.Пушкин маромига етказганлари каби. Истеъдодлар кўплаб туғилади, лекин улардан айримларигагина шундайин ижодий тақдир насиб этади.

Юқорида кўрганимиздек, ўтиш даврининг йирик шоирлари ижодида аруз вазнида ёзилган шеърлардан ташқари бармоқдаю арузий оҳангларга яқинлаштириб битилган асарлар ҳам талайгина ёзилди. Чунки шоир гарчанд анъанани бузиб чиқаётган эса-да (юқоридаги шеърда «Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди» дея Чўлпон ёвга қарата хитоб қилаётган бўлса ҳам бу – мисранинг фақат юзадаги, биринчи, устмаъноси, холос. Мисранинг тагмаъносида, умуман, дунёқарашда юз берган ўзгаришлар, оламни эстетик қабул қилишдаги янги

¹ Вадуд Маҳмуд. Чўлпоннинг “булоқлар”и. Туркистон. - 1923. - 10 декабрь

ланишлар яширин, десак, менимча, муболаға бўлмайди), унинг бармоқдаги янгиликларида қадим вазн – арузнинг хусусиятлари яшаётган, яшаши қонуний ва табиий эди.

Хуллас, шеърятдаги вазнлар алмашинуви Ҳамза, Авлоний, Фитрат, Чўлпон каби шоирларнинг орзуси билангина ўз-ўзидан ва бирданига рўёбга чиқиб қолган бўлмай, жамиятда етилиб келган янги ижтимоий-психологик кайфият орқасидан секин-аста вояга етган адабий ходисадир. Унинг ижтимоий моҳияти ҳам айнан шу кайфиятдан сув ичади.

20-йиллардаги шиддатли ўзгаришлар, кескин ғоявий курашлар руҳи шеърятдаги вазний ўзгаришлар суръатини ҳам оширди. Шу йиллардан бошлаб ўзбек шеърятда бармоқ вазни устувор мақомга эга бўлди. Хусусан, 20-йилларда шеърятимизга кириб келган авлод – Ғ.Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжонлар авлоди, асосан, бармоқда қалам тебратди.

Албатта, даврининг кескин ғоявий курашлари ва шиддатли ўзгаришлари руҳига мос ҳолда бу авлоднинг 20-30-йиллар ижодида эркин шеър ҳам кенг ўрин тутди. Чунки шоир ўзини курашда ҳис қилди, шеър энди кўнгил изҳори эмас, минбардан янграётган даъват, керак бўлса дағдаға сифатида тушунила бошлади.

Бу адабиётни умумпролетариат ишининг “винтча”си сифатида кўрмоқни истаган дохий сўзларининг амалга татбиқи эди. Адабиётни, шеърятни восита сифатида кўриш одатий ҳолга айланди. Бу ҳолни, масалан, Ғ.Ғулом “Сельмашнинг бир дегрез шоири” шеърда яққол бундай ифода этади:

*Қандай бахтли шоирнинг
Яратган ижодиким
Тракторнинг эҳтиёт
Бўлагидай ардоқли.*

Шеърнинг лирик қаҳрамони – пролетар шоири, у ўзини “шоирликдан илгарироқ эпчилгина бир дегрез” деб билади, “шу кунларни ёзолганидан” ўзини бахтиёр санайди. Дегрез-шоирнинг гапларида нигилистик оҳанглар сезилади: у “Муҳаббатнинг “илоҳи”дан ўк еган”, шеърда эски йўлни тутганча “оҳ фалак” дея шеърлар битувчи шоирни инкор қилади. Лирик қаҳрамон эски оҳанглар “шу кунларни ёзиш” учун ярамайди деб билади:

*Тева минганларнинг
Куйин тингладим,
Мунгли улар,
Сўрагандим:*

– Сафарларин жабдугидан, – дедилар

*Тракторнинг шўх куйига
Шеърим жабдуг бўла олса,
Ўзимда йўқ севинарман
Трактордай қаҳқаҳли!*

Кўриб турганимиздек, дегрез шоир “тева минганлар куйи”ни мунгли дея инкор қиларкан, шеъри “тракторнинг шўх куйига”, бошқача айтсак, давр руҳига мос бўлишини истайди. Маълумки, 20-йиллар шеърияти ҳақида гап кетганда, кўпроқ, Маяковский анъаналари тилга олинади. Албатта, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжонлар ижодида кўп қўлланган эркин шеърлар ёки ифодавийликни ошириш учун мисралари “зинапоя” шаклида қурилган бармоқдаги шеърларда Маяковский таъсирини инкор этиш ё камситиш ноўрин бўлур эди.

Бирок Маяковский таъсири нечоғли кучли бўлмасин, у шеърятимизда эркин шеърни майдонга чиқарган омил санала олмайди. Яъни, менимча, бу ўринда урғунинг ўрнини алмаштириш зарур. Зеро, биринчидан, эркин шеърнинг оммалашиши, юқорида кўрганимиздек, энг аввал даврнинг руҳ-кайфияти билан боғлиқ. Иккинчидан, эркин шеър дастлаб аруз доирасидаёқ уч берди, кейинча эса бармоқ асосида ривожланди. Демак, Маяковский таъсири шеърятимизда эркин шеърни юзага келтиргани йўқ, у юқоридаги омилларни кучайтирган қўшимча омил бўлиб хизмат қилди. Учинчидан эса, бу ходиса, яъни шеърятда анъанавий ўлчовлардан чекиниш биргина ўзбек шеъряти эмас, балки бошқа шарқ халқлари адабиётларида ҳам табиий ва қонуний ходиса сифатида кузатилган. Жумладан, профессор Ҳ.Болтабоевнинг “Имом Ғаззолий, Фитрат ва постмодернизм” мақоласида бу жараён араб, эрон ва турк шеърятларида қандай кечгани ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун етарли даражада муфассал маълумот берилади.¹

XX аср ўзбек шеърятида, айниқса, 20–30-йилларда эркин шеър ва сарбаст қанчалик кенг ўрин тутмасин, барибир, янги ўзбек шеърятининг ритмик асоси бармоқ бўлиб қолди. Бундай дейишимизга сабаб янги ўзбек шеърятида бармоқда ёзилган шеърлар салмоғи бешак устун эканлигидагина эмас. Гап шундаки, ҳозирги эркин шеърнинг ҳам, сарбастнинг ҳам ритмик-интонацион хусусиятлари бармоқ оҳанглари контекстида рўёбга чиқади. Бошқача айтсак, шеърни қабул қилувчи “ички кулоқ”ларимиз бармоққа мос созланган, ҳозирги ўқувчи шеърни бармоқ асосида идрок этади. Шу маънода, ҳозирги ўзбек шеърятидаги эркин шеър ҳам, сарбаст ҳам асли бармоқнинг ҳосиласидир. Бу фикр адабиётшу-

¹ Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жидидчилик. - Т., 2007. - Б. 92-108

нослигимиздаги мавжуд қарашларга тўғри келмагани учун изоҳ бериб ўтиш зарур. Маълумки, адабиётшунослигимизда эркин шеър ва сарбаст масаласида турлича қарашлар бор. Айримлар биз эркин шеър деб атаётган ҳодисани бармоқ тизими доирасидаги вазн кўриниши,¹ бошқа бир мутахассислар уни сарбаст билан бир нарса деб билган ҳолда алоҳида шеър тизими санайди,² яна бирлари уларни бир-биридан фарқлайди ва шеър шакли деб ҳисоблайди³. Биринчи қарашга эркин шеърни бармоқ ичидаги ҳодиса деб қарагани учун қўшилиш мумкин, лекин уни шу тизимдаги вазн (аслида эркин шеърнинг асосий белгиси муайян вазнга, ўлчовга солинмагани) лардан бири деб қараш, бизнингча, мантиққа мувофиқ эмас. Шунга ўхшаш, сарбастни мустақил шеър тизими сифатида тушуниш ҳам асосли эмас. Чунки шеър тизими дегани муайян қонуният асосида юзага келувчи шеърнинг ўлчовларни ўз ичига олади. Шунга кўра, эркин шеърни маълум бир тизим доирасида эркинликка интилиш натижаси ўлароқ юзага келувчи шеър шакли сифатида тушунган яхшироқдир. Бу ҳолда сарбастни (свободный стих) ҳам “насрий нутқдан аввалбошдан нуткий бўлак (мисра) ларга бўлиниши билан фарқ қилиб, бу нарса график (ҳар бир мисрани алоҳида сатрга ёзиш) ва интонацион (ритмик пауза ва ритмик акцентлар ҳисобига) жиҳатдан таъкидланувчи” шеър шакли сифатида тушуниш мумкин бўлади. Сарбаст шеър аввалдан маълум бир ўлчовга солинмагани боис “фикр-туйғуга мос оҳанг сўзнинг маъноси асосида юзага келади, яъни бу ўринда маъно асосида ўқилади ва сўзлар шунга мос оҳангларга ўралади”.⁴

¹ У. Тўйчиев. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. - Т., 1966. - Б. 80-95

² Б. Саримсоқов. Ўзбек шеър системалари ҳақида // ЎТА, 1988. №5; Н. Шукуров ва бошқ. Адабиётшуносликка кириш. - Т., 1979. - 148-154; Э. Худойбердиев. Адабиётшуносликка кириш. - Т., 1995. - Б. 155-158; Н. Афоқова. Жадид шеърини поэтикаси. - Т., 2005. - Б. 102

³ М. Иброҳимов. Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб топиши. - Т.: 1945. - б. 155-158.

⁴ Д. Қуронов ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. - Т.: 2010. - Б. 269.

Фитрат “Аруз ҳақида” рисоласида аруз ва бармокни назарда тутган ҳолда “буқун бизда шеърнинг икки вазн системаси бордир” дейди, давр шеъриятида анча кенг оммалашган эркин шеър хусусида эса тўхталмайди. Н.Афоқова бунинг турли сабабларини тахмин қилгач, асосий сабаб сифатида “олим сарбаст ҳақидаги фикрларини бирор алоҳида ишида баён қилишни мўлжаллаган” деган тахминни олдинга суради. Албатта, олиманинг бу тахминини тўла инкор қилиш мушкул, эҳтимол, Фитрат сарбаст ҳақида алоҳида иш ёзишни режалаштирган ҳамдир. Лекин Фитратнинг “бизда шеърнинг икки вазн системаси” борлиги ҳақида айтганлари илмий жиҳатдан тўғри ва ҳеч қандай изохга муҳтож эмас. Чунки эркин шеър ҳам, сарбаст ҳам вазн системаси эмас, яна ҳам аниқроғи, улар вазн тушунчасидан четга чиқиш натижасида вужудга келган. Вазн системаси бўлиш учун улар маълум бир қонуният (масалан, аруздаги каби узун ва қисқа ҳижолаҳнинг муайян тартибда такрорланиши) асосида вужудга келувчи шеър ўлчовларини ўз ичига олмоғи керак. Шу ўринда аруз системаси ҳақидаги қуйидаги фикрга эътиборни тортмоқчиман: “Аруз юзлаб вазнларни ўз ичига олган мукамал тизимга айланадики, у қайсидир жиҳатлари билан Менделеев жадвалини ёдга солади. Яъни назарий жиҳатдан барча вазнлар тактеъсини чизиб кўрсатиш, шунга тушадиган шеър ёзиш мумкин; тизим таркибидаги айрим вазнлар фаол бўлса, бошқалари жуда кам қўлланади; айрим вазнлар кўпроқ араб, бошқалари форс, тагин бирлари эса туркий шеъриятда қўлланади ва ҳ.”¹ Ҳа, худди Менделеев даврий системасида ҳали топилмаган элементлар учун ҳам жой қолдириб кетилгани каби, аруз тизимида ҳам имкондаги ўлчовлар тактеъси назарий жиҳатдан чизилавериши мумкин. Аруз ҳақидаги мазкур фикрларни

¹Д.Қуронов ва бошқ. Адабиётшунослик дугати. - Т.: 2010. -Б.269

бармоққа нисбатан ҳам бемалол қўлласа бўлади. Лекин ҳақиқат шуки, бундай “бемалол қўллаш” имкони ўзбек шеърияти бутун XX аср мобайнида бармоқнинг янги-янги имконларини очгачгина мумкин бўлди. Йўқса, ўз вақтида Фитрат “ҳижо вазни аруз системаси қадар бой эмас. Арузнинг баъзи вазнларида бўлган жонлилик, хаяжон, ўйноқилик ва оҳанг ҳижо вазни системасида йўқ” демаган бўлур эди. Зеро, Фитрат ушбу назарий хулосага келган 30-йилларнинг ўрталарида ўзбек шеърияти ҳали бармоқ тизими имконларини ҳозиргидек кенг намоён этиб улгурмаган эди. Ҳолбуки, аруз тизими каби бармоқ ҳам ритмик-интонацион имконлари бениҳоя кенг вазн системасидир. Дейлик, масалан, шеъриятимизда кенг оммалашган бармоқнинг 11 бўғинли ўлчови назарий жиҳатдан турли ритмик вариацияларга эга бўла олади: 5+6, 6+5; 4+4+3, 4+3+4, 3+4+4; 3+3+5, 3+5+3, 5+3+3; 4+7, 7+4; 3+8, 8+3 ва ҳоказо. Бундан ташқари, мазкур туроқланишнинг мисраларда турлича тартибда (масалан, тоқ мисралар 5+6, жуфт мисралар 6+5 тартибда) такрорланиши, шунингдек, изометриянинг қўш мисра доирасида (қўшма вазн) ёки банд доирасида (масалан, барча бандлари 11+9+7+5 тартибида қурилган шеър) намоён бўлиши ҳам шеърга янгича бир оҳангни бахш этади.

Хуллас, XX аср тонгида янгилашиш йўлига кирган ўзбек шеърияти миллий тилимиз табиатига мос келувчи бармоқ тизимини асос қилиб олди ва бутун аср давомида унинг беқиёс имконларини намоён этишга интилди. Айни чоқда, бармоқнинг ритмик-интонацион контексти шоирларимизга эркин шеър ва сарбаст шеър шакллари имконларидан ҳам кенг фойдаланиш имконини яратди.

3.2. Поэтик ифоданинг такомилли

“Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” мажмуасини тузишга жазм этиши сабабини тушунтираркан, Абдулла Авлоний энг аввал “Туркистон макотиби исломиясида” ўқитилаётган китобларнинг “баъзиси ошиқона назмлардан ва баъзилари эътиқодот ва амалиёти исломияға мутааллиқ мушкул масъалалардан иборат ўлғонлари” ва “аксарлари форсий тилда ёзилгон”ини, бу эса болаларнинг улардан фойдаланишида, уларни англашида қийинчилик туғдиришини айтади. Сўнг улуг маърифатпарвар Хўжа Ҳофиз, Навоий ва Фузулийлардан биттадан байтни мисолга олади-да, “зоҳирда ошиқона ўлан ғазаллар”ни юзаки англаган ўқувчиларнинг “Фалон азиз шундай дейдир” деб бузук ахлоқлара мубтало ўлмак” эҳтимоли мавжудлигини таъкидлайди. Кўриб турганимиздек, Авлоний мажмуани тузиш заруратини юзага келтирган учта сабабни кўрсатади: 1) мавжуд китобларда мавзу мураккаб; 2) кўплари она тилида эмас; 3) улардаги образли ифода тушунишда қийинчилик туғдиради. Гарчи Авлоний бу гапларни болалар учун тузган мажмуага нисбатан айтаётган бўлса-да, улар ўзида умуман жадид адабиётига хос ижодий тамойилларни акс эттиради. Жадид ижодкорлар адабиётни мавзу эътибори билан ҳаётга, тилини жонли тилга яқинлаштиргани бунгача ҳам айтилди. Ва бу иккиси билан боғлиқ ҳолда шеърятнинг ифода йўсини ҳам содалашди. Зеро, жадид адабиёти мурожаат этаётган аудитория энди бениҳоя кенгайган эди. Мумтоз шеърятдан фарқ қилароқ, энди бу шеърят асосан элитага (яъни, мадраса кўрган зиёли қатламга) эмас, балки кенг оммага (яъни, авомга ҳам) қаратилди. Кенг омма эса мумтоз шеърятдаги мурак-

каб образлиликни, рамзу мажозлар катидаги мазмунни идрок этишга, тан олиш керак, ҳали тайёр эмас эди.

Албатта, мазкур ҳол ижодкорлар олдиға мураккаб дилеммани қўйгани шубҳасиз. Яъни кўпчилиги шарқ мумтоз поэтикасидан яхши хабардор жадид ижодкорлар қаршисида “биринчи ўринга бадиият талабини қўйиш керакми ё адабиётга давр юклаётган вазифаними?” тарзидаги савол кўндаланг бўлган. Айни шу саволнинг мавжудлиги, масалан, Ҳамзани “Қизил гул”га ёзган сўз бошида “адабиётдан хабарсизлик эмас, қора элимизни тушунувина ўнғай бўлсин учун” дея изоҳ бериб ўтишга ундайди. Ёки адабиётга эндигина тетапоя қадамларини қўяётган Чўлпон “Адабиёт надир?” мақоласида “тўп-тўғри айтганда у қадар таъсир қилмас, адабиёт ила айтганда албатта таъсир қилар” деса, “Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик” номли мақоласида “халқ турмушини енгиллик тарафига” юргизиш учун “қишлоқ тилида кўброқ ёзиб англатиш” зарурлигини таъкидлайди. Кўряпмизки, иккала ижодкор адабиётнинг санъат эканини ҳам, давр адабиёт олдиға қўяётган вазифани ҳам билади. Ва шуни билган ҳолда иккинчисига кўпроқ ҳақ беради. Зеро, адабиётнинг санъат эканлигини билган ҳолда уни минбарга айлантириш заруратини теран ҳис этиш ва онгли равишда санъаткорликдан кечиб, воизликни танлаш жадид ижодкорларнинг фаол гражданлик мавқеи билан изоҳланади.

Жадид шеъриятида энг кўп оммалашган ифода йўсини оммага бевосита мурожаатдир. Мурожаат объекти аксар ҳолларда “Ватан”, “Турон”, “Туркистон” каби метонимик тарзда, шунингдек, “Туркистон эли”, “Турк эли”, “миллат”, “Ўзбек эли”, “қардошлар”, “диндошлар”, “мусулмонлар”, “миллатдошлар” каби сўзлар билан аниқ ифода этилади. Масалан, “Ётурсан тобакай ғафлат

кучоғинда, уён миллат” ёки “Эй жаҳлу хоби ғамга талабгор ўлан Ватан!” (Авлоний); “Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон”, “Эй мусулмонлар, қачон биз дарда дармон истариз” ёки “Ҳасрат қилай қардошлар, кўзни очинг диндошлар” (Ҳамза). Жадид шеърляти билан танишганда, ундаги мурожаат этувчи субъект, бошқача айтсак, лирик қахрамоннинг қатор умумий хусусиятлари кўзга ташланади. Албатта, бу бежиз эмас. Зеро, воизлик мазмуни ва руҳи билан йўғрилган шеърларда “лирик мен”дан кўра “лирик биз”нинг ўй-фикр, кечинмалари салмоқлироқ ўрин тутади. Яъни умумийликнинг асоси бу шеърларда шоирнинг шахсан ўз тилидан эмас, балки гўё жадидчилик ҳаракати номидан сўзлашидир.

Ҳамза айтмоқчи “қора эл”нинг тушуниши осон бўлиши учун жадид шоирлари онгли равишда образлиликни кейинги ўринга қўядилар – нарсалар ўз номи билан аталади. Негаки, сирасини айтсак, жадид шоирларнинг аксарият шеърлари моҳиятан кенг оммага қаратилган нутқ – ваъздир. Шу сабабли ҳам жадид шеърлятида образли ифодадан кўра риторик приёмлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўз вақтида рус ёзувчиси Салтиков-Шчедрин одамлар юрагига ўт солишга қодир ҳақиқий нотиклар узоқ вақт зулм ҳукм сурган юртларда туғилади, деб таъкидлаган эди. Бунинг сабабини адиб зулм таъсирида йиғилиб қолган дарднинг тўғонларни кўпориб ташқарига интилиши билан изоҳлайди.¹ Жадид шоирларининг ҳолати, уларнинг оммага мурожаат қилишга мойиллигининг ижтимоий-психологик омилларидан бири ҳам шу.

Риториканинг ёрқин намояндаларидан бири Цицерон нотик олдиға учта шартни қўяди: тингловчини ишонтириш, завқлантириш ва ўз измиға сола билиш.²

¹ М.Е.Салтыков-Щедрин. Избранные произведения. В 7 т. Т.5. - С.244
² Об ораторском искусстве. - М.,1963. - С.34

Нотик ишонтиришга далиллаш билан, завқлантиришга услубнинг гўзаллиги ҳисобига, ўз измига солишга эса кучли эҳтирос ёрдамида эришади. Жадид шоирлар шеърӣй нутқ ирод этаркан, ишонтириш ва ўз измига солишга асосий эътиборни қаратадилар, завқлантириш мақсади эса буларнинг соясида қолади. Натижада, шеърнинг шаклий хусусиятлари, услуби ва тили ҳам шунга мувофиқ кўриниш олади. Ушбу фикрни Ҳамзанинг машхур “Йиғла, Туркистон” шеъри мисолида кўриб ўтамиз. Шеър мурожаат-даъват руҳида ёзилган. Шу руҳга мос ҳолда Ҳамза феълнинг императив шакллари кенг қўллайди, шеърда маънони кучайтирувчи такрорлар салмоқли ўрин тутади. Шеърда буйруқ майлидаги 18 та феъл (йиғла, тебрансун, тургил, соғла, доғла, боғла, чоғла, қўл ушлашинг, бирлашинг, хушлашинг, ташлашинг, бошлашинг, битсун, ўлсун, мактаб очинг, ҳимматли бўлинг, дариг тутманг, қувонсун) ишлатилган.

Бундан ташқари, “Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон, Рухсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон!” байти (унда бешта буйруқ майлидаги феъл бор) ҳар бир банд охирида нақарот сифатида такрорланишини эътиборга олсак, ҳисоб яна катталашади. Мазкур ҳол нутқнинг “ўз измига солиш” мақсадига бўйсундирилгани, унда апеллятив мақсаднинг устуворлигини кўрсатади. Таъкидлаш керак, шоир услуб (унинг гўзаллиги) завқлантириши кераклиги ҳақида қайғураётгани йўқ, аксинча, онгли равишда уни бошқа мақсадларга бўйсундирмоқда. Бундай услуб Ҳамзанинг яна “Кўзни очинг қардошлар”, “Дармон истариз” каби қатор “миллий шеърлар”ига, шунингдек, Авлонийнинг “Ўз миллатимдан рижойи ожизонам”. “Миллат ҳайкалига хитоб”, “Илма таргиб”, “Миллатга хитоб” каби шеърларига ҳам хосдир.

Юқоридаги каби хитоба шеърлардан қизил ип бўлиб ўтаётган асосий фикрни “бундай яшаб бўлмайди, ҳаракат вақти етди!” тарзида ифодалаш мумкин. Мазкур фикрга ишонтириш учун ҳаётдан далиллар олинади, чунки бу ўринда образли ифода эмас, “кора эл”га тушунарли бўлган, у ҳар кун дуч келувчи ҳолатларга эътибор қаратилгани мақсадга мувофиқроқ. Бу далиллар таъкидлаб саналади, таъсир кучини ошириш учун турли риторик усуллардан фойдаланилади. Масалан, Ҳамзанинг мисолга олинган шеъридан бир банд:

*Биздек ҳеч миллат борму зиллатга ботган,
Сафоҳатга алдануб иффат йўқотган.
Фироринда тик ётур ихват ўргатган,
Жаҳлу бидъат захрини шарбат кўрсатган.*

Қорайтириб таъкидланган риторик сўроқ ўқувчи онгида “Йўқ!” деган акс садони уйғотишга қаратилган, бу савол кейинги мисраларга ҳам бирдек тегишли. Яъни ҳақиқатда таъкидлаб санаш ҳисобига нотик тўртта савол бериб, тўртта “Йўқ!” жавоби олишга эришади. Шоир ўқувчининг ақлу виждонига бевосита мурожаат этиш билан таъсир кучини оширади – ўқувчини ўз измига олади. Умуман, ўқувчи ақлу виждонига қаратилган бундай риторик сўроқлардан Ҳамзанинг яна “Яшасун миллат”, “Шундай қолурми?” каби шеърларида ҳам самарали фойдаланилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, жадид шеъриятида риторик сўроқлар турли ҳиссий бўёқ ва маъно қирраларини ифодалайди. Жумладан, Ҳамзанинг “Йиғла, Туркистон” шеърида риторик сўроқ даъват руҳини, “Яшасун миллат”да таъкид (“Эру қизларга, илм изларга Оят, ҳадис бирлан фарзу суннат эмасму?”, “Шундоқ

колурми?” шеърида савол ўзининг инкори маъносини беради (“Қафасдан бўшалган ҳар қуш Қайтиб ўзини солурму?!” . Авлонийнинг “Жаноби ҳақдан бир рижо” шеърида “Биздек жаҳонда ғафлат ила ёр борми, ох, Дунёда бизча миллати бемор борми, ох” каби сўроқлар фақат инкорни эмас, балки мавжуд ҳол учун Ҳақ олдида тавба-тазарру қилаётган кишидаги айбдорлик ҳисларини ҳам ифодалайди. Яъни бу ўринда ўқувчига даъват билан бирга ҳисни юқтириш орқали таъсир ўтказиш йўлидан борилади.

Авлонийнинг “Бизларда нималар бор” шеърида эса риторик сўроқ кинояли тарзда юртдаги мавжуд аҳволдан, жаҳолатдан, номақбул урф-одатлардан афсус-надомат ҳисларини ифодалайди:

*Илм учун сарф айлаюр бору йўкин агёрлар,
Базму тўйга кимни биздек соҳиби эҳсони бор?*

Умуман олганда, жадид шеъриятида киноя муҳим ўрин тутаети. Негаки, киноя нарса-ҳодисага одатланилгандан ўзгача – ностандарт қараш натижаси бўлиб, ўқувчи (тингловчи)ни ҳам беихтиёр ўзгача қарашга мажбур этади. Шунинг учун ҳам самарали усул сифатида киноядан нотикликда кенг фойдаланилади.¹

Маълумки, жадидлар халқимизга хос дабдабали кони исроф тўй-ҳашамларга қарши бўлганлар, машаққат билан топилган маблағни жойига сарфламасликни қаттиқ танқид этганлар. Қўлланган усуллар бунга ўзгача қарашга ундайди. Яъни риторик сўроқ, қаршилантириш ва киноя воситасида худди шу қараш мухтасар тарзда, эса қоларлик қилиб ифода этилган.

¹ Об ораторском искусстве. - М., 1963. - С.132

Ҳамзанинг киноялари янада ўзига хос, улар аччиқлиги, заҳархандага бойлиги билан фарқланади:

*Бойбаччалар семиринг, бешни ўн бешга беринг,
Яҳудларни бой қилгоч, ётиб кесак кемиринг.
Ўқитманг ўғулни, етар ушбу тижорат.*

Киноянинг антифразис шакли, яъни тескари маънода тушуниладиган жумлалар тузиш орқали фикрни ифодалаш ҳам нутқнинг таъсир кучини оширадиган воситалардандир. Худди шундай риторик усул яна Ҳамзанинг “Дунё керакмас эркон” шеърисида ҳам қўлланган. Шеърдаги ҳар бир банд охирида банд мазмунига мувофиқ ўзгаришлар билан такрорланадиган “Туронли ҳолингга балли...” олқиши билан бошланувчи қўш мисра ҳам киноя-антифразисдир.

Жадид ижодкорларнинг хитоба шеърларида фикрни далиллаш учун кенг қўлланган риторик приёмлардан яна бири қаршилантириш бўлиб, у кўпроқ “бизда – ўзгаларда”, шунингдек, “ҳозир – илгари” тарзида амалга ошади. Биринчи схемада Туркистон ва Оврупо мамлакатларидаги аҳвол қарши қўйилса (масалан, Ҳамзада: “Ўзгаларнинг тилаги мактаблар очмоқ, Бизда мактабдан қочмоқ-ей “Ўзга миллат учсалар ҳикмат топуб сўйи само, Бизни эллар лоақал ер узра даврон истамас”, иккинчи схемада юртнинг шавкатли ўтмиши билан забун бугуни зидланади (масалан, Авлонида: “Олуб таълим сандин ўзгалар илгори кетдилар, Фунун тарихларингни шарх этиб аслига етдилар” “Боболар қилмишлар илма шитоб, Ёзмишлар қанча ҳисоб-китоб, Солмишлар мактаб, мадраса, меҳроб, Бизлар ётамиз ўқимаин ухлаб”. Табиийки, шеърдаги бундай қаршилантиришларнинг вазифаси ўқувчини мавжуд ҳолни, ўз шахсий ҳаётини ва миллат-

нинг ҳаётини тафаккур қилишга ундашдир. Бу эса асосий мақсад – бу аҳволда яшаб бўлмайди деган фикрни сингдириш ва ҳаракатга даъватни қабул қилиш учун асос бўлади.

Юқорида кўрдикки, жаҳид шеърятининг аксар намуналари ўқувчи оммага қаратилган бевосита нутқ сифатида риторика қонуниятлари асосига қурилгандир. Жаҳид шоирларнинг миллий адабиётимизда асрлар давомида шаклланган юксак даражадаги образлилик ўрнига бу йўлни танлаганлари, энг аввало, даврнинг ижтимоий шарт-шароитлари билан боғлиқдир. Яъни давр миллат олдига қўйган вазифалар жаҳид шеърятидан нафақат мазмун, балки шакл бобида ҳам мос ўзгаришларни тақозо этди. Давр руҳ-кайфиятини теран идрок этган ижодкорларнинг саъй-ҳаракатлари билан шеърятнинг ифода йўсини ҳам ўзгаришга юз тутди.

Ўзгариш зарурати нечоғли долзарб бўлмасин, жаҳид шоирларнинг ижодий изланишлари энг аввал мумтоз шеърят анъаналари негизида кечганини ҳам таъкидлаш керак. Бу табиий ҳам. Негаки, жаҳид шоирларнинг бари миллий маданий заминда етишганлар. Худди вазн бобидаги изланишлар аруздаги жонли тилга энг мувофиқ ўлчовларни сайлаб ишлатишу аруз имкониятларини кенгайтиришдан бошлангани каби, ифода соҳасидаги изланишлар ҳам мумтоз шеърятдаги поэтик образларга янгича мазмун юклашдан бошланди. Албатта, ўзгаришлар нисбатан қисқа вақт давомида ва шунга яраша шиддат билан кечди. Эҳтимол, шу сабабли ҳам қатъий ҳукм мақомидаги хулосалар чиқариш анча мушкулдир. Шунга қарамай, бир қарашдаёқ жаҳид шоирлари ижодидан анъана ва янгилик нисбати турлича эканлиги кўзга ташланади: бирларида (Сиддикий Ажзий, Мискин, Тавалло) анъана устувор, бошқаларининг ижодий тадрижида

анъанавийликдан янгилик томон ўзгариш (Ҳамза, Авлоний), тагин бирларининг илк шеърий машқларидаёқ янгиликка мойиллик (Фитрат, Чўлпон) намоён бўлади. Менимча, шу таснифда “ўрта” мавқени эгаллаб турган шоирлар, хусусан, Авлоний ижоди ифодадаги анъана ва янгилик муносабатини кузатишга қулай материал беради. 1909 – 1916 йиллар давомида чоп этилган “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” мажмуасининг дастлабки жилдларида ифода жиҳатидан анъанавийлик кучли. Жумладан, шоир шеърларида “гул”, “булбул”, “хор”, “мушк”, “ғилмон”, “сайд”, “сайёд” каби анъанавий поэтик образлар, “роҳи адам”, “фалак кажраф”, “мушки тотор”, “муҳри Сулаймон”, “фирдавси ғилмон” каби изофали бирикмалар кенг қўлланади. Шундай образларни истифода этган ҳолда “Айлама панду насиҳат нокаса беҳудаким, Қобилият бўлмаса, шарму ҳаёни истамас” ёки “Олам ичра кўрмадим кизбу хиёнатдан бўлак, Меҳру шафқат ўрнига шахсий адоватдан бўлак” тарзида жумла-мисралар тузилиши шоир мумтоз шеърият анъаналари заминида мустаҳкам турганини кўрсатади. Айни пайтда, Авлоний анъанавий образларга янги мазмун юклайди. Масалан:

*Сўлди гафлатдан жаҳон богиндаги гул – ёримиз,
Хор ила тўлди гулистони Эрам – гулзоримиз*

– байтида “гул”, “хор”, “гулзор” ва “гулистони Эрам” образлари жадидчилик ғояларига мос Ватан, миллат маъноларида қўлланган. Шунга мос равишда анъанавий булбул образида ҳам маъно силжиши содир бўлади: “Бўлди бизларга ватан бойқуш каби вайроналар, Учди гулзори ватандин булбули хушёримиз”. Авлонийда булбул образи ҳам гулдаги мазмун ўзгаришига мос мазмун

касб этади. Жумладан, “Садойи булбул” шеърида булбул тилидан инсонларга мурожаат этилади, юртдаги номақбул ҳолатлар саналиб, бунинг учун уларнинг айбдор экани таъкидланади.

Яъни бу шеърда булбул Ватанга муҳаббати чексиз, унинг ҳолини кўриб фиғон чекаётган зиёли образидир. Шунақа талкинлар борлиги учун ҳам сиртдан қараганда ошиқона шеърдек кўринган “Ҳижрони булбул” номли бошқа бир шеъридаги:

*Булурман гулга ҳамдам деб, ўзини боғлатур дома,
Фидойи жон этар муштоқ чин дийдор улур булбул.
Кеча-кундуз қафасда, оҳ гул, деб айлаюр фарёд,
Омон бермас анга золим қафас, озор олур булбул*

– каби байтлар ҳам айни шу маънода тушунилади.

Авлоний мумтоз шеъриятдаги тамсилларни ҳам мазмунан ўз даври эҳтиёжларига мослаштиради. Жумладан, шоир болаларга қарата “Тараддуд бирла доим дур олинг дарёи мактабдин” деганида, мумтоз шеъриятда кенг қўлланган “дур – ғаввос – денгиз” силсиласидан ўзига зарур мазмун ифодаси учун фойдаланади. Авлоний мумтоз поэтик образларни уларга анъанавий тарзда муҳрланиб қолган маънодан халос этишга интиляётгандек туюлади.

Масалан: “Маю миносини тарк айласа ағёр, бизлар, оҳ, Ичиб жоми жаҳолатдан, ҳамиша зор – биз, миллат”. Ушбу байтда мумтоз шоирларимиз тасаввуфий маъноларни ифода этиш учун қўллаган “май”, “жом” образлари реал мазмун касб этади. Яъни мумтоз шеърият эмблемага – муайян мазмуннинг турғун белгисига айлантирган бу образлар энди аслига қайтадики, бу, Авлоний мажмуага ёзган сўз бошида айтгани каби, ифодани соддалаштиришга интилиш натижасидир.

Таъкидлаш керакки, мумтоз шеъриятнинг ифодадаги анъаналарини давом эттирган ҳолда унга мазмуний янгиликлар киритишга интилиш ўзбек жадид шеъриятининг илк босқичларига хосдир. Кейинроқ, жадидларнинг ижтимоий фаоллиги ортган 10-йилларнинг ўрталарига яқин шеъриятда халқона оҳанг ва халқона ифодалар тобора кенгроқ ўрин эгаллай бошлайди. Негаки, давр кайфияти энди янгича ифодани янада ўткир тақозо этаётган, уни акс эттириш учун мумтоз шеъриятдаги образларни мазмунан янгилашнинг ўзи камлиқ қилаётган эди. Эҳтимол, шунинг учундир, илк ижодида мумтоз шеърият анъаналари доирасида қалам тебратган Ҳамза ҳам, Авланий ҳам бу даврга келиб асосий эътиборни “миллий шеър”га қаратдилар. Ва шеъриятда энди образдан кўра хитоб кўпроқ эътибор топа бошлади.

Ташвиқий характердаги хитоба шеърлар ижтимоий жиҳатдан қанчалик катта аҳамиятга эга бўлмасин, бадиий жиҳатдан анча бўшлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Албатта, буни ижодкорларнинг ўзлари ҳам теран англашган. 1918 йилда ташкил топган “Чиғатой гурунги” ҳақида Чўлпон: “У жамиятга мансуб кишилар тилни соддалаштирмак мақсадини асос қилиб ушлаганлари ҳолда ўзбек адабиётининг тугалланишига катта аҳамият бердилар. Тугалланатурган адабиёт чин адабиёт бўлмоғи керак. Шунинг учун адабий асарларга ҳақиқий қийматини бериб, адабиётга кира олмаган нарсаларни шафқатсиз суратда майдондан ҳайдай бошладилар”,¹ – деб ёзгани бежиз эмас. Эътибор беринг, 1918 йилдаёқ “чин адабиёт”, яъни санъатга дохил адабиёт масаласи ўртага қўйилиб, “ўзбек адабиётини тугаллантириш” ва зифаси олдинга сурилмоқда. Бу эса ижодкор зиёли

¹ Чўлпон. Адабиёт надири. - Т.:1994. - Б.

ларнинг адабиётга восита дебгина қараши барҳам топиб, унга, аввало, санъат деб қараш устуворлашганидан далолатдир. Гурунг раҳнамоси ва назариётчиси Фитратнинг 1919 ёзган “Шеър ва шоирлик” мақоласида “етти саккиз сўзни белгили бир “вазн”да тизиб, кетинда белгили бир сўзни “қофия” қўймоқ билан шеър орасинда ердан кўккача айирма бордир”¹ дея таъкидлаши ҳам аслида шундан. Хўш, нима учун айнан 1918 йилга келиб “Чиғатой гурунги” томонидан “чин адабиёт” масаласи ўртага қўйилди? Бунинг ижтимоий омили, биринчи навбатда, жадидчиликнинг ҳаракат тактикаси ўзгарганидир. Февраль инқилоби даврида сиёсатга ўта фаол киришган жадидлар Октябрь тўнтариши ва сўнг Туркистон мухториятининг тугатилиши билан ундан четлашдилар. Ҳ.Олимжон бу ҳақда: “февраль инқилоби давридаги жонсарақ уринишлари хаёлга айланган ўзбек буржуа зиёлилари бутун кучни маданий-адабий майдонга ташлади. Улар, тахминан, бутун газета ва журналларга ўринлашиб олдилар. Мактаб-маорифнинг асосий шаҳобчалари уларнинг қўлида қолди. Адабий майдон ва адабий ташкилотларга ўз чангалларини солиб, уларни миллатчилик мафқурасига хизмат қилдирдилар»,² – деб ёзган эди. Албатта, бу шароитда воизликка ўрин қолмаган, энди айтмоқчи бўлганларини санъат йўли билан – образлар воситасидагина айтиш мумкин эди. Агар буни объектив омил деб қарасак, аҳамияти ундан асло кам бўлмаган субъектив – инсон омилини ҳам таъкидламоқ зарур. Бу, биринчидан, фаол ҳаракатдан узилган ижодкорларда мавжуд воқеликни эстетик идрок этиш имкони пайдо бўлгани. Яъни улар илгари воқеаларнинг ичида бўлса, энди воқеалар (воқелик) улар учун эстетик объектга айланди.

¹ Фитрат. Танланган асарлар. Т.: Маънавият. – Б.6.

² Ҳ.Олимжон. Асарлар мажмуаси. 5 жилдлик. 5-жилд. Т.:1972, 106-бет.

Иккинчидан, улар ўзлари интилган орзуга тўла етган эмас, натижадан, содир бўлган ва бўлаётган ўзгаришлар моҳиятидан қониқмаган. Ва бу ҳолга муносабатни ифода далаш имкони чекланган, ўй-ҳисларни образли ифода далаш имконигина қолган. Буни Ҳ.Олимжоннинг “Ҳинд ихтилочилари” ва “Чин севиш” драмалари ҳақида айтган қуйидаги гаплари ҳам тасдиқлайди: “Фитрат ўзининг қарашларини инқилобнинг биринчи-иккинчи йилларида ёзилган “Темур сағанаси”да ифода қилганидай очик ва яланғоч ифода қила олмайди (яъни, 1920 йилга келиб – У.Ҳ.), чунки ортиқ миллатчилик аксил инқилобининг қанотлари қирқила бошлаган ва миллатчилар Советларга қарши очикдан-очик курашдан ниқобланишларга ўтган ва ўта бошлаган эдилар”.¹ Тўғри, Ҳ. Олимжон “ниқобланиш” деганида Фитрат “мавзуда Ҳиндистон ҳаётига кетса ҳам, мазмунда тамом Туркистонда қолгани”ни назарда тутуди, бироқ бу гаплар умуман образлиликка ҳам дахлдор. Яна бир муҳим омил шу образлиликни қабул қилиш билан боғлиқ. Жадид адабиёти оммага қаратилганини, шоирлар ёзганлари “қора эл”га тушунарли бўлиши ҳақида кўп қайғурганларини айтдик. Албатта, бу борадаги саъй-ҳаракатлар Чўлпон шоир сифатида фаоллашган 20-йилларга келиб ўз самарасини берган эди. Шу сабабли ҳам 1920 йилда Чўлпон “Чин севиш” нинг сахна талқини ҳақида ёза туриб: “Халқимиз буюк армонли, соф адабий нарсаларга ҳам тушуниб келадир. Бу ўзбек сахнасининг зўр енгиши, бундан фойдаланув керак”,² – деган эди. Кўряпмизки, шоир ўқувчи оммада анча-мунча бадиий дид шаклланиб қолганини эътироф этмоқда, бунинг эса образли тафаккур ривожини

¹ Ҳ.Олимжон. Асарлар мажмуаси. 5 жилдлик. 5-жилд. Т., 1972, Б.111.
² Чўлпон. Адабиёт надири. - Т., 1994. - Б. 75.

нинг муҳим шартларидан бири экани шубҳасиздир.

Юқоридаги ижтимоий-руҳий омиллар туфайли Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон сингари ижодкорлар фитратидаги санъаткорлик бор бўйини кўрсатди. Биз санъат ходисаси деб қарайдиган илк ўзбек романи “Ўтган кунлар”, Фитратнинг қатор драмалари, Чўлпоннинг кўплаб гўзал шеърлари шундай омиллар маҳсулидир.

Чўлпоннинг лирик ижоди шеърятимиздаги поэтик ифодани янгилаш бобидаги изланишларнинг самараларини ўзида мужассам ифода этди.

Авалло айтиш керакки, Чўлпон шеърятисида, устози Фитрат талаб қилганидек, “кишиларнинг қонини қайнатғучи, сингирларини ўйнатғучи, миясини титратғучи, сезгусини кўзгатғучи бир куч, маънавий бир куч бор. Шундай бир кучи бўлмаган сўз “вазн” ва “қофия”си бўлсун, шеър бўлолмайди”.¹ Бу кучнинг манбаи энг аввал шоир учун ижтимоий дард чинакам шахсий дардга айланганида. Лекин шугина эмас. Чунки миллату юрт дардини бу даражада шахсийлантирган зиёлилар кўп бўлган. Яна бир муҳим омил, Чўлпоннинг Фитрат назарда тутган маънавий кучга эга сўзларни, ифодани топа билганидир. Аввало шуки, Чўлпон ҳам янгича мазмунни ифодалаш учун мумтоз поэтик образлардан фойдаланди (“Қаландар ишки”). Табиийки, бу борада Чўлпоннинг имконияти катта авлод жадид шоирларига қараганда кенгроқ бўлган. Чунки катта авлод, Авлоний мисолида кўрганимиздек, бу борадаги изланишларни анча илгари бошлаган, яъни Чўлпонда “ёр”, “ошиқ”, “ишқ” каби образларга янгича мазмун юклаши учун ҳам, ўқувчиларнинг буни идрок этишлари учун ҳам замин ҳозирланиб бўлган эди. Чўлпон билан шеърятга

¹ Фитрат. Шеър ва шоирлик // Мулоқот. - 1996. - №4. - Б.52

“мен” қайта кириб келди. Агар жадид шеърияти кўпроқ мафкура номидан (яъни “биз” номидан) сўзлаган бўлса, Чўлпон воқеликни кўнгил призмасидан ўтказиб берди – ўз дардини ўз сўзи билан ифодалашга интилди. Шу боис ҳам унинг поэтик образлари ранг-баранг, зеро, турланиб турган воқелик ва шоир кўнгил турфа образларга етарли материал беради. Даврни кўнгилда яшатиб яшаётган шоирнинг қувончу ташвиши, орзу-армонларию исёни янгича поэтик образларни дунёга келтирди.

Дейлик, 20-йилларнинг биринчи ярмидаги шиддат “денгиз”, “пўртана”, тўлқин” каби образларга доялик қилган бўлса, шоир дилида ардоқлаган орзу-мақсад “юлдуз”, ҳаётнинг маъниси бўлган кураш “йўл”, ўзи ва ҳаммаслаклари “йўлчи” образларида ифода этилди. Унинг шеърларида ҳамма ҳар кун кўриб турган нарсалар сермаъно поэтик образларга айланди: “булут”, “қора булут”, “бахор”, “киш”, “қор”, “совук”, “қуёш”, “қиздирғучи қуёш”, “юлдуз”, “қуш”, “қарға” ва бошқ. Чўлпонни ўз вақтида символист шоир деб аташгани бежиз эмас, албатта. Лекин Чўлпон символизми реал заминда туради, чунки рамзлари – образлари ҳаётдан, табиатдан олингандир. Шу боис ҳам шоир “Қушнинг ҳадиги”ни тасвирлаш орқали жамиятда эркисизлик кучаяётгани, “Бинафша” орқали инсон қадрию шаъни топталаётгани, “сомон парча” орқали жамиятда шахслик мақоми бекор бўлаётгани ҳақидаги ташвишу аламларини ифодалай олди. Яъни у чинакам санъаткор сифатида аналогиялар ёрдамида образли тафаккур қилди ва шу туфайли ҳам ўз ижоди билан шеърятни санъат томон бурди.

Эндигина санъат томон бурилган ўзбек шеъриятида 20-йилларнинг ўрталаридан кейин яна риторика, ташвиқий-хитоба шеърлар салмоғи ортиб борди. Бу шеъ-

риятга кириб келган ёш бўғин шоирлар фаолияти билан боғлиқ эди.

Сирасини айтганда, мазкур ходиса жадид маърифатчилик шеърияти анъаналарининг тамомила бошқа мафкуравий асосдаги давоми эди. Худди жадидлар каби, 20-йиллар авлоди шеъриятни минбарга айлантирди — ундан туриб кенг оммага мурожаат этди, мухолифат билан даҳанаки мафкуравий кураш олиб борди.

Табиийки, худди жадид шоирларида кўрганимиз каби шўро хитоба шеъриятида ҳам ишонтириш ва ўз измига солиш мақсадлари устуворлашди. Шу сабаб унда ҳам образлиқдан кўра риторик приёмлар аҳамиятлироқ бўлди: эҳтиросли хитобу сўроқлар, синтактик ва тематик параллелизмлар, градация, климакс, амплификация сингари такрор кўринишлари кенг қўлланди. Ҳ.Олимжон шеърияти ҳақида тўхталаркан, Ойбек бу тўғрида шундай дейди:

“Шеър гўё декламацияга мўлжалланади, сўз гўё нотикнинг адил, дабдабадор, оташин нутки услубида терилади. Шеърда кўпроқ хитоб, такрор ва тасдиқлаш авж олади...”

Поэзияда бадиий фикр, образ ўрнини жўшқин нотиклик ва укдириш эгаллайди”.¹ Тўғри, Ойбек бу ҳолни рус совет шоирлари, хусусан, Маяковский таъсири билан изоҳлаган. Албатта, Ойбекдек олим бунинг миллий шеъриятимиздаги илдизларини яхши билган, лекин у жадид шеъриятининг анъаналари ҳақида гапира олмас эди.

Айни чоғда, хитоба шеърларда ўрни билан уларнинг мазмун-руҳига мос образлар ҳам қўлланди.

¹ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 14-том. - Т., 1979. - Б.199

Масалан, Фафур Гулом шеъри:

*Жабҳа буйлаб оғир кураш
тинмай оқади.
Қум кесакдан қўп бемадор қиргоқлар
Ўприлади, увалади,
Даҳшат – тантана,
Ҳайқиради буйдоқ қаҳқаҳа билан пўртана.
Гирдобларга учраб қолган, йиртиқ елканли
бир синиқ кема
Бир бешикдай чайқалади
пассажирларин
қалблари каби,
Эшкак қўлдан чиққан, умид қўйруққа,
Пассажирлар жавдиратиб
телба кўзларин
солар йироққа;
Ў... ҳў... поёнсиз, кўринмас соҳил
Ё нажот – илдиз.
Аллақайда бир тўда ит тўлқинга қарши
увулламоқда,
Бир яқинлик сезиб бундан, пассажир қалби
шувулламоқда.*

Келтирилган парчадаги поэтик образлар орқали Ғ. Гулом жамиятда авжга минган синфий кураш манзараларини чизади.

Эътибор беринг, шоир билан тасвир объекти орасида эстетик масофа сақланмаган, шу боис шеър тенденциозлик касб этади: “буйдоқ қаҳқаҳа билан ҳайқираётган пўртана” ҳам, муҳолиф синфларнинг қўлидан “эшкак чиққан”и ҳам қониқиш билан чизилади. Қониқиш синфий душманнинг йўқликка маҳкумлиги, улар учун на-

жот – соҳил кўринмаётгани, хайрихоҳ “увуллаётган итлар”нинг чиранишлари ҳам бекор – “ит хурару карвон ўтар” эканлигидан келади.

Ғоявий томонига кўз юмган ҳолда холис қарасак, Ғ. Ғулом жамиятда юз бериб турган вазиятни образлар орқали мохирона тасвирлаганини тан олишга тўғри келади. Бирок бу гап фақат шу парчага нисбатан тўғри, чунки кейин ўша синфий душман – муштумзўрлар ҳақида ялангоч тарзда:

*“Кўпчиликда йўқ баракат –
Коллектив бўлманг,
Пахтакорлар хор”, –
дейди тинмай кеча-кундуз қилиб ҳаракат,
изво тарқатар;
Баъзан бузар алмазада пахта майдонин,
ёқар хирмонин,*

– қабалидаги мисралар тизилади. Бунинг оқибатида шеърнинг бошланишидаги яхшигина образлилик хиралашади, поэтик образлар бадий образга хос сермаънолик, универсаллик, тугалланмаганлик хусусиятлари йўқолади ва аниқ бир маънога боғланиб қолади. Маъно эса бевосита шеър ёзилган давр билан боғлиқ, бу эса бадий образнинг публицистик-иллюстратив образга хос хусусиятлар касб этишига олиб келади. Сирасини айтганда, бу ҳол нафақат Ғ.Ғулом, балки Ҳ.Олимжон, Ойбек, У.Носир каби шоирларнинг ижтимоий мавзуларда ёзилган аксарият шеърларига хос хусусиятдир. Ҳатто, бундай шеърларни ўқиганда баъзан шоир бадий ижод билан эмас, шеър воситасида ижтимоий-сиёсий фаолиятда машғулдек туюлади. Албатта, мазкур ҳол, бир томондан, даврнинг ижтимоий кайфияти, шўро ҳукумати ада-

биёт соҳасида юритган сиёсат каби объектив омиллар билан, иккинчи томондан, субъектив, яъни ёш ижодкорлар учун воқелик эстетик идрокдан кўра кўпроқ амалий фаолият предмети бўлгани, улар эстетик идрокка ҳали руҳан тайёр бўлмаганлари билан боғлиқдир.

Ижтимоий поэзия билан бир қаторда 20-йиллар авлоди ижодий фоліятида соф лирика – кўнгил шеърияти ҳам алоҳида бир қатлам-йўналиш сифатида мавжуд бўлдики, бунинг етакчи омиллари сифатида адабий анъана ва адабий таъсирни кўрсатиш мумкин. Адабий анъана деганда, мен энг аввал Чўлпон шеъриятини назарда тутаман. Яъни Чўлпон бошлаб берган янгича поэтик ифода таъсири, ўзаро ғоявий зиддият кўлаמידан қатъи назар, кейинги авлодга мансуб шоирларнинг барчасида кўринади. Майли, уларнинг бирлари Чўлпонни инкор қилди, бирлари тушунишга интилди, лекин қай кўринишда бўлмасин, Чўлпон шеърияти билан диалогик алоқада бўлди. Жумладан, образлар тизими. Масалан, Ойбекнинг илк ижодида Чўлпонда кенг ишланган “йўл”, “амал”, “тилак”, “юлдуз”, “денгиз”, “тўлқин” поэтик образлари кенг қўлланади (“Ёш йўлчи”, “Турмуш йўлида”, “Саҳрода”, “Юлдузга боқаркан”, “Олтин юлдуз”, “Турмуш денгизи”). Ёш шоир “куз”, “баҳор”, “киш” образларига Чўлпондаги каби маъно-кайфиятни сингдиради (“Куз ва киз”, “Куз сезгиси”). Шунингдек, ёш Ойбекдаги “Нечун сенинг юзларингда Қайғу алам ўти тошар?” (“Ўзбек кизига”), “Босик уйлар йиқиқ томлар устида...” (“Кеча туйғуси”), “Эй кенг тоғлар, гўзал тоғлар! Шарқда нечун қурмиш боғлар?” (“Шарқ мазлумларига”) каби ўнлаб мисралари Чўлпон таъсирини яққол намоён этади. Чўлпон шеърияти билан худди шундай диалогик алоқа изларини Ҳ.Олимжон, У.Носир шеърларида ҳам кўплаб қузатиш мумкин. Фикримча, бу ҳолни

фақат таъсир эмас, анъана деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Нега деганда, бу вақтга келиб Ҷулпон шеъриятимизда қарийб чорак аср давомида кечган поэтик янгиланиш йўлидаги изланишларни мужассам этди, яъни энди янги шеърят анъаналари қарор топиб улгурган эди.

Адабий таъсирга келсак, яна Ойбекка мурожаат қилиш ўринли бўлади. Ойбек янги турк шеъряти билан танишиб: “Муҳим ва мураккаб нарсалар ҳақида соддагина килиб сўз айтиш мумкин экан. Қалбни забт этган хистуйғуларни, чуқур лиризмни ифода этмоқ учун дабдабали шакл шарт эмас. Ахир кўнгил қўйган қизга “севаман” деб айтмоқ учун беқасам тўн кийиб келиш зарур эмас-ку”,¹ — деган хулосага келганини эътироф этади. Шоир бу хулосага Бокуда чоп этилган янги турк шеъряти намуналари билан танишгач келганини айтади. Эҳтимол, агар имкони бўлганида, Ойбек янги турк шеърятига Ҷулпон орқали яқинлашганини ҳам айтган бўларди. Майли, ҳозир бу муҳим эмас. Муҳими, бу Ойбек мансуб авлод ҳам худди ўзидан катта авлод сингари янги турк шеърятидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлганини кўрсатади.

Шу ўринда рус шеърятининг, хусусан, шу йилларда кенг оммалашган Пушкин, Лермонтов, Некрасов каби шоирлар таъсирини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Гарчи ҳозирда бу омил ҳақида камроқ гапирилаётган бўлса-да, бу авлодга, шеърятимиз ифода имконларининг кенгайишига рус шеърятининг таъсири жуда катта бўлганлиги инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Яна бир томони, бу авлод шоирлари амалга оширган Пушкин, Лермонтов, Некрасовлардан таржималар ҳам уларнинг оригинал ижодига таъсирсиз қолмаган. Ниҳоят, бу авлод шоирларининг бир қисми турли сабаблар билан собиқ иттифоқнинг Москва, Ленинград каби маданий марказ-

¹ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 14- том. - Т.1979. - Б.284

ларида маълум вақт яшаганлар. Ва албатта, улар қайнок адабий муҳитдаги янгиликлардан, ўқувчилар орасида машҳур шоирлар ижодидан хабардор бўлганлар. Шу сабабли ҳам, масалан, маълум вақт Ленинградда таҳсил олган Ойбек рус шоири Блок “асосий поэтик муҳаббатим бўлиб қолди” дея эътироф этади. Ёш Ойбекни “Блок мисраларининг ҳар бири лиризмга тўлиқлиги, ҳар бир сўзда унинг маънавий олами сезилиб туриши ҳайратда қолдиради”. Эътиборлиси шуки, Ойбекни биринчи галда Блок шеърятининг бадиий жозибаси мафтун этган: “Блок ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини ўз асарларида абадийлаштира олар, шунинг учун ҳам уларни ўқиганда, ўзингизни ана шу мангуликнинг қучоғида ҳис этардингиз. Айтмоқчи, Блок асарларида ўз кайфиятини аниқ фикрга ва равшан манзарага айлантирмайди, кайфияти кайфиятлигича қолади, бироқ шунда ҳам унинг ана шу кайфияти лиризм ва образлиликка тўлиқ бўлади”¹ Шу хайрат ва таъсирлашиш самараси ўлароқ “Кунгил найларини”га кирган шеърларнинг аксариятида “ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини абадийлаштириш”га, “лиризм ва образлиликка тўлиқ” кайфиятни ифодалашга интилиш кузатилади. Бунга биргина шеър мисолида амин бўлиш мумкин:

*Икки ёнда оғочлар,
Йўл узун ипак лента...
Мудрар тилсиз япроқлар,
Кезаркан битта-битта.*

*Баъзан у ёқ-бу ёқдан
Бир қиз қулиши учар,
Титраб бушлиқда бир он
Сокин кечани қучар.*

¹ Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. 14- том - Т.1979.- Б.285

*Япроқлар орасидан
Сўнгра ой мўралайди.
Ҳаёт нашъаси билан
Шунда юрак ўйнайди.*

Шуниси эътиборлики, муайян руҳ-кайфиятни ифодалаш учун манзара чизиш, бошқача айтсак, тасвирий (визуал) образлар яратишга интилиш 20-30-йиллар шеъриятида анча кенг кузатилади. Мана, масалан, Ҳ. Олимжондан:

*Қуёш чиқар, тўр ёяр
Оқар олтин тутунлар.
Кучалар қизар, куйар...
Шундай бошланар кунлар.*

*Ғижирлар кичик эшик,
Чиқар қизил кашшоф қиз,
Ёмғир ювган япроқдек
Жонли, тирик ва тетик.*

Бу каби визуал образлар яратишга мойиллик кучайиши баробарида поэтик образнинг хом ашё базаси бениҳоя кенгайди. Зеро, энди атрофни қуршаб турган воқеликнинг парчалари: нарсабуюмлар, воқеа-ҳодисалар, ҳолатлар, инсонлару махлуқот – барининг шоир кўнгил призмасидан ўтиб образга айланиши ва шоир кўнгилни ифодалаши мумкин бўлди. Албатта, бу шеърятда реалистик тенденциянинг кучайиши билан боғлиқ. Мазкур тенденция эса лисоний ифоданинг соддалашуви билан параллел кечди ва натижада ўзбек шеъряти поэтик образлар тизимининг янгиланиши ва бойишига замин бўлди.

Ўзбек шеърлятида реалистик тасвир тенденцияси билан бир қаторда кузатилган яна бир ҳолатни, менимча, Чўлпон бошлаб берган символистик тасвир аънанасининг давоми ўлароқ тушуниш мумкин. Маълумки, шоир учун кўнглидагини қоғозга тўкиш, ўйлаганини айтиш нафас олмоқ каби табиий бир эҳтиёж. Бироқ бошқа томони, шоир табиати билан боғлиқ бу эҳтиёж билан бирга унинг қондирилишига монелик қилувчи омиллар (маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий) ҳам ҳамisha мавжуд. Айни ҳол эҳтиёжни қондириш йўлини излашга ундайди, буни ижодий-руҳий заруратга айлантиради. Яъни ижодий-руҳий зарурат ва ижтимоий шарт-шароитлар келтириб чиқарган турли тўсиқлар орасидаги зиддият шоирнинг аналогиялар асосида, рамз ва метафоралар воситасида фикрлашига туртки беради. Ўз вақтида Чўлпон дилидагини “йўлини қилиб айтиш”га (Д.Қуроно) ҳаракат қилгани каби, масалан, 20-йиллар авлоди ижодида ҳам дилидагини ифодалаш учун турли йўллар излаш кузатилади. Жумладан, Ойбекнинг “Наъматак” шеъридаги “бир туп наъматак”, “вахший қоялар”, “бир тутам ок гул”, “қуёш” образлари орқали мустабид жамиятдаги санъаткор қисмати ва миссияси ҳақида фикр юритилади. Айни чоқда, бу рамзий маънонинг ифода этилиши шеърнинг юзада турган маъносига ҳеч путур етказмайди – табиат манзараси ўз аслига содиқ ҳолда чизилаверади. Албатта, бу символизмга ҳос ифода йўли. Лекин бу билан Ойбек символист бўлиб қолмайди. Чунки, биринчидан, рамзлар орқали ифодалаш адабиётнинг азалий усулларида бири. Иккинчидан, Ойбек жуда ҳурмат қилган Блок символист шоир бўлгани ҳам маълум. Бу эса Ойбек нафақат реалистик, балки ўз даври адабиёти ва санъатидаги бошқа йўналишларни ҳам ижодий ўзлаштиргани, ўз ижодий фаолиятида уларни синтезлаштиртшга ҳаракат

килганини кўрсатади. Дарвоқе, Ойбекнинг “Кўнгил най-лари” тўпламига кирган кўплаб манзара шеърларда импрессионистик тасвир – оний ҳолат ва шу оний ҳолатдан туғилган оний таассуротни ўз ҳолича муҳраб кўйишга ҳаракат борлиги ҳам бу фикрни тасдиқ этади.

Ҳ.Олимжон “Офелиянинг ўлими” шеърида бироз ўзгача йўлдан боради. “Наъматак”дан фарқли ўларок, бу шеър символистик характерда эмас. У спектаклдан олинган таассурот тарзида ёзилганки, бу таассурот, назаримда, шоир кўнглидаги бўҳронлар билан муштараклик касб этади. Ҳ.Олимжон ижодида 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, асосан, “кўнгил шеърияти” намуналари яратилгани, бунинг омилларидан бири социалистик ғояга нисбатан тараддудланиш пайдо бўлгани эканини аввал айтдик. Агар шеър ёзилган пайтдаги шоир руҳ-кайфиятини шу тараддудланиш билан боғлиқ ҳолда тушунсак, дастлабки мисралар ўзгача мазмун-моҳият касб этади:

*Орзунг бор куйлашга, лекин қалбингдан
Тарқалар бир маъюс ва ғамгин сазо.
Кўйнингда бир қучоқ оқ ва нафис гул,
Лекин руҳинг тўла мотам ва азо.*

Аввало шуки, “Офелиянинг ўлими” шеъри билан “Наъматак” шеъри бир вақтда – 1936 йилда ёзилган. Яъни иккиси ҳам бир давр-кайфият маҳсули, уларнинг орасида диалогик алоқа борлиги шубҳасиз. Ҳ.Олимжон юқорида келтирилган тўрт мисрани шеърнинг алоҳида композицион қисми (шеър 4 қисмга бўлинган) сифатида ажратганки, у шеърнинг руҳ-мазмунини мухтасар ифода этади. Ҳеч шубҳасиз, шеър спектаклдан олинган таассурот маҳсули, лекин ўша таассурот шоир дилидаги

дардга ҳамоҳанг бўлгани учунгина шеърга дўнгани ҳам шубҳасиз. Яъни куйлаш орзуси бўлгани ҳолда қалбидан “маъюс ва ғамгин садо”гина таралаётган шоир Офелияда ўз қисматдошини кўради. Энди оппоқ либосдаги телбаваш қизнинг кўйнида “бир кучоқ оқ ва нафис” гул тутиб саҳнага чиқиб келиши билан ваҳший қоялар орасидаги наъматакнинг бир тутам оқ гулни куёшга тутишини қиёсланг. Айтаманки, Ҳ.Олимжон Офелияда, Ойбек наъматакда ўз қисматдошини кўриши, иккала манзаранинг моҳиятан ўхшашлиги бекорга эмас, бу давр руҳ-кайфиятидаги умумийлик, муштараклик билан изоҳланади. Иккала шоир ҳам шу руҳ-кайфиятни, ўзини ўртаган дардни ифода этишга йўл излайди, бунинг учун эса бири рамзийликдан, бириси эса метафорикликдан фойдаланади.

Маълум бўлдики, ўзбек шеъриятида поэтик ифоданинг янгилалиши бир неча босқичларни ўз ичига олган жараён экан. Биринчи босқичда мумтоз шарқ шеъриятидаги поэтик образларни янгича мазмун юклаган ҳолда истифода этиш, шеърият тилини жонли тилга яқинлаштириш кузатилди. Иккинчи босқичда, жамиятда ўзгариш зарурати етилгани ва бунинг тобора кенг идрок этила бошлагани билан боғлиқ ҳолда шеъриятда ташвиқийлик биринчи планга чиқди – шеър кенг оммага қаратилган нутқ шаклини олди, унда образлиликдан кўра риторик восита ва усуллар аҳамияти ортди. Шу билан бирга, ижтимоий йўналтирилган ташвиқий шеърият миллатни уйғотиш учун миллий турмуш манзараларини чизди – тасвижда реалистик тамойиллар кучайди. Учинчи босқич воизлик шеъриятининг вақти ўтгани (унга зарурат ва имкон қолмагани) ва “чин адабиёт” заруратининг идрок этилиши натижаси сифатида бошланиб, реалистик асосдаги янги образлиликнинг шаклланиши

билан характерланади. Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши ва шўро адабиёти катта авлод шоирларининг майдонга кириши билан поэтик тафаккур оқимида бўлиниш кузатилади: янги авлод ижодий фаолиятининг бошланишида жадид воизлик шеърляти анъаналарини давом эттириб, шеърлятни ғоявий кураш майдонига айлантирди ва “чин адабиёт” йўлига кирган жадид адабиётининг кенжа авлодига мухолифат мавқеида турди. Мухолифат маҳв этилгач эса, айна шундай бўлиниш уларнинг ўз ижодий фаолиятида содир бўлди. Негаки, бир томондан, улар майдонда ёлғиз қолиб, қирққа чиқмасларидан классикларга айланишган. Бу эса шўро ҳукуматининг адабиёт соҳасидаги сиёсатини ўтказиш вазифаси кўпроқ уларнинг зиммасига тушади демак, яъни улар ўз истеъдодларини шўро мафқурасига хизмат қилдиришга мажбур. Иккинчи томондан, ижодий тажрибанинг ортиши билан яна “чин адабиёт” масаласи ўртага тушади, ҳаётий тажрибанинг ортиши эса юз бераётган ходисалар моҳиятини теранроқ англаш имконини беради. Шу икки омил уларнинг ижодида образлиқнинг кучайиши, рамзий ва метафорик ифоданинг пайдо бўлиши ва қарор топишига олиб келди.

Юқоридаги учта босқич ва кейинги қоришиқ ҳолатни мухтасар тарзда такрорлаганим бекорга эмас. Гап шундаки, шу босқичларга хос деб кўрсатилган хусусиятлар ўзбек шеърлятида XX аср охирига (80-йиллардан бошлаб кузатилган модернизм таъсирини истисно этган ҳолда) қадар мавжуд бўлди. Жумладан, Чустий, Чархий, Ҳабибий каби ғазалнавис шоирлардан тортиб “Ёшлиқ девони”ни тузган Э.Воҳидов, кайфияти тусаганда бешта-тўртта ғазаллар ҳам битган кейинги шоирларимиз – булар анъанавий поэтик образлар ва ифода шаклларида фойдаландилар. Ёки хитоба шеърлар, уларга хос ифода

ҳам ўрни билан деярли барча шоирларимиз ижодида учраб туради. Хусусан, мен А.Ориповнинг “Маломат тошлари”, “Сўнги уруш”, “Тунислик бола”; Ш.Раҳмоннинг “Туркийлар”, У. Азимнинг “Роса қирк ёшингда тўхтадинг, юрак”, “Ўзбек аёли ҳақида очерк” каби қатор шеърларини хитоба шеърларнинг яхши намуналарига мисол тарзида кўрсатган булардим. Шу билан бирга, то 90-йилларга қадар ҳам ҳар бир шеърӣ тўпламга албатта киритилиши шарт бўлган партия-ҳукумат ёки дохийлар мадҳига бағишланган минглаб шеърӣ битиклар, туман газеталаридан бошлаб то марказий нашрлар саҳифалари учун махсус ёзилган календарь шеърлар урчигандан урчиди. Табиийки, уларнинг аксариятини шеърӣга дахлдор деб санаш хато бўлади. Албатта, бу айтганларим ижтимоӣ поэзиянинг гўзал намунаси деб эътироф этилувчи қатор хитоба шеърларнинг аҳамиятини, улар конкрет даврнинг лирик-публицистик характердаги бадий ҳужжати бўлиб қолганини асло инкор қилмайди.

60-йиллардан бошлаб кўнгил-ҳол ихҳорига кўпроқ эътибор қилган шеърӣтимизда образли тафаккур устуворлашди, бу вақтга келиб ўзбек шеърӣяти турфа ҳис-кечинмаларни ифодалашга қодир поэтик образлар ҳазинасига эга бўлди ва бу ганжина муттасил бойитиб борилди. Зеро, 60-йиллардан бошлаб бадий асарни баҳолашда ижодий индивидуаллик масаласига, санъаткорнинг оламни қай тарзда кўришию ўй-ҳисларини қай йўсин ифодалай олишига кўпроқ эътибор қаратила бошлади. Шундай баҳолаш мезонлари қўйилган ва диди юксалган шеърҳонга мурожаат этаётганини мудом ҳис этиб турган А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Парфи, Ш.Раҳмон, Х.Даврон, У.Азим каби шоирларнинг ҳар бири дунёни ўзича кўриш, ўзича идрок этиш ва англам-ҳисларини ўзига хос поэтик образлар орқали ифодалашга интил-

дилар. Мен бу ўринда мазкур шоирлардаги умуман
образлилик ҳақида эмас, давр рух-кайфиятини ўзлари
истагандек (яъни чекловларни четлаб ўтган ҳолда) ифо-
далашга имкон берган образлар ҳақида тўхталмоқчиман.
Масалан, А.Орипов ижтимоий ҳаёт оқимида туғилган
ўй-кайфиятни баҳор кунларидаги кузнинг хавоси
("Баҳор кунларида кузнинг хавоси"), умрини қўлмак
бир ҳовузда ушоқ еб ўтказаётган тилла балиқча ("Тил-
ла балиқча"), куч-қудратига ярашига мақсади бўлмаган
бургут ("Бургут") каби образларда; Э.Воҳидов ижтимо-
ий ҳаёт носозликларини Магмусанинг хангомаларида;
Х.Даврон айтмоқчи бўлган-у айтмоқ имконсиз гаплари-
ни тарих лавҳаларини чизиш орқали ("Абулхай сўзи",
"Верешчагин", "Тютчев ўлими") ифода этадилар. Ал-
батта, саноғимиз мукамал эмас, бунинг учун шоир-
ларни ҳам, образларни ҳам узоқ санашга тўғри келади.
Лекин мақсад бу эмас. Муддао янги ўзбек шеъриятидаги
поэтик ифода имкониятларининг кенгайиши узлуксиз
бир жараён сифатида кечганига эътиборни қаратиш. Ку-
затишларимиз, бир томондан, Чўлпонда асосан қарор
топиб улгурган янгича ифода шакллари аср адоғига
қадар муттасил бойиш, ривожланишда бўлганини, ик-
кинчи томондан, бу образлар ўзаро алоқада эканлигини
кўрсатади. Масалан, қуйидаги силсилага эътибор бе-
ринг: "кўклам соғинчи" (Чўлпон) – "оппоқ бўлиб гулла-
ган бир туп ўрик" (Х.Олимжон) – "баҳор соғинчи" ("Сен
баҳорни соғинмадингми?") ва "баҳор кунларидаги куз-
нинг хавоси" (А.Орипов). Албатта, бу орага яна Ойбек
ёки бошқа шоирлар яратган образларни ҳам жойлаш-
тириш мумкин, лекин бунга зарурат йўқ. Муҳими, маз-
кур силсиланинг ўзиёқ янги ўзбек шеъриятида образли
ифода контексти мавжудлигини, бу контекстда поэтик
образлар бир-бирларини тўлдириб, изоҳлаб, мазмунан

бойитиб келишини кўрсатади. Шунга ўхшаш диалогик алоқа “бинафша” (Чулпон) билан “тунафша” ва “наъма-так” (Ойбек) орасида ёхуд “Офелиянинг ўлими” шеъри билан У.Азимнинг “Театр” туркуми орасида ҳам кузатилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шеъриятимизда ХХ аср бошларидан кузатилувчи поэтик ифодани янгилаш йўлидаги ижодий изланишлар ҳамиша ҳам бир текис кечмагани, бу жараёнда турли эврилишлар содир бўлганига қарамай, бадиий тафаккур тадрижи изчиллик ва бутунлик хусусиятини сақлаб қолгандир. Бу эса ижод табиати-га номувофик ижтимоий-сиёсий шароити кескин ғоявий курашларга, яккаҳоким мафкура тазйиқларига қарамай бадиий тафаккур тадрижи анъана ва янгилик, ворисийлик қонунларига асосан амалга ошганини кўрсатади.

3.3. Лирик субъект эврилишлари

Лириканинг тасвир предмети ҳис-туйғу, кечинма эканлиги, худди шу нарса уни тур сифатида ўзига ҳослигини белгилаши кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳақиқат саналади. Тасвирланаётган кечинма эгаси – лирик субъект ҳақида гап кетганида эса биринчи галда шоирнинг ўзи ёдга келади. Тўғри таъкидлаймизки, ҳатто шеърда бирон бир нарса-ходиса тавсиф қилинган ёки воқеанинг маъзи баён қилинган бўлса ҳам, унинг туб заминида қалб кечинмалари тасвирланади, кечинманинг эгаси эса шоирнинг ўзи. Хуллас, лирикада кечинмани у ёки бу тарзда шоирнинг ўзи билан боғлаш биз учун одатий ҳол, исботлаш зарурати бўлмаган ҳақиқага айланган. Ва бу ҳақиқат жуда қадимда, антик давр файласуфлари томониданоқ кашф этилган. Жумладан, Афлотун поэзия ва миф яратишнинг бир тури тўлалигича

тақлиддан таркиб топади — бу... трагедия ва комедия; бошқа бир тури шоир ўзи айтган гаплардан иборат — буни дифирамбларда кўриш мумкин,¹ дейди. Яъни Афлотун лирика таърифида нутқ эгасини асос қилиб олади. Арасту эса поэзия турларига тўхталиб, автор воқеаларга аралашмай ҳикоя қилиши... бутун ҳикоя давомида автор ўзлигича қолиши ёхуд барча акс эттирилувчи шахсларни гавдалантириши мумкин² деганида, муаллифнинг ўзлигича қолган ҳолда акс эттириши (тақлид қилиши) ни асосий фарқловчи белги деб олади. Гегель бўлса лирикани эпосга қарши қўйган ҳолда таърифларкан, унинг мазмунан субъектив, объекти “ички олам, тафаккур этаётган ва ҳис қилаётган қалб”, ягона шакли ва пировард мақсади субъектнинг лисоний ифодаси эканлигини таъкидлайди.³ Белинский лирикани “субъективлик салтанати” деб атаркан, унда “шоир шахси биринчи планда” туриши, ўқувчи ҳамма нарсани фақат шоир шахсияти орқали қабул қилиши ва тушунишини айтади.⁴ Лирика табиати ҳақида ҳозирда мавжуд адабиётшуносликка оид ишлар, дарслигу луғатлардаги назарий қарашлар ҳам юқоридагилардан ўсиб чиқади ва моҳият эътибори билан улардан катта фарқ қилмайди. Яхши маълум, адабий-назарий қарашлар, одатда, ҳамиша бадиий ижод амалиётидан ортда қолади. Зеро, у ўзининг назарий қоидаю таърифларини бадиий ижод амалиётининг натижаларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида ишлаб чиқади. Бироқ, барибир, лирика масаласида адабиёт назариясининг анча ортда қолганини таъкидлаб айтиш керак, чунки лирика, ҳеч бўлмаса ўзбек шеърояти мисоли-

¹ Д.Куронов, Б.Раҳмонов. Ғарб адабий таърихий тафактури тарихи очерклари. - Т., 2007. - Б.10

² Шу китоб. - Б.12.

³ Хрестоматия по теории литературы. - М., 1982. - С.179

⁴ Белинский В.Г. Разделение поэзии на роды и виды // Собр. соч. в 9 т. - С.295.

да олиб қарасак ҳам, сўнги юз йил давомида мисли кўрилмаган даражада ўзгарганини инкор этиб бўлмайди.

Мазкур ўзгаришлар сирасида энг муҳими, менимча, лирик субъект тушунчасининг кенгайишидадир. Албатта, лирик субъект деганда шеърдаги кечинманинг эгаси, унда ифодаланаётган ҳис-туйғую ўй-фикрларнинг кимга тегишли эканлиги назарда тutilади. Ўзбек шеърятининг кейинги юз йиллик тарихига назар солинса, бу масалада жиддий ўзгаришлар юз берганини кўриш мумкин. Аввало, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда юзага келган ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар шахс мақомини ўзгартирганини яна бир қара айтишга тўғри келади. Бунинг адабиётдаги инъикоси ҳам шунга мос: бадий ижодда индивид роли кучайди, санъаткорнинг ўзига хос нигоҳи, маънавий олами, рухий имконларининг кўлами, ўзига хос ифодаси – бир сўз билан айтганда, ижодий индивидуалликнинг қиммати мутасил ортиб, бу нарса ижодкорларнинг ўзлари томонидан тобора теран англаниб борди.

Мумтоз шеърятимизга нисбатан лирик қаҳрамон атамасини ишлатиш маъқулроқ. Негаки, унинг маънавий-рухий қиёфасида алоҳида шахснинг эмас, кўпроқ шеърятда анъана бўлиб келган шахснинг сифатлари акс этади. Янгиланиш қалдирғочи бўлган жадид шеърятига нисбатан ҳам лирик қаҳрамон тушунчасини қўллаш қулайроқ келади. Чунки бу шеърятнинг лирик субъекти ҳам шахсийликдан кўра умумийлик кўпроқ намоён этади. Жадид шоирлари “мен” ёки “биз” номидан мурожат этганидан қатъи назар, маърифатпарвар зиёлиларга хос умумий тушунчаларни ифода этадилар. Бу умумийлик воқеликнинг қайси жиҳатлари кўриляётгани, миллий турмушнинг қайси томонлари танқид остига олинаётгани-ю қайси томонларига рағбат билдириляёт-

гани кабиларда яккол кўзга ташланади. Бу эса жадид шоирлари вокеликка шахсий нуқтаи назардан эмас, балки мафкура орқали қараганидан дарак беради ва улар яратган шеърларни мазмуни, руҳи, ғоявий йўналиши жиҳатидан муштарак этади. Жадид шеърятининг лирик қаҳрамони – дунё аҳволидан хабардор, юз бераётган ижтимоий ҳодисалар моҳиятини англаган, ўзгарган шароитда яшаш ва равнақ топиш шартларини биладиган, миллатнинг ҳолига бефарқ қарамасдан, унинг тараққийси учун қайғурадиган инсон. Жадид шеърятининг исталган намунасини олинг, шундай сифатларга эга лирик қаҳрамонни кўрасиз. Албатта, мазкур ҳол сабабини жадидлар миллат манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйганлари билан ҳам изоҳласа бўладигандай кўриниши мумкин. Лекин бу тўғри эмас. Негаки, жамиятда шахс мақомининг ўзгариши, бошқача айтсак, янги инсоннинг шаклланиши шеърятдаги лирик субъектнинг ҳам шунга мос ўзгаришини тақозо этади. Бирок жадидлар адабиётга восита деб қарадилар, уни миллат тараққийси мақсадига сафарбар этдилар. Ва шеърятда ҳам биринчи навбатда шу мақсадга мос ўзгаришлар (халқ тилига яқинлашиш, содда ифода, оташин нутқ услуби)ни амалга оширдилар. Фақат жадид ижодкорлар фаол ижтимоий-сиёсий ҳаракатдан четланиб, воизлик шеърятининг вақти ўтгачгина лирик субъект конкретлашди, яъни шеърда аниқ бир инсоннинг кўнгли – ўй-кечинмалари, дард-аламлари, орзу-армонларию Ватан ва миллат ҳақидаги изтиробли ўйловлари... ҳис этила бошланди.

Шуларни назарда тутиб, аввалги фаслда Чўлпон билан шеърятга “мен” қайтиб келди, деб ёздим. Албатта, биринчилик деганимиз нисбий, бу ўринда Чўлпон ижодида “лирик мен” бошқаларга кўра якколроқ намоён

бўлганини назарда тутмоқдамиз. Худди образли ифода каби, “лирик мен”нинг қарор топиши ҳам “чин адабиёт” учун ҳаракат бошланган даврга тўғри келади. Аслида, Фитрат шеърга қўйган талабнинг бажарилиши, яъни шеър “қонни қайнатиб, сезгисини кўзгатиши” ва сўз маънавий кучга эга бўлишининг бош шarti – ифодаланмаётган ҳисларнинг чинакамига англаган, фикрларнинг хис этилган бўлиши. Жумладан, шеърятга шу талабни қўйган Фитратнинг ўзида “лирик мен” “Юрт қайғуси” (1917) туркумидаёқ кўзга ташланади:

“Бағрим ёник, юзим қора, кўнглим синик, бўйним
букук. Сенинг зиёратингга келдим, султоним!

Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним,
ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим,
хоқоним!

Юз йиллардан бери жафо кўруб, ғам чекиб келган
туркнинг қонли кўз ёшларини этакларингга тўкарга кел-
дим”.

Умуман олганда, туркум жадидчилик ғоялари руҳи ва мазмуни билан йўғрилган, лекин ундаги Ватан, миллат ва аждодлар руҳи олдидаги “юзи шувутлик”дан келган изтиробли тазарру, гуноҳини ювишу улар учун жон фидо этишга тайёрлик кайфияти умуман жадид зиёлисига эмас, конкрет “лирик мен”га – Фитратга тааллуқлидир. Яъни бунда, ифодада, санъатга хос йўлдан борилган – индивидуаллаштириш орқали умумлашмага эришилган. Зеро, “лирик мен” тилидан ифодаланган ўй-ҳислар шеър ёзилган пайтда миллат қаршисида танлов имконияти юзага келганини англаган барча миллатпарварларга хосдир. Фитратнинг “Ўзбек ёш шоирлари” тўпламига киритилган шеърларида ҳам “лирик мен” бўй кўрсатади. Демак, Фитрат “чин адабиёт” ҳақидаги қарашларини нафақат назарий ишлари ёки насрий ва драматик асар-

ларида, балки лирик ижодида ҳам амалга татбиқ этди.

Шунга қарамай, янги шеърятда “лирик мен”нинг муқим ўрин топишида Чўлпоннинг айрича хизматини таъкидлаш ўринли бўлади. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, “Ўзбек ёш шоирлари” мажмуаси, “Уйғониш”, “Булоқлар”, “Тонг сирлари” тўпламларига кирган шеърларида шоир даврни, унинг бутун мураккаблигию шиддатли эврилишларини қалб призмасидан ўтказиб бера олди. Шунинг учун ҳам Чўлпоннинг шу тўпламларини ўқиганда, атиги беш-олти йиллар давомида кечган ижтимоий эврилишлар инсонлар қалбида қолдирган армону умидларни ҳис қиласан, биласан эмас, айнан ҳис этасан киши. Шоирнинг ишқий шеърларини оласизми ва ё ижтимоий поэзия намуналарини, анъанавий йўлда ёзилганларими ё янгича изланишларини – барида “лирик мен”нинг қалби суратланиб туради. Масалан, хитоблардангина иборатдек туюлувчи машҳур “Бузилган ўлкага” шеъридаги битта-иккита мисраёқ ўша хитобларнинг шоирнинг алам ва умид тўла дилидан ситилиб чиқаётганига ишонтиради: “Кел, кўзингнинг ёшларини сўриб олай, Кел, ярли танларингни кўриб олай, тўйиб олай...” Асли ҳам шеър шундай бўлади ва худди шу хусусият “чин адабиёт”, ҳақиқий лириканинг белгисидир. Ишнинг биринчи бобида Исмоил Порлатирнинг “Асрлар бўйи дунёга кўнгил кўзи билан қараган турк шеъри энди тафаккур йўлига ўтаётган эди” деган фикрини келтирган эдим. Мен бу фикрни бироз ўзгартириб, “асрлар бўйи объекти кўнгил бўлган шеърят дунёга юз бурди” деган бўлардим.

Эҳтимол, бу билан юқорида “лирик мен” ҳақида айтган фикрларга қарши бораётгандек кўринарман. Лекин ҳақиқатда ундай эмас. Зеро, бунга қадар шеърят кўнгил сарҳадлари билан машғул бўлган, ҳазрат На-

войи айтмоқчи “ўз вужудига тафаккур айлаган” ҳолда жами ҳақиқатларни ундан излаган бўлса, энди нигоҳини воқеликка бурди – олам ва одамни англашга жазм этди. Бу ижтимоийлашган инсон, шахс-шоир учун табиий эҳтиёж эди. Жадид ижодкорларнинг янги адабиёт ҳақидаги тасаввурлари асосини “рўмонлар ва тиётру китоблари” ташкил қилгани ҳам шундан. Чунки роман ва драма воқеликни – ижтимоий ҳаётдаги носозликларни англаш ва англатишга кенг имкониятлар очади. Шу жиҳатдан, асрлар давомида адабиётимизда мутлақ етакчи бўлиб келган шеърият давр туғдирган эҳтиёжларни қондиришга ярамай қолди.

Мазкур ҳол лирикадан ҳам ўзгаришни талаб этардики, бу унинг учун яшаб қолиш ва равнақ топиш шарти бўлиб қолди. Айтмоқчиманки, шеъриятнинг кўнгилдан воқеликка юз буриши энг аввал айни шу объектив зарурат туфайли содир бўлгандир. Зеро, давр шарт-шароитлари юзага келтирган талабни қондириш учун шеъриятнинг “рўмон ва тиётру” китоблари билан (яъни лириканинг эпос ва драма билан) рақобатга киришиши, уларнинг имкони доирасидаги вазифаларни қисман бўлса ҳам зиммасига олиши зарур эди. Бунинг учун эса шеърият чуқур ички структур ўзгаришга учраши, энг аввал, субъектив ташкилланиш нуқтаи назаридан ислоҳ қилиниши лозим эди. Қуйида янги ўзбек шеъриятида шу жиҳатдан содир бўлган ўзгаришларни кўриб ўтамиз.

Ҳа, асрлар давомида лириканинг объекти кўнгил бўлиб келди, шеър шоирнинг – “лирик мен”нинг кўнгил изҳори сифатида тушунилди. Воқеликка юз бурган шеърият эса энди шоирнинггина эмас, ўзга одамнингда кўнглига назар солмоққа, дилидагини идрок қилмоқ ва ифодамоққа жазм этди. Ва бу ҳолда энди ўша ўзга одам шеърнинг лирик субъекти, шоир учун бўлса бади-

ий идрок объекти сифатида намоён бўлади. Чўлпоннинг “Мен ва бошқалар” шеърини эсланг. Шеър сарлавҳаси остида “Ўзбек қизи оғзидан” деган изоҳ берилган:

*Қулган бошқалардир, йиғлаган менман,
Уйнаган бошқалар, инграган менман.
Эрк эртакларини эшитган бошқа.
Қуллик қўшигини тинглаган менман.*

Шеърнинг лирик субъекти, унда ифода этилаётган аламли ўй-хисларнинг эгаси – эрксиз ўзбек қизи. Гарчи лирик изҳор “мен” тилидан берилаётган эса-да, бунда шоирнинг “мен”и йўқ, шоир эрксиз ўзбек қизига эврилган, унинг “роли”ни ижро этаётир. Аниқки, муддао шунчаки “ижро” эмас, бу ўринда “ижро” объектни – воқеликни бадий идрок этиш воситаси. Зеро, шеърда дард-ҳасратини ифодалаётган конкрет бир киз образини яратиш орқали шоир ўзбек қизларининг аянч қисмати ҳақида бонг уради, бу ҳасрат ўқувчилар қалбида акс садо беришини истайди. Тўғри, шеърда Чўлпон “Ўзбек қизи оғзидан” ўз дардини ифодалаган қабилдаги қараш ҳам бор, лекин шундай бўлганда ҳам, буниси иккинчи навбатдаги ҳосила мазмундир. Бундан ташқари Чўлпоннинг яна “Шарқ қизи”, “Ўзбек қизи”, “Қиз қўшиғи”, “Чиммат қўшиғи” каби шеърлари борки, улар ҳам мазмуни, ҳам субъектив ташкилланиши жиҳатидан “Мен ва бошқалар” шеърига ўхшашдир. Яхши маълум, ўзбек аёлларининг аҳволи мавзуси жадид шеърлятида анча кенг ишланган. Фақат, агар жадид шеърлятида аёллар масаласига “четдан” қаралган бўлса, Чўлпон бу муаммони “ичдан” ёритишга ҳаракат қилади. Чўлпоннинг “Хизматчи бола қўшиғи” номли шеърида ҳам кечинма эгаси ўз жонига қасд қилишга чоғланган хитойлик хиз-

маткор бола. Эътибор беринг, бунда нигоҳини вокеликка бурган шеъриятнинг қамров имкони кенгайганини кузатиш мумкин. Яъни турли инсонлар кўнгли орқали шеърият дунёни идрок қилишга интилкида. Ёки шоирнинг халқона оҳангларда ёзилган “Қадоқчи кўшиғи” шеърини олайлик. Унда юртидан айрилиб яшаётган қашқарлик қадоқчи тилидан соғинч туйғулари ифода этилади.

Ҳеч шубҳасиз, кайнок фаолиятга ғоят эрта киришган ва кўпроқ оиласидан, яқинларидан ташқарида яшаган Чўлпоннинг ўзига ҳам бу туйғулар ёт эмас. Демак, шеърда шоир дилида соғинч кучайган онлардаги кайфияти акс этган бўлиши табиий.

Иккинчи томондан, қадоқчининг “Бизнинг эллар довларнинг кетида колди, Золим фалак бошимизга айрилиқ солди” деган зори бунинг оний кечинмалар изхоригина эмаслигини кўрсатади. Қадоқчи бир образ сифатида талотўпли замон турли сабаблар билан ошёнини тарк этишга мажбур этган кишиларнинг қисматини ҳам ифода этади. Яъни шоир шу образ воситасида яна вокеликни, даврини лирик мушоҳада этаётир десак, янглиш бўлмайди.

Ўйлашимча, юқорида айтилганлар шоирнинг ўзга шахсга эврилиб олиб унинг кўнглидагиларни изҳор этиши вокеликни идрок қилиш, давр руҳ-кайфиятини ифода далашга интилиш натижаси, шунинг усулларидан бири деган фикрни тасдиқлайди. Янги ўзбек шеъриятида рус адабиётшунослари “ролевая лирика” деб атайдиган, бизда “ижровий лирика” деб аташ урф бўлган бундай шеърлар Чўлпондан кейин кенг оммалашди. Масалан, Ойбек “Алла” шеърида боласига алла айтаётган она образи орқали катта умумлашмага интилади:

*Отанг эди бир бечора,
Ўлди, қолдим оху зор-ла.*

*Тушмаганди устимдаги
Отанг учун кийган қора, —
Бир оғангни яна олди,
Қўш юлдузим якка қолди.
Ўлим курсин ёмон экан,
Бу бошимга налар солди.*

Шеър 1926 йилда, юртимиздаги жанг-жадаллар даярли тиниб, қирғинбарот урушлар ва очлик-қаҳатчиликдан силласи қуриган халқ энди-энди ўзига келаётган бир вақтда ёзилган. Иккинчи томони, бу адабий жабахда ғоявий кураш бошланган, “бу биздан, бу биздан эмас” деган айирмалар авж олиб, янги авлод шоирлар инкилоб туфайли, шўро туфайли халқ бахтиёр бўлгани ҳақида ёзаётган пайт эди. Шунини ҳисобга олсак, она алла-сида даврнинг фожеалари конкрет бир оила мисолида ўз аксини топгани ҳам, мазкур шароитда она тилидан сўйлаш (яъни лирик субъектнинг силжиши) Ойбек учун ўйлаганларини ифодалашнинг камдан-кам имконларидан экани ҳам аён бўлади. Айни чоқда, ижровий лирика имконларидан шўрони мадҳ этиш учун ҳам фойдаланилди. Жумладан, Ғайратийнинг Чўлпонга жавоб тарзида ёзилган “Мен эрк қизи” (Ўзбек қизи оғзидан) шеърининг қаҳрамони “Қуллик, асорат занжирин узиб Эркинликка чиққан мен чин эрк қизи” дея фахрланади. Шоирнинг “Қўшчи қўшиғи”, “Зарбдор қиз”, “Ишчи ашуласи” каби қатор шеърларида ҳам кечинма эгалари инкилоб бахт берган кишилардир.

Умуман, 20-йиллардан урфга кирган турли ижтимоий тоифа ва касб кишилари тилидан бахтиёрлик ҳисларини ифода этиш то 80-йилларга қадар сақланди, чунки бу ҳам ташвиқий мақсадларга хизмат қилар эди. Жумладан, уруш йилларида яратилган ижровий лирика

намуналарида фронтда юртим дея қон кечаётган жангчи, ғалаба учун фидокорона меҳнат қилаётган ишчи ё дехқон, фарзандини кузатаётган ё кутаётган ота-оналар, севгию вафоси билан ошиғига руҳ бераётган маъшуқа (Ҳ.Олимжон: “Бўл омон”, “Почтальон”, “Ниҳол”; Ғ.Ғуллом: “Учувчининг қўшиғи”, “Мен яҳудий”) кабилар тилидан берилган кечинмаларнинг кишиларда ғалабага ишонч-ни мустаҳкамлашда муҳим бўлгани шубҳасиз. 60-йилларда эса (бу даврда бундай шеърларни “монолог” деб аташ расм бўлди), айниқса, қаҳрамони инқилоб курашчилари бўлган шеърлар машҳур бўлди: “Абдулла Набиев” (Э.Воҳидов), “Ҳамза”, “Майна Ҳасанова” (А.Орипов). Албатта, бу жамиятда социализм ғояларига ишончнинг қайта тирилгани, шу йилларда инқилобнинг ярим асрлиги тантана қилингани билан бевосита боғлиқ. Э.Воҳидовнинг “Кичик ой сўзи” шеърида лирик субъект – ернинг сунъий йўлдоши. Ўз навбатида, бу даврга хос шўро фани ва техникаси ғалабаларидан мағруру масрурлик кайфияти билан боғлиқдир. 70-йиллар охиридан бошлаб эса ижровий лирика қаҳрамонлари сифатида кўпроқ тарихий шахслар – Ватан озодлиги учун курашган қаҳрамонлар, миллат шонини юксалтирган алломаю шоирлар олинди (Ҳ.Даврон: “Афросиёб сўзи”, “Абулхай сўзи”; Ш.Раҳмон: “Маҳмуд Торобийнинг бир соткин юртдоши хусусида айтганлари”, “Шоҳрух Мирзо суҳбати”). Бу ҳам давр руҳ-кайфиятининг акс этиши бўлиб, кишиларимиз онгида миллий ўзликни англаш жараёнининг бошланганидан хабар эди.

Кўряпмизки, ижровий лирика қаҳрамони даврга қараб ўзгарар экан, ҳар бир давр бу мақомга маълум бир тоифа кишиларни чиқариб, улар ўзида давр руҳ-кайфиятини ифода этар экан. Албатта, мангу мавзуларга бағишланган шеърлар бундан маълум даражада истисно.

Масалан, Э.Воҳидовнинг “Вафо” шеъри ҳам ижровий лириканинг яхши намунаси: унинг биринчи қисмида кечинма эгаси Ҳамид Олимжон бўлса, иккинчисида шоира Зулфия. Уларнинг кечинмалари ўқувчи кўз олдида вафодек буюк фазилатга ҳайкал қўяди.

Янги ўзбек шеъриятида тавсифий лирика кенг оммалашди, унинг имкониятлари кенгайди. Бу, аввало, тавсиф объектининг хилма-хиллашувида кўринади. Агар мумтоз шеъриятда тавсифий лириканинг асосий объекти “ёр” бўлган эса, янги шеъриятнинг тавсиф объекти кенгайди: табиат, нарса-буюмлар, ҳолат, ҳодиса. Худди ижровий лирикадаги каби, тавсифий лирикада ҳам “лирик мен” орқа планда қолади, ўй-хислар бевосита ифодаланмайди. Эҳтимол, айти шу жиҳат тавсифий лириканинг оммалашини омилларидан биридир.

Чунки мустабид тузум шароитида шоир учун ўй-хисларни бевосита ифодалаш имкони йўқ, бу шароитда бавосита ифодалаш имконлари ғоят кадрли бўлади. Хусусан, Чўлпон ижодида кўплаб яратилган пейзаж шеърларни олинг. Сиртдан қарасанг, шеърда объектив бир манзара чизилган, лекин шу манзара остида шоирнинг ўй-хислари суратланади. Асли, шеърни лирикага дохил этадиган асос ҳам шу. Чўлпоннинг “Яна қор” шеърида қиш манзараси чизилади:

*Яна қор! Оқ кафан ўралди яна,
Яна кўк қуйди ерга пардаларини...*

Лекин муддао қиш манзарасини акс эттиришгина эмас, манзара остида шоирнинг ижтимоий дарди ётади. Шу боис ҳам шоирнинг “Қоп-қора дев каби булут йиғини Қоплаб олди яна куёш юзини” деганида алам бор. Бу ҳолдан қарғалар хурсанд, улар “қор устида Қоғлашиб

киш бобойни олқайлар”, аксинча, “захар совуқ тунда Бе-ва-бечоралар ёмонлайлар”. Шеърдаги манзара табиатга асло хилоф эмас – у ҳаётӣ, реал чизилган, лекин шу манзарада шоирнинг шахсийланган ижтимоӣ дарди су-ратланади. Яъни 1921 йилда ёзилган бу шеърда миллий озодлик ҳақидаги орзулари армонга айланаёзган, умид-сизликдан қийналган шоирнинг кайфияти акс этган.

Чўлпон яратган пейзаж шеърларнинг аксарияти-да, жумладан, “Куз”, “Хазон”, “Кўклам келадир”, “Яна кўклам” каби қатор шеърларида манзара ижтимоӣ кай-фият изҳорига хизмат қилади. Табиӣки, Чўлпоннинг барча пейзаж шеърларидан бундай маъно излаш беҳуда, унда табиат манзараси берган инсоний завқни, айни дамдаги оний кечинмаларни ифодаловчи шеърлар ҳам бор: “Баҳорда”, “Кўкламдан хабар”, “Баҳор келди”. Яъни Чўлпон тавсиф этган объект – пейзаж ҳар вақт ли-рик кечинма ифодасига хизмат қилувчи восита, фақат бу кечинмада гоҳида шахсийлик, гоҳида эса ижтимоӣлик устун. Ижтимоӣ кечинма ифодаланган шеърларда та-биат тасвири рамзийлик касб этади. Чўлпон бошлаган ушбу анъана ХХ аср шеърлятида изчил давом эттирил-ди. Жумладан, Ойбекнинг “Бирлик сезгиси”, “Йўлда”, “Баҳорнинг келиши”, “Оқшом сезгиси”, “Яна баҳор кел-ди...” каби ўнлаб шеърларида лирик субъектнинг оний хис-кечинмалари, хис этилган ўй-хулосалари табиат манзарасида ўз аксини топган. Масалан, “Уфқлар қуроқ тутди...” шеъри:

*Уфқлар қуроқ тутди
Ранг-баранг булутлардан.
Юксак оғочлар учи
Қуёш сочлари билан
Секин ўйнайди...*

*Соф узоқлик,
Сўнгсизлик
Маъсум бола каби тинч,
Абадият қўйнида
Ётиб мудрайди...
Жимгина толамен...
Шу дамда
Кўнгил фалсафасига
Сажда қиламен,
Кўксимга сизмайди –
Севги, севинч...*

Бу ерда Ойбекнинг пейзаж шеърларига хос хусусиятни яққол кузатиш мумкин: шоир манзаранинг асосий чизгиларини бўрттириб тортади-да, сўнг лирик-фалсафий мушоҳадалари хулосасини ифодалайди, табиат манзараси ҳам, кўнгил манзараси ҳам штрихлар билан берилади. Ва лирик субъект кечинмалари ўқувчига “юқади”, муҳими, ҳассос ўқувчи объектив тасвир этилган манзарани “кўради” ва шу орқали шоир қалбига ошно бўлади. Биз илгари тўхталган “Наъматак” шеърисида эса табиат тасвири рамзий мазмун касб этади, рамзий образ воқитида Ойбек мустабид тузум шароитидаги ижодкор қисматини тасвирлайди, эзгулик ва гўзаллик тантанасига, уларнинг боқийлигига ишончни ифода этади. Пейзаж лирикасида худди шу каби бадиий-эстетик мақсадларда қўл уриш кейинчалик А.Орипов, Э.Воҳидов, Ш.Раҳмон, Х.Даврон, У.Азим каби етакчи шоирларимиз ижодида ҳам анъана сифатида давом этди.

XX аср ўзбек шеърисида, шунингдек, тавсифий лириканинг бошқа кўринишлари, жумладан, тавсиф объекти сифатида биргина нарса-ҳодиса, ҳолат ёки тушунча олинган шеърлар ҳам кўплаб яратилди. Яъни бу тавсиф

объектининг кўлами кенгайди демак: энди шоир хазон япроғидан тортиб то улкан сайёра қадар, тонг шудрингидан тортиб улкан уммон қадар ораликдаги борки нарсаларни тавсифлашу тасвирлаш орқали ўй-ҳисларини ифода этиш йўлини кашф этиб борди. Шоир ифодада тавсиф объекти билан ўй-ҳислари орасида кўзга доим ҳам ташланавермайдиган аналогияларга таяна бошлади, бадий тафаккурда метафориклик, ассоциативлик кучайиб борди. Чор-атроф аналогияларга тўлиқ бўлгани учун ҳам объект тавсифи субъект қалбию онгидагини ифодалайверади. Демак, хом ашё захираси чексиз, фақат бу захирадан фойдаланиш учун шоирнинг санъаткор нигоҳи билан кўра олиши талаб этилади. Шундай нигоҳ туфайли, масалан, Чўлпон денгиз пўртанаси билан қўзғалган халқ қудрати (“Пўртана”), бир-икки ҳидлаб отилган чечак билан эрксиз инсоннинг асл кадрқиммати (“Чечак”), кўнглида қайта тирилган умид билан куртак ёзган барг (“Барг”), хазон билан жувонмарг орзу-умидлар орасида (“Қатта йўл бўйида учраган япроқ учун”) ўхшашлик кўради. Ўхшашлик эса объект тавсифида кўнглидагини, ўйидагини изҳор қилишга йўл очади. Худди шу имкондан шеърятимизда аллегорик ёки рамзий образлар яратишда кенг фойдаланилди. Бунга А.Ориповнинг “Бургут”, “Гиёҳ”, “Булут”, “Минораи Калон тепасидаги лайлак”; Э.Воҳидовнинг “Чумоли”, “Кўча ўртасида бир синик шиша”; Ш.Раҳмоннинг “Уммон”, “Лаҳза”, “Минораи Калон”; Х.Давроннинг “Дарахт”, “Баллада”, “Қор кетди ва заминда...” каби шеърларини мисол қилиш мумкинки, булар жуда узун санокнинг бошланиши бўлади, холос.

Юқорида тавсифий лириканинг ифода жиҳатидан рамзий-метафорик кўринишлари ҳақида сўз юритдик. Ҳақиқатда эса янги ўзбек шеърятида унинг ифода жиҳа-

тидан рамзий бўлмаган кўринишлари кенгрок тарқалди. Рамзий-метафорик шеърлардан фарқ қилароқ, бундай шеърларда тавсиф объекти ҳиссий муносабатни ифода-далашга хизмат қилади ва, муҳими, ҳиссий муносабат тавсиф объекти билан бевосита боғлиқ бўлади. Буларга, аввало, мумтоз шеърият анъанаси ва шеъриятнинг мангу мавзуларидан бири ўлароқ яшаб келаётган ёр васфни мисол қилиш мумкин. Жумладан, Чўлпон машҳур “Тўзал” шеърида анъанавий мазмунга янги бир шакл берган бўлса, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Миртемир, А.Орипов, Э.Воҳидов, Р. Парфи, Ш.Раҳмон, У.Азим каби етук шоирлар уни сайқаллаб, жило беришди. XX асрда кенг омалашган Ватан мавзусидаги шеърларнинг кўпчилигини ҳам тавсифий лириканинг шу кўринишига киритиш мумкин. Чўлпоннинг “Бизнинг диёр”, “Диёрим”, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Ориповларнинг “Ўзбекистон” номи шеърлари, Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси шу мавзудаги тавсифий лириканинг яхши намуналаридандир. Уларда она юртнинг ўтмиши ва бугуни, табиати, кишилари... тавсифланади ва шу асосда Ватан образи яратилади, таърифу тавсифлар остида эса лирик субъектнинг эл-юртига фарзандлик муҳаббати, фахру ифтихор ҳислари ифода этилади.

Эътибор берилса, бу шеърларнинг муаллифлари Ватаннинг тўлақонли образини яратиш учун бетакроп ташбеҳу метафоралар қўллашга интилганлари, уларнинг орасида ўзига хос ижодий мусобақа кечганини сезиш мумкин. Бу, биринчидан, шеърларнинг ўзаро диалогик алоқада эканлиги билан боғлиқ. Иккинчидан эса, яратилаётган Ватан образининг асосий контурлари умумий (ўтмиши, ҳозир, халқи, табиати) бўлгани учун ҳам бу ўринда қандай тавсифлаш (яъни рассом ранг бергани каби) муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам

уларнинг ҳаммасида шеърхонлар хотирасига муҳрланиб
қолувчи, масалан, куйидаги каби куйма сатрлар бор:

*Бир ўлкаки, тупрогида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор,
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...*
(Ойбек)

*Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин...* (Ҳ.Олимжон)

Ватан мавзусидаги шеърларнинг бошқа бир хили бор-ки, уларда Ўзбекистон эмас, унинг бир қисми (Ҳ.Олимжон. “Бахтлар водийси”, А.Орипов. “Қарши кўшиги”) ёки унинг табиатига хос бир хусусият (А.Орипов. “Саратон”, “Юртим шамоли”) қаламга олинади. Улар ҳам Ўзбекистон тавсиф этилган шеърлар билан умумий хусусиятларга эга, бироқ уларда энди “кичик ватан”нинг ўзигагина хос жиҳатларини бетакрор таърифлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, “Қарши кўшиги” шеърида А.Орипов Қашқадарё табиатини тасвирларкан, бунга “саратоннинг ёниб турган палласи” келган шоир илҳом тополмаслиги, “Бу ерларнинг бори шу: кип-қизил саҳро бари ... Насрга ярашмаса ярашмайди назмга” дейди.

Бу – четдан қараганда шундай. Шоир бунга қўшил-моқчи эмас, шу учун “Лекин унинг баҳори, о, сен, чўллар баҳори, Соғинтирган онамнинг дийдори сендай ширин” дея хитоб этади. Ва сўнг гўзал тавсифлар-ла бизни шунга ишонтиришга киришади:

*Оёқланган қўзидай довдирар елда майса,
Қўм-қўк мовий осмонда кезиб юрар оқ булут.*

*Тўрт тараф қисиб келиб, ногаҳон жала қуйса,
Оламга анқиб кетар минг хил қўкат, минг хил ўт.*

Мазкур сатрлар шоир туғилган, унга илҳом берган юртнинг ўзига хос гўзаллиги, жозибасини хис эттиради ўқувчига. Лекин кўклам “бамисоли шаддод қиз бир бора айлаб карам, сўнг лабини чўччайтиб қилгани каби ўйин” зумда ўтиб кетади, шоир дилида дийдор соғинчи қолади ва у ўқувчига ҳам ўтади.

Шоирнинг меҳнаткаш эл таърифида ҳам муносиб ташбеҳ топади: “Иложин топса агар кетмоннинг дастасин ҳам Ерга қадаб термулиб, кўкартиргучи бу халк” дейди, бу билан юрти эртаси порлоқлигига ишончни далиллайди.

Хуллас, ўзига хос образли ифодалар ёрдамида тавсифланган объект субъектнинг – шоир дилидаги юртига фарзандлик муҳаббатини ифодалайди, бошқаларнинг унга ўзгача назар билан қарашига имкон яратади.

Янги ўзбек шеъриятида воқеабанд лирика намуналари ҳам кенг оммалашди. Бир томондан, бу мумтоз шеъриятимизда ҳам анча кенг тарқалган воқеабанд ғазаллар ёзиш анъанасининг давоми эди. Лекин XX аср шеърияти воқеабанд лирикада ҳам жиддий сифат ўзгаришлари ясади, унинг имконларини кенг намоён этди.

Бу, аввало, шеърга воқеани – субъект кечинмаларини ифодалаш воситаси бўлган объектни турли кўлам ва кўринишларда олиб киришда намоён бўлди. Кўлам масаласига тўхталиб ўтиш зарур.

Мен бу ўринда воқеанинг қай даражада муфассал тасвирланишини кўзда тутяпман ва бу билан адабиётшуносликдаги “лирикада сюжет борми ё йўқми?” деган баҳсли масалага тўқнашмоқдаман.

Жумладан, В. Жирмунский лирикани сюжетсиз дер

экан, унда факту воқеалар фақат шоир кечинмаларининг сабаби сифатида аҳамиятли экани ва кечинмага батамом сингиб кетишидан келиб чиқади. Олимнинг таъкидлашича, лирикада шоирнинг ўз кечинмаларига чўкиб кетиши сюжетни минимумга келтириш имконини беради – ундан фақат ўй-ҳисларни юзага келтираётган лирик ҳолатнинг ўзи қолади.¹

Яна Чўлпонга мурожаат қиламиз. Унинг “Сирлардан...” шеърини олайлик. Шеърда ифодаланган лирик кечинма – ёлғон муҳаббатдан қоникмаслик, соф муҳаббатни қумсаш туйғулари, шу ўй-ҳисларни юзага келтирган шароит, лирик ҳолат батафсил яратилган эмас, у фақат тасаввур этилиши мумкин:

*Сочилган сочингдек сочилса сиринг,
Анор юзларингни кимга тутасан?
Ўзинг-ку “уларда вафо йўқ!” дединг,
Нимага уларни тагин кутасан.*

Сезиладики, шеърдаги анор юзли гўзалнинг гўзаллиги моддият билан чекланмоқда, балки, у гўзаллигини тирикчилик воситасига айлантирган ва ё ўткинчи хою ҳавасга қурбон этаётган аёлдир.

Яъни лирик кечинма шу зиддият туфайли юзага келган, лирик субъект мазкур ҳолни қабул қилолмайди. Кўриб турганимиздек, биз ҳолатни – воқеанинг кульминациясини тасаввур қила оламиз, кечинма ифодаси учун эса бундан ортигининг зарурати йўқ.

Бошқача айтсак, аслида бу ҳам воқеабанд шеър, лекин унда воқеанинг лирик кечинмани ифодалаш ва асослаш учун зарур фрагменти олинган ҳолос, В.Жирмунский айтмоқчи, сюжет минимумга келтирилган.

¹ Жирмунский В. М. Введение в литературоведение. Курс лекций. М. 2004. - С. 394

Шеърдаги воқеа тасвири худди рассомлик асарига монанд: биз кўриб турган тасвирда қотириб қўйилган лаҳза – ҳозир бор, ундан олдинги лаҳзаларни ҳам, кейингиларини ҳам фақат тасаввур қилиш мумкин.

Айни чоқда, ўй-ҳисни ифодалаш учун шу лаҳзанинг ўзи етарли. Менимча, бу ҳам шеърятда реалистик тенденциялар кучайгани билан изоҳланиши мумкин. Чунки бундай шеърларда кечинма юзага келган лирик ҳолат деганимиз лирик субъект ҳаётидаги битта лаҳза-эпизодга тенгдир. Ва ўқувчи конкрет-ҳиссий тасаввур этувчи лаҳза-эпизод шеърни идрок этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Негаки, шеърдаги ўй-ҳисларни идрок этиш учун ўқувчининг ўша ҳолатга тушиб кўриши тақозо этилади. Масалан, Ойбекнинг “Янги ой чикқанда...” шеърда ҳам шундай, фақат унда лирик ҳолат хотира асосида тикланади, бунда ҳам шеърга воқеанинг кульминациясигина кирган:

<i>Олтин гўза пўчоқлар</i>	<i>Онамнинг елкасида</i>
<i>Сингари очилганди</i>	<i>Боқардим толтинароқ.</i>
<i>Кўкда гуж-гуж юлдузлар.</i>	<i>У пайт энди бир туш-ку.</i>
<i>Туннинг қора ипаги –</i>	<i>Сочларимга тушди оқ.</i>
<i>Орасидан порлади</i>	<i>Ҳар ой тугилганида</i>
<i>Ингичка қилтириқ ой.</i>	<i>Ойдан томар у туйғу.</i>

Шеърдаги кечинма туғилган ҳолат – янги ой уйғотган хотира, онасининг елкасида ўтирганича янги ойга талпинаётган бола. Бу ўринда ҳам воқеанинг кульминацияси бор, холос, бунгача ва бундан кейин бўлган ҳолат тасаввур этилиши мумкин, лекин кечинма ифодаси учун улар зарур эмас. Лирик ҳолат реалистик тасвирланган, шунинг учун ҳам ўзининг ҳаётий тажрибаси, болалигидаги аналогик ҳолатлар асосида ўқувчи уни конкрет-

ҳиссий тасаввур этиши, яъни шу ҳолатни қалбида яшаб кўриши мумкин.

Кўриб ўтилган иккала шеърда ҳам лиризм кучли, уларда субъектив ибтидо салмоқлирок. Умуман, тавсифий лирика намуналарида субъект ва объект нисбати турлича. Айримларида субъект ўзини фақат объект орқали намоён этади, бошқа бирларида иккиси қоришиқ ҳолда намоён бўлса, тагин бирларида эса объект субъектга сингиб кетади.

Аслида, шеърдаги лиризм салмоғи, конкрет шеърнинг лирика ва эпос ёки лирика ва драма қутблари орасида қайси нуктани эгаллаши шунга боғлиқдир. Субъект ва объект нисбати ҳақидаги фикримиз тавсифий лириканинг барча кўринишларига, шунингдек, воқеабанд лирикага ҳам хосдир.

Хусусан, 20-30-йилларда ёзилган қатор шеърлар (Ойбек: “Ойнисанинг тўйи”, “Туткунлар”; Ғ.Ғулом: “Ўрдак ва Турғун”, “Холдоройнинг нақизи”) борки, уларда объект – воқеа тўлақонли тасвирланади. Масалан, Ойбекнинг “Туткунлар” шеъри:

*Кенг боғчада бир тўда қиз
Ўйнашарди, қулишарди.
“Келин кўриб чарчадик биз,
Дам олайлик дейшарди.*

*Боши очик, кўнгли очик,
Чечак каби қувнашарди.
Олтин сочлар белга сочик,
Кўк майсада қуйлашарди.*

*Бири “Қочинг, киши!” деди,
Паранжилар бошга чиқди.*

*Ортиқ боғча кимсасиз-ди,
Қушлар каби дув учишди.*

*Заркокилнинг нагмалари
Мангу қолди ёш юракда.
Шу ҳаётнинг чечаклари
Нега тутқун паранжида?!*

Кўриб турганимиздек, шеърда тасвирланган воқеа объектив юз бераётган каби ўқувчи тасавурида тўлақонли жонланади, лекин бу ўринда муддао шу эмас, балки воқеани тасвирлаш орқали ўзбек қизларининг аҳволи ҳақидаги ўй-хисларни, мавжуд ҳолга ғоявий-ҳиссий муносабатни ифодалаш бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам биз шеърни лирикага мансуб этамиз, уни лирик асар деб қабул қиламиз. Энг муҳими, шеър ўқувчиси лирик субъект кечинмаларига туртки берган воқеани “кўради”, бу эса унинг ўша кечинмани ўз кўнглида кечиришига замин бўлади. Айтмоқчиманки, воқеабанд лириканинг ифода имконлари кенг бўлиши билан бирга, қабул қилиниши ва ўқувчига таъсир этишида ҳам ўзига хос устун жиҳатлар мавжуд. Ва шу туфайли ҳам XX аср ўзбек шеърлятида унинг турлича кўринишлари кенг ўрин эгаллади. А.Ориповнинг “Чол ва коммунизм қиссаси”, “Най”, “Ёмғирли кун эди”, “Баҳор кунларида”, “Шарқ хикояси”; Э.Воҳидов даврининг ўткир муаммоларини лирик-фалсафий мушоҳада этган машҳур “Донишқишлоқ латифалари”, Ш.Раҳмоннинг кинояли ривоятлари (“Оддий вазифа”, “Бир минг бир юз бир шоир”, “Ғойиб бўлган бошлик”), Х. Давроннинг тарихдан лавҳалар тарзида ёзилган шеърлари (“Ханжар”, “Қўзғолон”, Намоз ботирга бағишланган шеърлар) бунинг ёркин далилидир.

XX аср ўзбек шеъриятида субъектив ташкилланиши жиҳатидан фаркланувчи лириканинг яна бир кўриниши – персонажли лирика ҳам кенг оммалашди. “Адабий турлар ва жанрлар. Лирика” номли тадқиқотда буни рус адабиёти таъсири ҳамда мумтоз ғазалчиликдаги рақиб образини ижодий ривожлантириш натижаси деб кўрсатилади.

Менимча, китобда персонажли лирика ҳақида билдирилган фикрлар аниқлаштиришга муҳтож. Чунки бунда персонажли лирика билан тавсифий лирика фаркланмаган. Уйғуннинг “Бобир” шеъри персонажли лириканинг дуруст намунаси деб кўрсатилгани шундай дейишга асос беради.

Гап шундаки, бу шеърни персонажли лирика эмас, тавсифий лирика намунаси (шунда ҳам бироз зўракилик билан) дейиш тўғрироқ бўлади. Мана ўша шеър:

*Шоҳ Бобирнинг эмас, шоир Бобирнинг
Яшаган жойини кўргали келдим.*

*Шоир Бобир севган ҳамсоя халқнинг
Ҳоли авҳолини сўргали келдим.*

*Шоҳ Бобирнинг эмас, шоир Бобирнинг
Ватандошларидан бириман, дўстим.*

*Шоир Навоийнинг, шоир Бобирнинг
Шеърдан завқ олиб улгайдим, ўсдим.*

*Жанглар, ур-йиқитлар, қиргинлар эмас
“Тоғмаҳал”лар уни эслатур менга.*

*Тоғи тахти эмас, санъати, шеъри
Мангу қолди, бу ҳол аёндир сенга.*

Зўракилик бўлади деганим бекорга эмас. Чунки шеърда Бобур тавсиф объекти ҳам эмас аслида, фақат

буюк аждодига шўро мафқурасидан келиб чиқиб муносабатда бўлган шоир ўзининг кимлигини таништириш асноси Бобурга муносабатини ифодалаб ўтмоқда.

Ҳолбуки, тавсифий лириканинг шахс объект қилиб олинган намуналари шеърятимизда кўплаб яратилган. Масалан, Ойбекнинг “Муаллима” шеърини қарайлик:

*Яқинда қиз эди кичик қақилдоқ...
Ёзу қиш устида яғир бир нимча...
Кўллари ёрилган, сочлари пахмоқ,
Сополак ўйнарди чанг кўчаларда.*

*Укасин опичлаб, тўй-маъракадан
Асло қолмас эди у бўзчи қизи.
Баъзан бўшамасди ип-калавадан,
Кўкда қулмагунча оқшом юлдузи.*

*Кўп кунлар, кўп ойлар жимгина оқди,
Ойшахон ўйнамас бу оқшомларда.
Толлар неча марта маржонлар тақди,
Ойшахон сакрамас яшил томларда.*

*Ким билмас бу чоқда Ойша опани,
У эркин қурашчи, у муаллима.
Ташламас қўлидан Маркс бобони,
Ойшахон бахтиёр ишда, қурашда.*

Кўриб турибмизки, муаллима Ойшахон шоир учун тавсиф объекти, уни тавсифлаш Ойбекка ўзбек кизининг ўнганган тақдирини кўришдан келган қувонч-қониқишни ифодалаш учун керак. Яъни Ойшахон персонаж сифатида ҳаракат қилмайди, балки тавсифланаётган статик объект сифатида қолади.

Фикримча, тавсифий лирика билан персонажли ли-

рика орасидаги фарқни айти шундан излаш керак. Зеро, лириканинг субъектив ташкилланишига кўра тури экан, персонажли лирикада лирик субъект зиммасидаги юк, яъни ўй-хисларни ифодалаш вазифаси қисман персонаж зиммасига тушади.

Бошқача айтсак, персонажли лирикада персонаж лирик субъектлардан бири сифатида бўй кўрсатади.

Масалан, Э.Воҳидовнинг “Ҳозирги ёшлар” шеърида лирик “мен” билан бирга лирик персонаж – оқсоқол иштирок этади:

*Қари толга суяб
Иргай асони,
Оқсоқол сўрига аста ёнбошлар.
Хайлдан ўтказар кори дунёни:
“Эҳ, ҳозирги ёшлар,
Ҳозирги ёшлар!”*

Шу тариқа ҳозирги ёшлар ҳақида аввалига оқсоқолнинг, сўнг эса лирик “мен”нинг қарашлари ифода этилади ва шу иккиси асосида шеърнинг мазмун-моҳияти очилади. Шеърнинг яна бир хусусиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу шеърда драмага хос хусусиятлар борлигидир. Яъни шеърда тасвирланган ҳолат ўқувчи кўз олдида гўё сахнадаги каби жонланади. Шу жиҳатдан қарасак, ўзбек шеъриятида персонажли лириканинг пайдо бўлишини биргина ташқи таъсир ёки мумтоз шеъриятдаги рақиб образини ижодий ривожлантирилиши билан боғлаб бўлмаслиги аён бўлади. Бизнингча, бу энг аввал юртимизда театр санъатининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ адабий ҳодисадир. Айти чокда, унинг сўз санъатидаги илдизлари ҳам анча узоққа кетади.

Хусусан, бунда халқ оғзаки ижодидаги лапарлар, мумтоз шеъриятимиздаги саволу жавоб санъати асосида

қурилган ғазаллар асос бўлгани ҳақиқатга яқинроқдир.

Фикримизни далилловчи яна бир асос шуки, шеърятимизда персонажли лириканинг илк намуналари жадид шеъриятида қўзга ташланади. Албатта, театрға алоҳида аҳамият бериб қараган, кўплари ўзларини драматургия соҳасида ҳам синаб кўрган жадид шоирлари ижодида театрға хос хусусиятларнинг учраши ажабланарли эмас. Жумладан, Ҳамзанинг машҳур:

*Бордим нигорим уйига бир кечаси астогина,
Юз мўралаб, минг йўл чўчиб, қоқдим эшик*

астогина

— матлаъси билан бошланувчи ғазали ўз вақтида санъаткорлар (Тамарахоним, М.Қориёқубов) томонидан сахна асари каби ижро этилгани маълум. Ғазалнинг асосий қисми ошиқ билан маъшуқа диалоги шаклида қурилган, натижада у кичик сахна асаридек таассурот қолдиради. Шунингдек, Ҳамзанинг айрим шеърлари (“Эрлар ва қизлар лапари”, “Ой синглим, ой оғам”, “Дуэт”) халқ оғзаки ижодидаги лапар (айримларини шоирнинг ўзи дуэт деб атайд) шаклида ёзилган, улар сахнада ролларга бўлиб ижро этилган. Ёки Чўлпон 1919 йилда “Темирчи” номли драматик лавҳани шеърый йўлда ёзган ва “Иштирокиюн” газетасида эълон қилган. Балки, Чўлпон бундан лирик асар деб ҳисобламаган ҳамдир, биз бундай даъво қилмаймиз ҳам. Лекин шу асарнинг ёзилгани ва эълон қилингани, менимча, лирика билан драма орасида синтезлашув жараёнлари кечаётган давр билан боғлиқдир.

Умуман, XX аср ўзбек шеъриятида персонажли лириканинг ҳам янги-янги имконлари очилди ва шеърятда кенг қўлланилди. Бунда, албатта, шеърятимиздаги бой анъаналарнинг роли катта.

Масалан, мумтоз шеърятда интоқ деб аталадиган бадий санъат бўлиб, унда жонсиз предметларга нутқ ато этилади. Шу санъатни ижодий ривожлантирган ҳолда, масалан, А.Орипов “Самолётда ёзилган шеър”ида юлдузни лирик персонаж қилиб олади. Ёки мумтоз шеърятдаги нидо санъатини ижодий ривожлантиради ва “Пахлавон Маҳмуд қабри қошида” шеърисида валийнинг руҳи лирик персонаж сифатида намоён бўлади:

*Мен учун хилхона бўлганда олам
Гумбазлар остидан чиқди бир алам:
– Ҳаётсан, бунчалар фарёд айлама,
Мен ўзим мададга зорман-қу болам.*

Шеърда лирик “мен”нинг ўйловлари, изланишлари лирик персонажнинг иккитагина мисрага жо бўлган фикр-хулосаси туфайли ечимга келади, гумбазлар остидан келган садо бадий-фалсафий умумлашмадек жаранг топади. Худди шунга ўхшаш, Х.Давроннинг “Дунё гўзал, – деди...” шеърисида лирик персонаж – кўзларига мил тортилган Рудакийнинг донишманд сўзларида ҳаётсеварлик, шукроналик фалсафаси ўз ифодасини топади:

*– Дунё гўзал, – деди, – боқма кўзимга,
Унга боқ, бағрида минг ранг, минг оҳанг.
Ҳали ишонарсан менинг сўзимга
Сен ҳам кўзларингдан ногоҳ айрилсанг.*

Шеърнинг бадий қуввати ва таъсир кучини таъминловчи асосий омил, менимча, унинг ўзига хос субъектив ташкилланишида. Натижада шеърнинг қабул қилиниши ва таъсири икки босқичда амалга ошади: биринчи босқичда эндигина кўзига мил тортилган кекса шоирнинг “Дунё гўзал!” деган хитобидан ҳайратини яши-

ролмай ўтирган лирик “мен”нинг хайрати ўқувчига ҳам кучса, иккинчисида, шу хайрат асосида Рудакий сўзлари юрагига мухрланади. Шахс ўзини биргина сўзда тула намоён этиши мумкин, дейди М.Бахтин. Шеърдаги ҳолатда – шеър бадийи воқелигида Рудакий айтган гап буни тула тасдиқлайди.

Юқоридаги иккита мисол лирик персонаж айтган гап қанчалик залворли, мазмун кўлами қанчалик кенг бўлса, шеърнинг таъсир кучи ҳам шунчалик юқори бўлади деган хулосага олиб келади.

Иккинчи томондан, шеърда муайян драматик ҳолат яратилар экан, шу ҳолат контекстида лирик персонаж айтган гап маъно сифимининг кенгайишига асос бўлади. Масалан, Х.Давроннинг бир шеърида театрда “Отелло” спектакли эндигина яқунланиб, парда туширилган пайтдаги ҳолат тасвирланади, эмоционал-руҳий атмосфера ҳам шунга мос.

Албатта, мазкур ҳолат лирик субъект – шоир томонидан, шеърнинг учта бандида амалга оширилади. Тўртинчи бандда ўқувчи лирик персонажни шоир кўзи билан кўради, сўнг эса эшитади:

*Фақат зал четида йиғлайди бир қиз,
Оптоқ рўмолчасин юзига босиб.
Ўзилган япроқдек қийнайди бир ҳис,
Шабнамлар балқийди кўзини тўсиб.*

*Энди у бир умр – тонгу шом пайти,
Шивирлар, қизариб ичган каби май:
“Мени ҳам бир йигит шундай севсайди,
Севиб ўлдирсайди мени ҳам шундай”.*

Зал четида йиғлаб ўтирган қизнинг бу шивири унинг

шахсини, чин муҳаббатга зор ва лойиқ, қалби кенг ва беғуборлигини айтиб туради, қизни ўқувчи қалбига яқин қилади. Ва самимий, қалб қаъридан келаётган йиғи ўқувчи кўнглини юмшатади, ўзи ҳақида “туйғуларим тўмтоқлашиб, ҳис қилолмайдиган бўлиб қолма-япманмикан?” дея ўйлашга мажбур қилади.

Биз юқорида янги ўзбек шеъриятида лирик асарнинг субъектив ташкилланиши борасида юз берган ўзгаришларни кузатдик. Кузатишларимиз бу борадаги ўзгаришлар жуда катта бўлганини, улар шеъриятнинг бадиий идрок ва ифода имконларини кенгайтириб, янги давр талаб-эҳтиёжларига мослашиши, адабий турлар орасидаги рақобат шароитида яшаб қолиш ва раванқ топишида муҳим омил бўлганини кўрсатади.

Ушбу бобда қўйилган масала юзасидан юритган мулоҳазаларимизни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни қайд этамиз:

1. Ўзбек шеъриятининг гоаявий-тематик янгиланиши, лирикада давр руҳ-кайфиятини ифодалаш эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда реалистик тенденцияларнинг кучайиши табиий равишда унинг поэтик янгиланишини тақозо этди.

Натижада шеъриятимиз асрлар давомида амал қилиб келинган поэтик канонларни инкор қилиб, ўзгарган мазмун-моҳиятга мос янги шакл бобидаги изланишлар даврига кирди. Бу изланишларнинг энг муҳим ва шеъриятимизда туб янгиланишга олиб келган йўналишлари сифатида шеърнинг ритмик-интонацион сатҳида, поэтик ифода йўсини ва субъектив ташкилланишдаги ўзгаришларни кўрсатиш мумкин.

2. Шеъриятимизнинг вазний янгиланиши XIX аср охирларидан бошланиб, мумтоз шеър ўлчовлари ва шеър шаклларида жонли тилга энг яқинларини сайлаб ишла-тишда намоён бўлди.

XX асрнинг 10-йилларига келиб яратила бошлаган “миллий шеър”ларда мумтоз поэтика қоидаларидан чекинган ҳолда анъанавий ўлчов ва шаклларга муайян ўзгартиришлар киритила бошланди. Бу ўзгартиришларнинг асосий омиллари сифатида реалистик тамойилларнинг кучайиши, шеърятнинг кенг оммага қаратилиши, шеър тилининг жонли тилга яқинлашиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

3. Шу изланишлар натижаси ўлароқ, XX асрнинг 20-йилларига келиб бармоқ тизими шеърятимизда етакчилик мақомига эришди ва аср давомида унинг ритмик-интонацион имкониятлари муттасил кенгайиб борди.

4. 20-йиллардан бошлаб даврнинг руҳ-кайфияти билан боғлиқ ҳолда эркин шеър ва сарбаст шеър шакллари ҳам кенг оммалаша бошлади. Кузатишларимиз эркин шеър асида 10-йилларда аруз доирасида юзага келгани ва арузнинг ритмик-интонацион контексти асосида қабул қилинганини кўрсатди. Бармоқ устуворлик қила бошлаган 20-йиллардан бошлаб бу шеър шакллари бармоқ асосида ривожланди ва “ички қулоғи” бармоққа мос созланган ҳозирги ўқувчи эркин шеърни ҳам, сарбастни ҳам бармоқ асосида қабул қилади.

5. Поэтик ифодадаги ўзгаришлар жаид адабиётининг илк босқичида мумтоз шеърятдаги образларга янгича мазмун бериш билан бошланди. Жаидларнинг ижтимоий фаоллиги ортиши билан 10-йиллардан бошлаб халқона ифодалар тобора кенгроқ ўрин эгаллаб, ташвиқий-тарбиявий мақсад устуворлиги боис шеър кенг оммага қаратилган нутқ шаклини олди, унда образлиқдан кўра риторик восита ва усуллар аҳамияти ортди. Бунинг бош омили жамиятда ўзгариш зарурати етилгани (объектив) ва бунинг тобора кенг идрок этила бошлангани (субъектив) билан боғлиқдир.

6. Шеърятнинг образли тафаккурга кайтиши:

1) жадидларнинг фаол ижтимоий-сиёсий ҳаракатдан четлашиб, кўпчилигининг маданий-маърифий соҳаларда фаолият олиб боргани ва натижада уларда воқеликни эстетик идрок этиш имконининг пайдо бўлгани;

2) содир бўлган ўзгаришлар уларнинг асл мақсадларига тўла мос эмаслиги ва қониқмасликни очик-ошкор ифодалаш имкониятининг чеклангани;

3) юзага келган ижтимоий-сиёсий шароитда воизлик шеърятининг улар кўзлаган мақсадларга мувофиқ эмаслиги каби ижтимоий-психологик омиллар билан изоҳланади.

7. “Чин адабиёт” яратиш заруратининг идрок этилиши натижасида 20-йиллардан бошлаб реалистик асосдаги янги образлилик шаклланди. Хом ашё базаси бойлиги, яъни атрофдаги жами нарса-ҳодисалар шеър контекстида поэтик образ бўла олиши поэтик образлар хазинасининг ғоят тез бойишига асос бўлди. Образли тафаккурнинг устуворлашуви, бир томондан, жамиятда сўз-фикр эркинлигининг чеклангани, иккинчи томондан, 20-йилларданок шеърятимизда реалистик асосдаги рамзий ва метафорик образлар кенг оммалашувига олиб келди.

8. Ижтимоийлашган шеърятнинг кўнгилдан воқеликка юз буриши, эпик ва драматик тур билан рақобат ҳамда ўзаро алоқа-таъсир шароити лирик асарнинг субъектив ташкилланишида ўзгаришларга, лирик субъект тушунчасининг кенгайишига замин бўлди. Энди шеърда “лирик мен” қатори “ўзга”нинг кечинма субъекти бўлиши (“ижровий лирика”, “персонажли лирика”), кечинмани объект тасвири ёки тавсифида акс эттириш (тавсифий лирика, воқеабанд лирика) мумкин бўлдики, бу янги шеърятнинг тасвир ва ифода имкониятларини кенгайтди.

ХОТИМА

Ўтган юзйиллик халқимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар, аввалги асрларга қиёсан олиб қараганда бемисл тараққий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларнинг барида улкан ютуқлар даври бўлди. Албатта, сарҳисоб қилганда йўқотишларимиз салмоғи ҳам асло кам эмас, лекин уларнинг нисбати ютуқларга мутаносиб белгиланган кўринади. Худди шу гапни адабиётимиз, хусусан, шеъриятимизга нисбатан ҳам бемалол айтишимиз мумкин. Аср давомида назмимиз кутарилиш ва пасайиш, ривожланиш ва депсиниш каби кўплаб паллаларни бошдан кечирди. Бироқ, барибир, таъкидлаб айтиш лозимки, XX аср аввалида ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги бир босқичига кирган шеъриятимиз аср давомида мазмун-моҳиятию шакл-қиефасини янгилаб улгурди. Зеро, шеърият бир пайтнинг ўзида ҳам инсон қалби орқали акланган давр, ҳам ўша давр инсони қалб суратидир. XX аср бошига келиб эса юртимиз ижтимоий тараққиётнинг Ғарб тарихига татбиқан олганда “янги замон” деб аталувчи даврига кирдики, натижада ватандош инсоннинг ўзи ҳам ўзгарди: у ҳаётга янгича назар солиб, янгича карашлару мақсад-интилишлардан келиб чиқиб яшашга тутинди – “янги инсон” шаклланди. Айтиш керакки, юртимизда ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнлари ўзининг табиий оқимида кечгани йўқ, бунга аввалига мустамлака шароити, сўнг эса мустабид шўролар тузуми имкон бермади. Ижтимоий ҳаётдаги турфа эврилишлар эса инсон қалбида ва, табиийки, шеъриятда чуқур из қолдирди. Демак, айтилганлардан келиб чиқиб, XX аср ўзбек шеъриятининг гоъвий-бадий мундарижасини белгилаб олиш айти муддаомиз саналади.

Аввало, “XX аср ўзбек шеърияти” деб юритилган даврнинг хронологик чегараларини 1905-1990 йиллар деб ўйлаймиз. Хуш, нима учун? Чунки бу ўринда хронологик аср билан “адабий аср” тушунчалари бир-бирига мос кел-

майди ва бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Гарчи адабиётимизда янгиладиш қуртаклари XIX аср охириларидан бошлаб кузатилган эса-да, унинг чин маънода янгиладиши 1905 йилдан кейин бошланди. Бу фикримиз адабиёт тарихини ижтимоий ҳодисаларга боғлаб қўйиш, деб баҳоланиши ва эътироз уйғотиши мумкин. Лекин Туркистонда жадидчиликнинг ҳаракат сифатида фаоллашуви ҳам, жадидчилик ғояларининг чинакам оммалашуви ҳам айни шу вақтдан ибтидо олганини инкор қилиб бўлмайди. Иккинчидан, янги ўзбек адабиётини XIX асрнинг иккинчи ярмидан ёки охириги чорагидан белгилаш ҳам, бизнингча, ҳақиқатга унчалик мос эмас. Тўғри, аввалги асрнинг охириги чорагида шеърятимизда тематик янгиладиш белгилари кузатилади. Лекин бу, биринчидан, тўлиғича мумтоз шеърят анъаналари доирасида амалга ошди; иккинчидан, адабиёт тараққиётининг ҳар қандай бир босқичига хос хусусиятлар қуруқ ерда пайдо бўлмайди, улар ўзидан олдинги даврда қуртак ҳолида яшайди. Сўнги чегарани белгилашда ҳам худди шу асосга суяндиқ. Зеро, 1991 йилдан кейин юртимизда ижтимоий-сиёсий шароит ўзгарди, жамиятда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар қарор топа бошлади, сўз санъатининг моҳияти, жамиятдаги вазифалари ҳақидаги тасаввурлар тубдан янгиланди. Яъни бу адабиёт тарихи нуқтаи назаридан тамомила янги асрнинг бошланиши бўлиб, у ҳақда фундаментал тадқиқотлар олиб бориш келажакнинг иши бўлиб турибди. Биз эса тадқиқотимизда “янги ўзбек адабиёти” деб аталган адабий даврнинг “XX аср ўзбек шеъряти” деб атаганимиз бир йўналиши (1905–1991) ҳақида фикр-мулоҳаза юритмоқдамиз. Бас шундай экан, XX аср ўзбек шеърятининг асосий хусусиятлари нималарда ўз аксини топган, деган ҳақли савол қаршимизга чиқмоқда. Албатта, унинг қирралари жудаям кўп, лекин шунга қарамай, белгиловчилари қуйидаги мулоҳазаларимизда мужассам, деб ўйлаймиз.

Инсон ўзида биологик, ижтимоий ва руҳий ибтидоларни жо этган мураккаб мавжудот бўлиб, у билан боғлиқ ҳар қандай фаолият ва фаолият маҳсулида буларнинг изи

бордир. Инсоният тарихидаги “янги давр” – у Европада XVIII асрдан, юртимизда XX асрдан бошланган – инсон моҳиятидаги ижтимоийликнинг белгиловчи хусусиятга айланиши билан характерланади. Шеъриятимиздаги ғоявий-тематик янгиланиш, ижтимоий мазмун-руҳнинг устуворлашуви, энг аввал, шу омил билан изоҳланади.

Аждодларидан фарқли ўлароқ, “янги инсон”нинг қарашлари дунёвий тус олди, у энди охират учун яшаб, жаннатга эришиш ҳақидагина эмас, фоний дунёдаги ҳаётини ростлаш тўғрисида ҳам ўйлай бошлади. Натижада адабиётдаги эстетик идеал табиати турланди: унинг асосини энди ҲАҚ эмас, яқин келажакда инсон саъй-ҳаракати билан қозониш мумкин бўлган ижтимоий мақсад ташкил қилиб, идеалдаги эзгулик ва гўзаллик ибтидоларининг мазмун-моҳияти ҳам шу мақсад билан белгиланди.

Жамиятдаги янгиланиш эҳтиёжини ҳамиша даставвал зиёли қатлам ҳис ва идрок этади. Бу қонуниятдек гап. XIX аср охирларида юртимизнинг Русия ва бошқа мамлакатлар билан алоқалари тигизлашгани, шу билан боғлиқ миллий ҳаётимизга иқтисодий-маданий-маиший янгиликлар кириб келгани зиёли қатлам томонидан янгиланиш эҳтиёжининг теран ҳис этилишига олиб келди. Маърифатпарвар шоирларнинг янгиликларни тарғибу ташвиқ этувчи шеърлари шеъриятимиздаги тематик янгиланишнинг илк босқичи эди, дейиш мумкин.

Янгиланган сиёсий-ижтимоий шароитда шахс ижтимоий фаоллашди, унинг жамиятдаги мақоми ўзгариб, ўзини шахсий турмуши ва ижтимоий тартиботларни ўзгартиришга қодир ўлароқ идрок этди. Ўзгалар турмуши билан қиёслаш имкони миллатнинг мавжуд ҳолидан қоникмаслик туғдириб, ислохотлар заруратининг англанишига замин яратди. Заруратни теран идрок этган зиёлиларни бирлаштирган жадидчилик мафқураси, шу мафқурани халққа англатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган адабиёт – жадид адабиёти майдонга чиқди. Айни шу нарса шеъриятимиздаги ижтимоийлашув аталмиш табиий жараёни мафқуралашув ўзанига

бурган бош омил ҳисобланади. Мазкур жараёнларда ташқи омилнинг аҳамияти ҳам катта бўлиб, у ички омилни ҳаракатга келтирган мотор вазифасини ўтаган. Жумладан, ташқи маданий-иқтисодий алоқаларнинг кучайиши янги-ланиш эҳтиёжини туғдирди, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзгартириб, шахс мақомининг ўзгаришига олиб келди – янги инсонни шакллантирди.

Иккинчи томондан, жаҳидларнинг Русиядаги туркий халқлар ҳамда Туркиядаги ислохотчилик ҳаракатлари билан маърифий-мафкуравий алоқалари, тараққиётда бир-мунча олдинга кетган халқлар билан адабий алоқалар ҳам ижтимоийлашувни кучайтирган муҳим омиллардандир. Албатта, шеъриятимизнинг мафкуралашуви жаҳид адабиёти билан боғлиқ ҳолда юз берган ҳамда эскича ва янгича ижтимоий турмуш тарафдорлари зиддияти асосида кечган бўлса, октябрь тўнтаришидан сўнг зиддият “жаҳид – шўро” жабҳасига кўчди.

Адабий авлодлар орасида табиий мавжуд ғоявий-эстетик зиддият ўрнига ғоявий-мафкуравий асосдаги зиддият юзага келди, бу эса адабиётни ғоявий-мафкуравий кураш майдонига айлантирди. Натижада шеърият санъатдан узоклашиб, шўро даврида яратилган кўплаб шеърлар ўткинчи ходисалар мақомини олди.

Яъни тоталитар тузум таянчи бўлган коммунистик мафкура яккаҳоқим бўлган шароитда назм мафкура ис-канжасида қолди. Бунинг оқибатида то 50-йиллар охирига қадар шеърият, асосан, мафкура ва тузумнинг химоячиси, маддоҳи, тарғиботчиси сифатида яшади, шеъриятдан шахс – “мен” қувиб чиқарилиб, унинг ўрнини мафкура номидан сўзловчи “биз” эгаллади.

Шу тариқа адабиётга табиатан хос ижтимоийлик бад-ном қилинди, ижтимоий мавзудаги бадиий ижод табиати-га зид мазкур ҳолат 60-йиллардан бошлабгина баргараф этила борди ва қарийб истиклолга қадар давом этди. XX аср ўзбек шеъриятида ғоявий-эстетик мавқе ва поэтик принциплардаги умумийлигига кўра тўртта адабий авлод-

ни ажратиб кўрсатиш мумкин: жадид шоирлари, 20-йиллар авлоди, 60-йиллар ва 70-йиллар адабий авлодлари. Айни шу авлодлар ғоявий-эстетик мавқеи ва поэтик принциплари жиҳатидан бир-бирларидан фаркланади, хронологик жиҳатдан орадаги ўнйилликларда адабиётга кирган ижодкорлар мазкур авлодлардан бирига яқинлашади ё қўшилиб кетади. Айни дамда бу авлодлар ворисийлик қонунияти асосида бир-бири билан боғлиқ ва шу боғлиқлик негизида XX аср ўзбек шеърятининг яхлит манзараси ҳосил бўлади. Айни чоқда, саналган ҳар бир авлоднинг ғоявий-эстетик принципларини белгилаган конкрет ижтимоий-руҳий омиллар мавжуд. Жумладан, маърифат, ислоҳот ва озодлик ғоялари билан суғорилган ижтимоий кайфият жадидлар авлодининг; инқилоб ва шўронинг илк йилларидаги ғалабали (бунинг замиридаги қурбонлару йўқотишлардан қатъи назар) юришлари билан боғлиқ ижтимоий кайфият 20-йиллар авлодининг; социализм ғоясига ишончнинг тирилтирилиши билан боғлиқ ижтимоий кайфият 60-йиллар авлодининг; ғояга ишончнинг барбод бўлиши ва туб ижтимоий ўзгаришлар (жумладан, истиқлол) заруратининг ҳис этилиши билан боғлиқ ижтимоий кайфият 70-йиллар авлодининг ғоявий-эстетик мавқеини белгилади.

XX аср бошларига келиб, шеърятнинг ғоявий-тематик янгиланиши, давр руҳ-кайфиятини ифодалаш эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда реалистик тенденцияларнинг кучайиши унинг поэтик жиҳатдан ҳам янгиланишини тақозо этди. Шеърят асрлар давомида амал қилган поэтик канонларни таҳрир қилиб, ўзгарган мазмун-моҳиятга мос янги шакл бобидаги изланишлар даврига кирди. Изланишларнинг шеърятимизни чинакам янгиланишга олиб келган йўналишлари шеърнинг ритмик-интонацион сатҳида, поэтик ифода йўсини ва субъектив ташкилланишда амалга ошди.

Вазний янгиланиш XIX аср охирларидан бошланиб, мумтоз шеър ўлчовлари ва шеър шаклларида жонли тилга энг яқинларини сайлаб ишлатишда намоён бўлди. XX асрнинг 10-йилларига келиб яратила бошлаган “миллий шеър”ларда

мумтоз поэтика қондаларидан чекинган ҳолда анъанавий ўлчов ва шаклларга муайян ўзгартиришлар киритила бошланди. Бу ўзгартиришларнинг асосий омиллари реалистик тамойилларнинг кучайиши, шеъриятнинг кенг оммага қаратилиши, шеър тилининг жонли тилга яқинлашишидир.

XX асрнинг 20-йилларида бармоқ тизими шеъриятимизда етакчилик мақомига эришди ва аср давомида унинг ритмик-интонацион имкониятлари муттасил кенгайиб борди. 20-йиллардан бошлаб даврнинг руҳ-кайфияти билан боғлиқ ҳолда эркин шеър ва сарбаст шеър шакллари ҳам кенг омалаша бошлади. Аслида эркин шеър ҳам 10-йилларда аруз доирасида пайдо бўлган ва аруз ритмик-интонацион контекстида қабул қилинган. 20-йиллардан бошлаб эса бу шеър шакллари бармоқ асосида ривожланди.

Поэтик ифодадаги ўзгаришлар ҳам мумтоз шеъриятдаги образларга янгича мазмун беришдан бошланди. Жадидларнинг ижтимоий фаоллиги ортиши билан 10-йиллардан бошлаб шеър кенг оммага қаратилган нутқ шаклини олди, унда образлиликдан кўра риторик восита ва усуллар ахамияти ортди. Мазкур ҳол жамиятда ўзгариш зарурати етилгани (объектив) ва бунинг тобора кенг идрок этила бошлангани (субъектив) билан боғлиқдир.

Шеъриятнинг образли тафаккурга қайтиши:

1) фаол ижтимоий-сиёсий ҳаракатдан четлашган жадидларнинг маданий-маърифий соҳаларда фаолият олиб боргани ва натижада уларда воқеликни эстетик идрок этиш имконининг пайдо бўлгани;

2) жамиятда содир бўлган ўзгаришлар уларнинг асл мақсадларига тўла мос эмаслиги ва қоникмасликни очик-ошкор ифодалаш имкониятининг чеклангани;

3) юзага келган ижтимоий-сиёсий шароитда воизлик шеъриятининг улар кўзлаган мақсадларга мувофиқ эмаслиги каби ижтимоий-психологик омиллар билан изоҳланади.

“Чин адабиёт” яратиш заруратининг идрок этилиши натижасида 20-йиллардан бошлаб реалистик асосдаги янги образлилик шаклланди. Хом ашё базаси бойлиги, яъни

атрофдаги жами нарса-ходисалар шеър контекстида поэтик образ бўла олиши поэтик образлар хазинасининг ғоят тез бойишига асос бўлди. Образли тафаккурнинг устуворлашуви бир томондан ва жамиятда суз-фикр эркинлигининг чеклангани иккинчи томондан, 20-йилларданок шеърятимизда реалистик асосдаги рамзий ва метафорик образларнинг кенг оммалашувиغا олиб келди.

Ижтимоийлашган шеърятнинг кўнгилдан воқеликка юз буриши, эпик ва драматик тур билан рақобат ҳамда ўзаро алоқа-таъсир шароити лирик асарнинг субъектив ташкилланишида ўзгаришларга, лирик субъект тушунчасининг кенгайишига замин бўлди. Энди шеърда “лирик мен” қатори “ўзга”нинг кечинма субъекти бўлиши (“ижровий лирика”, “персонажли лирика”), кечинмани объект тасвири ёки тавсифида акс эттириш (тавсифий лирика, воқеабанд лирика) мумкин бўлдики, бу янги шеърятнинг тасвир ва ифода имкониятларини кенгайтди...

Кўриниб турганидек, яқунланган (XX) аср янги ўзбек шеъряти ўз мазмун-мундарижасига кўра ғоят салмоқдор бўлиб, унинг моҳияти фақат айтилганлар билангина тўлиқ очилиб қолмайди. Ўзбек шеършунослиги бу йўлда ҳали кўп бор тер тўкади ва ишончимиз комилки, мазкур заҳматлар эвазига қўлга киритиладиган натижалар ҳам кўнгилга завқ ва қониқиш туйғуларини албатта тортиқ этади.

МАҚОЛА

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. (90-2000-йиллар)

Даврлар ҳам худди одамларга ўхшайди: ҳар бирининг ўзига хос табиати, хусусиятлари мавжуд. Айримларининг бағри Ойбекнинг қалбидек кенг, дарё, айримларининг эса Қахҳорнинг ёзиш услубидек сиқик ва асабий. Инсоннинг феъл-атвори кўпгина факторлар – ота-онасининг ирсий-биологик томонидан бошлаб унинг қандай оилада, қайси муҳитда – кимлар даврасида ўсиб-улғайганига боғлиқ бўлганидек, даврнинг табиати ҳам уни юзага келтирган одамларнинг ижтимоий-тарихий, маънавий-психологик, илмий-техник жиҳатдан куролланганлик даражасига боғлиқ. Инсон ва давр – булар худди ер шарининг икки қутбидек бир-бирларини тортиб-тақозо қилиб туради. Инсонни кўп жиҳатдан ўз даври шакллантириб вояга етказгани янглиғ, даврнинг ўзи ҳам ана ўша инсонлар жамулжамининг ҳол-аҳволидан ҳосил бўладиган кайфият мевасидир. Собик Совет Иттифоқининг «хе» йўқ, «бе» йўқ, ўз-ўзидан тўзиб-тирқираб кетишининг асосли сабаблари бор: инсон кайфияти ўзи мансуб даврнинг табиати билан “чиқишмади”. Бошқача айтганда, инсон ўз даврига сиғмади. Чунки «империя» деб аталган улкан қафаснинг ташқарисидаги илғор цивилизация бўйидан ўша давр кишиси озми-кўпми хабардор эди. Мана шу хабардорлик алал-оқибатда инсоннинг ўз давридан норозилигига олиб келди. Натижада мамлакатда ислохотлар ўтказилди. Бироқ уларнинг таъсири кутилгандан тамомила ўзгача мевалар бериб, салтанат қулади. Тарихнинг ушбу ўгити муайян даврнинг кайфияти, унда амалда қўлланилаётган қонун-қоидалар мазмуни шу

даврнинг битта бўғинини ташкил этган якка шахс – инсоннинг эҳтиёж ва талабларига ҳамоҳанг тушмоғи зарур эканлигини намоёишкорона кўрсатиб берди.

Шундай қилиб, империя парчаланди. 1991 йилда Ўзбекистон мустақил бўлди: у ўз байроғи, гимни ва худудий чегарасига эга чиқди. Бирок бу ҳали мустақилликнинг илк қадами бўлиб, ҳаммаси – чинакам мустақиллик, чинакам хурлик ҳали олдинда эди. Чунки қарийб етмиш-саксон йил давомида узлуксиз юритилган империявий сиёсат туфайли бир неча авлоднинг онгу шуури ўз даврининг мафқураси билан тўлиб бўлган ва уни қисқа фурсат ичида уч-тўрт конунлар қабул қилиш йўли билан тубдан ўзгартириш мумкин эмас эди. Шундай қилиб, мамлакатимизда Истиқлолнинг машаққатли, лекин айни чоғда, ша-рафли одимлари бошланди...

Биз ушбу мақолада сўз юритмоқчи бўлганимиз адабиёт, хусусан, шеърият айнан мана шу даврнинг маҳсулидир. Демак, мазкур шеъриятда барча замонларда бўлганидек, ўз даврининг кайфияти, муаммолари ва қувончу қадари акс этган. Модомики, мустақиллик даври адабиёти, хусусан, шеърияти тўғрисида баҳс юритмоқчи эканмиз, масаланинг бир жиҳатига алоҳида эътибор қаратмоғимиз шарт. У ҳам бўлса, бу давр адабиёти, жумладан, шеърияти фақат шу даврнинггина меваси эмаслигидир. Бу давр шеърияти ўз мазмун, моҳиятига кўра юқорида сўз юритганимиз Янги ўзбек шеъриятининг навбатдаги, алоҳида, улкан босқичидир. Чунки ҳар қандай давр санъати ўзидан аввалги – салаф даврлар табиатига қайсидир маънода фарзанд бўлади. Фикримизни очиқроқ айтамыз: муайян даврда санъат ва адабиётда қайта-қайта қуйланган мавзулар замонлар ўтиши билан бошқа бир даврда «унутилиши» ёки аксинча, ўтмиш даврда эътибор берилмаган ёки тақиқ этилган у ёки

бу ғоя янги даврда баралла куйланиши мумкин. Ушбу-нинг сабаблари эса ғоят тушунарли: муайян даврда ман этилган маълум бир ғоя ёки мавзу ўзга бир давр келиши билан шу даврнинг имконига, табиатига, йўналишига, мақсад-муддаосига қараб туриб очик-ошкор тараннум этилиши кишини ажаблантирмайди. Чунончи, шу конуният мустақиллик даври ўзбек адабиёти, айниқса, шеърлятида яна бир карра ўз исботини топди.

Кейинги 10-15 йиллик давр мобайнида шоир ўз нигоҳини ташқаридан – атрофда юз бераётган оламшумул воқеа-ходисалардан узиб, ўз мискин кўнглига қаратди ва уни «таржима» этишга киришди.

*...Кўргим келмас яхши-ёмонни,
Бўғиламан, етмас нафасим.
Гул давралар меники эмас,
Менинг уйим – кўнгил қафасим...*

(Зебо Мирзо)

Яъни испан эстети Ортега-и Гассет ёзганидек, шоир нигоҳини бир юз саксон градусга буриб, ўз кўнглига қаратди. Демак, энди шоир учун энг муҳим ҳадаф – бу унинг ўз юраги, ўз кайфиятидир. Албаттаки, бу ҳол санъатимизда бир ижобий тамойил эди. Чунки даврлар бўлганки, шоир ўз кўнглини ифода қилолмай, кўнглига қиё боқолмай ўтган. Узоққа бормайлик, яқин ўтмишимиздаги социалистик қурилиш нафасини акс эттириш билан умри ўтган адабиётимизни ёдга олайлик. Ижодкорлик қисмати ана шу тарзда кечган шоирларга қиёслаганда ўз кўнглини борича ифода қилиш имконига эга бўлган мустақиллик даври шоирлари анчайин омадлирлар десам, муболаға бўлмас. Лекин айни дамда, медалнинг иккинчи томонига эътибор қаратамиз. Бу томоннинг авзойи демокдаки, шоирлар ўз кўнгиллари

«таржимаси»га шу кадар берилиб кетдиларки, натижада ўзидан ўзгани «унутдилар». Гуё дунёда бир шу кўнгил ва унинг ҳақиқати – оҳ-фиғони мавжуд, қолган ҳамма жонлию жонсиз аҳамиятсиз ёхуд умуман мавжуд эмас. Бу ҳол айниқса, ёш шоирлар ижодида бўртиб кўринди.

Ўқувчининг бир нарсага алоҳида эътибор беришини хоҳлар эдик. Вақтида вульгар социологизм тарафдорлари шоирни ўз интим кечинмаларини қоғозга туширгани учун мавжуд тузумнинг «шонли» юришларини кўра олмаганликда, ўз қобиғига ўралашиб қолганликда айбланган ва натижада шоирлар турли хил қийноқларга, сургунларга, ҳатто қатлларга гирифтор этилганлар. Бугун шукрим, ундай эмас. Ҳар қандай ижодкор ўзи истаганча кўнгил дунёсига фарқ бўлиб, энг интим кечинмаларини тўйиб-тўйиб қоғозга кўчириши мумкин. Бироқ эски, қарийб етмиш йил ҳукм сурган тузум сиёсати ҳаминша тушовлаб келган субъективизм, интим туйғулар энди ўзини тамоман «қўйиб юборган»лиги учунми, баъзан меъёрдан ошган ҳолатларга ҳам дуч келаяпмиз. Шу билан бирга, ўзга бир ҳақиқатдан ҳам кўз юммаслик керакки, кўнгилнинг изҳори жудаям шахсийлашиб, жудаям майдаллашиб бормоқда. Кўпинча шеърда ифода қилинаётган туйғу, кечинма, фикр ёки бирваракайига ҳаммасининг иштироки фақат муаллифнинг ўзигагина тегишли, унгагина қизиқ, унгагина қадрли бўлиб қолмоқда. Уларнинг салмоғи, кўлами, даражаси ўқувчининг кўнгил торларини чертишга қодир чиқолмаётир. Чунончи, шоир севги ҳақида ёзадими ёки унинг бекатлари – висол, ҳижрон, ёлғизлик ҳақидами ёки дўстнинг дийдори, турли хил машиий, ишқий муаммоларидан нолиб, Яратганга илтижо қиладими ёки ундан нолийдими, барибир, ҳаммасининг моҳияти – бир, у ҳам бўлса, дунёга келиб кетаётган ҳар қандай мавжудодга хос бўлган оддий шахсий (кўпинча,

жинсий-жисмоний) майлларнинг шеър шаклидаги ифодаси бўлиб қолаётир.

Бошқача айтганда, уларнинг аксариятида сеҳр, ўзгачалик, баландлик ва энг муҳими, кўнгилдан кўнгилга электр токидек улашиб кетадиган, уларни яқдил, як-кисмат қиладиган юксак руҳий-маънавий атмосфера кўзга ташланмайди. Ҳатто изтироблар ҳам анчайин юзаки ва юксиз бўлганидан қалбларни ларзага солиб, шоир ва ўқувчи ўртасига кўприк ташлолмайди. Натижада, у ёнда шоир ўз шеъри ва унда акс этган дарду қувончи билан ёлғиз, бу ёнда ундан руҳий-маънавий озуқа тополмаган ўқувчи ўз эҳтиёжлари билан ёлғиз...

Яхшиямки, айтилганлар бугунги ўзбек шеъриятининг битта кирраси, холос. Демокчимизки, у серқиррадир. Келинг, умумийроқ бўлса-да, 90-ва 2000-йиллар ўзбек шеъриятини аввало, мазмун-моҳиятига кўра, сўнгра эса ифода усулига кўра фарқлашга уриниб кўрайлик. Албатта, шеъриятда санъатнинг бошқа ҳар қандай турида бўлгани каби мазмун-моҳият ўша-ўшадир, минг йилликдир, азалийдир. Лекин тан олишимиз керак, ҳар бир давр ўз табиатига, феъл-атворига ва мақсадига кўра ўша минг йиллик моҳиятни таснифлаб чиқади.

Дейлик, Навоий замонида шкала бўйича биринчи поғонада турган маълум бир мавзу кунимизда иккинчи ёки ҳатто ўнинчи поғонага тушиб қолиши ҳам мумкин ёки аксинча. Шунинг учун ҳам бугунги ўзбек шеърияти мавзуларининг ишланиш қўлами ва даражасига қараб таснифласак, тахминан қуйидагича манзара кўз олдимизда намоён бўлади:

– ишқий-интим мазмундаги шеърлар, (бунинг ичига ёр жамолининг гўзаллигию унга интилаётган ошиқнинг қувончу азобларидан тортиб хижрон изтиробига, баъзан висолдан батамом умиди узилган «юраги садпора»нинг

ёзғиришларию афсус надоматигача акс этган шеърлар киради);

– интим мазмунли шеърлар, (бунинг ичига шоирнинг севги-муҳаббат ва унинг сабаб-оқибатларидан бошқа, кўнгилининг ҳар турли кўпдан-кўп майл ва интилишлари, инжиқликлари акс этган шеърлари киради);

– мадҳия-бағишлов шеърлар;

– уҳровий мазмундаги шеърлар, (бунинг ичига дунёнинг ўткинчилигига, умрнинг бебақолиги, банда ва Худо ўртасидаги муносабатлар, Яратганга илтижо, охират ва унинг қайғуси, ҳаж таассуротлари акс этган ҳамда шу мазмундаги бошқа тасаввуфона шеърлар киради);

– тарихий мазмундаги шеърлар, (бунга ўтмишда ўтган буюк бобокалонлар сиймолари ва хизматлари, тарихий ва муқаддас жойлар, удумлар, шаҳарлар акс этган шеърлар киради);

– панд-насиҳат шеърлар;

– Ватан ва унинг мустақиллиги ҳақидаги шеърлар;

– ўлим мавзудаги шеърлар;

– бошқа ҳар хил мавзудаги шеърлар...

Албатта, бундай тасниф ғоят шартли бўлиб, мавзу рўйхатини мантиқ доирасида кенгайтириш, торайтириш, баъзиларининг ўрнини алмаштириш ҳам мумкин. Лекин бу давр шеъриятида деярли барча мавзуларга шоир ўта субъективлик билан ёндашганидек умумийликдан кўз юмиб бўлмайди. Ишқий ҳамда бошқа интим мавзудаги шеърларнинг салмоғи энг баланд, ҳатто бундай мазмундаги шеърлар кейинги 15-20 йиллик ўзбек поэзиясининг асосий қисмини эгаллаганлиги ҳам ҳақиқат. Энди келинг, битта муқояса қилайлик. Асримиз аввалида, айниқса, 20-йилларда юрт озодлиги, истиқлоли мавзуси бирламчи эди. Биргина Чўлпон мисолида айтадиган бўлсак, бу шоирнинг бутун ижоди бағридан худди экватор чизиғи

каби бир чизик утадики, унинг исми юрт қайғусидир. 30-йилларда «қоришиқ»лик устун бўлди. Бир томондан Чулпондек етакчи шоирларнинг қалами синдирилган, овози пасайтирилиб, кўплаб авангард шоирларнинг «фанга юриши», социалистик қурилишларга, эскиликни ғорат этиб, янгиликка овоз бериши кучайиб бораётган бўлса, бошқа томондан, айти шу шоирларнинг дағал ижтимоий тамгадан анчайин холи кўнгил поэзияси – «соф лирикаси» дунё юзини кўрган эди. Янги ўзбек шеъриятида символизм ҳам дастлаб 30-йилларда яққол намоён бўлди. 40-йиллар эса ўз-ўзидан Иккинчи Жаҳон Уруши билан боғлиқ бўлиб, «Ёвга ўлим», «Кўлингга қурол ол» деган оташин тилаклар пафоси етакчилик қилган. Кейин албатта, уруш даҳшатлари, фронт ортидаги уқубатли, аммо шарафли меҳнат, аянчли, лекин ибратли қисматлар тўғрисида “сўз юритди” шеърият.

50-60 йилларнинг ўрталари ўзбек поэзиясида ўзига хос турғунлик давридир. Тўғри, у тўхтаб қолгани йўқ, ҳамма нарса ҳақида, барча мавзуларда қалам тебратган. Лекин шоирнинг айтаётган гапи, аслида, ўзиники эмасди, у совет империясининг дунё бўйлаб юритаётган сиёсатининг «соя»сига айланганди.

Ўша даврда бугунги шоирларимизда ортиғи билан мавжуд бўлган субъективизм деярли маҳв этилган бўлиб, ҳамманинг гапи, шеъри гўё қуйиб қўйгандек бир-бирига ўхшар, бири – иккинчисини тўлдириб, узвий давомини ташкил этарди.

Албатта, ижодкор инсон сифатида тирик эди ва ахён-ахёнда шоирнинг ён дафтарида:

*Ҳақиқат соқовдир, заифдир инсон,
Тошлар ҳам йиғлайди – сир тўла осмон.
Ҳақиқий олам не? Жавоб йўқ, ҳайҳот!
Файласуф тўқийди ҳисобсиз ёлгон,*

(Ойбек)

сингари шеър парчалари учраб қолардики, бу ҳол ички «мен»нинг ҳали-ҳамон “нафас олаётганидан”, атрофда бўлаётган ёлғонларни кўриб турганлигидан ва энг муҳими, унга кўникмаганидан дарак берарди. Йўқ, албатта, биз мустабид совет тузумида яшаган барча шоирлар Ойбекдек кайфиятда бўлган, ичидаги бошқаю ташидаги – ёзганлари, айтганлари бошқа эди, дейишдан тамоман узоқмиз. Чунки вақтида ҳатто Ойбекдек шоирлар ҳам ўз даври билан ҳисоблашган, унга сидқидилдан ишониб, романлар, дostonлар, шеърлар битганлар.

Айни пайтда, юқоридаги тўрт қатор шеърда акс этган кайфиятга ҳам тушиб турганлар. Бир даврнинг маҳсули бўлмиш ана шундай зиддиятли кайфиятлар ҳақиқатини ёдга олган бошқа бир гапни таъкидлаб айтишни жуда-жуда истардим. Адабиётшунос олимлар, мунаққидлар ва умуман, санъат ва адабиёт ҳақида, даврларнинг хусусиятлари тўғрисида фикр билдираётган ҳар қандай зиёли киши қарашларида, кўпинча, бир хил ёндашув такрор-такрор учраб туради. У ҳам бўлса, муайян давр ёки ижодкорга хос бўлган битта жиҳатни дастак қилиб олади-да, бутун моҳиятни шу «ўқ» атрофида айлантормоққа ури-нишади. Бу ўта бирёқламалик ҳисобланади.

Бирёқламалик шуниси билан хатарлики, у ҳадаф ҳақида ўқувчида нотўғри ёки баъзан бутунлай ёлғон тасаввур пайдо қилиши мумкин. Умуминсоний мавзулар ҳар даврда бўлган, ҳар давр кишиси севишга-севилишга, қуёш, денгиз, тоққа боқишга, улар тўғрисида ўйлашга, ёзишга ҳақли бўлган, лекин юқорида айтганимиздек, ўзи яшаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-психологик муҳит ва эҳтиёждан келиб чиқиб ҳаракатланганлар, ёзиб-чизганлар. Ёки «қуёш» деб ёзганда ҳар бир шоир бу сўзга ўз давридан, ўз маънавий-психологик даражасидан келиб чиқиб маъно юклаган. Бас, шундай экан,

тадқиқотчи-олим ҳам мана шу жиҳатларни доимо ёдим-да муқим тутмоғи керак бўлади.

Ойбеку Ғафур Ғулом, Шайхзода-ю Миртемир даври адабиётининг, хусусан, шеърятининг яна бир ўзига хос хизмати шундан иборатки, у 60-йиллар авлодини ўз бағрида кўтариб юриб, вояга етказган. Ҳа, у шеърятимизнинг забардаст авлодига ҳомиладор бўлганди. Буюк хизмат эди бу! Чунки Э.Воҳидов, А.Орипов, Р. Парфи, О.Матчон, Ж.Камол, Ҳ.Худойбердиева каби 60-, Ш.Раҳмон, У.Азим, Х.Даврон каби 70-йиллар авлодлари чиндан ҳам бир неча ўн йиллик сукунатдан сўнг ўзбек поэзиясида содир бўлган улкан воқеа эди!..

Ниҳоят, даврлар алмашди ва Э.Воҳидов, А.Орипов, Р. Парфи каби йирик шоирлар ўзбек шеърятини бир титратиб кириб келдилар. Улар улкан шоирлар А.Вознесенский, Е.Евтушенко, Қ. Қулиев, Ў. Сулаймонов, Р. Ҳамзатов қатори ва уларга изма-из равишда инсонга тузумнинг битта керакли болти ёки бошқа эҳтиёт қисми ўлароқ эмас, балки, аввало, инсон сифатида қарай билдилар. Ажаб, шундан кейин совет давлатида, социалистик тузумда ҳам ўлим борлиги, қайғу-алам мавжудлиги, ҳокимият ўз фуқароси бошини қанчалик силаб-ўргилмасин, барибир, мусибат гоҳо ҳар кимни ҳам ўз қаърига тортиши очиқ-ошкора маълум бўлиб қолди. Албатта, булар олдин ҳам сир эмас эди. Бироқ адабиёт ва санъат уларга деярли тўхталмас, тўхталса-да, баландпарвозлик билан эътиборни четга буриб, ўқувчини чалғитарди.

Энди эса 60-йиллар авлоди шоирлари ўқувчини ана ўша ўлим билан, қайғу билан, мискинлик билан, йиғи билан дунёнинг арзимаслигию ўткинчилиги билан ва ҳоказо кўпгина шундок ён-атрофда-ю, лекин юрак ютиб айтиш мушкул бўлган ҳақиқатлари билан юзма-юз, ёлғиз

қолдирди. Шунда ўқувчи санъатга, адабиётга, шеъриятга ишона бошлади, уни ўз маҳбубасидек севди, алқади, кундузлари қўлидан қўймади, кечалари ёстиғининг тагида олиб ётди. Чунки мўъжазгина тўрт қатор шеърда ҳаётнинг ўзидан кўра кўпроқ ҳаёт бор эди ўша пайтларда. Ҳа, 60-йиллар охири ва 70-йиллар бошида халқнинг кўнглидаги топиб айтган шоир салкам пайғамбардек мўътабар, нондек азиз эди одамлар учун...

70-йилларнинг шоирлар авлоди ҳам ўз гарданида ана шундай ижодкор бахтини татиб кўрди. Энди бу авлод 60-йиллар авлоди анъаналарини ҳам давом эттириб, ҳам қисман улардан фарқ қилиб, поэтик урғуни ижтимоий адолат масалаларига берди.

Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон ва уларнинг бошқа сафдошлари шеъриятни баъзан ҳатто мамлакатдаги адолат учун кураш майдонига айлантириб юбордилар. Ҳақиқат учун кураш, адолатпарварлик мавзулари бу авлод шеъриятида мавжуд мустабид тузумга қарши курашга чорлашгача ўсиб борди. (Бу чорлов дастлаб ишорадан бошланган эди). Шунда аср бошида Ойбек шеъриятида муваффақият билан қўлланган, кейинчалик секин-секин нутилаёзган ифода усули – символизм, кучли образлилик яна ёрдамга келди.

Айни пайтда, 70-йиллар авлоди шеъриятида ижтимоий рух баъзан ҳаддан зиёд қуюқлашиб кетадики, бир-икки бетлик мақолада ёки бошқа публицистик жанрда ифода қилиниши мумкин бўлган қарашларни ҳам бадииятга айлантиришга қаратилган муваффақиятсиз уринишлар яққол сезилади.

80-йиллар шеъриятида ҳам деярли шу ҳол ҳукм сурган. Бунинг устига мамлакатда рўй берган либерал кайфият туфайли шеърда яланғочлик, бадииятсиз панднасихат, қуруқ чақириқлар, ёзгиришлар кучайган. Бир

сўз билан айтганда, шеъриятни публицистика деярли маҳв этаёзган. Айни чоғда, таъкидлаб айтиш жоизки, бу ўн йиллик ижтимоий-сиёсий жиҳатдан турли бурилишларга – кўтарилиб-тушишларга бой бўлганидек, адабиётда ҳам хилма-хил руҳ – кайфият ҳукм сурди. Хусусан, тасаввуф оҳангларининг кириб келиши ва умуман, бир ёнда оташин чақириқларга тўла шеърият, иккинчи ёнда эса дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасидан гўёки қўлини ювиб қўлтиғига урган ҳамда урфоний маърифатга интилган шеърият пайдо бўлди.

Бу қисман шоирнинг ўз юрагига – мангу ҳақиқатларга қайтиши билан изоҳланарди. Айнан шу хил шеърият 90- ва 2000-йиллар шеъриятига замин ҳозирлади, десак муболаға бўлмайди. Чунки истиқлол даври адабиёти, хусусан, шеъриятида субъективизм бўртиб туради.

Демак, кейинги 15 йиллик шеърият, бир сўз билан айтганда, кўнғил шеъриятидир. Албатта, бу давр поэзиясида ҳам салаф даврларда бўлганидек, турли хил мавзулар тасвири, баёни учрайди. Жумладан, ўтмишдаги буюк боболар ҳаққига ёзилган, улар алқаниб ёки истиқлол, Ватан, миллий ғурур мадҳ этиб битилган шеърлар талайгина. Бирок, барибир, 90- ва 2000-йиллар шеърияти ўз доминант хусусиятига кўра кўнғил лирикасидир, дея бемалол айта оламиз. Чунки бу даврда энг фаол ижод қилган М.Юсуф, Б.Рўзимухаммад, Ҳ.Аҳмедова, А.Маҳкам, Э.Шукур, А.Қутбиддин, Фахриёр, Т.Али, С.Саййид, И.Мирзо, З.Мирзо, Х.Рустамова, Р. Раҳмат, А.Ҳайит каби ўнлаб шоирлар асарлари, аввало, ўз «мен»лари – кўнғиллари мевасидир.

«Хўш, бу кўнғил нимани қуйлади? Унинг етакчи мавзулари нималардан иборат бўлди?» деганга ўхшаш саволлар туғилади. Назаримда, истиқлол даврида ҳам шеърият ҳамма мавзуларни тараннум этди. Лекин у

ғоядан, ғояпарастликдан анча узоқлашди. Унгача ғоя қарийб етмиш йил мобайнида ўзбек совет шеъриятининг (бутун санъатда бўлгани каби) бош аъмоли эди. Истиклол даврида поэзияда ғояпарастлик ўз кучини йўқотди. Шеърият ҳукмрон ғоядан – ягона етакчи мафкурадан чекинди. Бу жуда муҳим фактор. Чунки у шу давр шеъриятининг асосий хусусиятларидан бири. Хуш, нега бундай бўлди? Сабаби, бутун санъат, жумладан, шеърият қарийб 130 йил мобайнида ҳар-хил даража ва шаклларда зимдан интилиб келган асосий мавзу – истиклол, юрт озодлиги, миллат ғурурининг тикланиши... янглиғ масалаларнинг барча-барчаси Ватаннинг мустақилликка эришуви билан ҳал этилган эди. Бу мамлакат учун оламшумул ҳодиса, битмас-туганмас қувонч эди. Лекин адабиёт-санъат бир муддат ўзини йўқотиб, гангиб қолди. Ки, у – халқнинг озодлиги, юртининг истиклоли каби асрий мавзусини қуйлашдан озод этилганди... Лекин узоққа чўзилмаган тараддуддан сўнг шеърият (шоир) ўз нигоҳини ташқаридаги муаммолардан олиб, ичкарига – ботинга қаратди. (Истиклол даври шеъриятининг тагин бир ўзак жиҳати шудир!) Натижада, ўзбек поэзиясининг ҳам чинакамига шарафли, айни дамда, ҳам меъёридан ошган субъектив одимлари отила бошлади. Шарафли жиҳати шундаки, XX аср аввалидан бошлаб шоир илк бор мана шундай катта масштабда ўзига ўзи тегишли бўлмоқда, илк бор у ўзи хоҳлаганча кўнгил розини тўкиб солиш ҳаққига эга чиқмоқда ва амалда у ўз ҳуқуқидан истифода этмоқда эди. Юқорида номлари саналган шоирлар ижодидаги ранг-баранглик айнан ўша ҳуқуқларнинг мевасидир. Б.Рўзимухаммад шеърларини ўқиб кўринг. Уларда фуқарони бирон бир буюк ишга даъват қиладиган ҳеч қанақа оташин чақириқ йўқ, ҳатто пичоққа илингулик бирон ижтимоий ғоянинг

ўзи ҳам кўзга ташланмайди. Лекин бу шеърят, барибир, биз ҳақимизда, инсон ҳақида, унинг тубсиз кўнглининг адоксиз сиру синоати ҳақида. Ёки Зебо Мирзо битикларини олинг.

Айниқса, унинг 2005-йилда чоп этилган «Нур кунлари» деб номланган мўъжазгина китобини мутолаа қилинг: ҳижрон, ҳижрон ва яна фақат ҳижронни куйлайди бу шеърлар. Гарчи ҳижрон туйғуси умуминсоний бўлса ҳам, йигирма йил олдин бошдан-оёқ ҳижрон мадҳ этилган шеърлардан таркиб топган бундай тўпلام аввало, дунё юзини кўрмас, мабодо бахтли (у пайтларда бахтсиз!) тасодиф туфайли кўриб қолса, партия йиғилиши ёки бошқа шунга ўхшаш бирон бошқа мажлисда шоирни сентименталлик балчиғидан олиб жамиятнинг порлоқ келажagini кўролмайдиган, қобиғига ўралиб қолган худбинлик боткоғига тикишган бўларди. Афсуски, ўқувчилар ва ҳатто адабий танқидчилар орасида ҳалигача шундай фикрлайдиганлар мавжуд ва улар аҳён-аҳёнда бадий асарларни ўтмишнинг ана шундай мафкуравий кўзойнаги орқали тахлилу-тадқиқ этиб, ҳукмнамо хулосаларини чиқараётган бўлса-да, шукрлар бўлсинким, ўз кўнглидаги ғоят интим кечинмаларни тўкиб солгани учун, «йиғлоқилик» қилгани учун шоирни бугун ҳеч ким жазолаётгани йўқ. Айни пайтда, истиқлол даври шеъряти фақат кўнглининг интим кечинмаларини куйлаш билан чегараланиб қолгани ҳам йўқ. А.Орипов, Т.Махмуд, С.Сайид, И.Мирзо каби ўнлаб шоирлар ижодида она-Ватан, ўтиб кетган улуғ бобокалонлар, миллий ғурур, урф-одатлар мадҳи, ўзбекнинг ҳеч кимдан кам эмаслиги масалалари анча баланд пардаларда тараннум этилмоқда.

Истиқлол даври шеърятининг бошқа бир жиҳати, субъективизм меъерининг ошиб кетишидир, дедик.

Эҳтимол, бундай дейишнинг ўзи бироз эриш туюлар. Чунки ўзбек поэзияси XX асрнинг 90-йилларигача деярли айнан шу имконга эҳтиёж туйиб келган эса-да, субъективизм адабиётимизда кўрина бошлагандан 15 йил кейин «субъективизмнинг меъёри ошиб кетди» дея ёзгирсак, албатта ғалаги эшитилади. Лекин, на чора, ҳақиқатнинг кўзларига тик қараш керак. Шундай қилинганда, аён бўлган бор гап шундан иборатки, 90- ва 2000-йилларда фаол ижод қилаётган кўпчилик шоирларимиз ижодида сўзнинг ҳақиқий маъносида ўз субъектив дунёсига маҳлиёлик мавжуд. Унинг учун фақат ўз олами ва бу оламда ўзигагина алоқадор дардлар бор, бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса шоир кўнглини безовта қилишга қодир эмасдек. Албатта, бу билан биз шоир ўз оламини ифода қилмаслиги керак, демокчи эмасмиз. Бизнинг таъкидлаб айтмоқчи бўлаётганимиз шуки, шоир кейинги 15-20 йил мобайнида бир қадар кичрайиб бораётгандек, «майдагап»га айланиб қолаётгандек. Солиштириш учун бир-икки мисол келтирамиз, адабиётимиз тарихига назар ташлаймиз. Чўлпонни, Ҳ. Олимжонни, Ф. Фуломни, берирокдаги А.Орипов, Э. Воҳидов, Р. Парфию, Ш. Раҳмонни эслаймиз. Улар ёзган, каламга олган мавзуларни ёдга оламиз. Чўлпон озодликни, истиқлолни қуйлади. Бу халқ дарди эди, бироқ Чўлпон шу дардни ўзиники қилиб олди, гўё миллат қайғусини ўз бошига тилаб олгандек. Кўпнинг орзу-армони шоир «мен»ида персонификация бўлди. Нагижада Чўлпон юраги озодлик учун қайғурган, қон тўккан халқнинг қалбига айланди. Унинг шеърларини ўқиб туриб, хаёлга ҳеч қачон «бу кўпчиликнинг, бировнинг дардини қуйлаяпти» деган ўй келмайди, аксинча, шоирнинг ягона ва энг муқаддас дарди айнан Истиқлол бўлганига шубҳа қилмайсан, киши: яъни Чўлпонда яқка шахс-шоир ва кўпчилик – умумхалқ дарди, орзу-армони тенглашган:

*Ай! Сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!
Ай! Устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган,
Ай! Бўйнимга кишан солиб, ҳалокатга судраган,
Кўзларингни заҳарлатиб уйнатмагил, бас энди!!
Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узулур,
Томиримда кўзголишининг ваҳший қони гупурди.
Эски фикр, анъаналар энди буткул узулди,
Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузулур!
Ай! Сен, мени қул ўрнида ишлатувчи афанди!
Титра, кўрқ-ким, боғлиқ қулинг бош кўтарган куч энди!..*

Ҳ. Олимжоннинг Ўзбекистон шеърида, Ғ. Фуломнинг «Сен етим эмассан», «Соғиниш», «Қутиш», «Вақт» каби шеърларида ҳам шунга яқин ҳолни кузатиш мумкин. 60-йилларга келиб эса шоир «йиғлай» бошлади. Қарангки, бу йиғи халқнинг бўғзида котиб турган экан. Бошқача айтганда, шеъриятга мунг кириб келди ва у кўпнинг юракларидаги тошнинг эришига ёрдам берди. Ёки 70-йиллар авлоди шеъриятидаги адолатга ташналикни эслаб кўринг. Буларнинг ҳаммасини шоир тўқиб ёзгани йўқ. Булар – Истиклол, мунг, адолатпарварлик... аввало, халқнинг бир бўғини – шоир шахсиятида пишиб етилди, сўнг табиий нидо бўлиб, атрофга ёйилди. Шу маънода истеъдодлар ҳозир ҳам кўп бўлишига карамай, шоир мени ва халқ иродаси ўзаро бир жойда тенг келган, бир-бирига пайвандланиб, уйғунлашган, натижада битта кучга айланган шеърий ҳодиса кузатилаётган эмас. Хўш, нега? Чунки, совет империяси қулаб, юртимиз мустақил бўлгач, мамлакатда ўзгача ижтимоий-сиёсий, маданий-психологик кайфият ҳукм сура бошлади. Аввалги ягона ҳукмрон синф – «ишчи меҳнаткашлар» ўз қобиғини ёриб чиқиб, кўпдан-кўп ва хилма-хил моддий ва маънавий даражага, кайфиятга мансуб табақаларга бўлиниб

кетди. Оқибатда, жамиятда турли-туман кайфиятдаги қатламлар пайдо бўлдики, бу собиқ Иттифоқ давридаги ягона синфнинг деярли бир хил кайфиятидан тубдан фарқ қилади. Шоир эса... битта. У бир пайтнинг ўзида ҳамма қатламларнинг бир-биридан кескин ажралиб турувчи кайфиятини ифодалай олмайди. Қўринадики, шоир ҳар қанча тиришиб, кўп ёзгани билан ўзи яқин бўлган қайсидир қатлам нуқтаи-назарини ёрита билади, холос.

Бу – биринчидан.

Иккинчидан, мамлакатнинг дунёга очилиши билан бирга, ҳаётимизга ҳамма соҳада жадал суръатда янги техника кириб келди: замонавий автомобиллар, уяли телефонлар, DVD, компьютерлар, интернет ва ҳоказоларнинг турмушимизга, яшаш ва фикрлаш тарзимизга таъсири мисли қўрилмаган даражаларга етди. Кўп ҳолларда шоирнинг табиий, лекин заифгина овози юқорида саналган ва саналмаган техниканинг сунъий, аммо жуда баланд нотадаги жаранги ичида назардан четда қолди. Замондош инсоннинг фикру ёди энди бутунлай бошқа нарсалар, ўзга дунёлар билан банд бўлиб, адабиёту санъатга вақт ва хоҳиш тополмаётир. Қўринадики, шеъри ўқилмаган шоир ўз-ўзидан жамиятга, одамларга таъсир кучини йўқотиб, маълум маънода ўзи билан ўзи “ўралашиб”, “хонанишин” мақомга тушди. Субъективизмнинг кучайганлиги, шоирнинг фақат ўз кўнгли билан тиллашишга интилаётгани сабабларидан яна бири – шу!

Учинчидан, собиқ Иттифоқ даврида «дин – афъондир!» дея атеистик сиёсат юргизилган, натижада одамлар юрагидаги илоҳиётга бўлган ишонч ва эҳтиёж маълум маънода адабиёту санъат даргоҳларида қондирилар эди. Тўғрироғи, улар ўша эҳтиёжларини китобдан, ада-

биёту санъатдан топмокчи бўлардилар, маълум маънода толардилар ҳам. Демак, бу ўринда адабиётнинг жамиятдаги, одамлар ҳаётидаги аҳамияти ортиб, мукаддаслик касб этганди. Иттифок парчаланиб, ҳар бир республика ўз ихтиёрига эга бўлгач, мамлакатда динга йўл очилди, одамлар эмин-эркин диний фарзларини бажара бошладилар. Натижада дин адабиётдан «ажралиб» чикди. Худди шунингдек, аввал адабиёт-санъат рамзий маъноларда бўлса ҳам ҳақиқатни айтиш майдони эди. Кейин адабиёт зиммасидаги бу ишни публицистика бажара бошлади. Адабиёт янада «кичрайди». Шу тахлит адабиётдан, шеъриятдан бирин-бирин «кўшимча куч»лар ўз «юрти»га учиб кетди ва у ўз «уйи»да ўзи қолди. Хўш, бу нимани билдиради? Илгари диний эҳтиёж туфайли шеър ру роман ўқиган ўқувчи энди тўғридан тўғри диний адабиётни, ижтимоий адолат қидириб санъатга бош урган ўқувчи эса шеър қисса воситачилигисиз турли мақола ёки бошқа публицистик адабиётни мутолаа қилишга киришди. Демак, адабиётнинг территорияси «торайиш» да давом этди...

Тўртинчидан, тамаддун суръати ва табиати бутун дунё халқлари орасида тамомила ўзгача бир қайфиятни вужудга келтирди. У ҳам бўлса, инсон мавқеи, соғлиги, тириклигининг ниҳоятда омонат эканлиги, улар, масалан, дунёнинг етакчи давлатлари раҳбарларининг келишмовчилиги ёки қайбирларининг ногуманистик сиёсати туфайли ва ёхуд экологик муаммолар, табиат инжиқликлари, хусусан, тўфонлар, бўронлар, зилзилалар оқибатида бутун-бутун шаҳар ё кишлоқлар тақдири кўз очиб юмгунчалик фурсат ичида ҳал бўлиб қолишининг шоир руҳиятига таъсири билан белгиланди. Бунинг оқибатида инсоният абадий қадриятлар ҳақида эмас, бугунги омонат жони тўғрисида кўпроқ

бош қотиришга мажбур бўлмоқда. Шоир-чи? У осмондан тушган фаришта эмас, шоир қалби замин устида неки содир бўлаётган бўлса, одамлар ҳаётида, онгида, кайфиятида нимаики яхши-ёмон ҳодисалар юз бераётган эса, ҳаммасини ўз ойнасида акс эттиргувчи шаффоф ва ҳассос борлик бўлиб, гирдоблар ичида қолиб кетмоқда. Ваҳоланки, чинакам шеърият, одатда, мангу кадриятларга ошно бўлгандагина ўзининг ҳақиқий кудратига эга бўлади...

Хуллас, кидирса, сабабларнинг бешинчиси ҳам, ўнинчиси ҳам топилади, албатта. Лекин, ўйлайманки, белгилловчи асосийлари юқорида саналганлардир. Маълум маънода бугунги шоир – истиқлолимиз даврида ижод қилаётган санъаткор, тўрт қатор шеър ёзиш учун, аввало, ана шундай сабаблар – ижтимоий-психологик муҳит тўсиқларини енгиб ўтиши керак ва енгиб ўтиб қалам тебратаётган жасорат соҳибларидир.

Истиқлол даври адабиёти, хусусан, шеърияти бора-сида сўз юритганимизда, кейинги 15-20 йил мобайнида тобора ўз мухлислари меҳрини қозониб бораётган модернизм шеърият устида ҳам тўхталмак жоиз. Чунки XX аср аввалидан бери шеъриятимиз асосан бармоқ вазнида, ҳамда қисман арузда ўзини намоён этиб келган эди. 70-80- ва айниқса, 90- ва 2000-йилларда анъанавий поэзиядан ҳам ифода усулига кўра, ҳам мазмун-моҳиятига кўра етарлича фарқланиб турувчи шеърий йўналиш пайдо бўлиб, яна ўз ўрнига эга бўлиб улгурди. Аслида, бундай шеърлар ўша Чўлпонда, кейинроқ Асқад Мухтор, Рауф Парфи ва 70-йиллар авлоди ижодларида ҳам мавжуд эди. Бироқ шаклланган йўналиш сифатида у 90-ва 2000-йилларда ўзини кўрсатди. Бу йўналишнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир:

– воқеабандликдан, тасвирдан, баёндан деярли воз

кечиш ва бунинг ўрнига метафора ва деталларга ургу бериш;

– сиқиклик;

– санъат майдонида “ўйин”га ружу қўйиш, шеърий санъатлар ролининг ортиши;

– бутун ҳақида парча орқали маълумот етказиш. Чунончи, биргина гамгин кўзлар ифодаси орқали инсоннинг бутун-бутун ҳолатлари, кечинмалари, орзу-армонлари ва ҳоказолари тўғрисида “ҳикоя қилиш”га уриниш;

– шоир «мен»и учун кўнгилнинг, унинг ҳолатию «дунёга қараши»нинг бирламчи эканлиги;

– шаклда ўзига хослик. Ёки шаклда шаклсизлик, деса ҳам бўлади. Албатта, модерн шеър ҳам ўзига хос ритм ва бошқа муайян қоидаларга амал қилсагина юқори таъсирлилик даражасига эришмоғи бор гап. Лекин унинг учун муҳими – шакл эмас, бу шеър ғояни шаклга эмас, балки шаклни ғояга қурбон қилиб юборади ва ҳоказо...

Истиқлол даври шеърияти ифода усулига кўра ҳам турли-тумандир. Фикримизча, шулардан асосийлари бештадир:

1. Анъанавий бармоқ
2. Халқона оҳанг
3. Аруз
4. Модернистик оҳанг (ёки оҳангсизлик)
5. Синкретик (қоришиқ) ифода усули...

Албатта, бундай таснифларнинг баҳсталаб ўринлари, мулоҳазали жойлари бўлиши мумкин. Лекин муҳими, мазкур мўъжазгина тадқиқотимиз шуни кўрсатмоқдаки, Истиқлол даври ўзбек шеърияти бу – ёмғирдан сўнг потраб ўсиб чиққан кўзиқорин эмас, аксинча, асрлар давомида тинимсиз ўзгариб-янгиланиб келаётган ўлмас жараённинг қонуний бир узви бўлиб, ўзида жуда катта ва кўпдан-кўп тажрибаларни жамлаган ғоят мураккаб ва бебаҳо адабиётимизнинг бир бўлагидир. У шуниси билан ўзидан аввалги барча даврларга ҳам ўхшайди,

хам ўхшамайди. Ўхшаш жиҳати – ўша даврлар шеърятидан ўсиб чиққан, бинобарин, уларнинг энг яшовчан унсурларини ўзига мерос қилиб олган. Фарқли жиҳати – дунёга кенг очилган жамиятнинг, хусусан, унинг бир аъзоси ҳисобланмиш шоирнинг озод тафаккурини ўзида акс эттиради. Шунинг учун у кўпқатламли мазмун-моҳиятга эга.

XX аср аввалидан ибтидо олган янги ўзбек шеърятини ҳам яқраб эмас эди, бироқ, барибир, у умумий яхлит ғояга қайси бир жиҳатлари билан бўйин сунади. Бугунги шеър кечаги ижтимоий-сиёсий, мафкуравий битиклардан фарқ қилиб, бу – субъект нидоси, шахс бўлиб етишиш йўлидаги Шоир ҳайқириғи. Унинг кучли ва ожиз томонлари шу ерда мужассам...